

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2022
5-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274



*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.
1996-yilda tashkil etilgan.*

Tahrir hay'ati raisi:

Sh.U.Yakubov

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or
texnologiyalarni tatbiq etish markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:

M.X.Esanov

Bosh muharrir:

A.T.Eshmurodov

Bosh muharrir o'rinbosari:

A.A.Sabriyev

Tahrir hay'ati a'zolari:

L.R.Zaripov

A.A.Dadasheva

Sh.A.Rasulov

M.M.Inagamova

S.Q.Maxsumova

S.S.Samandarova

S.S.G'oziyev

O.N.Toshpulatov

Jamoatchilik kengashi a'zolari:

Q.X.Abduraxmanov

Sh.T.Qudratxo'ja

G.Sh.Rixsiyeva

Sh.S.Sirojiddinov

R.I.Xolmurodov

A.I.Toshpulatov

N.M.Jabborov

M.A.Raxmatullaev

T.Z.Teshabayev

M.Q.Sultonov

Dizaynerlar:

M.Yo'ldashev

Sh.B.Sobirov

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Olim Alimnazarov.

“Elektron ta'lim muhitida mustaqil ta'limni tashkil etish metodikasini takomillashtirish vositalari” 5

Buxolida Supiyeva.

“O'qituvchilarni uzluksiz kasbiy rivojlantirishda axborot texnologiyalarining pedagogik asoslari” 8

Дилшод Турдибоев.

“Математика таълим жараёнини халқаро баҳолаш тизими асосида ташкил қилишда дидактик тамойиллардан фойдаланиш” 11

Elza Salakhova.

“The communicative approach in teaching a foreign language” 15

Хамидулла Мелиев, Сирож Кулдашев.

“Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари” 17

Muxabbat Mirazimova.

“Bola tarbiyasida oiladagi ma'naviy muhitning ahamiyati” 20

Диёрбек Қўчқаров.

“Профессионал таълим тизимини такомиллаштириш, жадаллаштириш ва ривожлантириш йўналишлари” 23

Фируза Давлатова.

“Акмеологик ёндашув асосида ўқитувчиларда юксак профессионализм ва педагогик ижодкорликни шакллантириш” 26

Gafur Abdilakimov.

“Mamlakatimizda kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari” 30

Nasiba Shomirzayeva.

“Talabalarni sport turizmga qiziqishini rivojlantirish” 33

Эрнест Хуршут, Рустам Базаров, Дмитрий Базаров,

Ильхом Салахутдинов.

“Аннотирование геномов прокариот на примере бактерий рода Erwinia” 36

Дилшода Сатторова.

“Ўқитувчиларни касбий ривожлантиришда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш: хориж тажрибаси (Германия мисолида)” 42

Muassislar:

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi

Manzil: 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Shifo nur ko'chasi, 75-uy

Telefon: (71) 207-03-41

e-mail: rmxat@edu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014 yil 26 dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Jurnal har oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.

“Ta'lim, fan va innovatsiya” jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2015 yil 18 noyabrda 218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha, 2018 yil 28 noyabrda 247/6-sonli qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY FANLAR bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Ta'lim, fan va innovatsiya” jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi. Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin.

Jurnalning to'liq matnini esijournal.uz rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.

Maqola va murojaatlaringizni [@esijournalbot](https://t.me/esijournalbot) telegram bot'iga yuboring.

Ximmat Eshbayev.

“Umumta'lim maktab o'quvchilarini jismoniy tarbiya fanini o'qitishda jismoniy tarbiya o'qituvchisining pedagogik yondashuvi” 46

Muyassar Norberdiyeva.

“Kislorodli organik spirtlarning kimyoviy xossalari o'ld umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish” 49

G'ofur Eshmanov.

“Mujrim-Obidning badiiy mahorati” 53

Кушарбай Суяров, Сангирова Замира.

““Табий фанлар”ни ўқитишда ўқувчиларда физик тушунчаларни шакллантиришнинг методикаси” 55

Аъзам Холмуродов.

“Нодавлат таълим ташкилотларда малака ошириш жараёнлари самардорлигини оширишнинг инновацион модели” 60

Sayida Abdiyeva.

“The necessity of bringing CLIL approach in education system in Uzbekistan and providing schools and lyceums with expert teachers in these spheres” 63

Махлиё Қудратова.

“Аёл ва жамият” 67

Gafur Abdilakimov.

“Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini qo'llab quvvatlashda imtiyozlar berish tizimini takomillashtirish” 70

Дилафруз Раджапова.

“Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда инновацион ёндашувнинг аҳамияти” 73

Ramazon Haydarov.

“Bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining kasbiy kompetentligini rivojlantirishda axborot texnologiyalarining o'rni” 76

Gulbaxor Akbarova, Umida Xanimkulova.

“Biologiyada mustaqil ishlar va ularning ta'limdagi roli” 80

Тўйчи Дўсбеков.

“Замонавий педагогик технология методлари” 83

Marjangul Kamilova.

“Pedagogik kasbiy kompetentlik, kompetentlikka asoslangan ta'lim” 86

Карим Ядгаров.

“Узлуксиз таълимда бўлажак муҳандисларни тайёрлашда тажриба машғулотларидаги инновациялар” 89

Sarvinoz Norboyeva.	
“Bo‘lajak pedagoglarda mafkuraviy immunitetning rivojlanishida axborotning tutgan o‘rni”	93
Пхом Хурамов.	
“Innovatsion yondoshuv asosida professional ta’limda ijtimoiy hamkorlikni amalga oshirish mexanizmi”	96
Maftuna Sattorova.	
“O‘quv jarayonini tashkil etishda aralash ta’lim texnologiyasidan foydalanish yo‘llari”	99
Manzura Muhammadiyeva, Marjona Xamidjonova.	
“Bolalarda mas’uliyatlilikni faoliyatlar integratsiyasi asosida shakllantirish modeli”	102
Shokir Berdiyev.	
“Fizika fanini o‘qitishda ilg‘or pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanish ko‘nikmalari”	106
Сурайё Самиева.	
“Тожик тилида эфемик маъноларнинг ифодаланиши”	110
Ойдин Алимбекова.	
“Эффективные подходы музыкального образования ”	113
Саминжон Эватов.	
“Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлиги ривожланиш даражасининг педагогик-психологик хусусиятлари”	115
Роҳила Норқўчқорова.	
“Қадриятларга муносабатнинг ўқувчиларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти”	119
Ма’рифат Бутайорова.	
“Talabalar tafakkurini gender tenglik va farqlar asosida shakllantirish”	122
Худоймурод Дусяров.	
“Ноанъанавий дарс шакллариинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти”	125
Dildora Davronova.	
“Oilaviy muhit barqarorligida ma’naviy-axloqiy tarbiyaning o‘rni”	128
Jamila Shodiyeva.	
“O‘quvchilar dunyoqarashini shakllantirishda ertaklarning ilmiy jihatlari”	131
Nargiza Muhamadiyeva.	
“Texnologiya fani amaliy mashg‘ulotlarida hunarmandchilikka oid o‘quvchi kreativ faoliyatini rivojlantirish mexanizmlari”	134
Раҳима Жиянқулова.	
“Технологик таълим йўналиши талабаларини педагогик фаолиятга тайёрлашда миллий-маънавий кадриятларга оид маълумотлардан фойдаланиш”	137
Manzura Muhammadiyeva, Ozoda Tursunova.	
“Bo‘lajak tarbiyachining rivojlantiruvchi markazlarda o‘quv-biluv faoliyatini motivatsiyalash qobiliyatini shakllantirish”	141
Асроридин Самиев.	
“Ҳадис илмининг тарихи ва унинг педагогик аҳамияти”	143

Shoira Shodmonova, Haqnazar Hamzayev.

“Ta'lim jarayoni samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanishning ustuvorligi” 148

Умида Абирова.

“Ўзбекистонда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигининг устувор масалалари” 151

Dilfuza Xo'jamberdiyeva.

“O'quvchilarda axborot bilan ishlash kompetentligini rivojlantirishning innovatsion texnologiyalari (“Informatika” fanini o'qitish misolida)” 154

Барно Саидова.

“Хотин-қизлар таълимига оид таълимотларнинг вужудга келишига асос бўлган омиллар” 159

Malika Umarova.

“Zamonaviy ta'lim va innovatsion texnologiyalar sohasidagi ilg'or xorijiy tajribalar – Fransiya davlati ta'limi tizimi” 165

Дилшода Мирзажонова.

“Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган аёллар билан якка тартибдаги ишларни олиб бориш усуллари” 168

Nilufar Matkarimova.

“Prezident maktabi o'quvchilarining ijodiy qobiliyatini shakllantirish modeli” 171

ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA MUSTAQIL TA'LIMNI TASHKIL ETISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH VOSITALARI

Olim Alimnazarov,

Termiz muhandislik – texnologiya instituti o'qituvchisi,

Annotatsiya

Ushbu maqolada kuzatuv, qiyosiy tahlil, modellashtirish, so'rovnomalaridan foydalanib, o'quvchilarning elektron ta'lim muhitida mustaqil ta'limni tashkil etish jarayonida elektron ta'lim resurslaridan foydalanish metodikasini takomillashtirish masalalari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: Prezi, Pydroid, Coding C++, Kompas 3D, kompetentlik, kreativlik.

Аннотация

В данной статье рассмотрены вопросы совершенствования методики использования электронных образовательных ресурсов в процессе организации самостоятельного обучения учащихся в среде электронного обучения с использованием методов наблюдения, сравнительного анализа, моделирования, анкетирования.

Ключевые слова: Prezi, Pydroid, Coding C++, Kompas 3D, компетентность, креативность.

Annotation

This article dealt with the issues of improving the methodology of using electronic educational resources in the process of organizing independent education in the e-learning environment of students using methods of observation, comparative analysis, modeling, survey.

Keywords: Prezi, Pydroid, Coding C++, Compass 3D, competence, creativity.

Ta'lim jarayonlarini takomillashtirishning muhim yo'nalishlaridan biri – bu ta'lim jarayoni bilan innovatsion texnologiyalarining integratsiyasini ta'minlash hisoblanadi. Ta'lim jarayonini rivojlangan davlatlar tajribasi bilan uyg'unlashtirish va uni tubdan isloh qilish elektron ta'lim muhitida o'quvchilarning mustaqil ta'lim olish jarayonlarini tashkil etishda strategik masala sifatida namoyon bo'ladiki, bu jarayonda innovatsion texnologiyalarning rivojlanishi natijasida o'quvchilarning mustaqil ta'limni tashkil etishda samaradorlikni oshirish, mazkur innovatsion texnologiyalar, jumladan: Kompas 3D muhandislik dasturi, Prezi taqdimot dasturi, Pydroid, Coding C++ mobil dasturlaridan foydalanish bo'yicha kompetensiyalarni shakllantirish kerak bo'ladi. Bular ta'lim jarayonini takomillashtirish yo'nalishlaridan biri bo'lib, o'quvchilar uchun mustaqil ta'lim olish imkoniyatlari, ta'limning elektron resurslarini shakllantirish va rivojlantirishda kerakli bo'lgan sharoitlarni ta'minlashdan iboratdir.

Innovatsion texnologiyalar o'quvchilar uchun mustaqil ta'lim jarayonini tashkil etishda qulay imkoniyatlarni taqdim qiladi. Bugungi kunda ta'lim muassasalarida elektron shaklda ko'plab elektron ta'lim resurslari ishlab chiqilgan, ammo ulardan foydalanishning kompetensiyaviy yondashuvi yetarli darajada shakllantirilmagan. Bu esa o'quvchilarda elektron ta'lim resurslari bilan ishlashda ularda jarayonni imitatsiya qilish qobiliyatlariga asoslangan kreativlik asosidagi maxsus kompetensiyasi yetarli darajada shakllantirilmaganligi bilan bog'liqdir.

N.Muslimovning “Kasb ta'limi o'qituvchisini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari” mavzusidagi

doktorlik dissertatsiyasida inglizcha “competence” tushunchasi “qobiliyat” deb ta'riflagan, biroq kompetensiya tushunchasi bilim, ko'nikma, mahorat va qobiliyatni tavsiflaydi. Professional ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni tatbiq etilishi borasida erishilgan muvaffaqiyatlarga qaramasdan, natijalar tizimlashtirilmagan, tarqoq shaklga ega hisoblanadi, deb ta'kidlaydi olim [7, 96].

A.Jo'rayevning fikricha, kompetentlik – bu faqatgina o'zlashtirilgan bilimlar va tajribalarning mavjudligi hamda salmoqli hajmi bo'libgina qolmasdan, balki ularni kerak vaqtda qo'llay olish va o'zining xizmat vazifalarini bajarish jarayonida ulardan foydalana olish ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni tatbiq etilishi borasida erishilgan muvaffaqiyatlarga qaramasdan, natijalar tizimlashtirilmagan deb ta'kidlaydi [8, 28].

O'quvchilarning mustaqil ta'limni tashkil etish jarayonlarini innovatsion texnologiyalari asosida takomillashtirishda, mutaxassislik ta'lim yo'nalishlarining talablari-ga mos ravishda, mustaqil ta'limni tashkil etish jarayonida elektron ta'lim resurslaridan foydalanish orqali integratsiyalashgan ta'lim jarayonini ya'ni elektron ta'lim muhitini joriy etish bilan bevosita bog'liqdir. Bunday muhitni tashkil etishda, birinchi navbatda, ta'lim muassasalarida innovatsion texnologiyalari vositalari va elektron resurslarini shakllantirish, ya'ni ushbu ta'lim jarayoni foydalanuvchilarini yagona tarmoqqa birlashtirish, ularni internet tarmog'idan foydalanish imkoniyatlarini ta'minlash, ta'lim muassasasida ta'lim jarayonini boshqarish, hujjatlar elektron almashinuvini tashkil etish, elektron o'quv qo'llanmalar, audio va video havolalar yordamida o'quvchilarning

mustaqil ta'lim olish faoliyatini tashkil etish kabi maqsadlarni amalga oshirish kerak bo'ladi.

Ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni joriy etish natijasida bo'lajak mutaxassis kadrlarni tayyorlashni axborotlashtirish – bu yaxlit pedagogik jarayonni tashkil etishni takomillashtirishning muhim sharti hisoblanadi [2].

O'quvchilarning ijodiy kreativligi uning individual xususiyatlari (fikrlashi, jarayonga ijodiy yondashishi, intilishi va boshqalar)ning rivojlanish darajasi bilan belgilanadi [5, 39]. Bo'lajak mutaxassis kadrlarning ijodiy individalligini rivojlantirish hamda takomillashtirish pedagogik jihatdan muhokamali jarayon ekanligiga e'tibor qaratgan holda, ularning yechimini aniqlashda noodatilik va maqsadga yo'naltirilganlik kabi kasbiy xislatlarini shakllantirish talab etiladi [3, 122].

Ta'lim muassasining elektron ta'lim muhitini tashkil etishning muhim shartlari va maqsadi sifatida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-sentabrda PF-5812- son "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni [1]ga asosan, tashkil etilgan professional ta'lim muassasalari bilan Respublikamizdagi mavjud oliy ta'lim muassasalari hamda xalqaro ta'lim muassasalari o'rtasida hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'yish maqsadida mazkur jarayonga HEMIS ("Higher Education Management Information System") ta'lim platformasi, ya'ni oliy ta'lim muassasalarining asosiy faoliyatlarini avtomatlashtirish hisobiga ma'muriy xodimlar, professor-o'qituvchilar va talabalarga elektron ta'lim xizmatlarini taqdim etish imkoniyatlariga ega bo'lgan axborot ta'lim platformasini joriy etish maqsadga muvofiq bo'lishi mumkin. Negaki ushbu axborot ta'lim platformasi ta'lim muassasalaridan olinadigan turli xil ma'lumotlar sonini keskin kamaytirish, ularning qog'oz shaklidan voz kechish, shuningdek, boshqaruv jarayonini avtomatlashtirish va raqamlashtirishda foydalaniladi.

Elektron ta'lim muhitida innovatsion didaktik va texnologik yechimlar ta'lim jarayonini boshqarish hamda uning barcha ishtirokchilari o'rtasidagi masofaviy aloqani avtomatlashtirishni ta'minlaydigan masofaviy ta'limdan foydalanishda asosiy didaktik muammolarning yechimini aniqlashda yagona texnologik platformani joriy qilishga qaratiladi.

Ta'lim muassasalarida elektron ta'lim muhitini tashkil etish – bu ta'limning didaktik imkoniyatlarini mavjud jarayondan kelib chiqqan holda, turli yondashuvlar asosida tartibga solishni talab qiladi.

"Ta'limda elektron ta'lim muhiti" aniq maqsadga yo'naltirilgan ta'lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalarning integratsiyasi orqali ta'lim samaradorligini ta'minlovchi shaxsga yo'naltirilgan ta'lim turi hisoblanadi.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim – o'quvchilarning ushbu jarayonga mos ravishda fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish hamda ularning ehtiyojlarini ta'minlashga qaratilgan

tamoyillarini e'tiborga olgan holda, ularning shaxs sifatidagi xususiyatlarini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim hisoblanadi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'limning muhim ahamiyatga ega bo'lgan jihatlari shundaki, o'quvchilar shaxsini tan olish, ularni har tomonlama rivojlantirish uchun qulay, kerakli muhitni tashkil etishdan iboratdir [4].

Ta'lim jarayonida elektron ta'lim muhitida elektron ta'lim resurslaridan foydalanib, mustaqil ta'limni tashkil etish jarayonida o'quvchilarning kompetensiyalarini shakllantirish maqsadini belgilash quyidagi davrlarni e'tiborga olgan holda amalga oshiriladi [6, 163]:

- muhitni tahlil qilish maqsadi belgilangan holda, natijalar o'rganiladi;
 - o'quvchi shaxsiga mos ravishda amalga oshiriladigan tadbirlar belgilab olinadi;
 - bevosita ta'lim muassasasining elektron ta'lim muhiti maqsadi va mazmuni aniqlanadi;
 - har bir o'quvchi shaxsining yoshi va individual xususiyatini o'rganib, unga mos topshiriqlar ishlab chiqadi.
- Ta'lim jarayonida elektron ta'lim muhiti quyidagi ko'rsatkichlarga ko'ra tashkil etiladi:
- har qanday darajadagi elektron ta'lim muhiti murakkab strukturali obyekt bo'lib hisoblanadi;
 - ta'lim va elektron ta'lim muhitining umumiyliги va bog'liqligi samaradorlik bilan bog'liq hisoblanib, ularning integratsiyasini ta'minlaydi;
 - elektron ta'lim muhiti ta'lim samaradorligini ta'minlovchi omil bo'lishi bilan birga, uning resurslar majuasini hamdir.

Ta'limda elektron ta'lim muhitini tashkil etish va uni boshqarishda shaxsga yo'naltirilgan kompetensiyaviy yondashuvni joriy qilish talab qilinadi. Aynan belgilangan maqsadlar mazkur ta'limning maqsadi, tashkiliy shakllarini tanlashda asos bo'ladi. Mazkur ta'limning maqsadi – inson resurslarini rivojlantirish, ularda mahalliy va xalqaro mehnat bozori talab qilayotgan amaliy kompetentlikni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday jarayonlarda o'quvchilar tomonidan mustaqil ta'lim sharoitida ko'proq faoliyat olib borishlarining ahamiyati yanada ortadi va ularda quyidagi ko'nikma va malakalarni shakllantirish talab qilinadi:

Mustaqil ta'limni tashkil etish jarayonini rejalashtirish kompetensiyalari:

- mustaqil ta'limni tashkil etish metodikasini qamrab oluvchi islohotlarning yo'l xaritasini belgilab olish;
- belgilab olingan yo'l xaritasi asosida maqsadli tadqiqotlar olib borish;
- olib borilgan tadqiqotlarini tahlil qilish va natijalarni umumlashtirish.

Internet tarmog'i va boshqa axborot vositalari orqali kerakli ma'lumotlardan foydalana olish kompetensiyalari:

- kerakli axborotlarni mustaqil aniqlash;
- kerakli axborotlarni mustaqil tahlil qilish va baholay olish;

- yechimi aniqlanishi kerak bo'lgan muammo mohiyatidan kelib chiqib, axborot manbalarini izlash;
- olinayotgan axborotlardagi natijalarni tushuna olish.

Elektron ta'lim resurslari ustida ishlash kompetensiyalari:

- elektron resurslar (muhandislik dasturlari, mobil dasturlar, elektron darsliklar, elektron qo'llanmalar va boshqa vositalar)dan foydalanish;

- internet tarmog'idan olingan resurslar ro'yxatini tahrirlash qoidalari asosida tartiblash.

Axborot texnologiyalari resurslari orqali taqdim etilgan matnli ma'lumotlar bilan ishlash kompetensiyalari:

- matnli ma'lumotlar mavzusi, rejasini hamda adabiyotlar ro'yxatini belgilab olish;

- taqdim etilgan axborotlarning asosiy muammosi, g'oyasi va xulosalarini aniqlab olish;

- yechimlari aniqlanadigan muammoning asosiy mohiyatini yoritib beruvchi kalit so'zlarni qisqacha bayon etish;

- taqdim etilgan axborotlarni qayta ishlash, saqlash, shuningdek, ularning mazmun-mohiyati va g'oyalari asosida tahrirlab kengroq bayon etib borish.

Ta'lim muassasasida elektron ta'lim muhiti maqsadini belgilashda ushbu jarayonlarning davriy algoritmi belgilab olinadi:

- birinchi davrda, muhitni tahlil qilish natijalari tadqiq qilinadi;

- ikkinchi davrda, amalga oshiriladigan tadbirlar rejasini belgilab olinadi;

- uchinchi davrda, bevosita ta'lim muassasasining ta'lim jarayonida elektron ta'lim muhitidan foydalanish maqsadlari rejasini ishlab chiqiladi.

Innovatsion texnologiyalar asosidagi ta'lim jarayoni

deganda, o'quvchilarning mazkur innovatsion texnologiyalar, ya'ni elektron resurslar bilan ishlash kompetensiyalarini shakllantirishga qaratilgan bo'lib, uning tashkil etilishiga quyidagi omillar ta'sir ko'rsatadi:

- ta'lim olish ehtiyojlari;
- soha mutaxassislarining metodologik ta'sirlari;
- elektron ta'lim resurslarining taraqqiyoti;
- ta'lim jarayoni samaradorligini ta'minlash jarayoniga qaratilgan ehtiyojlar.

HEMIS ("Higher Education Management Information System") axborot ta'lim platformasi professional ta'lim muassasalari o'quvchilarining ta'lim faoliyati boshqaruvi-ni amalga oshirish imkoniyatini taqdim etadi. Shu o'rinda ta'kidlash kerakki, mazkur ta'lim platformasi masofaviy o'qitishga mo'ljallangan bo'lib, u orqali o'quvchilarning mustaqil ta'lim jarayonini samarali tashkil etish imkoniyati mavjud hisoblanadi. Mustaqil ta'lim jarayoni o'qituvchi va o'quvchilarning hamkorligi tamoyillari asosida quriladi, ushbu jarayonni takomillashtirish uchun ta'lim jarayoni, shuningdek, innovatsion texnologiyalar integratsiyasidan foydalanish talab etiladi. Ushbu jarayonda innovatsion texnologiyalardan foydalanib, ta'lim samaradorligini oshirish uchun o'qituvchiga muhim talablar mavjud bo'lib, bugungi kun o'qituvchisi nafaqat mutaxassisligi yo'nalishida, balki mavjud ta'lim metodologiyasidagi ilg'or yo'nalishlar, ta'lim iyeraxiyasining uzluksiz va diskret xususiyatlari, ta'lim jarayonida foydalanishga tatbiq etilgan raqamli texnologiyalari bilan ishlay olish kompetensiyalariga ega bo'lishi kerak.

Demak, ushbu jarayonlarni samarali amalga oshirish uchun o'qituvchilardan doimiy ravishda o'z ustida ishlashi, sohadagi ilg'or ta'lim metodlarini ta'lim jarayonida samarali qo'llay olishi va innovatsion texnologiyalarini ta'lim jarayonida qo'llay olishlarini talab etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida". O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5812-son Farmoni. Lex.uz. 06.09.2019-y. <https://lex.uz/docs/4500926>.

2. Luiz Miguel Renda dos Santos and Shintaro Okazaki. Planned e-learning adoption and occupational socialisation in Brazilian higher education. *Studies in Higher Education*, <https://doi.org/10.1080/03075079.2015.1007940>, 2015.

3. Hamidov J.A. Kasb ta'limi o'qituvchilarini tayyorlashda o'qitishning zamonaviy didaktik vositalarini yaratish texnologiyasi // Monografiya. – T.: "Sano – standart" nashriyoti, 2017. – 160 b.

4. Stefanie Findeisen and Stefen Wild. General digital competences of beginning trainees in commercial vocational education and training. <https://doi.org/10.1186/s40461-022-00130-w>: *Empirical Res Voc Ed Train*. Springer Open, 2022.

5. Raximov Z.T. Talabalar mustaqil ta'limini tashkil etish metodikasi, Monografiya. –T.: "Voriz" nashriyoti, 2019. – 116 b.

6. Каджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах.: "Айрис – прес", 2006. – 256 b.

7. Muslimov N.A. Kasb ta'limi o'qituvchilarini kasbiy shakllantirishning nazariy – metodik asoslari.: *Dis. ... ped. fan. dokt.* – T.: 2007. – 275 b.

8. Jo'rayev A.R. Dasturlashtirilgan ta'lim vositalari asosida bo'lajak o'qituvchilar kasbiy kompetensiyalarini shakllantirish metodikasini takomillashtirish. *Ped. fan. bo'y. ... (PhD) dis.* Toshkent: 2019. –144 b.

O'QITUVCHILARNI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING PEDAGOGIK ASOSLARI

Buxolida Supiyeva,

Toshkent shahar pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi,
"Tillarni o'qitish metoikasi" kafedrasini mudiri

Annotatsiya

Mazkur maqolada o'qituvchilarni uzluksiz kasbiy rivojlantirishda axborot-ta'lim muhitini yaratish, o'qituvchilarni axborot bilan ishlash qobiliyatini rivojlantirish hamda internet texnologiyalarning pedagogik xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Shuningdek, Web texnologiyalarning o'qituvchiga o'quv materiallarini yetkazib berishda birmuncha yengillashtirilishi, dars jarayonida berilayotgan o'quv materiallarning takroriy holda namoyish qilish imkoniyatining mavjudligi, o'zlashtirish darajasining yuqori bo'lishiga erishishni tashkil qilish imkoniyatlari ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: o'qituvchi, uzluksiz kasbiy rivojlantirish, axborot-ta'lim muhiti, axborot bilan ishlash, qobiliyat, internet texnologiya, Web texnologiya.

Аннотация

В данной статье рассматриваются такие вопросы, как создание информационно-образовательной среды в непрерывном профессиональном развитии педагогов, развитие умения педагогов работать с информацией, педагогические особенности интернет-технологий. Также показано, что веб-технологии облегчают доставку учебных материалов учителю, возможность многократной демонстрации учебных материалов, данных в ходе урока, возможности организации для достижения высокого уровня усвоения.

Ключевые слова: педагог, непрерывное профессиональное развитие, информационно-образовательная среда, работа с информацией, умение, интернет-технологии, веб-технологии.

Annotation

This article discusses the creation of an information-educational environment in the continuous professional development of teachers, the development of the ability of teachers to work with information, and the pedagogical features of Internet technologies. Also, it is shown that Web technologies make it easier to deliver educational materials to the teacher; the possibility of repeatedly demonstrating the educational materials given during the lesson, and the possibilities of organizing to achieve a high level of mastery.

Keywords: teacher, continuous professional development, information-educational environment, working with information, ability, Internet technology, Web technology.

Hayot davomida ta'lim olish zamonaviy jamiyatning asosiy tendensiyalaridan biridir. Bu insonning doimiy ravishda yangi bilim olishga, kasbiy va shaxsiy o'sishga intilishiga zamin hisoblanadi.

Endilikda hayot davomida ta'lim olish konsepsiyasi har qachongidan ham ko'proq talabga ega. Zero, texnologik va biznes jarayonlarning jadal transformatsiyasi sharoitida axborot texnologiyalari asoslarini bilish, ulardan foydalanish va ular yordamida o'rganish qobiliyati nihoyatda zarur bo'lib bormoqda. Innovatsiyalar, moslashtiruvchanlik va doimiy o'zgarishlarga tayyorgarlik mehnat bozorining kuchli raqobatdosh ustunliklari hisoblanadi. Bugungi kunda barcha soha rahbarlari o'z tashkilotida, o'z xodimlarini doimiy ravishda ta'lim olishi va yuqori natijalarga erishishi uchun axborot texnologiyalarisiz mumkin emasligini tushunishadi.

Yangi O'zbekistonni barpo etish jarayonida maktab ta'limi umummilliy harakatga aylanib, soha rivojini sifat jihatdan yangi bosqichga olib chiqishda keng qamrovli chora-tadbirlar amalga oshirilib, bu borada soha pedagog xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimi sifatiga alohida e'tibor qaratilmoqda [1].

Bugungi kun o'qituvchisi zamon yangiliklarini tez ilg'ab olishi va uni ta'lim jarayoniga olib kirish bo'yicha bilim, ko'nikma, malaka va kasbiy kompetensiyaga ega bo'lishi kerak.

Biroq, tahlillarga ko'ra, o'qituvchilarda mazkur yo'nalish bo'yicha katta bo'shliqlar va muammolar borligi aniqlandi [3]. Ya'ni internet texnologiyalaridan kognitiv ta'lim hamda ta'limdagi mavjud muammolarini hal qilish uchun yetarli darajada foydalanish bo'yicha metodik ta'minotga ehtiyoj mavjud.

Ta'limni axborotlashtirish – bu o'quv jarayonining bugungi omilidir. Yangi axborot muhiti kasbiy talimning ehtiyojlariga to'la javob beradi. Bunday tushunish bizga kasbiy ta'lim jarayonida mutaxassislar, xususan, kasb ta'limi o'qituvchilarining axborot texnologiyalari bo'yicha tayyorgarligini oshirish imkoniyatlari haqida so'z yuritishga asos beradi.

Web texnologiyalarning ta'limdagi o'rni ko'p qirrali bo'lib, uni quyidagicha tasniflash mumkin: Web texnologiyalar axborot, jumladan, o'quvchiga zarur bo'lgan o'quv materiallarini tez yetkazib berish, axborot kommunikatsion texnologiyalarini qo'llash kompetensiyalarini

shakllantirish va rivojlantirish, shaxsning o'z-o'zini rivojlantirishi, ta'lim muhitining ochiqligini, adaptivligini ta'minlash hisoblanadi [2]. Web texnologiyalar ta'lim jarayoniga ijobiy ta'sir ko'rsatib, u o'quvchi – talaba shaxsiga yo'naltirilgan ta'limni tanlash imkoniyatini beradi. Fanda belgilangan vazifalarini bajarishda tinglovchilarning internet texnologiyalaridan foydalanish metodikasi bo'yicha bilimi bo'lmasa, ko'zlangan marraga yeta olmaydi. Chunki axborot va internet texnologiyalari hozirgi vaqtda ta'lim jarayonining zaruriy sharti hisoblanadi.

Internet o'zaro bog'liq tarmoqlardan tashkil topgan global infratuzilmadir. Kompyuterlar va boshqa elektron qurilmalar foydalanuvchilari o'rtasida masofaviy axborot va masofaviy muloqotga kirish imkonini beradi, shuning uchun ba'zi manbalardan "Internet – axborot-telekommunikatsiya tarmog'i" iborasini topish mumkin[4].

Kompyuter muhitida pedagogik muloqotning xususiyatlari:

vositachilik – ta'lim jarayoni sub'ektlari o'rtasidagi aloqa kompyuter o'qitish va o'zaro ta'sir qilish vositalari yordamida (orqali) amalga oshiriladi;

samaradorlik – har qanday aloqaning afzalliklaridan biri uning samaradorligi, qo'yilgan savollarga o'z vaqtida javob olish, kerakli xabarni olish, bajarilgan ishlarni uzatishdir.

Aynan shu jihatda tarmoq kommunikatsiya texnologiyalari o'quv jarayoni sub'ektlari va aloqa jarayonining boshqa barcha ishtirokchilariga muloqot vaqtida vaqt yo'qotilishini minimallashtirish bilan ta'minlaydi, onlayn va offlayn ish rejimlarida muloqot qilish imkoniyatini beradi.

Kompyuter tarmoqlari vositachiligidagi o'quv jarayonining xarakterli xususiyatlarini ajratib ko'rsatamiz:

individuallik – o'z suhbatdoshini tanlash va muloqot/trening yo'nalishi;

korporativlik – manfaatlar guruhlarida muloqot qilish, ehtimol maxfiy;

ommaviy xarakter – kompyuter muhitida muloqot istalgan cheksiz miqdordagi tinglovchilar (suhbatdoshlar) ulanishigacha bo'lishi mumkin;

quylik – har qanday ochiq mavzu qiziqarli bo'lishi va istalgan miqdordagi tinglovchilar uchun muhokama qilinishi mumkin;

mustaqillik – zamon va makondan, an'anaviy aloqa shakllaridan farqli o'laroq, zamonaviy aloqa vositalarining asosiy farqlovchi belgisidir;

tarqatish – mamlakatning istalgan nuqtasida, sayyorida joylashgan suhbatdoshlarning Internet orqali muloqot qilish uchun foydalanish;

virtuallik – ta'lim muammolarini ham, shaxslararo xarakterdagi muammolarni ham muhokama qilish uchun maxsus, vaqtincha shakllangan muloqot muhitini yaratish;

estetika – muloqot madaniyatini, o'z fikrini qisqqa, malakali va to'g'ri ifodalash qobiliyatini shakllantirish;

ko'p o'lchovlilik – kompyuter muhitida pedagogik muloqot, fanlararo aloqalarni jalb qilgan holda, muammolarni ko'p qirrali muhokama qilish, boshqa bilim sohalaridan ma'lumot va suhbatdoshlarni taqdim etish imkonini beradi;

ko'p qirralilik – muloqot nafaqat o'quv jarayonining ikkita subyekt, balki butun guruhning ushbu masalani tezkor muhokama qilishdagi ishtiroki (shu jumladan, nafaqat o'qituvchi bilan, balki tinglovchilar bilan ham muloqot qilish va kengaytirish imkoniyati bilan o'rnatilgan savolni muhokama qilishdan manfaatdor bo'lganlar tufayli), muloqot jarayonini faol va samaraliroq qilish imkonini beradi;

umummadaniy – kompyuter aloqasi sharoitida zamonaviy muloqotning juda muhim xususiyati – boshqa til muhiti va madaniyatining suhbatdoshlari bilan muloqot qilish, boshqa madaniy va milliy makonga kirish [5]. Boshqa qarashlar va din vakillari bilan qanday muloqot qilishni o'rganish muhimdir. Kompyuter aloqa vositalari o'qituvchilarga bag'rikenglik (tolerantlik), muloqot jarayoni barcha ishtirokchilarining do'stona munosabatini tarbiyalash imkonini beradi;

ishlab chiqarish qobiliyati – ta'limni axborotlashtirish sharoitida pedagogik aloqaning muhim xususiyati yuqori ishlab chiqarish qobiliyati va turli xil shakllarni ta'minlaydigan turli xil vositalardir.

Deyarli ta'limning har qanday shaklida yangi axborot texnologiyalari vositalaridan keng foydalaniladi. Masofaviy ta'limda tegishli "axborot-ta'lim muhiti yaratiladi, unda tinglovchilar uchun zarur axborot manbalariga kirish eng qulay tarzda tashkil etiladi. Qanday qilib va nimani tanlash kerakligini faqat u hal qilishi mumkin, dasturda ko'zda tutilgan asosiy materialga qo'shimcha ravishda, olingan ko'nikma va malakalarni mustahkamlash uchun qanday faoliyat turlari ko'zda tutilishi kerak" [5, 27].

Zamonaviy ta'lim tizimining asosiy maqsadlaridan biri axborot bilan ishlash qobiliyatini shakllantirishdir. Shu sababli, an'anaviy, bosma qo'llanmalardan sezilarli farq qiladigan, maxsus mos keladigan elektron darsliklar, masofaviy o'qitish kurslarini ishlab chiqish zarur. Ularni boshqa saytlarga, qo'shimcha axborot-resurslariga barcha kerakli havolalarni taqdim etgan holda tegishli qobiqlarga joylashtirish kerak.

Ma'ruzalarning o'zi nafaqat bosma (elektron) shaklda, balki slaydlar va videokliplar hamda audiovizual shaklda ham taqdim etilishi mumkin. Tinglovchilar uchun topshiriqlar muammoning mustaqil yechimini yaratishni talab qiluvchi mustaqil izlanish, izlanish, ijodiy faoliyatga ham qaratilishi mumkin. Shu bilan birga, ma'ruza matnining o'zida avtonom yoki hamroh bo'lib, tovushni aniqlaydi.

Ular faollashtiriladi va kerakli tushuntirishlar giperhavola yoki suzuvchi qatorda beriladi, bu esa matn bilan ishlashni sezilarli darajada osonlashtiradi, aqliy mehnat madaniyatini oshiradi. Lekin bularning barchasi komp-

yuter va internet texnologiyalarining noyob imkoniyatlaridan, multimedia vositalaridan foydalangan holda, ataylab tayyorlanishi kerak. Bu esa o'quv materialini tashkil qilish bilan bog'liq.

Ta'lim uchun onlayn platformalar. Internet texnologiyasi bugungi dunyoda eng foydali vositadir. Katta imtiyozlar va keng ko'lamli ilovalar ta'lim tizimini o'zgartirdi. Ta'lim taraqqiyotini rag'batlantiradigan va qo'llab-quvvatlovchi minglab platformalar mavjud. Masalan, M – platforma (<https://t.me/davlatiloiqituvchilari>) kabi metodik telegramm kanallaridan foydalanilganda, bugungi kun o'qituvchining zamonaviy talablar asosida dars kompetentligi shakllanadi. Platformada asosan dars o'tishning yangicha metodikalari berib boriladi. Shuningdek, turli fanlarni o'rganish uchun maxsus mo'ljallangan veb-saytlar mavjud. Qaysi sohaga mansubligingiz yoki qaysi turdagi ma'lumot va bilimlarni qidirmoqchi ekanligingiz muhim emas. Internet sizga kerak bo'lgan hamma narsaga ega. Bunday platformalarning ajoyib namunasi – fanlar bo'yicha tasniflangan o'quv manbasiga ega bo'lgan “Khanacademy”.

Internet orqali samarali o'qitish. Internet – ta'lim maqsadlarida “ma'lumot to'plash va tadqiqot qilish yoki turli fanlar bo'yicha bilimlarni o'rganish uchun keng qo'llaniladi” [6, 17].

O'qituvchi va o'quvchilarning o'zaro munosabati. Internet o'quvchilarga ijtimoiy tarmoqlar, xabar almashish ilovalari va chat forumlari yordamida o'qituvchilari yoki boshqa sinfdoshlari bilan doimiy aloqada bo'lish imkonini berdi. Ota-onalar farzandining maktabdagi faoliyati haqida o'qituvchilar va maktab ma'murlari bilan muloqot qilishlari va muloqot qilishlari mumkin. Forumlarda o'xshash fikrli odamlar bilan muloqot qilish o'quvchilarga yangi g'oyalarni o'rganishga va bilimlarini boyitishga yordam beradi.

Samarali o'qitish va o'rganish vositasi. Internet samarali o'qitishning asosiy vositasi, shuningdek, o'rganish vositasiga aylandi. O'qituvchilar o'zlarining o'quv materiallarini (eslatmalar va videolarni) maktab veb-saytida

yoki forumida joylashtirish orqali o'qitish vositasi sifatida foydalanishlari mumkin. O'quv jarayoni o'quv videolari va eslatmalardan foydalanish bilan qiziqarli va rang-barang bo'ladi. O'qituvchilar o'quvchilar e'tiborini jalb qilish uchun animatsiya, powerpoint slaydlari va rasmlardan foydalangan holda dars berishlari mumkin.

Sifatli ta'limga oson o'tish. O'qituvchilar “youtube”dagi o'quv videolari kabi sifatli ta'lim materiallariga bepul kirishlari yoki onlayn to'lovlarni yoki undan yuqori sifatli o'quv materiallarini to'plashlari mumkin. O'qituvchilar tinglovchilarga interfaol darslar, o'quv viktorinalari va o'quv qo'llanmalari kabi qo'shimcha o'quv materiallari va resurslari bilan isbotlash orqali internetdan foydalanishlari mumkin.

O'qituvchilar o'zlarining ma'ruzalarini yozib olishlari va ularni qayta ko'rib chiqish uchun tinglovchilarga taqdim etishlari mumkin, bu esa, eslatmalarni o'qishdan ko'ra yaxshiroqdir [7].

Internet nafaqat o'rganishga yordam berdi, balki o'qituvchilarni ma'ruza o'qishning eng so'nggi manbalari bilan ham xabardor qiladi.

O'qituvchilar o'z darslarini rejalashtirish uchun internetdan foydalanadilar. Ular o'zlarining ma'ruzalarini o'qish, eslatmalarni yuklash, o'z eslatmalarini tinglovchilarga yuborish uchun turli xil onlayn platformalardan foydalanadilar.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, o'qituvchilar uchun elektron ta'lim muhiti ko'lami kengayib borayotgan davrda Web texnologiyalariga asoslangan ta'lim olish vositalarini yaratish va ulardan samarali foydalanish zarurligi hozirgi kunning asosiy talablaridan biri ekanligi aniqlandi.

Uzluksiz kasbiy rivojlanish doirasida o'quv fanlarni o'zlashtirishda samaradorlikka erishish uchun o'qituvchilarga mustaqil o'quv faoliyatlarini rivojlantirishni ta'minlash zarurligi aniqlandi. O'quvchilarning mustaqil o'quv faoliyatlarini rivojlantirishda Web texnologiyalarining tarkibiy qismlaridan biri zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish yetakchi o'rin egallashi asoslab berildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.*
2. *Муаллифнинг социологик сўровномаси асосида аниқланган.*
3. *Волов В.Т. Дистанционное образование: истоки, проблемы, перспективы: монография / В.Т. Волов, Д.Б. Волов, В.М. Шмелев. – Самара: Изд-во СНЦ РАН, 2000. – 100 с.*
4. *Ниёзов М.Б. Академик лицей ўқувчиларини Web технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш. 13.00.06 –Электрон таълим назарияси ва методикаси Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферат. Жиззах - 2021.*
5. *Abduqodirov A. A., Pardaev A. X. Masofali o'qitish nazariyasi va amaliyoti. — T.: Fan, 2009*
6. *Abduqodirov A. A. va boshqalar. Axborot texnologiyalari. – T., 2002.*
7. *Ротенкова Т.Н. Педагогические условия формирования ключевых компетенций учащихся основной школы: Монография – Калининград: БФУим. И. Канта, 2011. – 176 с.*

МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Дилшод Турдибоев,

Гулистон давлат университети доценти

Аннотация

Ушбу мақолада халқаро баҳолаш стандартлари асосида таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишида дидактик тамойиллардан фойдаланишнинг педагогик асосларини яратиш, дидактик ўқув материаллари, ўқув дастурларини яратишида халқаро баҳолаш мезонлари тамойилларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, математика бўйича янги ўқув адабиётларда табиатиунослик саводхонлиги, математик саводхонлик, танқидий фикрлаш, ўқиб тушуниш каби тамойилларни фаннинг мазмунига киритиш бўйича услубий тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: Халқаро баҳолаш, PISA, фан саводхонлиги, математик саводхонлик, танқидий фикрлаш, ижодкорлик, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, мослашувчанлик, етакчилик, АКТ саводхонлиги, ўқишни тушуниш, OESD, TIMSS.

Аннотация

В данной статье рассматривается создание педагогических основ использования дидактических принципов в организации образовательного процесса в общеобразовательных учреждениях на основе международных оценочных стандартов, использование принципов международных критериев оценки при создании дидактических учебных материалов, учебных планов и новой учебной литературы по математике, в этом естественнонаучная грамотность, математическая грамотность, критическое мышление, , даются методические рекомендации по внедрению таких принципов, как понимание прочитанного, в содержание математической науки.

Ключевые слова: Международная оценка, PISA, естественнонаучная грамотность, математическая грамотность, критическое мышление, креативность, любознательность, инициатива, гибкость, лидерство, ИКТ-грамотность, понимание прочитанного, OESD, TIMSS.

Annotation

In this article, the creation of pedagogical foundations of the use of didactic principles in the organization of the educational process in general educational institutions on the basis of international assessment sermons, the use of the principles of international evaluation criteria in the creation of Didactic Educational Materials, educational plans and new educational literature in mathematics, in this, natural and scientific literacy, mathematical literacy, critical thinking, , methodological recommendations are given on the absorption of such principles as reading comprehension into the content of mathematical science.

Keywords: International Assessment, PISA, natural and scientific literacy, mathematical literacy, critical thinking, creativity, curiosity, initiative, flexibility, leadership, ICT literacy, Reading Comprehension, OESD, TIMSS.

Дунё глобаллашув шароитида ривожланиб бораётган бир даврда таълим соҳасини ривожлантиришнинг долзарблиги ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. IX асрнинг иккинчи ярмида “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OESD)” томонидан дунё миқёсида юзага келган турли ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилди. Айниқса, ушбу ташкилот негизида дунё бўйича таълимнинг асосий бўғинларидан бири бўлган умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш мақсадида халқаро тадқиқот (PISA, TIMSS) мезонлари асосида таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу OESD ташкилотининг умумий ўрта таълим тизимига эътибор қаратишдан мақсади жамиятдаги ҳар қандай ташкилот учун рақобатбардош ва креатив фикрлайдиган кадрларни етиштириш мактаб таълимининг сифатига боғлиқ деган ғоясини илгари суришидир [3, 4].

Хорижнинг ривожланган мамлакатларида ушбу халқаро тадқиқот мезонларини умумий ўрта таълим мазмунига сингдиришга катта эътибор қаратилган. Жумладан, Австралия, Канада, Германия, Франция, Италия, Япония, Корея, Португалия, Туркия, Польша ва бошқа давлатларда умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнини халқаро тадқиқот мезонлари асосида ишлаб чиқилган методикалар амалиётга татбиқ қилинган. Шунинг айтиш лозимки, ушбу методикаларни ривожланган мамлакатлар қаторида республикамизда ҳам амалиётга жорий қилиш бўйича сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим фанларидан ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликларнинг янги авлодини яратишда ҳамда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга жорий қилиш бўйича сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ

таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712 сонли Фармонининг 3-боб, 8-бандида Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган муҳим вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарорда халқ таълими тизимида халқаро баҳолаш дастурларидан фойдаланиш ва дастур тадқиқотларида иштирок этиш бўйича вазифаларга кўра, мазкур мақола долзарб аҳамиятга эга эканлигини кузатишимиз мумкин [1,2].

Тадқиқот объекти сифатида умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг математика фанини халқаро баҳолаш тизими асосида таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва уларга қўйиладиган педагогик ва психологик талаблар асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот ишини олиб боришда тадқиқот мавзусига доир илмий тадқиқот ишлари, умумтаълим муассасалари учун ишлаб чиқилган: ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлари, ўқув-услубий адабиётлар ва дарсликлардан фойдаланилди.

Умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини халқаро баҳолаш мезонлари асосида ташкил қилишда дидактик тамойиллардан фойдаланишнинг педагогик асосларини яратиш бугунги кунда долзарб бўлган ва педагогик тадқиқотлар олиб бориш учун етарлича асос бўладиган жараёндир.

Дидактика – бу таълим ва тарбия жараёнини назарий асослаш дегани. Таълим жараёнини амалга оширишда хизмат қиладиган қонун-қоида, тамойиллар, таълим бериш усуллари, таълим шакллари ва таълим технологияларини яратишнинг назарий жиҳатдан асослаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Дидактик қонунлар ҳақида кўпгина философ ва педагог олимлар томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги таълим ва тарбия қонунларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Интеграция (ўзаро боғлиқлик) қонуни – таълим жараёнида иккита шахс интеллектуал ва руҳий муносабатларининг ўзаро боғлиқликдаги ривожланиши. Ушбу қонун бўйича таълим жараёнида педагог ва ўқувчилар ўзаро интеллектуал муносабатларининг бир йўналишда фаол ҳаракатланиши назарда тутилади.

Машқ қилиш қонуни – ўқувчиларнинг бирор предмет бўйича ўзлаштирган билимини кўникмага, ундан сўнг малакага айлантириш учун фаол таълимий ҳаракат ва уни хотирада сақланишини таъмин-

лашни назарда тутади.

Интенсивлик қонуни – ушбу қонун билимларни белгиланган босқичлар асосида тизимли равишда ўзлаштиришни назарда тутади.

Ассимиляциявийлик қонуни – бу қонуният ўзаро таъсир реакциясини амалга ошириш жараёни ҳисобланиб, бунда ўқувчилар фан бўйича ўзлаштирган билимларни такрорлаш учун таъсир реакциясини амалга ошириш жараёнидир.

Нативийлик қонуни – бу қонуниятда таъсир самарали бўлса, ўрганилган билим мустаҳкамланади, аксинча, таъсир сезилмаса, ўрганилган билим тезда унутилади.

Дунё олимлари томонидан педагогика соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар, педагогик ва психологик тажрибалар хулоса ва таҳлиллар натижасида яратилган таълим жараёнини амалга оширишнинг дидактик тамойиллари Я.А.Коменский томонидан яратилди.

Онглилик, фаоллик – ўқувчилар томонидан ўзлаштириш шарт бўлган билимларни онгли фикрлаш орқали ўқув фаоллик қобилиятлари тушунилади.

Кўргазмалилик – дидактиканинг бу тамойили ўқувчиларнинг ҳиссий қабул қилиш, абстракт фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун муҳим ҳисобланиб, кўргазмали материални кўринишига қараб уни англаш.

Тизимлилик ва мунтазамлилик – ўқувчиларга фан бўйича билимни узликсиз ва интеграциялашган ҳолда, маълум бир тизим асосида бериш.

Мустаҳкамлик – ўқувчиларга ўқув фани бўйича билимларни содда, тушунарли ва рағбат қилиб қайта такрорлаш имкониятини берган ҳолда сингдириш.

Тушунарлилик – ўқувчиларга билимни ҳаммабоп тилда тушуниш имкониятини содда танлаган ҳолда бериш.

Илмийлик – ўқувчиларга билимни олдиндан улардаги ўзлаштирилган билимларга таяниб, фан бўйича билимни янгилик нуктаи назар ҳосил қилган ва ўқувчиларнинг новаторлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ҳолда билим бериш.

Назария ва амалиёт бирлиги – ўқувчиларга назарий билим бериш билан бир қаторда, олган назарий билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш ва назария билан амалиёт бирлигини кўрсатган ҳолда билим бериш.

Халқаро тадқиқот мезонлари асосида умумтаълим таълим фанларидан ўқув материаллари ишлаб чиқишда юқорида санаб ўтилган дидактик тамойилларга қўшимча сифатида қуйидаги тамойилларни эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Табиий ва илмий саводхонлик – ўқувчиларнинг дунёдаги табиий ҳодисаларнинг рўй бериш қонуниятлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, табиий

офатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бар-тараф қилишнинг илмий назарий усулларини еча олиш қобилиятларини шакллантириш.

Математик саводхонлик – бу ўқувчиларнинг турли кундалик ҳаётда дуч келадиган муаммоли вазиятларда математик мулоҳаза юритиш, муаммони математик ифодадай олиш кўникмасини шакллантиришидир.

Танқидий фикрлаш – бу ўқувчиларнинг маълумотларни мустақил таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш ва ўз фикрини мустақил баён қилиш кўникмасини шакллантириш.

Ижодкорлик ва креативлик – ўқувчиларни янги ғояларни яратиш, уларнинг яратувчанлик қобилиятларни шакллантириш.

Қизиқувчанлик – ўқувчиларнинг ҳаётга ва фанга бўлган муносабати бўлиб, ўқувчиларнинг интилиш, фаоллик, зеҳнлилик қобилиятларини шакллантириш.

Ташаббускорлик – ўқувчиларни амалий ҳаётга янги дунёқараш ва ижодкорлик, креатив, ижтимоий фаоллик нуқтаи назардан таълим олиши.

Мослашувчанлик – бу ўқувчиларни ўзига ишонч, бошқалар билан интеллектуал ва маънавий етук мулоқот қилиш, интерналлик, устунликка интилиш кўникмаларини шакллантириш.

Етакчилик – ўқувчиларни ўзини ортидан эргаштира олишлик, бошқарувчилик ва раҳбарлик қобилиятларини шакллантириш.

АКТ саводхонлик – ўқувчиларнинг замонавий ахборот технологияларидан кундалик ҳаётдаги масалаларни ечишда фойдаланиш малакалари ва коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш. Бунда ўқувчилар кўйилган муаммони компьютер амалий дастуриларидан фойдаланиб ечиш малакаси шаклланади.

Ўқиб тушуниш – бу ўқувчиларнинг кўйилган масалани ўқиб, унинг мантиқий жиҳатдан тузилиши, мазмуни ва моҳияти, масаланинг шарт ва хулоса қисмларини ажратиш, масаладаги топиш керак бўлган шартни ўқиб тушуниш ва мантиқий хулоса юрита олиш кўникмасини шакллантириш тушунилади.

Тадқиқот ишимизда юқорида келтирилган тамойиллар асосида аниқ ва табиий фанлардан, дидактик ўқув материалларини ва янги ўқув адабиётларини (дарслик, ўқув қўлланмалар) яратиш халқаро баҳолаш (PISA, TIMSS) мезонлари талабини бажаришга асос бўлиб хизмат қилади [5, 6].

Жумладан, қуйидаги масалани кўриб чиқайлик ва таҳлил қилайлик:

Масала. Бемор қуйидаги тартибга бўйсунган ҳолда, даволаниш курсини қабул қилади:


Биринчи кун 5 томчи, кейинги кун олдинги кундагига қараганда 5 томчидан ортиқроқ дори қабул қилади. Бемор 40 томчи қабул қилиш нормасига етганидан кейин эса 3 кун давомида 40 томчидан қабул қилади. Сўнгра қабул қилиш кунини ҳар кун

кетма-кетликда 5 томчидан камайтириб боради ва охирги кун эса 5 томчи дори қабул қилади. Агар ҳар бир флаконда 200 томчидан дори бўлса, бемор қанча флаконда дори сотиб олишига тўғри келади?

Ушбу масалада кўриниб турибдики, тиббий, мантиқий, қизиқувчанлик, математик, иқтисодий ва ўқиб тушуниш тамойиллари мужассамлашган бўлиб, ушбу масала кундалик ҳаётимизда учрайдиган вазиятлардаги муаммоларни ўзи ичига олган.

Масала. Фазодан тушиб келаётган жисм биринчи сонияда 5 метр, кейинги ҳар бир сонияда жисм биринчи сониядагидан 10 метр кўпроқ юрди. Эркин тушиб келаётган тушиш бошлангандан сўнг, 5 сониядан кейин ерга тушса, баландлик масофаси неча метр?

Ушбу масалада табиий, мантиқий, қизиқувчанлик, математик ва танқидий ва ўқиб тушуниш тамойиллари мужассамлашган бўлиб, ушбу масала кундалик ҳаётимизда учрайдиган вазиятлардаги муаммоларни ўзи ичига олган.



Ушбу масала шarti қуйидагича, расмда тасвирланган графикда берилган маълумотларга кўра, иситилган сувнинг иситиш графиги тасвирланган. Бунда ўқувчилар қуйидаги саволларга жавоб бериши керак бўлади:

Биринчи тўрт градиус (иссиқлик даража) сувнинг харорати неча градиусга ўзгарган?

График бўйича охирги икки дақиқада сувнинг харорати неча градиусга тенг бўлган?

Ушбу масалада халқаро баҳолаш тамойилларининг кўргазмалилик, табиий ва илмий саводхонлик, математик саводхонлик тамойиллари мазмунига сингдирилган.

Хулоса қилиб айтсак, математика фанидан дидактик ўқув материаллари ва янги ўқув адабиётлари яратишда дидактик тамойиллар билан бир қаторда дидактик қонуниятлар ва халқаро баҳолаш тамойилларидан фойдаланиш, умумтаълим муассасаларида математика таълим жараёнини халқаро баҳолаш мезонлари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташиқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли қарори.
3. *PISA–2021 Mathematics Framework (second draft), 46th meeting of the PISA Governing Board, 5-7 November 2018 Prague, Czech Republic.*
4. *PISA Mathematics in 2021, An analysis of the center for curriculum redesign (CCR), 2016.*
5. *Implementing the Proposed Mathematics Framework: Recommendations for PISA-2021, Peggy G. Carr, Ph.D., Vice Chair, PISA Governing Board Associate Commissioner, National Center for Education Statistics (NCES) May 25, 2018.*
6. *Assessing Reading, Mathematics and Scientific Literacy: A framework for PISA 2009. OECD, 2009.*

THE COMMUNICATIVE APPROACH IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Elza Salakhova,

Tashkent university of information technologies

Abstract

The Communicative approach emphasizes the ability to communicate the message in terms of its meaning, instead of concentrating exclusively on grammatical perfection or phonetics. Therefore, the understanding of the second language is evaluated in terms of how much the learners have developed their communicative abilities and competencies.

Key words: *interaction, language competence, spontaneous situations, retention, deductive teaching method, concept, inductive teaching method, interpersonal activity.*

Аннотация

Коммуникатив ёндашув фақат грамматик мукамаллик ёки фонетикага эътибор қаратиши ўрнига унинг мазмуни жиҳатидан маълумот етказиши қобилиятини таъкидлайди. Шундай қилиб, иккинчи тилни тушуниши талабаларнинг мулоқот қобилиятлари ва малакаларини қанчалик ривожланганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Калит сўзлар: *ўзаро таъсир, тил компетенцияси, спонтан ҳолат, сақланиши, ўрганишининг дедуктив усули, тушунча, ўрганишининг индуктив усули, шахслараро фаолият.*

Аннотация

Коммуникативный подход подчеркивает умение донести информацию с точки зрения ее смысла, вместо того, чтобы сосредоточиться исключительно на грамматическом совершенстве или фонетике. Таким образом, понимание второго языка оценивается с точки зрения того, насколько учащиеся развили свои коммуникативные способности и компетенции.

Ключевые слова: *взаимодействие, языковая компетенция, самопроизвольное состояние, удерживание, дедуктивный метод обучения, концепция, индуктивный метод обучения, межличностная деятельность.*

What is communication? Communication is first of all exchanging opinions, information, notions of social, cultural, political and other aspects of everyday life. The world around us is the world of communication in various spheres. And only at language lessons the only means of communication are textbooks and the lecturing teacher. In the classroom, the teacher is the source of information. And this communication is under control rather than free. In this case, the purpose of a teacher is to transform the communication with students to a pleasant, attractive and emotional lesson.

Real communication is always informative, unpredictable and unexpected. If the teacher is always informative, interesting and unexpected, then even before the beginning if the lesson students will be disposed for a good lesson. But if the previous lesson is just the same as the next one, students will be bored with it before the lesson start. Even the most trivial dialogue can be transformed to a communicative one if no one knows a word of what will be said about. If the dialogue starts: A: - How are you? B: - And you? Then it all can be boring, definite and predictable. This dialogue is not informative, and rather similar to those which the students must learn by heart in terms of a prepared situation recipe. By contrast, the dialogue below is unpredictable, interesting and informative: A: -How are you? B: -Is it true, that you... or A: -What is the result of the match? B: - Tell me, where I can get repaired my Japanese TV set? It broke down in the middle of the match [1, 7].

The answer is unexpected and related to the questions only associatively. During a language lesson, such dialogues can reflect spontaneous situations. Those unexpected dialogues are really communicative and built according to the scheme "stimulus - response". This principle stimulates active thinking process, intuitive thought and use of language in the frame of fixed communicative habits.

Communicative language teaching makes use of real-life situations that necessitate communication. The teacher sets up a situation that students are likely to encounter in real life. Unlike the audio-lingual method of language teaching, which relies on repetition and drills, the communicative approach can leave students in suspense as to the outcome of a class exercise, which will vary according to their reactions and responses. The real-life simulations change from day to day. Students' motivation to learn comes from their desire to communicate in meaningful ways about meaningful topics. The communicative approach could be said to be the product of educators and linguists who had grown dissatisfied with the audio-lingual and grammar-translation methods of foreign language instruction. They felt that students were not learning enough realistic, whole language. They did not know how to communicate using appropriate social language, gestures, or expressions; in brief, they were at a loss to communicate in the culture of the language studied. Interest in and development of communicative-style teaching mushroomed in the 1970s; authentic language use and classroom exchanges where students engaged in

real communication with one another became quite popular. In the intervening years, the communicative approach has been adapted to the elementary, middle, secondary, and post-secondary levels, and the underlying philosophy has spawned different teaching methods known under a variety of names, including notional-functional, teaching for proficiency, proficiency-based instruction, and communicative language teaching. Margie S. Berns, an expert in the field of communicative language teaching, writes in explaining Firth's view that "language is interaction; it is interpersonal activity and has a clear relationship with society. In this light, language study has to look at the use (function) of language in context, both its linguistic context (what is uttered before and after a given piece of discourse) and its social, or situational, context (who is speaking, what their social roles are, why they have come together to speak) [2, 28].

In communicative language teaching when teachers deal to grammar function they try to use more the inductive method of teaching grammar involves presenting several examples that illustrate a specific concept and expecting students to notice how the concept works from these examples. No explanation of the concept is given beforehand, and the expectation is that students learn to recognize the rules of grammar in a more natural way during their own reading and writing. Discovering grammar and visualizing how these rules work in a sentence allow for easier retention of the concept than if the students were

given an explanation that was disconnected from examples of the concept. The main goal of the inductive teaching method is the retention of grammar concepts, with teachers using techniques that are known to work cognitively and make an impression on students' contextual memory unlike deductive method of teaching grammar which is an approach that focuses on instruction before practice. A teacher gives students an in-depth explanation of a grammatical concept before they encounter the same grammatical concept in their own writing. Deductive teaching methods drive many students away from writing because of the tediousness of rote learning and teacher-centered approaches. Each teaching method is based on a particular vision of understanding the language or the learning process, often using specific techniques and materials used in a set sequence.

The main methodologies are listed below in the chronological order of their development: Grammar Translation – the classical method Direct Method – discovering the importance of speaking Audio-lingualism – the first modern methodology Humanistic Approaches – a range of holistic methods applied to language learning Communicative Language Teaching – the modern standard method Principled Eclecticism – fitting the method to the learner, not the learner to the method. So, what method to choose for your learners, depend on their background knowledge of a language.

REFERENCES:

1. Linas Semistriatis "Peculiarities of the Communicative Approach in Teaching English" EESE.2003. 15p
2. Savignon, Sandra J. & Berns, Margie S. (1984). "Initiatives in communicative language teaching". Reading, Massachusetts. Addison-Wesley Publishing Company, Inc.1984, p50.
3. Bayram. Pekoz "Integrating Grammar for Communicative Language Teaching" Grime American University, 2008.
4. Meena Singhal. *The Internet and Foreign Language Education: Benefits and Challenges*. The University of Arizona, USA. 5. <http://blog.tjaylor.net/method-communicative/>

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Хамидулла Мелиев,

Жиззах давлат педагогика университети
“Мактабгача таълим” кафедраси мудир, профессор

Сирож Кулдашев,

Жиззах давлат педагогика университети
“Мактабгача таълим” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада бошланғич синф ўқувчилари жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ҳақида сўз боради. Мавзунинг илмий янгилигини очиб берши мақсадида бир қатор хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқот ишланмаларидан фойдаланилди.

Калим сўзлар: жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спорт, спорт фаоляти, спорт мусобақалари, жисмоний тарбия ва спорт таълими, спорт иншоотлари, спорт жиҳозлари, жисмоний тарбия ва спорт тизими, кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси.

Аннотация

В статье рассматриваются современные тенденции в развитии физической культуры учащихся начальных классов. С целью выявления научной новизны темы были использованы научно-исследовательские разработки ряда зарубежных и отечественных ученых.

Ключевые слова: физическое воспитание, физическая культура, спорт, спортивная деятельность, спортивные соревнования, физкультурно-спортивная подготовка, спортивные сооружения, спортивный инвентарь, система физического воспитания и спорта, физическое воспитание детей младшего школьного возраста.

Annotation

The article discusses modern trends in the development of physical culture of Primary School students. In order to reveal the scientific novelty of the topic, scientific research developments of a number of foreign and domestic scientists were used.

Keywords: physical education, physical culture, sports, sports activities, sports competitions, physical education and sports training, sports facilities, sports equipment, physical education and sports system, physical education of children of junior school age.

Жамият аъзоларининг жисмоний саломатлигини таракқиётини, аҳоли турмуш фаровонлигини, маърифати ва маънавиятини ривожлантиришга давлат куч-қудратини оширишга хизмат қилади. Таълим ва тарбия тизимининг таркибий қисми бўлган жисмоний маданият таълими жамият аъзоларининг ҳар томонлама баркамоллигини ва фаоллигини таъминлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда фуқаролар жисмоний маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон Фармони қабул қилинди [1]. Ушбу фармоннинг асосий мақсади этиб мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шаклланти-

риш мақсадида аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларини белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этиш белгиланган. Фармонга кўра, таълим тизимининг барча бўғинларида спорт иншоотларини кўпайтириш, ўқувчи ва талабалар орасида мунтазам равишда турли спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш орқали жисмоний маданиятни оммалаштириш масаласи қўйилган. Бу ўз-ўзидан таълим тизими жисмоний маданиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ва имкониятларини ошганлигидан, шунингдек, соҳа мутасаддиларига нисбатан талабларнинг мураккаблашганлигидан далолат беради. Қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда барча соҳалардаги каби жисмоний маданиятда ҳам демократик ёндашув ва умуминсоний кадриятларга асосланган ғоялар илгари сурилган. Жисмоний маданиятни фуқаролар турмуш тарзига сингдириб

боришда таълим тизими муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада бошланғич синфларда жисмоний тарбия ва спортни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Жисмоний маданият тарихига оид маълумотларга мурожаат қилинганда, баъзи даврларда ундан нотўғри мақсадлар йўлида ҳам фойдаланганлар. Масалан, кулдорлик даврида кулларнинг устидан ҳукмронликни кучайтириш ёки ҳукмронлик қилиб туриш мақсадида, кулдорларгина махсус жисмоний машқлар билан мукамал шуғулланганлар. Шунингдек, баъзи даврларда агрессив хусусиятга эга давлатлар ёки айрим жамиятлар бошқалар устидан ҳукмрон бўлиш, босқинчилик қилиш мақсадида ҳарбийлаштирилган жисмоний тарбия тизимини жорий этганлар. Аслида, жисмоний маданиятнинг жамиятдаги мақсади фақат инсонпарварликка қаратилган. Муаммога қаратилган масалаларга мурожаат қилиш асносида, авваломбор, жисмоний маданият тушунчасига таъриф беришни лозим топдик.

Мутахассислар (Л.П.Матвеев, Ашмарин, О.Ю.Масалова, С.Д.Неверчук, Р.Абдумаликов, Х.Рафиев, Т.С.Усмонхужаев, А.Абдуллаев ва б.) томонидан берилган таърифлар, соҳага оид мавжуд луғатлар ва энциклопедиялардаги маълумотларга таяндик ва қуйидаги хулосага келдик. Жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у жисмоний тарбия, спорт, спорт фаолияти, спорт мусобақалари, жисмоний тарбия ва спорт таълими унинг воситалари, методлари, спорт иншоотлари, спорт жиҳозлари жисмоний тарбия ва спорт тизими каби соҳага оид барча тушунчалар фаолият турларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам биз мазкур масала юзасидан олиб борадиган фикр-мулоҳазаларимизни бошланғич синф ўқувчилари жисмоний маданиятини ривожлантириш муаммоларига қаратдик. Аҳоли жисмоний маданиятини ошириш таълим тизимининг қуйи қисмидан бошланади [5, 158].

Ҳозирги жамиятда аҳоли жисмоний маданиятининг ривожланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар асосида белгиланади:

1. Спорт иншоотларининг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати.
2. Аҳоли турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортнинг сингдирилганлик даражаси.
3. Спортдаги эришилган натижалар.
4. Соҳанинг махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар билан таъминланганлиги.
5. Соҳадаги илмий, услубий ишларнинг олиб борилиши ва уларнинг натижалари ва б.

Бутун дунёда болалар ва ёшлар ўз мамлакатларининг амалдаги таълим тизимида ўқийди, тарбияланади, белгиланган босқичларни босиб ўтади ва вояга етади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам замонавий

талаблар асосидаги таълим тизими йўлга қўйилган бўлиб, болалар ва ёшларни тўлиқ қамраб олган. Бу тизим ўз ичига мактабгача, умумий ўрта, касб-хунара ва олий таълим босқичларини қамраб олади. Ҳар бир таълим босқичи жисмоний маданияти ўзига хос вазифа ва функцияларни амалга оширади.

Жисмоний тарбиянинг мақсади одамнинг болалик давридан бошлаб жисмоний камолотини шакллантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва ишчанлик қобилиятини оширишдан иборат.

Жисмоний маданиятнинг мақсади жамиятда соҳага оид барча йўналишларни жамият тараққиёти билан биргаликда, яъни бу дегани, нафақат шахс тарбиясини, балки юқорида келтирилган соҳага оид барча йўналишларни биргаликда ривожлантириб боришдан иборат.

Таълим тизимида жисмоний маданиятнинг мақсад вазифаларини ўрганишда баъзи мамлакатларнинг бош бўғини бўлган мактабгача ва бошланғич синфлар жисмоний тарбияси тажрибалари ўрганилди. Жумладан, Россия федерациясида мактабгача ва бошланғич синфлар жисмоний маданияти қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширади:

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний маданиятига қаратиладиган асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- болаларнинг жисмоний машқларга ва соғлом турмуш тарзига ижобий ва фаол ёндашувини шакллантириш;
 - жисмоний маданиятга онгли равишда қизиқиши ва соғлом турмуш тарзига ижобий ёндашувини шакллантириш;
 - дастлабки ҳаракат кўникмаларини, ҳаракатлар координациясини, қадду қоматини тўғри тутишни, турли спорт ўйинлари ва мусобақаларида иштирок этишга интилиш, уларнинг ташкилотчиси бўлиш ва белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш одатларини шакллантириш;
 - жисмоний машқлар ва турли ўйинлар жараёнида хавфсизлик қоидаларига амал қилишга доир дастлабки тушунчаларни шакллантириш.
- Хитой халқ республикасидаги жисмоний тарбия тизимида мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилган [4, 72]:
- ёш хусусиятига кўра жисмоний ривожланишнинг асосий босқичи бўлган даврга тайёрлаш;
 - боланинг ижтимоий сифатларини шакллантириш (қатъиятлилиқ, тўғрисиўзлик, жавобгарлик хисси, ҳақиқатгўйлик, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва б.)
 - жисмоний машқлар билан шуғулланишга қизиқишини ва фаол турмуш тарзини кечиришни шакллантириш;
 - зарурий ҳаракат малакаларини ривожланти-

риш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича дастлабки тушунчаларни бериш.

Японияда жисмоний тарбия тизимида кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси қуйидаги вазифаларни бажаришини зарур деб ҳисоблайди:

- зарурий ҳаракатларни ривожлантириш;
- ақлий ривожлантириш;
- атроф-муҳитга ва одамларга тўғри муносабатни шакллантириш;
- тартиб қоидаларга қатъий амал қилишга ўргатиш;

Финляндияда мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг асосий вазифаси:

- болаларни асосий ва зарурий ҳаракат малака, кўникмаларига мослаштириш, такомиллаштириш;
- болаларни жисмоний машқларга бўлган кизиқишларини ошириш;
- болаларда жисмоний тарбия ва спортга онгли ёндашувини шакллантиришдан иборат [3, 15].

Мамлакатимизда ҳам мактабгача ва бошланғич таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний маданиятининг ўзига хос мақсад-вазифалари мавжуд, аммо бу тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган замонавий аниқ мақсад-вазифаларини белгилаб олиш зарурати мавжуд. Чунки мамлакатимизда таълим тизимининг тубдан ислоҳ этилиши мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилаётган талаблар

ҳам янги ҳаёт шартлари тақозо этмоқда. Албатта, такомиллаштирилган замонавий жисмоний маданиятни жорий этишда шу давргача орттирилган тажрибалар асосида шакллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур.

Хулоса қилиб айтсак, таълим тизими жисмоний маданиятининг кейинги босқичларида ҳам ўзига хос мақсад-вазифалари белгилаб берган бўлиб, жисмоний тарбия узлуксиз равишда амалга оширилади (тизимнинг кейинги босқичларининг мақсад-вазифалари муаммолари юзасидан алоҳида маълумотлар берилди). Жисмоний маданиятнинг таълим тизимидаги ўрни ва вазифалари, унинг аҳамиятини нақадар муҳимлигини англаган ҳолда, мавжуд таълим тизими давомида жамиятда ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш мақсад қилиб олинган. Шундай экан, жисмоний маданиятни ушбу тизимнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қараш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур. Таълим тизимининг барча бўғинлари жисмоний маданиятига алоҳида бир муаммо сифатида қараш ва унинг узвийлигини таъминлаш орқали таълим-тарбияда кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу борада бошланғич синф ўқувчилари жисмоний маданиятига алоҳида эътибор қаратиш ва доимий равишда ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган замонавий талаблар билан бойитиб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ №289-сонли “Педагогик таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Тошкент, 2022.
3. Ахмедов Ф.К. Жисмоний тарбия ва спорт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ нашриёти, 2021. – 317 б.
4. Гурьев С.В. Теория и методика физического воспитания с практикумом (детей дошкольного и младшего школьного возраста) учебник. – М., 2020. – 211 стр.
5. Масалова О.Ю. Теория и методика физической культуры: учебник. Ростов н/Д: типография Феникс, 2018. – 572 с.

BOLA TARBIYASIDA OILADAGI MA'NAVIY MUHITNING AHAMIYATI

Muxabbat Mirazimova,

Jizzax davlat pedagogika universiteti
“Maktabgacha ta'lim” metodikasi kafedra o'qituvchisi**Annotatsiya**

Ushbu maqolada bola tarbiyasi, oila, oilaning shaxs kamolotida tutgan o'rni va roli, oiladagi ma'naviy muhit orqali bolaning rivojlanishi, ulg'ayishi, har tomonlama komil inson bo'lib voyaga yetishi haqida bayon etilgan.

Kalit so'zlar: *oila, bola tarbiyasi, odob-axloq, sog'lom bola, komil inson, ma'naviy muhit, oilaviy munosabatlar, shaxs kamoloti, aql-idrok, samimiylik.*

Аннотация

В данной статье описывается воспитание ребенка, семья, роль семьи в развитии личности, развитие и рост ребенка через духовную среду в семье, развитие во всех аспектах совершенного человека.

Ключевые слова: *семья, воспитание ребенка, манеры, здоровый ребенок, совершенный человек, духовная среда, семейные отношения, развитие личности, интеллект, искренность.*

Annotation

This article describes the child's education, the family, the role of the family in the development of the individual, the development and growth of the child through the spiritual environment in the family, and the development of a perfect human being in all aspects.

Keywords: *family, child upbringing, manners, healthy child, perfect person, spiritual environment, family relations, personality development, intelligence, sincerity.*

“Eng katta baxt, men buni ming marta qaytarishdan charchamayman, oilamiz tinch bo'lsin! Oila kichik Vatan, oila tinch bo'lsa, baxtli bo'lsa, Vatan tinch bo'ladi. O'sha baxtli kunlarni, vatanimizning, yoshlarimizning kamolini hozir niyat qilayotganimiz kabi ko'rish hammamizga nasib etsin!” [1], — deya ta'kidlagan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev.

Mamalakatimizda jismoniy sog'lom, ma'naviy yetuk, har tomonlama uyg'un va rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, intellektual salohiyatga, chuqur bilim va zamonaviy dunyoqarashga ega, Vatanimizning taqdiri hamda kelajagi uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir yosh avlodni tarbiyalash eng muhim va dolzarb masalalardan biridir.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillik yillarida fuqarolarda milliy o'zlikni anglash tuyg'usining qaror topganligi, o'tmish qadriyatlarini o'rganishga bo'lgan qiziqishning ortganligi, bola tarbiyasida oiladagi ma'naviy muhitning ahamiyati, oilaning shaxs kamolotida tutgan o'rni va rolini xolisona baholash imkonini berdi. Hukumatimizning oilaga nisbatan g'amxo'rliqi qabul qilinayotgan qonun va qarorlarda o'z ifodasini topmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 1-martdagi “Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida”gi PQ-146-son qarori, 2022-yil 7-martdagi “Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-87-son Farmoni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 31-dekabrda “Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 1059-son qarori, 2020-yil 31-dekabrda

“Oila institutini yanada rivojlantirish va yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash chora-tadbirlari to'g'risida”gi 820-son qarorlarining bajarilishi mamlakatimizda sog'lom oilalarning vujudga kelishiga, ana shu oiladagi bolalarni ma'naviy muhitda tarbiyalashga zamin yaratmoqda [1; 2; 3].

Oila deb qon-qarindoshlik, qarindoshchilik (nikoh orqali) yoki birga istiqomat qilish orqali bog'langan odamlardan iborat ijtimoiy guruhga aytiladi. Ko'p jamiyatlarda oila bolalar sotsializatsiyasi uchun asosiy institut vazifasini o'taydi. Oila – nikoh yoki tug'ishganlikka asoslangan kichik guruh. Uning a'zolari ro'zg'orining birligi, o'zaro yordami va ma'naviy mas'uliyati bilan bir-biriga bog'langan. Oilaning eng muhim ijtimoiy vazifalari — inson zotini davom ettirishdan, bolalarni tarbiyalashdan, oila a'zolarining turmush sharoitini va bo'sh vaqtini samarali uyushtirishdan iboratdir. Oilaviy munosabatlar nisbatan mustaqil hodisa sanalsa-da, jamiyatdagi mavjud ijtimoiy, iqtisodiy, mafkuraviy munosabatlar bilan belgilanadi va ular ta'sirida o'zgarib boradi. Shunga muvofiq, har bir jamiyat o'zgarib mos oila tipini, oilaviy munosabatlarni o'rnatadi [1].

Oila bola uchun eng asosiy tarbiya muhiti bo'lib, bu muhitda shaxs kamoloti uchun muhim hisoblangan odob-axloq, xarakter, xulq-atvor, iroda va dunyoqarash shakllanadi. Bola oila timsolida jamiyatning ijtimoiy-ma'naviy qiyofasini ko'radi, his qiladi, jamiyat talablari mohiyatini ilk bora shu kichik jamoa orasida, oilaviy munosabatlarni tashkil etish jarayonida anglaydi.

“Biz uchun muqaddas bo'lgan oila asoslarini yanada mustahkamlash, xonadonlarda tinchlik-xotirjamlik, ahil-

lik va o'zaro hurmat muhitini yaratish, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni aniq mazmun bilan to'ldirishdan iborat bo'lmog'i zarur" [2].

Oiladagi ma'naviy-ruhiy muhit bola tarbiyasida g'oyat muhim ahamiyatga ega bo'lib, oila a'zolarining turmush tarzi ko'p hollarda farzandlarning ruhiy kayfiyati, tasavvuri va hissiyotlarini belgilab beradi. Demak, oila sog'lom, barkamol insonni tarbiyalab voyaga yetkazishda jamiyat oldida mas'uldir.

Oilada tarbiya topgan har bir shaxs har jihatdan umuminsoniy, axloqiy, ilmiy, e'tiqod va boshqa sohalarida kamolotga yetgan xislatlarni o'zida mujassamlashtirgan bo'lishi lozim, kamolot sari intilgan kishi asta-sekin olamni, o'zligini taniy boshlaydi.

Oiladagi ma'naviy muhit bolaning rivojlanish, ulg'ayish yanada kamol topish davomiyligini ta'minlaydi. Oiladagi ma'naviy muhit orqali kamol topgan har qanday bola muayyan ma'naviy fazilatlarini egallagan, aqlan barkamol, jismoniy yetuk, ijtimoiy va huquqiy burchini anglagan inson sifatida tarbiyalanadi. Insonning ma'naviyati, asosan, oiladagi ta'lim-tarbiya jarayonida shakllanadi. Hayoti davomida insonning ma'naviy kamolotiga juda ko'p omillar ta'sir etadi, lekin birontasi ham oiladagi tarbiyaning o'rnini bosa olmaydi. Oilaning jamiyat uchun muhimligi inson ma'naviy kamolotidagi o'ziga xos betakror maktab ekanligidir. Davlat oilaning mustahkamlanishi uning moddiy ta'minoti va ma'naviy holati, er-xotin, farzandlar bilan ota-onalar o'rtasidagi munosabatlarni boshqarish bilan muammolarni hal qilishni o'z zimmasiga oladi.

Xalqimizning azaldan ma'naviy merosi hisoblanadigan iymon-e'tiqodlilik, mehr-oqibatlilik, insonparvarlik, mehnatsevarlik, halollik, birodarlik, mardlik kabi fazilatlarini Al-Buxoriy, Al-Beruniy, Al-Farg'oni, Alisher Navoiy, Najmiddin Kubro, Az-Zamaxshariy, Abu Ali ibn Sino, Imom Termiziy, Bahouddin Naqshband va boshqa mutafakkirlarimizning ma'naviy merosini avaylab-as-rash, asrlar davomida qadriyat darajasiga ko'tarish, milliy ma'naviy merosni kelajak avlodga yetkazish har birimizning jamiyat oldidagi, insoniyat oldidagi, kelajak avlod oldidagi eng katta burchimizdir.

Bola shaxsini kamolga yetkazish uchun oiladagi tarbiyaviy muhitni pedagogik madaniyat asosida tashkil eta olish juda muhim vazifalardandir. Oilada bola tarbiyasini tug'ilgandan rejim asosida boshlash, bolada odob-axloq, aql-idrok, tartiblilik, intizomlilik kabi xislatlarini tabiiy ravishda rivojlantiradi.

Buyuk pedagog Abdulla Avloniy o'zining "Turkiy guliston yoxud axloq" asarida bola tarbiyasining roli haqida fikr yuritib: "Agar bir kishi yoshligida nafs buzilib, tarbiyasiz, axloqsiz bo'lib o'sdimi, bunday kishilardan yaxshilik kutmoq, yerdan turib yulduzlarga qo'l uzatmak kabidir" [5, 75], – deydi. Uning fikricha, bolalarda axloqiy xislatlarning tarkibi to'g'risida oiladagi ma'naviy,

ijtimoiy muhit, oilaviy sharoit va bolalar uchun atrofidagi kishilar ahamiyatga ega. Avloniy bola tarbiyasini nisbiy ravishda 4 bo'limga ajratadi:



Oiladagi bola tarbiyasida obyektiv va subyektiv omillarning roli katta. Oilaning moddiy ta'minoti va farovonlik (maishiy turmush) darajasi, oila budjetining mavjud holati, undan oqilona foydalanish borasidagi tajriba, sog'lom muhitning barqarorligi va hokazolar obyektiv omillar sanalsa, oiladagi shaxslararo munosabatlar, oila a'zolarining ma'lumot darajasi hamda fiziologik, psixologik, madaniy jihatdan komilligi, oilaviy hayotni tartibga solish, hamkorlik, birlik tamoyillariga tayanish, ularning qiziqish va ehtiyojlari o'rtasidagi mutanosiblik kabi tushunchalar subyektiv omillar sanaladi [6, 98].

Maqoladan kelib chiqadigan xulosa va takliflar shundan iboratki, oiladagi bola tarbiyasida vaqtdan to'g'ri, unumli foydalanishga o'rgatish – vaqtini o'yin, mehnat va o'qish faoliyatlari bo'yicha to'g'ri taqsimlash ham eng asosiy vazifalardan hisoblanadi. Oilada bola tarbiyasi va uning ma'naviyatini shakllantirishning asosiy yo'llari quyidagilardan iborat:

1. Oiladagi mehr-muhabbat muhiti. Ushbu tuyg'uga ega bo'lgan bolalar o'z yaqinlarini, vatandoshlarini, Vatani hurmat qilishga, odamlarga yaxshilik qilishga qodir bo'ladi. Oiladagi mehr-muhabbat va samimiyat, oila a'zolarining bir-biriga e'tiborlilik, g'amxo'rliqi bolalar ruhiyatiga kuchli ta'sir qilib, bolaning his-tuyg'ulari namoyon bo'lishi, uning ma'naviy ehtiyojlari shakllanishi va amalga oshishi uchun keng imkoniyatlar beradi.

2. Samimiylik muhiti. Ota-onalar hayotning muhim ahamiyatli holatlarida bolalarga yolg'on so'zlamasligi, aldamasligi, soxtakorlik qilmasligi lozim. Bolaga hech qachon "Buni bilishga yoshlik qilasan" yoki "Buni sen baribir tushunmaysan" demaslik kerak, bunday javoblar bolaning yuragidagi qiziquvchanlik va xudbinlikni qo'zg'aydi. Yaxshisi, "Men buni senga ayta olmayman: har bir kishi ma'lum bir sirlarni o'zida saqlashga majburdir, o'zgalarning siriga aralashib hadeb so'rayverish odobdan emas va kamtarlikka kirmaydi" qabilida javob bergan ma'qul. Bu bilan to'g'rilik va samimiyatga ziyon yetmaydi, burch, intizom va odoblikdan aniq saboq beriladi.

3. Tushuntirish. Soʻz bilan taʼsir koʻrsatish. Soʻz bilan tarbiyalash uchun soʻz tarbiyalanuvchining fikrida va qalbida iz qoldirishi kerak. Buning uchun esa soʻzlarning maʼnosiga tushunib yetishni oʻrgatish lozim. Faqat ana shundagina hissiy taʼsir qilishga umid qilishimiz mumkin.

Demak, bola shaxsining shakllanishida oiladagi maʼnaviy muhit hal qiluvchi ahamiyat kasb etar ekan, sogʻlom bolani dunyoga kelishi masalasiga sogʻlom va

ahil oilaning mevasi sifatida qarab, oilada oʻzaro hurmat, mehr-muhabbat, yuksak axloqiy va maʼnaviy qadriyatlar muhitini shakllantirish, sogʻlom bolalarni tarbiyalab voyaga yetkazishda, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni oʻrganishi, komil inson boʻlib ulgʻayishida ota-onalari mizni, oiladagi maʼnaviy muhitning oʻrni va roli beqiyos ahamiyatga egadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Oila va xotin-qizlar davlat qoʻmitasi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida” 2022-yil 1-martdagi PQ-146-son qarori.

2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Oila va xotin-qizlarni tizimli qoʻllab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida” 2022-yil 7-martdagi PF-87-son Farmoni.

3. Sh.Mirziyoyev. 2018-yil 19-yanvardagi Surxondaryo viloyati kengashining navbatdan tashqari sessiyasidagi nutqi.

4. Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 14-yanvar kuni Vazirlar Mahkamasining mamlakatimizni 2016-yildagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlarini har tomonlama tahlil qilishga bagʻishlangan kengaytirilgan majlisidagi nutqi.

5. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – T.: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 96 b.

6. Musurmanova O. Maʼnaviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. – T.: “Oʻqituvchi”, 1996. – 158 b.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Диёрбек Қўчқаров,

Педагогик инновациялар, олий таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислохотларни жадаллаштириш ҳамда мутахассисларнинг касбий кўникма ва малакаларини ривожлантиришида хорижий тажрибаларни ўрганиш, профессионал таълим муассасаларининг ҳуқуқлари ва улардан қутилиётган натижалар ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Профессионал таълим, меҳнат бозори, ўрта бўгин кадрлар, дуал таълим, таълим дастурлари, касбий кўникмалар.

Аннотация

В статье описывается изучение зарубежного опыта ускорения реформ по совершенствованию системы профессионального образования и развития профессиональных навыков и компетенций специалистов, права учреждений профессионального образования и ожидаемые результаты.

Ключевые слова: Профессиональное образование, рынок труда, кадры среднего звена, дуальное образование, программы обучения, профессиональные навыки.

Annotation

The article describes the study of foreign experience in accelerating reforms to improve the system of vocational education and the development of professional skills and competencies of specialists, the rights of vocational education institutions and the expected results.

Keywords: Vocational education, labor market, mid-level personnel, dual education, training programs, professional skills

Жаҳон таълим тизимидаги ислохотлар ҳамда қадриятларнинг ўзгариши педагогик жараёнларга методик ёндашувлар ва инновацион технологияларни самарали татбиқ этишни тақозо этмоқда. Европа иттифоқи ва UNESCO (United Nation Educational, Scientific and Cultural Organization) ташкилотлари томонидан қабул қилинган Сарбон декларацияси (Sorbonne Declaration), Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millennium Development Goals (MDGs)) ва Иллинойс унверситети (АҚШ) “IEARN” ва “KIDLINK” минтақавий таълим дастурлари асосида мутахассис тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутди.

Жаҳонда касбий малакалар тўғрисидаги Лисабон Конвенцияси (Convention on the Recognition of Qualification concerning Higher Education in the European Region) ва ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатларида таълим олувчиларнинг глобал кўникмаларини (“global skills”) шакллантиришнинг инновацион технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича кўплаб амалий ишланмалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 6 сентябридаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, ушбу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида узлук-

сиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилиниб, профессионал таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиблари белгилаб берилган. Шу асосда мамлакатимизда замонавий таълим тенденцияларига мос бўлган профессионал таълим тизими жорий этилмоқда ҳамда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислохотларни жадаллаштириш ва мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. [1, 10]

Профессионал таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан ислохотларни жадаллаштириш ва мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришида хорижий тажрибаларни ўрганиш, жумладан, Германия, Хитой, Корея, Қозоғистон ва Беларусь каби давлатлар таълим жараёнини ўрганиш, ўрта бўгин кадрларини тайёрлашда вазирлик ва идораларнинг ваколатлари ва уларнинг иштирокини ўрганиш муҳим саналади [2, 222].

Ривожланган давлатларда профессионал таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўқув-методик раҳбарлик қилиш, Германия таълим ва илмий тадқиқотлар вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси таълим вазирлиги, Қозоғистон Республикаси фан ва таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Профессионал таълим тизимини такомиллашти-

риш юзасидан ислохотларни жадаллаштириш ва мутухассисларнинг касбий кўникмаларни ривожлантириш, ислохотларни жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

профессионал таълим муассасаларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино ва иншоотларини ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ўқув курслари ташкил этиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ижарага бериш;

профессионал таълим муассасаларидаги бўш турган ер участкалари, бино ва иншоотларида таълим муассасасининг тайёрлов йўналишларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасаси таъсисчилигидаги масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этиш;

профессионал таълим муассасасининг ўқув-амалиёти жараёнида ишлаб чиқарилган ярим тайёр, тайёр маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) намойиш қилиш ва сотиш;

ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни сотишдан ҳамда бўш турган бино, иншоотлар, ўқув-тажриба майдонлари ва ер участкаларини ижарага беришдан тушган маблағларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини, хорижий адабиёт ва ўқув қўлланмаларни харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш, ўқувчиларга стипендия тўлаш учун мустақил сарфлаш;

дуал таълим шаклини жорий қилган профессионал таълим муассасаларига бўйсунувидаги вазирлик ёки идоралар билан келишилган ҳолда, мустақил қарор қабул қилиш ваколатини бериш;

профессионал таълим муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўқувчилар учун стипендия ёки моддий рағбатлантиришлар тизимини жорий этиш;

дуал таълимда иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар билан биргаликда дуал таълим шакли жорий қилинган профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини тизимли равишда назорат қилиш ҳамда ва уларнинг рейтингини тузиш;

профессионал таълим муассасаларининг маҳаллий ва хорижий иш берувчилар билан тўғридан-тўғри кадрлар тайёрлаш ва қисқа муддатли ўқув курсларни ташкил этиш бўйича шартномалар тузиши;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида нодавлат таълим ташкилотлари томонидан “Таълим кластерлари” ҳамда таълим хизматларини ташкил этиш.

Юқорида келтирилган тадбирларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

1. Профессионал таълим муассасаларидаги бўш турган ер участкалари, бино ва иншоотларида таълим муассасасининг тайёрлов йўналишларига мос

келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича таълим муассасаси таъсисчилигидаги масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этиш имконияти вужудга келади.

2. Ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни сотишдан ҳамда бўш турган бино, иншоотлар, ўқув-тажриба майдонлари ва ер участкаларини ижарага беришдан тушган маблағларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини, хорижий адабиёт ва ўқув қўлланмаларни харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш, ўқувчиларга стипендия тўлаш учун мустақил сарфлаш ҳуқуқи берилади.

3. Профессионал таълим муассасаларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино ва иншоотлари ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига касб-хунар, хорижий тиллар ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш курсларини ташкил этиш учун ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ижарага бериш амалиёти йўлга қўйилади.

4. Профессионал таълим муассасаларига бўйсунувидаги вазирлик ёки идоралар билан келишган ҳолда, дуал таълим шаклини мустақил равишда жорий қилишга рухсат этилади.

5. Дуал таълим шаклини жорий қилган энг яхши 100 та профессионал таълим муассасаларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 60 баробари миқдоридан маблағ ажратилади. Бунда профессионал таълим муассасасига ушбу маблағларни ходимларни моддий рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ишлатишга рухсат этилади.

6. Профессионал таълим муассасалари ички имкониятидан келиб чиқиб, дуал таълимда иштирок этаётган иш берувчиларнинг ўқувчиларга бириктирилган устозларини моддий қўллаб қувватлашига рухсат этилади.

7. Дуал таълимда иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар билан биргаликда дуал таълим шакли жорий қилинган профессионал таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёни тизимли равишда назорат қилинади ҳамда уларнинг рейтингини тузиб борилади.

8. Давлат-хусусий шериклик асосида меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилади.

9. Профессионал таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий сектор салмоғини кенгайтириш мақсадида нодавлат коллеж ва техникум ташкил этиш учун хусусий сектор вакиллари таклифларини ўрганиш йўлга қўйилади.

10. Профессионал таълим муассасалари битирув-

чиларини келгусида ўз ишларини бошлашлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга кредит ва субсидия бериш тизими жорий этилади.

Профессионал таълим тизимини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида қабул қилинган мазкур ҳужжатлар Янги Ўзбекистонда профессионал таълимни интеграциялашни тақозо этади.

Шундай қилиб, назарий таҳлиллар ва профессионал таълим тизимини ривожлантириш амалиёти

интеграцияни педагогик воқелик сифатини ўзгартиришнинг энг самарали усуллари билан бири сифатида кўриб чиқиш имконини беради, бу эса ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида шахснинг янги интеграл сифатларини эгаллаш имконини беради ҳамда яхлит, шахсий аҳамиятли дунёқарашни эгаллаш, дунёда ўз-ўзини англаш, ўқувчиларнинг психологик ва физиологик хусусиятларини ва тез ўзгарувчан дунёда уларнинг жамиятга мослашувини ҳисобга олган ҳолда, таълим мазмунини янгилаш имконини беради, шахснинг ривожланишида дунёни англашнинг янги механизмларини жорий этиш, таълим жараёнида инновацион шакл ва методлардан фойдаланиш ва жараённи оптимал ташкил этилишини таъминлаш имко-

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони. –14 б.*
2. *Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. –464 б.*
3. *Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарори.*
4. *Zokirova, D. N. (2021). Goals And Objectives Of Organizing Independent Work Of Students. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(01), 182p.*
5. *Зокирова, Д. Н. (2018). Мустақил ўрганишга ундаш орқали таълим беришда гуруҳ бўлиб ишлашни қўллаб-қувватлаш. Научное знание современности, (4), 252p*

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЮКСАК ПРОФЕССИОНАЛИЗМ ВА ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Фируза Давлатова,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақолада акмеологик ёндашув асосида ўқитувчиларнинг профессионализи ҳамда педагогик ижодкорлигини шакллантириш йўналишлари, механизмлари, ривожлантиришининг шарт-шароитлари ва имкониятларидан унумли фойдаланиш тўғрисида баён этилган.

Калим сўзлар: акмеология, акмеологик ёндашув, ўқув жараёни, педагогик ижодкорлик, профессионализм, касбий компетентлик.

Аннотация

В данной статье рассматриваются направления, компоненты, условия и возможности формирования профессиональной компетентности и педагогического творчества педагогов на основе акмеологического подхода.

Ключевые слова: акмеология, акмеологический подход, образовательный процесс, педагогическое творчество, профессионализм, профессиональная компетентность.

Annotation

This article discusses the directions, components, conditions and opportunities for the formation of the professional competence and pedagogical creativity of teachers on the basis of the acmeological approach.

Keywords: acmeology, acmeological approach, educational process, pedagogical creativity, professionalism, professional competence.

Кейинги йилларда юртимизда илм-фанга бўлган муносабат мутлақо янгиланди. Таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларга кенг йўл очилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – сифатли таълим хизматларининг имкониятларини ошириш ҳамда юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашдан иборат. Янги тахрирда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги [8] Қонуннинг 11-моддасида Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг яққол далилидир. Зеро, Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ 6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоралари тўғрисида” [9, 3] ги Фармони бу йўлдаги яна бир муҳим дастуриламал, соҳага инқилобий ўзгаришлар олиб кирадиган ривожланиш нуқталари белгилаб берилган йўл харитасидир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллигини тантанали нишонлаш тадбирида муҳтарам президентимиз Ш.Мирзиёев [10, 2] юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасидаги энг пировард мақсадимиз таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларини пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттириш лозимлигини таъкидладилар. Шундай экан, Янги Ўзбекистон ёшлари замонавий билимларни эгаллаган, ахборот технологияларни пухта ўзлаштирган, кре-

атив фикрлайдиган, юксак билимли, етук кадрлар, бир сўз билан айтганда, акмешахслар бўлиб етишиш масаласи устувор вазифаларимиздан бирига айланиб бормоқда. Ушбу механизмлардан бири – инсон ресурсларини ривожлантириш, ундан оқилона фойдаланишнинг янгича усулларини излаб топиш, яъни ўта муҳим ечимларидан бири — акмеология ижтимоий-ахлоқий муаммоларининг илмий муомалага кириб келишидир. Шу боис юксак технологияларни яратиш гоёлари, нафақат анъанавий ишлаб чиқариш, балки инсоннинг ижтимоий-ахлоқий фаолиятларини ўрганувчи фан сифатида акмеологияга бўлган эҳтиёж алоҳида сезилмоқда.

Шу ўринда “Акмеология” тушунчасининг луғавий маъносига эътиборимизни қаратсак. Акмеология юнонча акме – чўққи, камолот, юксаклик, етуклик – logos эса фан деган маънони билдиради. Юнонлар инсоннинг барча қобилият ва имконият қирраларини намоён этишга хизмат қиладиган барча етуклик белгиларини “акме” деб атаганлар. Бир сўз билан айтганда, акмеология инсоннинг етуклик босқичидаги ривожланиши, айниқса, бу ривожланишнинг энг юқори даражасига эришишдаги механизм ва қонуниятларни ўрганадиган табиий, ижтимоий, назарий ва гуманитар фанларнинг “туташган жойида” пайдо бўлган янги фан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси шахснинг танлаган касби бўйича эгаллаган билимлари, амалий кўникмалари, малакалари ҳамда технологияларни намоён этиш билан белгиланади.

Акмеология атамаси 1928 йилда россиялик психолог Н.А. Рыбников [2, 136] томонидан илк бор илмий

муомалага киритилган бўлса-да, В.Г.Ананьев томонидан шакллантирилган ва А.А.Бодалёв томонидан ривожлантирилган. Замонавий акмеологиянинг вакили россиялик психолог, академик А.А.Деркачнинг илмий изланишлари бу фанни институционал босқичга кўтарди. Акмеология соҳаси тадқиқотчилари – психолог, педагог ва файласуфлар Б.Б.Барсис, И.А.Беспалов, Г.П.Вербитская, Л.Э.Элшина, С.Э.Заковияшина, Й.П.Костенко, Н.В.Курбет, Н.В. Козлова, Й.А.Лихачева, О.В.Михайлов, К.В.Петров, В.Н.Софма, В.А.Семиков, И.Н.Степанова, О.В.Фаллер психологик нуқтаи назардан акмеформни ўрганиш ва таҳлил қилиш [4, 28], ижодий касбий маҳорат ҳамда профессионализмни ривожлантириш учун оптимал технологиялар яратиш, турли касб-хунар фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларнинг иш жараёни, усуллари устида комплекс текширувлар ўтказиш асосида янги ютуқларга эришишнинг институционал шаклини яратиш таклифини илгари сурдилар.

Шунингдек, акмеологиянинг назарий ва амалий масалаларидан фойдаланиш бўйича халқаро

тадқиқотлар Liverpool Hope University (Англия), Maastricht University (Нидерландия), Nebraska University (АҚШ), Mara Technology University (Малайзия), Belfield Pedagogical University (Германия), Fatih University (Туркия), University of Waterloo Ontario (Канада), Mangalayatan University (Ҳиндистон) ва Россия давлат касбий-педагогика университет, Россия давлат таълим Академиясига қарашли акмеология фанлари халқаро академиянинг акмеологик тадқиқотлар марказида (Россия) олиб борилмоқда [5, 44].

“Акме” тушунчасининг субъектив ва объектив омиллари мавжуд. Ушбу омиллар юксак профессионализм, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган мезон сифатида ўрганилади. Яъни бу тушунча индивиднинг ўз фаолиятида олий, энг юксак натижаларга эришиш даражасини тадқиқ этиш билан шуғулланади, касбий камолотда мукамаллик босқичига етишнинг объектив ва субъектив омиллари, унинг ўқишда ютуқларга эришиши ва ривожланиши, шахс фаолиятида, таълим жараёнида юқори даражага эришишини ўрганади.

“Акме” тушунчасининг субъектив ва объектив омиллари

Субъектив омиллар

- инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлиги;
- истеъдоди ва қобилиятлари.

Объектив омиллар

- таълим сифати;
- таълим ва тарбия шартлари.

Демак, акмеология бирор-бир фаолиятда юксакликка эришиш учун янги йўналиш ва профессионализмнинг юксак даражадаги муваффақиятлар сари йўналтирилган самарадор тизимлар даражаларини белгилаш усуллари ишлаб чиқар экан.

Ўқув жараёнида акмеологик ёндашув, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва бошқа шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва касбий қобилиятларини янада ривожлантириш имконини беради. Бугунги аудитория ва талабалар контингенти олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилардан ўқув жараёнида инновацион ғоялар, технологияларни фаол қўллаш, педагогик жараёни янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этишни талаб қилади. Шундай экан, таълим соҳасидаги непрофессионаллик катта йўқотишлар ҳамда муаммоларнинг ортишига олиб келади.

Акмеолог мутахассислар шахснинг юксак профессионализи ва ижодий маҳорати муаммоларини оқилона ечишни инсон ресурсларидан фойдаланишда деб билмоқдалар. Бизнинг фикримизча, фақатгина касбий юксакликка эришиш ғояси билан чегараланиш муаммонинг ечимига олиб келиши мушкул.

Педагог ўқитувчи шахсининг педагогик қобилият ва касбий жиҳатдан шаклланиши муаммолари бўйича ўтказилган тадқиқотларда “профессионализм” тушунчаси “шахснинг касб маҳорати” сифатида ўрганилади. Унинг таркибига педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланган муҳим касбий сифатлар ҳамда шахсий касбий салоҳиятни ташкил этган педагогик қобилият, интеллектуал, мотивацион, коммуникатив, эмоционал-иродавий сифатлар комплекси киради.

Касбий ва акмеологик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзини ўзи ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш педагогнинг изчил равишда ўзининг билим, кўникма ва малакалар ҳамда шахсий сифатларини ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиши билан белгиланади. Ўз устида ишлаш қуйидагиларда намоён бўлади:

- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятларини ривожлантириш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш.

Демак, узлуксиз ўз устида ишлаш бўлажак мутахассисларнинг касбий етуклик, яъни профессионалликка олиб келади.

“Профессионаллик” акмеологиянинг асосий категорияларидан бири бўлиб, ўқув ва меҳнат фаолияти давомида олинган билимларни малакали бажариш қобилияти сифатида тушунилади. Профессионализм касбий фаолиятдаги вазифаларни бажаришда юқори даражадаги тайёргарликни ифода этса, профессионал деганда, ўз касбига тўла мослашган инсон тушунилади.

А.К. Маркова касбий маҳоратнинг қуйидаги тузилишини таклиф қилди: олдиндан профессионаллик, профессионаллик, ўта профессионаллик, профессионал бўлмаганлик (псевдо-профессионаллик) [6, 102].

1. Профессионалгача бўлган тайёргарлик. Ушбу даражада ҳали профессионал бўлмаган ёш мутахассис меҳнат фаолиятини амалга оширади. Меҳнат кўникмаларини ўзлаштирмаган, ўз касбининг қоидалари ва меъёрларини билмаган мутахассис тоифасига киради.

2. Профессионаллик. Ушбу даражада мутахассис ўзини профессионал сифатларини кўп қисмини топади. Меҳнат фаолияти жараёнида мутахассис касб қоидалари ва меъёрларини ўрганади, ижрочи ролини бажаради ва лавозим тавсифига мувофиқ ишлайди. Кейинги босқичда мутахассислик ва малакани ўзлаштирган ҳолда, малакали фаолият амалга оширилади. Кейинчалик, мотивацион соҳа ривожланиб бориши билан, мутахассис тобора кўпроқ онгли равишда меҳнат функцияларига мурожаат қилади. Касбий меъёрларни ўзлаштиргандан сўнг, қоида тариқасида, иш унумдорлиги ошади ва ўзини мутахассис сифатида англаш ва малакасини оширишга интилиш пайдо бўлади.

3. Суперпрофессионализм. Ушбу босқичда касбий фаолият энг юқори даражага етади. У энг юқори ютуқлар ва муҳим ижодий муваффақиятлар билан ажралиб туради. Инсон ижодкорга айланади ва гўё “касб доирасидан ташқарига чиқади”, уни шахсий хиссаси билан бойитади.

4. Профессионал бўлмаганлик (псевдо-профессионаллик). Ушбу босқичда таассурот ташқи томондан анча фаол меҳнат фаолиятдан келиб чиқади, шу билан бирга, у одам стандартларга ва талабларга жавоб бермайдиган самарасиз ишларни бажаради ёки ўз хатти-ҳаракатлари билан профессионаллик этишмаслигини яширади.

5. Пост-профессионализм. Барча нафақа ёшидаги одамлар ушбу даражага эришадилар ва уни ҳар хил даражада бошдан кечиришади. У “ўтмишдаги профессионал” бўлиб чиқиши, профессионалликнинг янги қирраларини кашф этиши мумкин.

Касбий етуклик тушунчаларига олимлар томонидан қатор таърифлар берилган. Жумладан, республикамиз олимларидан Н.А.Муслимов ҳамда Н.М.Э-

гамбердиеваларнинг илмий тадқиқотларида мазкур масала алоҳида тадбиқ қилинган [7, 24]. Н.М.Эгамбердиеванинг таъкидлашича, касбий етуклик ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун мутахассисдан шахсий ва касбий сифатларни тарбиялаш талаб этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, акмеологик нуқтаи назаридан профессионаллашув шахсий аутопсихологик қобилиятларга эга бўлишни тақозо этади. Касбий ижодкорликнинг ривожланиши хилма-хил қобилиятларнинг акс этиши билан боғлиқдир. Акмеологик қобилиятлар, яъни ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш қабилар инсон ҳаётий фаолияти жараёнида муҳим аҳамият касб этса-да, бироқ уларнинг жадал шаклланиши аутопсихологик компетентликнинг ривожланиши натижасида содир бўлади.

Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда педагогик ижодкорликни шакллантириш моделининг марказий бўғини сифатида креативликни таркибий қисм деб кўрсатиш мумкин. Албатта, педагогик ижодкорлик профессионализмнинг ривожлантирувчи омили ҳисобланади.

Педагогик ижодкорликни шакллантиришнинг таркибий қисмлари қуйидагича тавсиф этилган:

Мотивацион-қадриятли

- билишга доир ва касбий мотивацияни ўзаро уйғунлаштиришдаги барқарор ички эҳтиёжнинг мавжудлиги;

- маҳсулдор фаолиятга интилиш;

- касбий фаолиятга доир жараёнларда фаол иштирок этиш иштиёқи;

- ўз-ўзини намоён этиш эҳтиёжи.

Когнитив

- янги касбий билимлари даражаси ва сифати, касб соҳасига доир ахборотлар билан мунтазам танишиб бориш даражаси;

- ўта масъулиятли ишга эътиборли муносабатда бўлишга тайёрлиги;

- фикрлашнинг ўзига хослиги;

- касбий маданият;

- касб соҳасига доир илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ахборотни эгаллаш.

Фаолиятли

- касбий кўникма ва малакаларни эгаллаш;

- бугунги кундаги мавжуд имкониятларни ва келгусидаги ижодий ривожланиш истикболларини аниқлаш;

- ижодий вазифаларни ҳал этишда жамоадаги шахсий ва касбий муносабатларни барқарорлаштириш.

Креатив

- ижодий фикрлаш, ижодий ўқув, тарбиявий, тадқиқотчилик фаолиятига қобилиятлилики;

- янгиллик яратишга интилувчанлик, педагогик вазифаларни оқилона ҳал этиш, ўз фаолиятини му-

стакил лойиҳалай олиш тушунилади.

Н.В.Кузминанинг талкинида ўқитувчининг профессионализми бу фаолият субъектига берилган сифат тавсифи бўлиб, унинг касбига оид вазифаларни ҳал этиши учун замонавий имкониятлардан қай даражада фойдаланишига қараб изоҳланади [5, 85]. Бу имкониятлардан фойдаланиш даражаси турли одамларда турлича бўлиб, шунинг учун ҳам у ёки бу касб эгасининг профессионализми юқори, ўрта ва паст даражада бўлиши мумкин. Ўқитувчининг профессионализми ўз фани орқали, таълим-тарбия жараёнига ажратилган вақт ичида ўқувчиларда вазифани самарали бажаришга тайёрликни шакллантириш санъатини қай даражада эгаллаганлиги билан белгиланади.

А.А. Деркач, В.Г. Заикинлар эса “фаолиятнинг профессионалиги” ва “инсоннинг профессионалиги” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлади. Уларнинг фикрича [3, 42], фаолиятнинг профессионалиги – бу меҳнат субъектининг сифатли характеристикаси бўлиб, у юқори касбий малака ва компетентликни, турли хил самарали касбий маҳорат ва кўникмаларни, шу жумладан, ижодий ечимларга асосланган, замонавий алгоритмларга ва касбий муаммоларни ҳал қилиш усулларига асосланган қобилиятларни акс эттиради. Юқори ва барқарор махсуддорликка эга фаолиятни амалга оширади. Шахс

профессионалиги эса меҳнат субъектининг юқори даражадаги профессионал ишбилармонлик қобилиятларини, касбий маҳоратнинг акмеологик инвариантларини, ижодкорликни, изчил ривожланишга қаратилган интилишлар, мотивацион соҳаларининг етарли даражасини акс эттирувчи сифат характеристикаси тарзида тушунилади.

Педагогик фаолиятда компетентлик муаммосини таҳлил қилишда психологик-педагогик ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, профессионаллик шахснинг у ёки бу соҳага нисбатан талабларни эгаллаши ҳамда уни юқори даражага кўтариши билан белгиланади. Ўқитувчи профессионализмининг ривожланиши шахснинг етакчи қобилиятлари ҳисобланган коммуникативлик, креативлик – ижодий, перцептив қобилиятлар ҳамда шахс динамизми (иродавий таъсир ўтказиш қобилияти ва мантикий ишонтира олиш), эмоционал чидамлилик ва келажакка ишонч каби хусусиятларга боғлиқ экан.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим соҳасида давлат сиёсати таълимнинг натижадорлигига эришишга қаратилган. Бу эскича ёндашувлардан воз кечиб, кадрлар тайёрлаш жараёнига инновацион таълим технологияларини жадал суръатларда татбиқ этишни назарда тутди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Lex.uz Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири.*
2. *Lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ 6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги Фармони.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Мустақилликнинг 31 йиллигини тантанали нишонлаш тадбирида сўзлаган нутқи.*
4. *Акимова О.Б. Педагогическая акмеология: коллективная монография. Екатеринбург, 2012. – 251 стр.*
5. *Деркач А.А. Акмеология: Учебник. Изд. 2-е./ – М.: Изд. РАГС, 2006. – 650 стр.*
6. *Деркач А.А. Педагогическая акмеология. Учебное пособие. – М., РАГС. 2010. – 252 стр.*
7. *Кашапов М. М. Акмеология. Ярославль, 2011. – 106 стр.*
8. *Кузьмина Н.В. Предмет акмеологии. – М.: СП, 2002. – 240 стр.*
9. *Маркова А. К. Психология профессионализма. М., 1996. – 312 стр.*
10. *Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Педагогика фанлари доктори. дисс. –Т., 2007. – 144 б.*

MAMLAKATIMIZDA KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

Gafur Abdilakimov,

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti o'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i, PhD, Associate professor

Annotatsiya

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar natijasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi muntazam ravishda oshib bormoqda. Kichik biznesni rivojlantirishda hududlar muhim ahamiyat kasb etadi. Aynan mahalliy hokimiyat organlari o'z hududining moliyaviy va moddiy imkoniyatlarini, mahsulot va xizmatlarning muayyan turlari bo'yicha aholining haqiqiy ehtiyojlarini, mintaqa nuqtayi nazaridan faoliyat sohalari va mulkchilik shaklidagi resurslardan samarali foydalanish yo'llarini aniq bilishadi. Ushbu maqolada, mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari haqida fikr va mulohazalar yuritiladi.

Kalit so'zlar: kichik biznes, tadbirkorlik, rivojlantirish, iqtisodiy, moliyaviy, asosiy yo'nalish, davlat.

Аннотация

В результате экономических реформ, проводимых в нашей стране, доля малого бизнеса и частного предпринимательства в ВВП регулярно увеличивается. Регионы играют важную роль в развитии малого бизнеса. Именно органы местного самоуправления четко знают финансовые и материальные возможности своей территории, реальные потребности населения в конкретных видах продукции и услуг, сферы деятельности с точки зрения региона и пути эффективного использования ресурсов в форме собственности. В данной статье будут рассмотрены основные направления развития малого бизнеса и частного предпринимательства в нашей стране.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, развитие, экономическое, финансовое, основное направление, государственное.

Annotation

As a result of the economic reforms carried out in our country, the share of small business and private entrepreneurship in the gross domestic product is regularly increasing. In the development of small business, the territory plays an important role. It is the local authorities who clearly know the financial and material capabilities of their territory, the real needs of the population in certain types of products and services, areas of activity from the point of view of the region and ways to effectively use resources in the form of ownership. This article provides feedback and feedback on the main areas of development of small business and private entrepreneurship in our country.

Keywords: Small Business, Entrepreneurship, Development, Economic, Financial, main direction, state.

Mamlakatimizni 2017–2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi doirasida o'tgan davr mobaynida davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh etishga qaratilgan 300 ga yaqin qonun, 4 mingdan ziyod O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari qabul qilindi. Milliy iqtisodiyotni isloh qilish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta'minlash bo'yicha ta'sirchan choralar ko'rildi. Mamlakatimizda kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning iqtisodiy va huquqiy asoslarining yaratilganligi ijobiy natijalarga erishishga sabab bo'lmoqda. Kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda keng ko'lamlı soliq va bojxona imtiyozlarining berilishi natijasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining ijtimoiy-iqtisodiy holati sezilarli darajada yaxshilandi. Bundan tashqari, davlat tomonidan "2022 yildan boshlab bosqichma-bosqich tadbirkorlikka oid barcha majburiy talablarni yagona elektron reestrğa

kiritish tartibini joriy etish hamda takrorlanuvchi va o'z ahamiyatini yo'qotgan majburiy talablarni qayta ko'rib chiqish" kabi vazifalarning qo'yilishi bu sohada tub o'zgarishlar bo'lishiga zamin yaratmoqda [1, 57].

Bugungi kunda mamlakatimizdagi "islohotlarning asosiy maqsadi – aholi uchun munosib hayot darajasi va sifatini ta'minlashdir". Shunday ekan, bugungi kunda kichik va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solish va ishbilarmonlik muhitini rivojlantirish masalalari o'ziga xos dolzarblik kasb etadi. Mamlakatimiz olimlari tomonidan chop etilgan iqtisodiy ilmiy manbalarda "Ishbilarmonlik muhiti" tushunchasiga ta'riflar keltirilmagan, lekin unga yaqin fikrlar bor. Masalan, B.Y.Xodiyev, M.S.Qosimova, A.N. Samadov kabi iqtisodchilar "tadbirkorlik faoliyatini samarali olib borish uchun ma'lum bir ishchi muhiti bo'lishi kerak" deb qayd etadilar. Ularning mulohazalariga ko'ra, "tadbirkorlik muhiti asosan quyidagi to'rtta omil: huquqiy, siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy omillarning o'zaro bog'liqligi natijasida amalga oshiriladi". Taniqli iqtisodchi S.S.G'ulomovning "Tadbirkorlik va kichik biznes" nomli o'quv qo'llanmasida tadbirkorlik

muhitiga ichki va tashqi omillarning ta'siri va ularning o'zgaruvchanligi to'g'risida qisqa fikr berilgan.

Iqtisodchi M.Rasulov esa tadbirkorlik "rivojlanishi uchun ma'lum sharoitlar talab etilib", bu sharoitlar iqtisodiy, siyosiy, ruhiy va huquqiy asoslardan iborat ekanligini qayd etadi. Iqtisodchi B.Salimov esa "Ishbilarmonlik muhiti" iborasini ishlatmagan bo'lsa-da, "Har qanday biznes ma'lum muhitda faoliyat ko'rsatadi", deb aytadi. Uning fikricha, o'sha "ma'lum muhit" yo'lga qo'ysa, korxonalar o'z harakati tufayli oldiga qo'yilgan maqsad-

ga erishishi mumkin. Xususan, U.V.Gafurovning kichik biznes va tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solish masalalariga va ishlabarmonlik muhitini kengaytirishga doir ilmiy dissertatsiyasi bu borada qilingan so'nggi ishlardan biridir. Biroq ushbu masalani o'z ichiga qamragan ilmiy izlanishlar davom ettirilmoqda. Respublikamizda bozor iqtisodiyotiga o'tish sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning umumnazarini, mintaqaviy va tarmoq muammolari bir qator respublikamiz olimlarining ilmiy ishlarida keng yoritilgan.




Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni va bevosita kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish borasida tadqiqotlar olib borgan boshqa bir taniqli olimlar esa o'z ilmiy ishlarida iqtisodiyotning mintaqaviy, tarmoq, infratuzilma obyektlarini modellashtirishning nazariy va amaliy jihatlarini tadqiq etishgan. Shuni ta'kidlash joizki, bugungi kunda mamlakatimiz olimlari tomonidan respublikamizda kichik biznes rivojlanish tendensiyalarini ilmiy va amaliy jihatdan tadqiq etish borasidagi tadqiqotlar yetarli emas yoki bo'lmasa, ko'pchiligi tadbirkorlikning nazariy muammolariga bag'ishlangan.

Kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan qonunchiligimiz, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari, taniqli olimlarning ilmiy asarlari o'rganilib, kichik va xususiy tadbirkorlikni iqtisodiyotdagi

o'rni tahlil qilindi. Shu bilan birga, tadqiqot jarayonida mavzuga oid statistik ma'lumotlar va nazariyalarni o'rganishda tahlilning mantiqiy va taqqoslash usullari, analiz va sintez, tizimli yondashuv, iqtisodiy-statistik tahlil, tanlanma kuzatish hamda tajriba kabi usullardan foydalanilgan. Mavzuni yoritishda darsliklar, o'quv qo'llanmalar, xorijiy adabiyotlar, davriy matbuot, ilmiy-amaliy hamda xalqaro anjuman to'plamlari, shuningdek, internet ma'lumotlaridan foydalanildi. Mamlakatimizda, bugungi kunda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga shaxsan davlatimiz rahbari tomonidan e'tibor qaratilmoqda. Tadbirkorlik vakillari bilan muntazam ravishda o'tkazilayotgan, shu jumladan, 2021-yilning 20-avgustida bo'lib o'tgan uchrashuv ham bu fikrimizga yaqqol misol bo'la oladi.

2020- yil yanvar-dekabr oylarida iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha yangi tashkil etilgan kichik korxonalar va mikrofirmalar, % da



Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiyotimizning tobora tayanchiga aylanib bormoqda. So'nggi yillarda ishbilarmonlik muhitini yaxshilash natijasida kichik va xususiy tadbirkorlik subyektlari yanada faollashdi. Buning oqibatida mahsulot (ish, xizmat) ishlab chiqarish hajmining oshishi, raqobat natijasida mahsulot sifatining yaxshilanishi, o'zaro iqtisodiy munosabatlarining diversifikatsiyalashuvi yuzaga keldi [2, 282]. Kichik va xususiy tadbirkorlik subyektlarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash va ularga qulay investitsion sharoitlar yaratib berish bo'yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida ularning soni va barcha jabhalarda kichik va xususiy tadbirkorlikning ulushi yildan yilga ortib bormoqda. Mamlakatimizda kichik va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishini ularning asosiy iqtisodiy ko'rsatkichlari hamda tarmoqlarda mahsulot ishlab chiqarishdagi ulushidan ham xulosa qilish mumkin.

Ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, oxirgi yigirma yil davomida mamlakatimizda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yuqoridagi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlardagi ulushi ortib bormoqda. Ayniqsa, qurilish, bandlik va importda doimiy o'sish qayd etilgan. Mamlakatimiz YaIMining yarmidan ko'pi hamda ish bilan band aholining 80 foizga yaqini kichik korxonalar va mikrofirmalar hissasiga to'g'ri kelayotgani ham katta yutuqlarimizdan hisoblanadi. Bundan tashqari, so'nggi yillarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiyot tarmoqlaridagi asosiy ko'rsatkichlari hajmi ham shiddat bilan o'sib borayotganini ko'rish mumkin. Bugungi kundagi dolzarb masalalardan biri hisoblangan, chet davlatlarda mehnat qilayotgan fuqarolarimizga o'zimizda yangi, ularga munosib haq to'lanadigan ish o'rinlarini yaratib berishni aynan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish orqali hal etishimiz mumkin.

Yuqoridagilarni inobatga olib hamda davlatimiz rahbari tomonidan 2022-yilning 28-yanvarida qabul qilingan

PF-60-sonli Farmonga asosan, tadbirkorlarga qulay sharoit yaratib berish bo'yicha ustuvor yo'nalishlar sifatida quyidagi chora-tadbirlarni keltirishimiz mumkin:

- sharoiti og'ir tumanlarda yangi tashkil etiladigan tadbirkorlik subyektlariga aylanmadan olinadigan soliq stavkasi 1 foiz stavkada hamda yuridik shaxslardan olinadigan yer solig'i, yuridik shaxslarning mol-mulkiga olinadigan soliqlari hisoblangan summadan 1 foiz stavkada to'lash tizimini joriy etish;

- tadbirkorlikka oid barcha majburiy talablarni yagona elektron reyestrda kiritish hamda takrorlanuvchi va o'z ahamiyatini yo'qotgan majburiy talablarni qayta ko'rib chiqish;

- litsenziya va boshqa ruxsat etuvchi hujjatlarni olish tartib-taomillarini soddalashtirish;

- iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirish va xususiy sektor uchun keng yo'l ochish;

- har yili barcha tuman va shaharning muammo va imkoniyatlarini chuqur o'rgangan holda, hududlar kesimida taraqqiyot dasturlari ishlab chiqish;

- har bir tumanda "Innovatsiya va texnologiya markazlari" tashkil qilib, tadbirkorlarga amaliy yordam ko'rsatish [3, 696].

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda mamlakatimizdagi "islohotlarning asosiy maqsadi – aholi uchun munosib hayot darajasi va sifatini ta'minlashdir". Shunday ekan, bugungi kunda kichik va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan tartibga solish va ishbilarmonlik muhitini rivojlantirish masalalari o'ziga xos dolzarblik kasb etadi. Kichik biznesni rivojlantirishda hududlar muhim ahamiyat kasb etadi. Aynan mahalliy hokimiyat organlari o'z hududining moliyaviy va moddiy imkoniyatlarini, mahsulot va xizmatlarning muayyan turlari bo'yicha aholining haqiqiy ehtiyojlarini, mintaqa nuqtayi nazaridan faoliyat sohalari va mulkchilik shaklidagi resurslardan samarali foydalanish yo'llarini aniq bilishadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev Sh. M. *Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak*. –T.: O'zbekiston, 2017. – 104 b.
2. Pol Berns. *Tadbirkorlik va kichik biznes*. 5-nashr. Qizil Globe Press, 2021. – 584 b.
3. Garther V.B. *yangi korxonalar yaratish fenomenini tavsiflash uchun kontseptual asos menejmentni ko'rib chiqish Akademiyasi*, 2021. – 706 b.
4. Staley E., Morse R. *tadbirkorlikni rivojlantirish: P. Kilby tadbirkorlik va iqtisodiy rivojlanishdagi dastur uchun elementlar*, 2020. – 384 b.

TALABALARNI SPORT TURIZMGA QIZIQISHINI RIVOJLANTIRISH

Nasiba Shomirzayeva,

Jizzax davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Sog'lom turmush tarzini kechirishda jismoniy harakatlar, ayniqsa, sayr-sayohatlar muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ular ko'p aqliy faoliyat va kasb egallash bilan bog'liq bilimlarni egallash natijasida toliqqan talaba yoshlarning asab faoliyatini tinchlantiradi, ular tanasi va a'zolarini ish bajarish qobiliyatini oshirib, kelgusi faoliyat samaradorligiga muhim poydevor yaratadi.

Kalit so'zlar: nazariy asoslash, amaliy mashg'ulotlar, normativ-determinant tarkibiy qism.

Аннотация

Физические нагрузки, особенно прогулки, становятся все более важными при ведении здорового образа жизни. Потому что они успокаивают нервную деятельность студентов-подростков, которые устали в результате приобретения знаний, связанных с большой умственной деятельностью и профессией, они повышают способность своего тела и органов выполнять работу, создавая важную основу для эффективности будущей деятельности.

Ключевые слова: теоретическое обоснование, практическое обучение, нормативно-правовые основы.

Annotation

When leading a healthy lifestyle, physical activity, especially walks, plays an important role. Because they calm the nervous activity of students and young people, exhausted by the acquisition of knowledge associated with a lot of mental activity and occupation, they increase the ability of the body and organs to perform work, creating an important foundation for the effectiveness of future activities.

Keywords: theoretical substantiation, practical training, regulatory framework.

O'quvchi-yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish mamlakatimizda barkamol yoshlarni tayyorlash bo'yicha olib borilayotgan davlat siyosatining eng muhim qismi hisoblanadi. Chunki aynan o'qish davomida o'quvchilarning sog'lom turmush kechirishi uchun zarur bo'lgan bilimlar, malakalar va ko'nikmalar mustahkamlanadi va yanada rivojlantiriladi. Sog'lom turmush tarzini kechirishda jismoniy harakatlar, ayniqsa, sayr-sayohatlar muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki ular ko'p aqliy faoliyat va kasb egallash bilan bog'liq bilimlarni egallash natijasida toliqqan o'quvchi yoshlarning asab faoliyatini tinchlantiradi, ular tanasi va a'zolarini ish bajarish qobiliyatini oshirib, kelgusi faoliyat samaradorligiga muhim poydevor yaratadi. "Ta'lim to'g'risida"gi (2020-y), "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi (2015-y), "Turizm to'g'risida"gi (1999-y) O'zbekiston Respublikasi qonunlari, "Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tuzish to'g'risi"gi (2002-yil 24-oktabr), "Sihat-salomatlik yili to'g'risida"gi (2004-y), "Barkamol avlod yili to'g'risida"gi (2010-y) qarorlar va Davlat dasturlarida aynan o'quvchi-yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini aqliy va jismoniy tarbiyalash masalalariga alohida e'tibor berilgan, ularni sog'lom turmush tarzini kechirishlari yuzasidan muhim vazifalar belgilangan [5].

O'quvchi yoshlar o'rtasida sayr-sayohatlarni rivojlantirish, ularni tashkil qilish va o'tkazish masalalari bilan respublikamizda R.Abdomalikov, T.Xoldorov, R.Qosimova, E.Sh.Ermatov, X.Tulenova va boshqalar ilmiy tadqiqot ishlarini o'tkazishgan va tadqiqot natijalariga ko'ra o'quv qo'llanmalar, amaliy tavsiyalar tayyorlab chop etgan.

Bu qo'llanma va tavsiyalarda sayr-sayohatlarning talaba yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini har tomonlama etuk shaxslar qilib tarbiyalashdagi o'rni va ahamiyati ko'rsatib o'tilgan. Mualliflar sayr-sayohatlarni o'quvchi yoshlarni sog'lom turmush tarzini kechirishdagi o'rniga ham e'tibor berib, "sayr-sayohatlar o'quvchi yoshlarni kun tartibiga rioya qilish, zararli odatlardan (chekish, spirtli ichimliklar ichish) saqlanish, jismoniy chiniqish, organizmni tashqi muhit ta'sirlariga (issiq, sovuq, shamol va b.) chidamliligini oshirib, ular salomatligini saqlash, mustahkamlash, unumli mehnat qilish hamda uzoq va sermazmun hayt kechirishlari uchun zamin yaratadi", – deb ta'kidlashgan [1,15]. Yuqorida ko'rsatib o'tilgan holatlar sog'lom turmush tarzining asoslaridan hisoblanadi. Sog'lom turmush tarzi degan tushuncha insoniyatning eng qadimgi yashash davrlarigacha borib etadi. Sharq mutafakkirlari Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Mahmud Koshg'ariy, Nasafiy, Navoiy va boshqa ko'plab donishmandlar sog'lom hayot kechirish masalalariga o'z asarlarida keng to'xtalib o'tgan. Prezidentimiz "Odamzodning sog'lig'i ko'p jihatdan, avvalambor, uning o'ziga bog'liq. Buning uchun u o'z hayotini oqilona yo'lgan qo'yishi, har qanday kasallikni oldini olishi uchun sog'lom hayot tarzi va turmush madaniyati talablariga amal qilishi, shak-shubhasiz, katta o'rin tutadi", – deb ta'kidlagan. Milliy qadriyatlarini tiklash ma'naviy-ma'rifiy madaniyatimiz tarixini chuqur o'rganish – milliy iftixorimiz hamda hozirgi davr mafkurasi yoshlarga, o'quvchilarga o'rgatishda sayohatlarning o'ziga yarasha o'rni va mohiyati bor [2, 69]. Bu yo'lda O'zbekiston turizm kompaniyasi va turli xalqaro jamg'arma

uyushmalarining faoliyati muhim ahamiyat kasb etmoqda. Sayohatlarning jismoniy va ma'naviy jihatdan o'ziga xos tarbiyaviy jihatlari mavjud. Ularning ilmiy pedagogik jihatidan o'rganish hozirgi kunning muhim tomonlaridan biridir. "Alpomish" va "Barchinoy" maxsus testlarining sayohatlar amalida bajarish yo'llarini o'rganish maqsadida quyidagi vazifalarga muvofiq bo'ladi [3, 26].

Turizm o'zining osonligi va qiziqarliligi bilan xalq ommasini o'ziga jalb qiladi, ya'ni turizm bilan shug'ullanishlari uchun kishilar o'zining yoshini, jinsini va jismoniy tayyorgarligini hisobga olagan holda, u yoki bu sport turi bilan shug'ullanishlari mumkin. Jismoniy tarbiya asosan uchta vazifani bajaradi (sog'lomlashtirish, bilim berish, tarbiyalash). Turizm esa to'rtinchi sport vazifasini bajaradi, ya'ni turizm hamma sport turlari uchun shug'ullanuv umumjismoniy tayyorgarligini ta'minlabgina qolmay, balki turizm turlari barcha sportchi razrayadlarini ham tayyorlaydi. Turizm orqali sayohatlarda jismoniy madaniyat shakllanadi. Toza havo tog' yonbag'irlarida yurish, erkin nafas olish, xalq o'yinlari bilan shug'ullanishlari mumkin. Nafaqat tog'larda, balki o'lkamizning turli relyeflarida ham sayohatlar o'tqazish mumkin. Bu oquvchi yoshlarni ham jismoniy chiniqtirish, shuningdek, o'zlikni anglash, yurtimiz tabiati, madaniyati, ma'naviyatiga qiziqishlarini oshirishga ham yordam beradi. Jahon xalqlarining ijtimoiy-madaniy turmush tarzida sayohat, sayr juda katta tarbiyaviy ahamiyatga ega. Tabiatning go'zal gulshanlariga sayr qilish, tog'larga sayr qilish, xushmanzara joylarda miriqib hordiq chiqarish, tarixiy va madaniy obidalar sirlarini o'rganish o'quvchilarga zavq-shavq baxsh etibgina qolmay, salomatligini yaxshilash, jismoniy kamolotini rivojlantirish, ma'naviy olamini boyitish, dunyo qarashini kengaytirishga ham xizmat qiladi. Turizm o'zining yo'nalishi va faoliyat xarakteriga qarab quyidalarga bo'linadi; aylanish (progulki), sayohat (ekskursiya), sayr (poxod) ekspeditsiyaga bo'linadi. Aylanishlar – qisqa vaqtli oson, hamma uchun qulay bo'lgan tur bo'lib (piyoda aylanish, chang'ida aylanish, velosipedda aylanish va qayiqda aylanish mumkin. Bizning maqsadimiz kishi organizmini chiniqtirish va sog'lomlashtirish. Sayohat – ekskursiya buning maqsadi jamoa bo'lib qandaydir muzeylarga, teatrlarga, tarixiy yodgorliklarga, bolalar sport inshootlariga, o'yinlarga o'quv ilmiy va ma'naviy saviyasini oshirish yoki umummadaniyatini rivojlantirish bo'yicha tashkil qilinadi. Sayrning maqsadi o'quvchilarning yoshlarning mehnatkashlarning jismoniy tayyorgarligini takomillashtirish, o'lkani o'rganish. Jamoat foydali faoliyatini yaxshilash bo'yicha tashkil qilinib 3-4 kishidan 25 kishigacha bo'linishi mumkin. Sayr piyoda, chang'i, velosipedda va qayiqda o'tkazilishi mumkin. Amaliyotda ko'pgina turistik sayrlar turi mavjud bo'lib ular tayyorgarlik, shaxsiy va ommaviy targ'ibot sayrlariga bo'linadi. Sayohatning turiga qarab va ularni sayohatga yoki safarga chiqadigan kungacha naza-

riy-amaliy mashg'ulot o'tkazish kerak. Yana bir guruh "Alpomish" va "Barchinoy" testlarini tayyorlab ularni sayyoh nishonini olishga qiziqtirish, oliy o'quv yurtlarida turistik harakatlarni yaxshi yo'lga qo'yish, uni rivojlantirishda pedagogik jamaolarning roli benihoya kattadir. O'qituvchilar o'z fanlari bo'yicha yaxshi bilim beribgina qolmasdan, balki ularning darsdan tashqari mashg'uloti kasb tanlash, sport va sayohatlar bilan shug'ullanishlariga yaqindan yordam berishadi. O'quvchilarning turizm va o'lkashunoslik to'garaklariga jalb qilish, sayohatlar uyushtirish va uni o'tkazishda geografiya, botanika, tarix hamda jismoniy tarbiya o'qituvchilari birinchi navbatda katta faollik ko'rsatadilar. Sayohatlar davomida o'qituvchining ham, o'quvchilarning ham kayfiyati doimo bir xil bo'lavermaydi. Ba'zan turli bahslar, tortishuvlar, ranjishlar, hatto arazlashlar ham yuzaga keladi. Bu holning oldini olish uchun sayohat rahbari aybdorlarni topadi. Ularni koyiydi, ko'pchilik oldida tanbeh beradi. Natijada umummaqsad yo'lida turistlar jamoasi o'z ahilligini to'la tiklaydi. Sayohat ko'ngilli o'tadi. Sayohatlar orasida eng samarali va ommabop turlaridan biri tog' sayrlari hisoblanadi. Talabalar bilan tog'li joylarda sayrlarni tashkil qilish va o'tkazish, faol hordiq chiqarish hamda turistik texnika bo'yicha musobaqa o'tkazish sog'liqni saqlashga o'quvchilar tomonidan boshqa sport turidan qo'shimcha sport razryadini bajarishga yordam beradi, o'zlari yashab turgan viloyat, tuman mintaqasidagi tabiatni, o'lkani, hayvonot dunyosini hamda ekologiyani saqlashga, o'quvchilarni ma'naviy-ma'rifiy tomondan tarbiyalashda katta ahamiyatga ega. Shu bilan birga, sportchilar uchun muhim bo'lgan kuch, chidamlilik va egiluvchanlik sifatlarini tarbiyalaydi, boshqa sport turlariga umumjismoniy tayyorgarligining asosiy vositasi sifatida xizmat qiladi. Yurtimizda ham turizmni rivojlantirishning ilmiy nazariy asoslari ishlab chiqildi. Bugungi kunda turizm sohasi oldida turgan asosiy vazifa O'zbekistonning tabiiy iqlimi, rekratsion ijtimoiy-iqtisodiy va tarixiy-madaniy salohiyatini hisobga olgan holda, ichki va xalqaro turizm ehtiyojini qondirishga yo'naltirilgan yuqori rentabelli turistik tarmoqlarni yaratishdan iborat.

Xalqaro turizm bozoridan mustahkam o'rin olishi uchun O'zbekistonda sayyohlarga yuqori darajada qulayliklar yaratilishi, ularga xizmat ko'rsatishning barcha turlari bo'yicha standartlar tizimi, xavfsizligini ta'minlash kafolatlarini yuzaga keltirish kabi masalalar dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Shu tufayli yurtimizda turli tadbirlar o'tkazilmoqda. Yoshlarni turizmga qiziqtirishda muqaddas qadamjolarining ham ahamiyati kattadir. Yurtimiz sayohat uchun juda qulay mamlakat. Qaysi fasl bo'lishidan qat'i nazar, yil 12 oy sayohatga boy va sayyohlar bilan gavjum. Respublikamizning qaysi hududiga bormang, bemalol sayohat uchun arziydigan maskanni topa olasiz. Bu esa yoshlar o'rtasida vatanparvarlik, yurtga muhabbat, ajdodlarga hurmat-ehtirom ruhida tarbiyalashga yordam

beradi. O'quvchi yoshlarni mustaqil fikrlashga, kelajak avlodga o'rnak bo'la olish hissi shakllanadi. Samarqanddagi "Imom al-Buxoriy" ziyoratgohini olasizmi, Ichan Qal'animi, avliyolar maqbaralarinimi, "Go'ri Amirnim, "Bibixonim" madrasasinimi, Ulug'bek rasadxonasinimi, Registoninimi – barchasi haligacha va bundan keyin ham dunyoni lol qoldirib kelmoqda. Yurtimiz o'quvchi-yoshlariga O'zbekiston turizmi statistikasi, sohadagi islohatlar, o'zgarishlar, xorijdagi vatandoshlarning O'zbekistonga sayohat qilishga doir targ'iboti bo'yicha batafsil ma'lumot berib borilmoqda. Qayd etilishicha, 2019-yili mobaynida xorijdagi 4000 dan ortiq yoshlar targ'ibotga jalb etilgan. Ular bilan hamkorlikda 100 dan ortiq tadbir o'tkazili, 60000 dan ortiq targ'ibot materiallari tarqatilgan [4, 75].

Xulosa qilib aytsak, O'zbekiston o'quvchi yoshlar-

ni ichki turizmga jalb qilishda ulkan salohiyatga ega. Bugunga kelib mamlakatimizda jami 10915 ko'ngilochar maskan va turistik obyekt faoliyat ko'rsatmoqda. O'zbekistonda ichki turizmni rivojlantirish, sayyohlarni jalb etishda turli ommaviy madaniy ko'ngilochar tadbirlar ahamiyatini hisobga olib, o'tgan yildan boshlab har bir hududning o'ziga xosligidan kelib chiqqan holda, turli ommaviy tadbirlar o'tkazilmoqda. Birgina 2020-yilda respublika miqyosida 122 tadbir o'tkazilgan. Bir so'z bilan aytganda, yoshlarni turizmga qiziqtirish ularni ham jismoniy chiniqtirish, ona vatanga mehr-u muhabbat ruhi-da tarbiyalashga yordam beradi. Demak o'quvchi yoshlarni turizmga qiziqtirish har bir pedagogning ota-onaning vazifasidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Холдоров Т., Санаева Л. Туризм сайёҳлик. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. 4- нашр. – Т.: "Иқтисод-молия", 2017. – 258 б.
2. Abdumalikov R., Xoldorov T. Turizm. O'quv qo'llanma. – T.: "O'qituvchi", 1988. –195 b.
3. "Ekoturizmni rivojlantirish, aholini ekologik savodxonligi va madaniyatini oshirish, tabiatdagi bioxilma-xillikni saqlab qolish va undan foydalanish" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumanining maqolalar to'plami. JDPI. 2012-y 29-30-iyun. – 698 b.
4. Xoldorov T., R.Abdumalikov., Xayitov T.Sh. Jismoniy madaniyat va sport tayyorgarligi jarayonida ekologik sayohatlardan foydalanish. –T., 2012. – 215 b.
5. www.lex.uz

АННОТИРОВАНИЕ ГЕНОМОВ ПРОКАРИОТ НА ПРИМЕРЕ БАКТЕРИЙ РОДА ERWINIA

Эрнест Хуршут,
Рустам Базаров,
Дмитрий Базаров,

Ильхом Салахутдинов,

Центр геномики и биоинформатики АН РУз

Аннотация

Для большинства задач геномных исследований необходимы аннотированные геномы. Однако большое разнообразие инструментов аннотирования приводит к проблемам при сравнении геномов. Для полного автоматического аннотирования геномов прокариот из рассмотренного в данной статье ПО была выбрана программа prokka. К встроенной базе данных prokka были добавлены аннотированные геномы пяти видов рода *Erwinia*, после чего проаннотированы полные геномы 39 штаммов 17 видов этого рода.

Ключевые слова: программное обеспечение, геном, аннотация, прокариоты.

Annotatsiya

Genomik tadqiqotlarning aksariyat vazifalari uchun annotatsiyalangan genomlar talab qilinadi. Biroq, annotatsiya vositalarining keng doirasi genomlarni solishtirishda muammolarga olib keladi. Prokaryotik genomlarning to'liq avtomatik annotatsiya qilish uchun prokka dasturi ushbu maqolada ko'rib chiqilgan vositalardan tanlangan. Standart prokka ma'lumotlar bazasini *Erwinia* jinsining besh turining annotatsiya qilingan genomlari bilan kengaytirdik. Keyin ushbu jinsidagi 17 turining 39 ta shtamming to'liq genomlari annotatsiya qilindi.

Kalit so'zlar: dasturiy ta'minot, genom, annotatsiya, prokaryotlar.

Annotation

Annotated genomes are essential for most genomic research. However, a wide range of annotation software leads to problems when comparing genomes annotated with different tools. For the complete automatic annotation of prokaryotic genomes, the prokka software was chosen from the tools considered in this article. The default prokka database has been expanded by including the annotated genomes of five species of the genus *Erwinia*. Then, the complete genomes of 39 strains of 17 species of this genus were annotated.

Keywords: software, genome, annotation, prokaryotes.

Развитие технологий секвенирования ДНК, ускорившее и удешевившее получение полногеномных последовательностей различных организмов, вызвало бум в биомедицинской науке. Однако, геномная последовательность как таковая не представляет большой ценности. Для большинства задач геномных исследований необходимы аннотированные геномы. К сожалению, развитие инструментов аннотирования отстает от технологического прогресса в полногеномном секвенировании. Узким местом геномных исследований становится именно аннотирование. В данной статье мы приводим краткое описание современных инструментов, используемых для аннотирования геномов.

Аннотированием называется процесс определения в геноме местоположения генов и других кодирующих и не кодирующих последовательностей, с описанием их функций. В результате этого процесса к нуклеотидной последовательности добавляется биологически значимая информация, называемая аннотацией.

Аннотирование бывает ручным и автоматическим. Ручное аннотирование, исторически более раннее, основано на знаниях и опыте эксперта, и, зачастую, является более точным, но в тоже время кропотливым процессом. С появлением высокопроизводитель-

ных систем полногеномного секвенирования ручной подход начал тормозить исследования, и теперь используется лишь как дополнение к автоматическому.

Автоматическое аннотирование проводят с помощью компьютерного анализа, используя известные аннотации геномов близких организмов, хранящиеся в публичных базах данных. Соответственно, инструменты аннотирования геномов различаются по степени автоматизации: от ручного аннотирования, до полностью автоматического (без возможности редактирования полученных аннотаций).

Наиболее популярны платформы, сочетающие ручной и автоматизированный подходы. Они включают ряд инструментов, сшитых в один конвейер так, что результаты работы одних заданий являются входными данными для других. Установку всех инструментов, необходимых для конвейера аннотирования, можно упростить при помощи менеджера пакетов conda и канала пакетов bioconda. Канал пакетов – это коллекция предварительно скомпилированных программных средств, которые могут быть установлены при помощи conda.

Различают структурное и функциональное аннотирование геномов. Структурное аннотирование

заключается в идентификации генетических структур: регуляторных последовательностей и мотивов, открытых рамок считывания, кодирующих областей, стоп-кодона и других структурных элементов гена. Функциональное аннотирование заключается в присоединении биологической информации к геномным элементам: о биохимических и биологических функциях генов, их участии в регуляции, взаимодействии, экспрессии и пр.

Существует ряд инструментов функционального аннотирования, позволяющих получать аннотации для набора генов из публичных баз данных, например, GenBank. Такие программы в основном работают под ОС Linux, находятся в открытом доступе для академических пользователей и, как правило, являются частью конвейеров аннотирования.

Кроме структурной и функциональной информации, важной частью аннотации являются различные вспомогательные данные, формирующие доказательный след, который помогает в курировании, контроле качества и управлении геномными аннотациями.

Хотя аннотация включает в себя характеристику множества биологически значимых элементов генома, обычно основное внимание уделяется правильной идентификации генов, кодирующих белки. Возможно поэтому аннотирование иногда путают с предсказанием генов. Предсказание генов является одним из этапов аннотирования, и заключается в определении кодирующих и регуляторных последовательностей в геноме. Различают три основных подхода к предсказанию генов: *ab initio* (или внутренний), на основе доказательств (или внешний) и смешанный.

Предсказание генов *ab initio* также называется внутренним подходом, так как он фокусируется исключительно на информации, которая может быть извлечена из самой геномной последовательности. Инструменты предсказания генов *ab initio* используют математические модели для идентификации генов и определения их интрон-экзонной структуры. Преимуществом такого подхода является то, что при этом не нужны внешние данные, такие как экспрессирующиеся последовательности (ESTs) и выравнивания аминокислотных последовательностей. Однако такие инструменты имеют определенные ограничения, особенно при предсказании генов эукариот. Например, большинство предсказателей генов находят единственную, наиболее вероятную, кодирующую последовательность (CDS) и не сообщают о нетранслируемых областях (UTR) или транскриптах при альтернативном сплайсинге. Поэтому уместнее было бы говорить о предсказании не генов, а CDS.

Серьезной проблемой является и сложность отличия генов от межгенных областей, и определения кодирующих и некодирующих регионов (интронов

и экзонов). Для этого используют специфичные для организма геномные признаки, такие как частоты кодонов и распределение длин интронов-экзонов. Эти параметры определены для модельных организмов и встроены в программы для выбора по умолчанию. Однако, даже близкородственные организмы могут отличаться по длине интронов, использованию кодонов, содержанию GC и другим параметрам. Видоспецифичность является как преимуществом, так и недостатком этого подхода. С одной стороны, он способен предсказывать видоспецифичные гены. Но, с другой стороны, для каждого нового вида приходится перестраивать и переобучать модели и программное обеспечение (ПО).

Различие между *ab initio* предсказанием и аннотацией генов постепенно стирается. Некоторые инструменты *ab initio*, например Augustus, для повышения точности своих предсказаний могут использовать молекулярную информацию из публичных баз данных. Например, ESTs могут быть использованы для однозначного определения границ экзонов. Чтобы отличить такой подход от *ab initio*, его называют «предсказанием генов на основе доказательств». Так как этот подход подразумевает использование огромных объемов молекулярной информации, накопленной в базах данных, его еще называют эмпирическим или внешним, в отличие от неэмпирического или внутреннего предсказания генов *ab initio*.

Предсказание генов на основе доказательств имеет большой потенциал для улучшения качества предсказания генов в новых секвенированных геномах, но на практике его использование может быть затруднено. ESTs и белки сначала должны быть выровнены по геному. Если доступны данные РНК-секвенирования, их также выравнивают. Затем выявляются сайты сплайсинга, и собранные данные должны быть обработаны, прежде чем синопсис этих данных может быть передан программе поиска генов. На практике это объемная работа, требующая большого количества специализированного программного обеспечения. Фактически, это одно из основных препятствий, которое пытаются преодолеть конвейеры аннотирования генома.

Большое разнообразие инструментов аннотирования имеет и обратную сторону. Один и тот же геном, аннотированный разными инструментами, может довольно сильно различаться. Поэтому анализ геномов, полученных из разных источников, осложняется разнообразием их аннотаций.

Для сравнимости наших данных с литературными мы решили аннотировать все имеющиеся геномы одним инструментом, чтобы в результате иметь геномы с единообразной аннотацией. Для выбора подходящего инструмента автоматического аннотирования мы рассмотрели доступное ПО (Таблица 1).

Таблица 1. Программное обеспечение для автоматической аннотации геномов

Название	Краткое описание	URL
Augustus	Предсказание генов ab initio, которое также может включать внешние источники.	https://bioinf.uni-greifswald.de/augustus
Bakta	Аннотация бактериальных геномов. Доступна для ПК и с веб-интерфейсом.	https://github.com/oschwengers/bakta
BASys	Веб-сервер для автоматического аннотирования бактериальных геномов	https://www.basys.ca
Blast2GO	Комплексный инструмент для функционального аннотирования последовательностей и поиска данных по результатам аннотирования.	https://www.blast2go.com
Galaxy	Предоставляет графический веб-интерфейс для организации различных программных средств (в т.ч. для аннотирования) в поток заданий.	https://galaxyproject.org
GeneMark	Семейство самообучающихся программ предсказания генов у прокариот, эукариот и в метагеномах	http://exon.gatech.edu/GeneMark
Genix	Автоматизированный конвейер для аннотирования геномов бактерий на основе веб-технологий	http://labbioinfo.ufpel.edu.br/genix
GENSCAN	Ab initio предсказание генов в полногеномных последовательностях животных и растений	http://hollywood.mit.edu/GENSCAN.html
Glimmer	Поиск генов на основе GHMM у прокариот, эукариот и в метагеномах	http://ccb.jhu.edu/software/glimmer
MAKER	Конвейер автоматического аннотирования геномов. Производит ab initio предсказания генов.	https://www.yandell-lab.org/software/maker.html
MEGAN	Предсказание генов в метагеномах	https://software-ab.informatik.uni-tuebingen.de/download/megan6/
MicrobeAnnotator	Автоматизированный конвейер для функционального аннотирования микробных геномов	https://github.com/cruizperez/MicrobeAnnotator
Prodigal	Поиск генов у прокариот. Используется, например в Genbank и NCBI.	https://github.com/hyattpd/Prodigal
Prokka	Автоматическое аннотирование геномов прокариот	https://github.com/tseemann/prokka

Augustus [1] разработан для предсказания генов в эукариотических геномных последовательностях. Веб-сервер позволяет пользователю накладывать ограничения на предсказанную структуру гена. Ограничение может определять положение сайта сплайсинга, сайта инициации трансляции или стоп-кодона. Кроме того, можно указать положение известных эк-

зонов и интронов. Является одной из самых точных программ ab initio предсказания генов для видов, для которых она была обучена [2]. Кроме веб-интерфейса бесплатно доступно и автономное ПО (для MS Windows).

Bakta [3] – инструмент командной строки для аннотации бактериальных геномов. Аннотирование ко-

дирующих последовательностей ускоряется благодаря подходу идентификации последовательностей без выравнивания, который, кроме того, облегчает точное назначение перекрестных ссылок на общедоступные базы данных. Результаты аннотации экспортируются в GFF3 и INSDC-совместимые плоские файлы, а также всеобъемлющие JSON-файлы, облегчающие последующий автоматизированный анализ. Превосходит другие инструменты по количеству функциональных аннотаций, назначению функциональных категорий и перекрестных ссылок на базы данных, обеспечивая при этом сопоставимое время работы. Кроме веб-интерфейса бесплатно доступно и автономное ПО (MacOS и Linux).

BASys [4] – общедоступный веб-сервер, для автоматического аннотирования бактериальных геномов. Если предоставляется необработанная последовательность ДНК, BASys использует Glimmer [5] для идентификации генов. Результатом работы является комплексная аннотация всего генома (с ~60 аннотационными подполями для каждого гена) и карта генома с возможностью масштабирования и гиперссылками на запрашиваемый геном. Аннотации хранятся на сервере не более 180 дней.

Blast2GO [6] предназначен для автоматического функционального аннотирования геномов. Использует алгоритм BLAST для выявления схожих последовательностей, а затем переносит существующую функциональную аннотацию с уже охарактеризованных последовательностей на новые. Функциональная информация представлена с помощью Gene Ontology (GO).

Galaxy [7] – платформа с открытым исходным кодом для управления научными процессами, интеграции данных, хранения и публикации данных и анализа, которая призвана сделать вычислительную биологию доступной для ученых-исследователей, не имеющих опыта программирования и системного администрирования. Galaxy содержит несколько инструментов для структурной аннотации, например, Augustus [1] и GLIMMER [5]. Имеется также множество инструментов для функциональной аннотации. Для выравнивания коротких чтений по базе данных белковых эталонов имеется программа Diamond [8], отличающаяся большей, чем у Blastx, скоростью и высокой чувствительностью.

GeneMark [9,10] является семейством программ предсказания генов *ab initio*, разработанных в 1993. Для предсказания генов у прокариот предназначены программы: GeneMark, GeneMarkS и GeneMarkS+. Пакет бесплатен при некоммерческом использовании.

Genix [11] – автоматизированный конвейер для аннотирования геномов бактерий на основе веб-технологий, разработанный для обеспечения более надежного аннотирования как белок-кодирующих, так

и некодирующих генов.

GENSCAN [12] разработан в Стэнфордском университете для предсказания генов *ab initio* на основе HMM в геномах различных организмов, включая позвоночных и растения. Существуют версии для позвоночных и беспозвоночных. Точность последней ниже, поскольку оригинальный инструмент был разработан, в основном, для обнаружения генов в геномах позвоночных. Веб-сервер GENSCAN принимает последовательности длиной до 1 Мпн. Есть также возможность получения локальной копии программы по запросу.

Glimmer [5] был изначально разработан для поиска генов в прокариотической ДНК. Имеются также версии для эукариот и метагеномов. В данном инструменте для идентификации кодирующих областей используется интерполированная марковская модель. Программа имеет открытый исходный код (необходим компилятор C++).

MAKER [13] – переносимый и легко настраиваемый конвейер аннотирования геномов. Идентифицирует повторы, выравнивает EST и белки по геному, производит *ab initio* предсказание генов и автоматически синтезирует эти данные в генные аннотации с доказательными значениями качества. MAKER также легко поддается обучению: результаты предварительных запусков могут быть использованы для автоматического переобучения алгоритма предсказания генов, что позволяет получать более качественные генные модели при повторных запусках. Входные данные MAKER минимальны, а результаты его работы могут быть напрямую загружены в базу данных GMOD. Доступен бесплатно для академического использования на платформах Linux или Mac OS X, а также масштабируется на большие кластеры.

MAKER2 [14] разработан на основе MAKER [13] для геномных проектов второго поколения, в которых отсутствуют уже существующие модели генов для обучения специалистов по поиску генов, но он также хорошо работает с геномными проектами первого поколения. В MAKER2 интегрированы инструменты *ab initio* предсказания генов, например Augustus. Этот инструмент также можно использовать для улучшения качества аннотации путем интеграции данных мРНК-секвенирования. Кроме того, его можно использовать для обновления устаревших аннотаций.

MEGAN [15] предназначена для метагеномного предсказания генов. В ней применяется локальное выравнивание против базы известных последовательностей, но также реализована классификация с использованием дополнительной информации о функции генов.

MicrobeAnnotator [16] – автоматизированный конвейер для комплексного функционального анноти-

рования микробных геномов, который объединяет результаты из нескольких баз данных эталонных белков и возвращает соответствующие аннотации вместе с ключевыми метаданными, такими как взаимосвязанные идентификаторы соответствующих эталонных белков из нескольких баз данных (KEGG Orthology, Enzyme Commission, Gene Ontology, Pfam и InterPro). Далее, функциональные аннотации суммируются в модули Kyoto Encyclopedia of Genes and Genomes (KEGG) как часть графического вывода (heatmap), который позволяет пользователю быстро обнаружить различия между запрашиваемыми геномами и кластеризовать геномы на основе их метаболического сходства.

Prodigal [17] предназначена для поиска генов бактерий и архей. Используется, например, в Genbank и NCBI.

Prokka [18] – инструмент командной строки для автоматического аннотирования геномов прокариот. Определяет координаты элементов с помощью внешних инструментов предсказания генов, например Prodigal [17]. Использует иерархический метод аннотирования, начиная с небольшой базы данных, заслуживающей доверия, затем переходит к базе данных среднего размера, специфичной для домена, и, наконец, к курируемым моделям семейств белков.

При выборе ПО мы руководствовались следующими критериями: функциональность, доступность, скорость работы, разнообразие форматов представления данных, переносимость, масштабируемость, совместимость, возможность интеграции с другим ПО. Из рассмотренных инструментов (Таблица 1) была выбрана программа prokka [18].

Было показано, что результаты использования prokka для обнаружения генов и предсказания функциональности лучше, чем использование аннотированных геномов непосредственно из NCBI [19]. Привлекательность prokka заключается в скорости и возможности аннотирования на локальном компьютере. Задачу, которую prokka выполняет за минуты, у

аналогов может занять часы.

Серьезным преимуществом программы также является разнообразие форматов выходных файлов. Кроме различных файлов fasta, содержащих нуклеотидные и белковые последовательности (fna, faa, ffn, fsa), генерируются файлы gff, gb и sequin, облегчающие публикацию геномов.

В процессе аннотирования prokka использует различные общедоступные базы данных, например Prodigal [17]. Для ускорения работы применяется иерархический подход. Сначала выполняется поиск по основному набору белков с помощью BLAST+, с возможностью конкретизации для целевого рода, что занимает около 70% объема работы. Затем поиск выполняется в медленных, но более чувствительных базах данных.

В состав prokka входит собственная БД, включающая три наиболее распространенных рода: *Enterococcus*, *Escherichia* и *Staphylococcus*. Пользователь может расширить этот набор добавлением аннотированных геномов других таксонов в формате GenBank.

Мы добавили к базе данных prokka аннотированные геномы пяти видов рода *Erwinia* и проаннотировали полные геномы 39 штаммов 17 видов рода с помощью версии prokka v.1.14.6 на персональном компьютере (Intel Core i5-10400 2.9 ГГц, ОЗУ 32 Гб, ОС Ubuntu 20.04) за 3 часа 57 минут.

В результате мы имеем унифицированные данные аннотированных геномов для означенных выше 39 штаммов *Erwinia*, которые использованы нами для дальнейших исследований этих фитопатогенов.

Благодарности

Работа выполнена в рамках проекта А-ФА-2021-476 «Разработка молекулярных диагностических тест-систем нового поколения для определения распространенных и потенциально опасных фитопатогенных организмов», финансируемого Министерством инновационного развития Республики Узбекистан.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Stanke M. et al. AUGUSTUS: a web server for gene finding in eukaryotes // *Nucleic Acids Res.* 2004. Vol. 32, № Web Server. P. W309–W312.
2. Coghlan A. et al. nGASP – the nematode genome annotation assessment project // *BMC Bioinformatics.* 2008. Vol. 9, № 1. P. 549.
3. Schwengers O. et al. Bakta: Rapid & standardized annotation of bacterial genomes via alignment-free sequence identification: preprint. *Bioinformatics*, 2021.
4. Van Domselaar G.H. et al. BASys: a web server for automated bacterial genome annotation // *Nucleic Acids Res.* 2005. Vol. 33, № Web Server. P. W455–W459.
5. Salzberg S.L. et al. Microbial gene identification using interpolated Markov models // *Nucleic Acids Res.* 1998. Vol. 26, № 2. P. 544–548.
6. Conesa A., Götz S. Blast2GO: A Comprehensive Suite for Functional Analysis in Plant Genomics // *Int. J. Plant Genomics.* 2008. Vol. 2008. P. 1–12.
7. Afgan E. et al. The Galaxy platform for accessible, reproducible and collaborative biomedical analyses: 2016 update // *Nucleic Acids Res.* 2016. Vol. 44, № W1. P. W3–W10.

8. Buchfink B., Xie C., Huson D.H. Fast and sensitive protein alignment using DIAMOND // *Nat. Methods*. 2015. Vol. 12, № 1. P. 59–60.
9. Besemer J. GeneMarkS: a self-training method for prediction of gene starts in microbial genomes. Implications for finding sequence motifs in regulatory regions // *Nucleic Acids Res.* 2001. Vol. 29, № 12. P. 2607–2618.
10. Besemer J., Borodovsky M. GeneMark: web software for gene finding in prokaryotes, eukaryotes and viruses // *Nucleic Acids Res.* 2005. Vol. 33, № Web Server. P. W451–W454.
11. Kremer F.S. et al. Genix: a new online automated pipeline for bacterial genome annotation // *FEMS Microbiol. Lett.* / ed. Millard A. 2016. Vol. 363, № 23. P. fnw263.
12. Burge C., Karlin S. Prediction of complete gene structures in human genomic DNA // *J. Mol. Biol.* 1997. Vol. 268, № 1. P. 78–94.
13. Campbell M.S. et al. Genome Annotation and Curation Using MAKER and MAKER-P // *Curr. Protoc. Bioinforma.* 2014. Vol. 48, № 1.
14. Holt C., Yandell M. MAKER2: an annotation pipeline and genome-database management tool for second-generation genome projects // *BMC Bioinformatics.* 2011. Vol. 12, № 1. P. 491.
15. Huson D.H. et al. MEGAN Community Edition - Interactive Exploration and Analysis of Large-Scale Microbiome Sequencing Data // *PLOS Comput. Biol.* / ed. Poisot T. 2016. Vol. 12, № 6. P. e1004957.
16. Ruiz-Perez C.A., Conrad R.E., Konstantinidis K.T. MicrobeAnnotator: a user-friendly, comprehensive functional annotation pipeline for microbial genomes // *BMC Bioinformatics.* 2021. Vol. 22, № 1. P. 11.
17. Hyatt D. et al. Prodigal: prokaryotic gene recognition and translation initiation site identification // *BMC Bioinformatics.* 2010. Vol. 11, № 1. P. 119.
18. Seemann T. Prokka: rapid prokaryotic genome annotation // *Bioinformatics.* 2014. Vol. 30, № 14. P. 2068–2069.
19. Al-Nayyef H., Guyeux C., Bahi J.M. A Pipeline for Insertion Sequence Detection and Study for Bacterial Genome // *ArXiv170608267 Q-BioGN.* 2017.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ (GERMANIA МИСОЛИДА)

Дилшода Сатторова,

Термиз давлат педагогика институти
Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада ўқитувчиларни касбий ривожлантиришда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг хорижий тажрибаси Германиянинг андрологик таълим тизими мисолида кўрсатиб ўтилган. Инновацион педагогик технологияларни жорий этиш муаммоси бўйича педагогик назария ва амалиётни таҳлил қилиш ва умумлаштириш Германияда ўқитувчилар малакасини ошириш амалиётида қўлланиладиган бир қатор технологиялар ажратиб кўрсатилган.

Калит сўзлар: Германия, ўқитувчи, касбий ривожланиш, инновацион технология, андрологик таълим, кафолатланган натижа, услубий таъминот, технологик ёндашув.

Аннотация

В статье показан зарубежный опыт использования инновационных педагогических технологий в повышении квалификации учителей на примере немецкой системы андрологического образования. Освещаются анализ и обобщение педагогической теории и практики по проблеме внедрения инновационных педагогических технологий, ряд технологий, применяемых в практике подготовки учителей в Германии.

Ключевые слова: Германия, педагог, повышение квалификации, инновационные технологии, андрологическое образование, гарантированный результат, методическое обеспечение, технологический подход.

Annotation

The article shows the foreign experience of using innovative pedagogical technologies in the professional development of teachers on the example of the German andrological education system. Analysis and generalization of pedagogical theory and practice on the problem of introducing innovative pedagogical technologies, a number of technologies used in the practice of teacher training in Germany are highlighted.

Keywords: Germany, teacher, professional development, innovative technology, andrological education, guaranteed result, methodological support, technological approach.

Замонавий ижтимоий-маданий ва иқтисодий шароитда инновация инсоният таракқиёти, хусусан, таълим соҳасини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, буни кўпчилик ривожланган мамлакатлар амалиёти тасдиқлайди. Ўқитувчиларни тайёрлашда инновация муаммоси доимий ўзгариб турадиган ижтимоий-иқтисодий шароитларда шахснинг ижодий салоҳияти ва фаол ҳаётини шакллантириш, унинг ўз тақдирини ўзи белгилашга йўналтирилганлигини таъминлаш, касбий фаолиятда педагогик вазифаларни идрок этишга ва самарали ҳал қилишга тайёрликни рағбатлантириш асосида амалга ошириладиган янги таълим парадигмасининг шаклланиши таъсири остида фаоллашди. Бундай шароитда ривожланган мамлакатларнинг ижобий педагогик тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда педагогик таълимни такомиллаштиришга ёрдам берадиган фойдали нарсаларни аниқлаш имконини беради.

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган аср-

нинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабардор бўлиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмуни ёритилган [1].

Германия замонавий педагогикасида ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги муаммосини Н.-К. Beckmann, В. Bonz, Н. Gudjons, Н. Krüger, Р. Миллер, Т. Rauschenbach каби немис тадқиқотчилари тадқиқ этганлар [2].

Муаммога доир илмий-педагогик адабиётларни умумлаштириш, олимлар томонидан педагогик технологияларнинг муҳим хусусиятларини аниқлаш ва ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш жараёнида қўллашда турли хил ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Аниқланишимизча, немис тадқиқотчиларнинг

“инновацион педагогик технология” тушунчасини тушунишда хорижлик олимларнинг ёндашуви билан бир хил эмас.

Немис олимлари томонидан “таълим технологиялари” тушунчасига қуйидагича таъриф беради:

таълим жараёни самарадорлигини ошириш учун предметлар, методлар, воситалар, ҳодисалар ёки муносабатлардан комплекс ёки алоҳида-алоҳида мақсадли фойдаланиш (М.Вулман) [3];

мақсадни белгилашнинг яхлит жараёни, таълим режалари ва дастурларини доимий равишда янгилаш, муқобил стратегиялар ва ўқув материалларини синовдан ўтказиш, педагогик тизимларни баҳолаш (С.Спаулдинг) [4];

ўқув жараёнини режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш тизими (Б.Отто, И. Шеллер) [3].

Ўқитувчиларни касбий ривожлантиришда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг хорижий тажрибасини Германиянинг андрологик таълим тизими мисолида кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди, назаримизда.

Аниқланишича, немис олимларининг инновацион педагогик технологиялар моҳиятига оид қарашларидаги фарқ педагогик технология талқинининг барча жиҳатлари каби “таълим методи” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Қайд этилган ёндашувларнинг қиёсий таҳлили муаммонинг кўп қирраллиги, Германия таълим тизими ўқув жараёнидаги педагогик технологияларнинг алоҳида компонентлари функционал юкининг хилма-хиллиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлди. Педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммосига оид кўплаб илмий ишлар таҳлили инновацион педагогик технологияларни ташкилий-педагогик соҳага жорий этишнинг муҳим мазмуни, ташкилий ва ички таркибий тузилмаси, йўллари ва воситаларини аниқлаш ва хусусиятларини англашга алоҳида ёндашувлар мавжудлигини исботлади.

Илмий адабиётлар таҳлили замонавий немис педагогик назариясида таълимни мукамал ташкил этиш, таълимни кафолатланган натижага эга аниқ технологик жараёнга айлантира оладиган самарали дидактик усул ва воситалар туфайли барча ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясида ютуқларга эришиш мумкин, деган фикр устуворлик касб этган [1; 3; 4; 7]. Яъни ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолиятида кафолатланган натижаларга эришишга интилиши таълим ва тарбияни ташкил этиш, услубий таъминлаш ва мазмунига янги ёндашувларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига, педагогика назариясида “технология” атамасининг пайдо бўлишига олиб келди.

Немис педагогик таълимида “технология” тушунчаси билан параллель равишда илмий-методик адабиётларда “педагогик технология”, “ўқув технологи-

яси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” каби атамалар кенг тарқалган, бу эса уларнинг аниқ чегараланмаганлигини кўрсатади. Германия илмий ҳамжамияти педагогик технологияни ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва таълим жараёнида фойдаланиш мақсадида бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситалар мажмуи сифатида қарайди [5].

Тадқиқот жараёнида немис назарияси ва ўқитувчиларни касбий тайёрлаш амалиётини ретроспектив таҳлил қилиш асосида инновацион педагогик технологияларни ишлаб чиқиш техник воситалардан кенгроқ фойдаланиш, билимларни компьютерлаштириш билан боғлиқлиги аниқланди. Педагогик технологиянинг моҳиятини немис олимлари асарлари асосида тушуниш контекстида педагогик технологиянинг тузилишига қуйидагиларни киритиш керак:

- концептуал асос;
- мазмун компоненти (ўқув мақсади ва ўқув материалининг мазмуни), процессуал компонент (усул ва методлар) иш шакллари;
- ўқув жараёнини диагностика қилиш воситалари) ва дастурий услубий таъминот.

Аниқланишича, урушдан кейинги давр немис педагогика мактабининг ижобий бойлиги ўқитувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш ва барқарор касбий мотивациясини шакллантиришга ёрдам берган қисман изланиш ва тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш қўлланилган [6; 7].

Немис ўқитувчиларининг фундаментал умумий илмий тайёргарлиги ижтимоий-педагогик муаммоларни аниқлаш, танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятларини ривожлантириш ҳамда жамият таракқиётида устувор аҳамиятга эга бўлган фан асосларидан билимларни ўзлаштириш, мантикий фикрлаш, ўз фикрларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш, ўқитувчиларда ўқувчининг ҳаётини фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган ахлоқий ва ижтимоий фазилатларни ривожлантириш, касбий мартаба қуриш асоси сифатида ўқувчиларнинг узлуксиз таълимга бўлган эҳтиёжини шакллантириш каби мақсадларга эришишга қаратилган. Шундай қилиб, кенг илмий тайёргарлик, нафақат ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига ёрдам беради, балки уларга ўз касби талаб қиладиган қоидаларга амал қилиш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Германияда ўқитувчиларни касбий ривожлантириш дастурларини таҳлил қилиш бу фақат ўқув жараёнининг технологик жараёни контекстида амалга оширилиши аниқланди [3; 4].

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, немис ўқитувчиларини касбий ривожлантириш жараёнида педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг инновационлиги қуйидагилардан иборат:

- ўқув жараёнини олдиндан онгли равишда лойиҳалаш ва кейинчалик ушбу лойиҳани педагогик амалиётда такрорлаш имконияти;

- белгиланган дидактик мақсадларга эришиш сифати устидан босқичма-босқич объектив назорат қилиш имкониятини назарда тутувчи махсус ташкил этилган мақсадни белгилаш;

- таълим технологиясининг таркибий ва мазмуний бирлигини таъминлаш, яъни унинг таркибий қисмларидан бирига бошқаларини ўзгартирмасдан ўзгатириш киритишга йўл қўймаслик;

- таълим технологияси барча элементларининг тўлиқ, аниқ ва мунтазам алоқалари билан таъминланган оптимал усуллар, шакллар ва воситаларини танлаш;

- ўқув жараёнини ўз вақтида мослаштириш имконини берувчи оператив тескари алоқанинг мавжудлиги.

Амалга оширилган тадқиқотлар контекстида педагогик технологиянинг инновационлиги таълим жараёнини ташкил этишнинг янги шакллари ва усулларининг ўзига хослиги билан эмас, балки у ёки бу технологиянинг асосига қўйилган методология билан белгиланади.

Биз томондан олиб борилган илмий умумлаштириш ва хулосалар аниқланган инновацион технологияларни трансформациялар кўлами бўйича қуйидагиларга бўлиш имконини беради:

- тизимли (шахсий йўналтирилган, ахборот технологиялари, модулли рейтинг);

- модулли (ижодкорлик, ўйин ва диалогни ривожлантириш технологиялари);

- маҳаллий (лойиҳа технологиялари, мақсадларни белгилаш ва ўқитиш).

Германияда ўқитувчилар малакасини ошириш тажрибаси таҳлили шуни исботлайдики, педагогик технологиялардан фойдаланиш таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш контекстида кўриб чиқилади, унинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- мулоқотнинг интерактив характери;

- таълим ва ташкилий функцияларни индивидуал тақсимлаш;

- тарбиявий иш мазмунининг аниқ танланиши ва кетма-кетлиги [3; 4].

Ўқитувчиларни касбий ривожлантиришда инновацион ўқитиш усулларини татбиқ этиш самарадорлиги уларнинг билиш фаолиятини “тартибга солиш” билан тавсифланган анъанавий дидактик тизимдан тафаккурининг ижодий-таҳлилий томонларини ривожлантиришни, таълим мазмуни ва усулларига танқидий муносабатни, келгусидаги амалий фаолиятга самарали ёндашишни рағбатлантиришни таъминлайдиган тизимга ўтишни назарда тутди.

Самарадорлиги туфайли Германияда педагогик таълим амалиётида энг кенг тарқалган инновацион

педагогик технологиялар орасида биз қуйидагиларни ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- шахсга йўналтирилган технологиялар (таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш орқали самарадорлигини ошириш), ўқув жараёнида қулайлик муҳитини яратиш, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик учун маконни фанфан даражасида кенгайтириш);

- янги ахборот технологиялари (тармоқлари ёрдамида ахборотни йиғиш, тизимлаштириш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим этиш усуллари ва техник воситалари мажмуи);

- модулли рейтинг технологиялари (биринчи навбатда, ўқувчиларнинг таълим натижаларига қизиқшини ва билимни баҳолашнинг объективлигини ошириш мақсадида мазмуни, ташкилий шакллари ва усулларида акс эттирилган алоҳида функционал блоklar бўйича ўқитишни ташкил этиш);

- ижодкорликни ривожлантириш технологиялари (ижодий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларнинг билим фаолиятига қизиқшини рағбатлантириш);

- ўйин технологиялари (келажакдаги педагогик фаолиятни ўйин шаклида ташкил этиш, турли хил ўқув ва педагогик ўйинлардан фойдаланиш);

- диалог технологиялари (фан ва амалиётда ноаниқ бўлган муаммоли характердаги масалаларни мулоқот режимида ҳал қилиш);

- лойиҳа технологиялари (турли хил муаммоларни ҳал қилиш, талабаларнинг муайян билим, қобилият ва кўникмаларни мустақил равишда эгаллашга қизиқшини рағбатлантириш);

- мақсадларни белгилаш ва ҳаётни яратувчи технологиялар (ўқитувчилик касбининг мақсадларини билиш, ўз қобилиятига ва ўз муваффақиятига ишониш, келажакда ижодий истиқболларга умид қилиш);

- ўқитиш технологиялари (юқори даражада ривожланган мотивацияга эга бўлган шахсга хос бўлган ўқув ва когнитив ҳаракатларнинг маълум алгоритмларини ва ҳар хил турдаги вазифаларни ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолият тизими).

Демак, немис педагогик назариясига кўра, педагогик инновациялар ижодий фикрлайдиган ва ноанъанавий тарзда ҳаракат қиладиган ўқитувчилар томонидан педагогика фани ва амалиёти ривожланишининг янги босқичида, янги ижтимоий-маданий шароитларда, янги талқинда педагогик ғоялар ва тажрибалардан фойдаланишидир.

Ўтказилган тадқиқот доирасида хорижий, хусусан, немис илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, Германия таълим тизимининг ўқитувчиларни касбий ривожлантириш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш қуйидаги хулосалар чиқаришга асос беради:

1. Немис илмий-педагогик адабиёти ва амалиётида “педагогик технология” тушунчаси соф технологик маънода қўлланилади. Яъни, биринчидан, энг самарали фаолият ва натижани таъминловчи методик жихатдан тасдиқланган ва педагогик жихатдан мақсадга мувофиқ қадамлар ва ҳаракатларга асосланган таълим фаолиятини куриш; иккинчидан, педагогик жараёни таъминлаш ва уни ўқитишнинг янги техник воситалари: компьютерлар, аудио ва видео ускуна ва бошқалар ёрдамида интенсивлаштириш хусусиятлари.

2. Немис мумтоз ва замонавий педагогик назариясига кўра, инновацион педагогик технология – бу ўқув жараёни мақсади, мазмуни, касбий фаолият қобилиятига ҳисса қўшадиган таълимни ташкил этиш усуллари, воситалари ва шакллари.

Германияда педагогик инновация муаммоси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларни умумлаштириш замонавий педагогик технологиялар инновационлигининг қуйидаги муҳим сифат хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради:

олдиндан кўриш характери, унинг моҳияти шахсни ўз вақтида муваффақиятга тайёрлашдан иборат;

ахборот тизимларига нисбатан таҳлилий ва баҳолаш функцияларини бажарадиган ахборот ва билим тизимлари мажмуасига таяниш;

ўқувчининг ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини билиш, мулоҳаза юритиш, ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаларини ривожлантириш асосида мустақил билиш ва тадқиқот фаолиятини ташкил этишга эътибор қаратиш;

технологияларни таълим тизимини амалий ўзгартиришнинг омили сифатида тан олиш;

Фикримизча, мамлакатимизда инновацион педагогик технологиялар ёрдамида ўқитувчиларни касбий ривожлантириш бўйича Германия тажрибасидан фойдаланиш истикболлари қуйидагиларда намён бўлади:

таълим курслари мазмунини интеграциялашган ҳолда кўп мавзуларни ёритиш;

асосий эътиборни ўқув жараёнининг назарий қисмидан услубий ва амалий қисмига ўтказиш;

асосий касбий компетенцияларни шакллантиришга, ўқитувчининг индивидуаллиги ва ижодкорлигини ривожлантиришга эътибор қаратиш.

Хуллас, алоҳида таълим босқичларида турли педагогик ихтисосликдаги мутахассисларни тайёрлашда аниқ касбий вазифаларни ҳал этиш учун инновацион педагогик технологияларни шакллантириш методологияси ва усуллари янада чуқур ўрганиш келгусидаги вазифалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юдин А. Г. *Системный подход и принцип деятельности*. – Москва: Наука, 2018. – 392 с.
2. Золотарьова Г.М. *Характеристика систем підготовки майбутніх учителів у вищій школі Німеччини в контексті її технологізації* / Г.М. Золотарьова // *Zbiór artykułów naukowych. Konferencji Międzynarodowej Naukowo-Praktycznej «Pedagogika. East European Conference»* (29.11.2016 – 30.11.2016). – Warszawa : Wydawca: Sp. z o.o. «Diamond trading tour», 2016. – Str. 62–66.
3. Shtefan L. V. *Innovative und kreative Komponenten in der beruflichen Tätigkeit eines Lehrers. Pädagogik und Psychologie: coll. der Wissenschaft pr.*, 2011. Ausgabe 38. S. 70–79.
4. Shapran O. I. *Das System der innovativen Ausbildung des zukünftigen Lehrers unter den Bedingungen pädagogisch-wissenschaftlich-pädagogischer Komplexe: diss. ... Dr. Ped. Naturwissenschaften: 13.00.04*. – Kiew, 2009. – 410 p
5. Файзуллаева Н. *Жаҳон таълим тизими*. – Т.: ТДИУ, Ўқув қўлланма. “Иқтисодиёт”, 2016 й.
6. *Comparative Education. Sohail Naqvi. Journal-srpnember № 6. 2012year/ page 56.*
7. *Tilovova, G. (2019). Forstwirtschaftliche Fachwörter in den usbekischen und deutschen Sprachen. ФарДУ илмий хабарлар, 33-38.*

UMUMTA'LIM MAKTAB O'QUVCHILARINI JISMONIY TARBIYA FANINI O'QITISHDA JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING PEDAGOGIK YONDASHUVI

Ximmat Eshbayev,

Jizzax davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada umumta'lim maktablari o'quvchilarini jismoniy tarbiya fanini o'qitishda jismoniy tarbiya o'qituvchisining pedagogik yondoshuvining o'ziga xos yo'llari hamda vazifalari ochib berilgan. Maqola mavzusini ochib berish maqsadida mahalliy va xorijiy olimlarning ilmiy tadqiqot ishlanmalaridan foydalanildi. Maqoladan olingan xulosalarni bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarini o'qitishda foydalanish mumkin.

Kalit so'zlar: : jismoniy tarbiya, jismoniy madaniyat, sport, musobaqalar, idrok, psixologik jarayon.

Аннотация

В данной статье раскрыты специфические пути и задачи педагогического подхода учителя физической культуры к обучению учащихся общеобразовательных школ предмету физкультура. В целях раскрытия темы статьи использованы научно-исследовательские разработки отечественных и зарубежных ученых. Выводы из статьи могут быть использованы при обучении будущих учителей физической культуры.

Ключевые слова: физическая культура, физическая культура, спорт, соревнования, восприятие, психологический процесс.

Annotation

In this article, the specific ways and tasks of the pedagogical approach of the teacher of physical education in teaching the subject of physical education of students of secondary schools are revealed. In order to reveal the topic of the article, scientific research developments of domestic and foreign scientists were used. The conclusions drawn from the article can be used to train future physical education teachers.

Keywords: Physical Education, Physical Culture, Sports, Competitions, perception, psychological process.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi jismoniy tarbiya jarayonida o'quvchi-yoshlar va bolaning yosh xususiyatlari va psixik jarayonlari, shaxs xususiyatlarining rivojlanishini farqlash, psixik jarayonlar (diqqat, nutq, sezgilar, idrok, xayol, xotira, tafakkur, hissiyot va boshqalar), psixik holatlar (emotsiyalar, hayratlanish, ishonchlik, ijodiy ruhlanish, e'tiqodlilik, apatiya, qiziquvchanlik, bardamlilik, tetiklik) va shaxs xususiyatlarini (temperament, qobiliyat, iqtidor, mas'uliyat xarakter) jismoniy tarbiya va sport bilan bog'lay olish lozim. Mashg'ulot jarayoni, uning ta'siri, musobaqa davrida, musobaqadan so'nggi, davr, jamoa orasidagi munosabat holatlarining shakllanishi ahamiyatini bilishi lozim. Jismoniy tarbiya o'qituvchisining faoliyat turidan qat'i nazar, faoliyat tarkibiy qismi, odatda, bir xil his etish va idrok qilishlar bilan bog'liq bo'lgan perseptiv (masalan, o'quvchilarni kuzatish), ma'lumotni eslab qolish va qayta tiklash bilan bog'liq bo'lgan mnemik faoliyat jarayonida yuzaga keladigan vazifani hal etish bilan bog'liq bo'lgan fikrlovchi, tasavvur qilish, yangi mashqlarni o'ylab o'quvchi faoliyatiga ta'sir qilish alohida o'rinni egallaydigan harakatlantiruvchi tarkibiy qismlarga ajratiladi. Faoliyat bir qancha bosqichlarda amalga oshiriladi, tayyorlanish bosqichi, rejani bajarish (asosiy) bosqich va erishilganlikni baholash (yakunlovchi) bosqichi [1,89].

Birinchi bosqichda jismoniy tarbiya o'qituvchisi juda katta hajmda ish bajaradi. Reja bo'yicha konspekt tuzadi, ularga tayyorlanadi, joylarni (zalni, suv havzasini,

sport maydonini, stadionni) tayyorlaydi. Darsga oid bo'lgan barcha sport anjomlarini, qurollarini tayyorlaydi. Bu bosqichga faoliyatni yanada muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun o'quvchilarga qulay bo'lgan sharoitlarni yaratish va jismoniy tarbiya o'qituvchisining psixologik tayyorlanganligi kiradi.

Ikkinchi bosqichda o'quvchilarni (shug'ullanuvchilarni) nazorat qilish, ularni tarbiyalash (axloqiy, aqliy, estetik, mehnat vazifalarini tarbiyalash jihatidan), tartib saqlash, ularni jarohatlanishdan saqlash va hokazolar kiradi. Belgilangan ishlarni amaliy tatbiq qilish, o'quvchilar harakatlari, intizomini nazorat qilish, dars boshida yuzaga keladigan qiyinchiliklarni bartaraf etish, vaziyat o'zgarishiga ko'ra dars rejasini to'g'rilash bilan bog'liq. Bu bosqichda chetda qolgan o'quvchilar o'rtasidagi e'tiborni doimo taqsimlash va olib o'tish jismoniy jarohatlanishga olib keladigan vaziyatning oldini olishga ko'ra o'qituvchining sergakligi bilan shartlanadigan o'qituvchi psixik kuchlanishi bilan tavsiflanadi, boshqacha qilib aytganda, jismoniy tarbiya o'qituvchisiga nafaqat psixik jihatdan, balki jismoniy jihatdan ham jismoniy yuklanish tushadi.

Uchinchi (yakunlovchi) bosqich unda o'tkazilgan darsdagi yutuq va kamchiliklarga baho beriladi. Erishilgan natijalar baholanadi, jismoniy tarbiya o'qituvchisi faoliyati funksiyasi jismoniy tarbiyaning maqsadi va vazifalarining kelib chiqishi lozim. Faoliyatni qayta bajarishda rejaga to'g'rilashlarni kiritish bilan bog'liq, o'tilgan darsning to'liq tahlili, ba'zi bir noto'g'ri dalillarni umumlash-

tarish, ilmiy uslubiy adabiyotda yuzaga kelgan savollarda javob qidirishni talab qiladi. Jismoniy tarbiya o'qituvchisining asosiy maqsadi ularning garmonik shakllanishiga va jamiyatga sadoqatli, vatanparvar bo'lib etishishiga yordam berishdir. Shuningdek, tarbiyaviy, ilmiy, tashkiliy, rahbarlik, loyihalashtirish, ma'muriy-xo'jalik funksiyalarni ham bajarishga to'g'ri keladi [3, 15].

O'quvchilar jismoniy tarbiyasining maqsadi – vustaqil Vatanga barkamol, rivojlangan va sodiq bo'lgan shaxsni shakllantirishga yordam berish bo'lib, bu maqsadga o'quvchilar ta'lim-tarbiyasi jarayonida erishiladi. Umumiy vazifalarda ochib beriladi va aniqlashtiriladi. Shuningdek, ta'limiy, tarbiyaviy, sog'omlashtirish vazifalari qo'yiladi. Bu vazifalarni hal etishda boshqalari hisobiga birini ustun qo'yishga yo'l qo'ymaslik kerak. Ba'zida sport yo'nalishiga ega bo'lgan o'qituvchilar tarbiyaviy va umumta'lim vazifalarini unutib, asosiy e'tiborni o'quvchilar jismoniy rivojlanishiga beradilar. Boshqa holda ikki tarbiyaviy va sog'lomlashtirish vazifalari aziyat chekadi.

F.A.Kerimov, M.N.Umarovlarning (2005) fikriga ko'ra, sportdagi yuklamalar ta'siridagi o'zgarishlar inson skeletida, mushaklarida, ichki organlarida va umumiy morfologik maqomida yuzaga keladi. Shuning uchun shug'ullanuvchilarning morfologik xususiyatlarini, shuningdek, yo'naltirilgan mashg'ulot yuklamalari ta'sirida ularning dinamikasini o'rganish hamda hisobga olish zarurati muhim ahamiyatga ega. Jismoniy tarbiya ta'limi sifatini oshirish. "Jismoniy tarbiya" maktab kursi maktabning o'quvchilar sog'lig'ini saqlash va mustahkamlash, asosiy jismoniy sifatlarini rivojlantirish, hayotiy zarur harakatlar malaka va ko'nikmalarini shakllantirish, o'z-o'zini jismoniy takomillashtirish istak va ehtiyojlarini shakllantirish, jismoniy madaniyat sohasida ijobiy qiziqishlarni o'stirish faoliyatida asosiy bo'g'in hisoblanadi. Mashg'ulotlarning barcha shakllari va turlari haftasiga boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun 8-10 soat, 5-11-sinf o'quvchilari uchun 10-12 soat harakat rejimini ta'minlab berishi kerak. A.Abdullayev, Sh.Xonkeldiyevlarning (2005) fikricha, belgilangan hajm o'quvchilarning ko'rsatilgan guruhlar uchun etarli darajada zarur va minimal darajada majburiydir. Nosog'lom, jismoniy rivojlanish va tayyorgarligi past darajali o'quvchilar uchun maxsus (individual-differentsial) rejim o'rnatiladi. O'quvchi yoshlarni jismoniy tarbiyalash muammosini o'rganadigan tadqiqotchilarning ta'kidlashicha, ularning o'qishi va kasb tayyorgarligida jismoniy tarbiya munosib o'rin egallashi lozim [4, 15]. Bolalar sportida yuqorida qayd qilingan ikkala belgi shunday ifodalanganki, o'quvchilarning sport faoliyati darsdan tashqari hisoblanib, o'quv fani sifatida umumta'lim maktablari o'quv rejalari va dasturlariga qisman kiritilgan va sinfdan tashqari ishlar, maktabdan tashqari muassasalaridagi mashg'ulotlar shaklida alohida ahamiyat, e'tibor bilan ko'ngilli tarzda yo'lga qo'yiladi [3, 7].

Jismoniy tarbiya o'qituvchisi faoliyati sharoitlari xususiyati jismoniy mashqlarni ko'rsatish va jismoniy mashqlarni bajarishda o'quvchilarning xavfsizligini ta'minlash hamda ochiq havoda, safarlarda o'tkaziladigan mashg'ulotlarda o'quvchilar bilan birgalikda harakatlanish zaruriyatidan iborat. Bu kunda bir qancha darslarning mavjudligi jismoniy tarbiya o'qituvchisi uchun katta jismoniy yuklamani yaratadi. O'qituvchi butun kun davomida oyoqda tik turishi, harakatda bo'lishi oyoq va qadni rostlovchilarga yuklama yaratishini hisobga olish kerak. Yosh o'tgan sari jismoniy konditsiyalar yomonlashishini e'tiborga olgan holda, jismoniy tarbiya darslarida jismoniy tarbiya o'qituvchilari bilan sinaladigan jismoniy yuklama pedagogik faoliyatining amalga oshirilishini qiyinlashtiradigan omillaridan biri bo'lishi muqarrar. Ayniqsa, bu erkak o'qituvchilar jismoniy qobiliyatlari darajasiga qaraganda kam bo'lgan ayol o'qituvchilariga tegishli. Pedagogik faoliyat pedagogik vazifalarning uzluksiz hal qilinishini bildiradi. Ularni hal qilish – mazkur pedagogik vaziyatga, pedagogik maqsadga erishishini mos usulini topishdir. Sababi o'qituvchi va o'quvchi e'tiborliligi, o'quv materialiga bo'lgan munosabati, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabat hamda o'quvchilar o'zi o'rtasidagi munosabat bilan ish ko'radi. Shuning uchun bir marta va har doim tekshirilgan maqsadga erishishi usuli bilan ishlash ko'p holda qulaydir.

Har doim muntazam ravishda maqsadga erishishi usullarini almashtirish, mazkur pedagogik vaziyat uchun eng yaxshi usul tanlash kerak. Jismoniy tarbiya o'qituvchisi, avvalo, bolalarni o'rab turgan ijtimoiy muhit tengdoshlari va kattalar o'rtasida bo'ladigan munosabatlarni birinchi kundan boshlab o'rgatib boradi. O'qituvchi bir sinfning o'zida turli xil va individual tafovutlarga duch keladi. Bular o'qituvchi o'quvchilarning temperament tiplari, xatti-harakatlari (ko'nikma malakalari), o'quv materiallarini o'quvchilar tomonidan qanday eslab qolishi, qanday o'zlashtirayotganliklarini, sport musobaqalari, sport bayramlari hamda estafetalarda qanday faollik ko'rsatayotganliklarini (boshqa ish shakllarida) bilishidan iboratdir. Yana shuni aytish kerakki, o'rgatish jarayonida mashqlarni qismlarga bo'lib o'rgatishdan ko'ra, soddalashtirilgan holda, butunlay o'rgatish metodini qo'llash maqsadga muvofiqdir. Masalan, yugurib kelib uzunlikka sakrash (echki bolasiga (uloqchaga o'xshab) sakrash), yugurib kelib balandlikka sakrash (ariqdan sakrab o'tishga o'xshab). Jismoniy tarbiya bo'yicha ta'lim jarayoni kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning ixtiyoriy, barqaror, mustahkam, kuchli, to'planuvchan, taqsimlanuvchan, faol, ongli diqqatini rivojlantirishga qulay shart-sharoit yaratadi. Bilim olish uchun mustaqil aqliy mehnat qilish (u yoki bu mashqlarni, elementlarni bajarishi), mashqlarni takrorlashi, irodaviy zo'r berishda ixtiyoriy, ongli diqqat tarkib topadi. Shuningdek, uning eng zarur xususiyatlari takomillashadi, bu esa ongli boshqarish imkoniyatini beradi [5, 96].

Xulosa, yosh avlod tarbiyasida jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati beqiyos. Xususan, boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiyasida ham sport katta o'rinni egallaydi. Sport jismoniy tarbiya vositasi sifatida bolalarning sog'ligini mustahkamlaydi. Bu imkoniyatlarni amalga oshirishda jismoniy tarbiyaning

sinfidan hamda maktabdan tashqari shakllarining o'ziga xos maqsad, vazifalari bor, unga ko'ra, sport to'garaklarini tashkil etish va tizimli joriy etish o'quvchilarning sportga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga, shuningdek, jismoniy jihatdan kamol topishida xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. –Т.: ЎзДЖТИ, 2005 йил. – 300 б.*
2. *Ахматов М.С. Монография. Узлуksiz ta'lim tizimida ommaviy sport sog'lomlashtirish ishlarini samarali boshqarish. – Т., 2005 у. – 235 б.*
3. *Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish. O'quv qo'llanma. Т.: О'зДЖТИ, 2005. – 171 б.*
4. *Юнусова Ю.М. Организация и методика физической культуры в общеобразовательных школах республики Узбекистана. – Т., 2002. – 120 с.*
5. *Шолих, М. Круговая тренировка (Теоретические, методические и организационные основы одной из современных форм использования физических упражнений в школе и спортивной тренировке). - 2-е изд., стер. – М.: Спорт, 2021. – 217 с.*

KISLORODLI ORGANIK SPIRTLARNING KIMYOVIY XOSSALARIGA OID UMUMLASHTIRUVCHI DARSLARNI TASHKIL ETISH

Muyassar Norberdiyeva,

Nizomiy nomidagi TDPU Tabiiy fanlar fakulteti
kimyo va uni o'qitish metodikasi kafedrasini o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada kimyo fanida kislorodli organik birikmalar bo'limiga mansub spirtlar mavzusini o'qitishda dars jarayonida turli xil innovatsion va pedagogik texnologiya, grafik tuzilmalar, metodlardan o'rinli, maqsadli, samarali foydalanish ta'lim jarayoni samaradorligini oshirishi ochib berilgan. Shuningdek, ushbu bo'lim metodikasini takomillashtirish masalasi tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar, organik kimyo, o'qitish mazmuni, spirlarning kimyoviy xossalari, o'zlashtirish ko'rsatgichari, tahlillar, mustaqil ta'lim, sillabus, fan dasturi.

Аннотация

В данной статье показано, что целесообразное, целенаправленное, эффективное использование различных инновационно-педагогических технологий, графических конструкций и методов в преподавании темы спиртов, относящейся к кафедре кислородсодержащих органических соединений в химии, повышает эффективность учебного процесса. Также был проанализирован вопрос совершенствования методологии данного отдела.

Ключевые слова: реформы в сфере образования, органическая химия, содержание обучения, химические свойства, показатели усвоения, анализ, самостоятельное обучение, учебный план, научная программа.

Annotation

In this article, appropriate, purposeful, effective use of various innovative and pedagogical technologies, graphic structures, methods in teaching the topic of alcohols belonging to the department of oxygenated organic compounds in chemistry. Also, the issue of improving the methodology of this department was analyzed.

Keywords: educational reforms, organic chemistry, educational content, chemical properties of spits, mastery indicators, analysis, independent education, syllabus, science program.

Ta'lim sohasida olib borilayotgan ko'lamli ishlar o'z natijasini ko'rsatmoqda. Hozirgi kunda kimyo sohasiga juda katta e'tibor berilmoqda. Buning sababi shuki, kimyo deyarli barcha sohalarga kirib bordi. Xususan, texnika, ekalogiya, geografiya, yer osti boyliklarini qazib olish va ularga ishlov berishda va eng asosiysi, farmaseftikada o'rni juda katta.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev kimyo va biologiya fanlarini yanada keng targ'ib etishni talab qildilar. Mamlakatimizda kimyo va biologiya fanlarini rivojlantirish, ushbu yo'nalishlarda ta'lim sifati va ilm-fan natijadorligini oshirish "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyot yili" Davlat dasturining ustuvor vazifalari qatorida belgilangan.

Zero, o'g'il-qizlarimizni kimyo va biologiya fanlari bo'yicha chuqur o'qitish hududlarda yangi-yangi ishlab chiqarish korxonalarini barpo etish, yuqori qo'shilgan qiymat yaratadigan farmatsevtika, neft, gaz, kimyo, tog'kon, oziq-ovqat sanoati tarmoqlarini jadal rivojlantirishga turtki beradi hamda pirovardida xalqimiz turmush sharoiti va daromadlarini oshirishga puxta zamin hozirlaydi. Shu bilan birga, umumta'lim maktablaridagi kimyo va biologiya fanlarini o'qitish sifati bugungi davr talablariga javob bermasligi, o'qitish metodologiyasi va laboratoriyalar ma'nan eskirganligi, o'qituvchilarning mehnatini munosib rag'batlantirish mexanizmlari joriy qilinmagan-


ligi alohida qayd etish zarur.

Maktab o'quvchilariga kimyo fanini o'qitish usullarini ishlab chiqish lozim. Buning uchun keng ko'lamli tizimlardan foydalanish, ya'ni faqat darslik emas, har xil texnika vositalaridan ham foydalanish kerak. Kimyo darsi vaqtida faqat doska bilan emas, balki multimedia-lar orqali dars mazmunini kengaytirish o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishini oshirish, laboratoriya xonasi tashkil etilmagan yoki talabga javob bermasa, kimyoviy reaksiyalarni tashkil etilgan multimedialar orqali yetkazib berish lozim. Dunyoning rivojlangan mamlakatlarida kimyo fanini o'qitish bo'yicha axborot texnologiyalaridan foydalanish to'g'risidagi adabiyotlarning tahlili va metodist-olimlar ta'lim bilan birga tarbiya vazifasining ham ko'rilayotgani ma'lum bo'ldi. Bundan ko'rinib turibdiki, biz ham mamlakatimizda kimyo fanini rivojlantirishda keng g'oyalar va metodlar ishlab chiqishimiz lozim. Shuning uchun maktab o'quvchilarida kimyo faniga bo'lgan qiziqishni ortirish va maktab hududida darsdan tashqari kimyo fani qo'shimcha sifatida o'tilishini taminlash va bunga sharoit yaratilishi kerak.

Hozirgi kunda O'zbekistonda ta'lim tizimida chet el tajribalari qo'llanilmoqda. Bundan ko'rinib turibdiki, ta'lim sifati yaxshilash va dolzarb masalalarni yechish ko'zda tutilmoqda. Kimyo fanining oldida juda ko'plab masalar yechilmagan holda turibdi. Ko'plab mahsulotlar chet eldan

olib kirib kelinmoqda. Jumladan, "Химия в школе" jurnalining 2011-yil 3-sonida T.A.Borovuskix tomonidan "Интегральная технологии в обучении химии" maqolasida kimyoni o'qitishda integrallashgan ta'lim texnologiyasidan foydalanish yuzasidan metodik tavsiyalar ishlab chiqilgan. Maqolada kimyoni o'qitishda o'quvchilarning bilim, ko'nikma va mahoratlarini baholashda o'quvchilarning o'zidan foydalanish, ya'ni mavzuni o'uvchiga yuklash (o'z ustida ko'proq ishlashi uchun), baholash sistemasini me'yorida olib borilishi ko'zda tutilgan.

Y.R.Elena tomonidan olib borilgan tadqiqotlar axborot texnologiyalaridan foydalanib, maktab o'quvchilarining kimyoviy bilimlarini oshirishga qaratilgan bir qator yangi texnologiyalar ishlab chiqilgan.




Organik kimyo kursida laboratoriya darslarida kichik guruhlar amaliy ishlarga katta e'tibor beriladi. Shu tarzda barcha talabalar darslarda qatnashishi mumkin. Organik kimyo kursiga ajratilgan vaqtning 30% amaliy laboratoriya ishlariga, 23% ma'ruzalarga va 47% mustaqil ta'limga mo'ljallangan. Ma'ruzalarda talabalar mustaqil ta'lim va laboratoriya ishlarida aniqlangan umumiy qonuniyatlar haqida ma'lumot olishadi. Bemalol mavjud bo'lgan o'quv materiallari tufayli talabalarga nazariyani mustaqil o'rganishga imkon beradigan intensiv amaliy ishlashlari mumkin bo'ladi. Talabalarga kitob holatida yoki elektron o'quv materiallari taqdim etiladi, ular orasida:

- kimyoga yo'naltirilgan o'quv kitoblari va ma'ruzalar, ular bir xil baho berishning samarasizligining mantiqiy asosli misollarini o'z ichiga oladi;
- o'quvchilarning baholanishi kerak bo'lgan misollar bilan maxsus tayyorlangan topshiriqlar haqiqiylik va aniqlik yoki berilgan faktlarning xatolari va muvofiqligi;
- fanning asosiy tamoyillarini o'rganishga mo'ljallangan laboratoriya topshiriqlarining tavsifi (nazariy taklif, takroriy amaliy tekshirish, statistik ma'lumotlarni qayta ishlash, natijalarni tahlil qilish va xulosa chiqarish).
- ma'lumot olish va tahlil qilish misollari, masalan, tasviriy materiallar, axborotni grafik tashkilotchilari va tarqatma materiallar boshqalar [1].

So'z xaritalari, ayniqsa, mavhum tushunchalar va akademik so'zlar uchun foydalidir. Probirka (Sinov naychasi) ga oid so'z xaritasining namunasi keltirilgan.

Bunda kimyoviy jarayondagi barcha elementlar to'g'risida ma'lumotlar beriladi.




b) Kelajakdagi davriy jadval elementlar semantik tahlili.

Ushbu grafik tuzilmada yangi kimyoviy elementlar to'g'risida ma'lumotlar berilib, o'quvchilar bilimi elementning qaysi o'rinda joylashganligi jadvalga yozishi orqali tekshiriladi. Jadvalni to'ldirish o'quvchilar bilim salohiyati va fanni o'zlashtirishiga qarab, jadval yacheykalari taqsimlab beriladi. O'quvchilarning elementlarni qay darajada

bilishlari ushbu grafik tuzilma orqali baholanadi [2].

O'qituvchi o'quvchini o'ziga jalb etib, uni mavzuga bo'lgan qiziqishini ortira olsa, demak, o'quvchi diqqati o'qituvchiga qaratilgan bo'ladi. Bitta natijaga erishish uchun albatta ma'lum vaqt kerak. Shuning uchun dars soatlari zinama-zina ko'inishida olib borilishi kerak.



1-bosqichda: O'qituvchi asta-sekinlik bilan o'quvchini o'ziga o'rgatish kerak. Ushbu bosqichda talabalarning o'zlashtirish ko'rsatkichi pastroq kuzatiladi: 30-35-38%.

2-bosqichda: O'quvchi o'qituvchi bilan bemaol fikr almashinuvi yuzaga kelsa, o'quvchida fanga bo'lgan qiziqish ortadi. Ushbu bosqichda talabalarning o'zlashtirish ko'rsatkichi quyidagicha bo'ldi: 40-42-47%.


3-bosqichda: Nazariy bilan birga amaliy va laboratoriya ishlari olib borilsa, ushbu bosqichda talabalarning o'zlashtirish ko'rsatkichi biroz oshganini ko'rish mumkin: 62-64-65%.

4-bosqichda: Darsdan tashqari qo'shimcha dars olinsa, ushbu bosqichda talabalarning o'zlashtirish ko'rsatkichi – 80-83-85%.

Organik kimyo darsligini o'qitishda Spirtlarning olinishi mavzusini o'qitish usullari:

1-bosqich:


Spirtlarning olinishi mavzusini o'quvchilarga tushintirishda o'qituvchi o'quvchilarni o'ziga jalb qila olishi kerak. Dars jarayonida olinish usullarini to'liq doskada reaksiyalar orqali yoritilib o'quvchini mavzuga bo'lgan qiziqishini yanada ortirish kerak.



2- bosqich: Sxema ko'rinishda spirtlarning olinishi reaksiyalarini tushuntirish.

O'quvchilarga doskada yoritilgan reaksiyalarni multimedia va prizintatsiyalar orqalali yanada ma'zmunini oshirish. Bundan ko'rinib turibdiki yosh avlodning axbarot texnologiyalarda ham savodxonligi oshadi.

Oxirgi bosqichimizda qo'shimcha dars olishko'zda tutilgan. „Takorlash bilimlarning onasidir“ naqldan ko'rinib turibdiki, qo'shimcha darslarning foydasi takrorlashdir. Qo'shimcha darslarda mavzular chuqurlashtirib yetkazib beriladi va savol va topshiriqlar keng ko'lamda beriladi. Bundan ko'rinib turibdiki o'quvchi o'z ustida ko'proq ishlaydi va yaxshi natijalarga erishadi.



Hozirgi kunda kundalik hyotimizda, ya'ni texnikada, kauchuk ishlab chiqarishda, tibbiyotda, hidli moddalar ishlab chiqarishda, erituvchi va eng asosiysi, boshqa moddalarni sintez qilishda kislorodli organik birikmalardan spirtlar eng ko'p ishlatiladi.

Xulosa qilib aytganda, spirtlarning olinishi mavzusini o'quvchilarga yetarli darajada yetkazib berish va o'quvchilarni bilim ko'nikmasini yanada oshirish va albatta, ular orasida yangi texnologiyalar ishlab chiqaruvchi yetuk shaxslarni tarbiyalash lozim. Buning uchun esa talabalar bilan mustaqil ta'lim shaklini, ma'ruzalar ketma-ketligini va laboratoriyalarning samaradorligini oshirish zarur, deb hisoblaymiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. M.Sh.Norberdiyeva, "Organik kimyo fanini o'qitishda tanqidiy fikrlashning amaliy ahamiyati". *Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari ilmiy-nazariy jurnali*, 2021. – 76–81 b.
2. M.Sh.Norberdiyeva, "Organik kimyo kursini o'qitishning muhim xususiyatlari". «Табийий пәнлердиң актуал мәселелери» атамасындағы II-халық аралық илимий-теориялық конференция материаллары топламы 19 май, 2021 ж. II - бөлім. – 280-282 b.
3. M.Sh.Norberdiyeva, "Kislorodli organik birikmalar bo'limini o'qitish metodikasini takomillashtirish". *The journal of academic research in educational sciences issn 2181-1385 volume 2, issue 2 february, 2021.* – 319–326 b.
4. Wills, s. & Ellis, E. (2008). *Theoretical and Empirical Basis for Graphic Organizer Instruction*. Retrieved June 30, 2017.
5. Strangman, N., Vue, G., Hall, T., & Meyer, A. (2004). *Graphic organizers and implications for universal design for learning*. Wakefield, MA: National Center on Accessing the General Curriculum. (Links updated 2014).

MUJRIM-OBIDNING BADIY MAHORATI

G'ofur Eshmanov,

Toshkent shahar pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi dotsenti, f.f.n.

Annotatsiya

Mazkur maqolada Mujrim-Obid asarlaridagi badiiy mahorat qirralari, obraz yaratish, sodda va samimiy xarakterlar tasviri, qahramon ruhiyatini tabiat manzarasi bilan uyg'unlashtira olish, hayotiy asosga qurilgan badiiy voqelik, badiiy asar tilidagi jozibadorlik, o'ynoqlik, badiiy tasvir vositalarining xos xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Shuningdek, shoirning badiiy mahoratini va ijodiy muvaffaqiyatini to'liq anglash uchun uning estetik prinsiplarini aniqlash kerakligi, xususan, san'atkorning borliq, jumladan, inson haqidagi fikrlarining falsafiy asoslarini bilish zarurligi ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Mujrim-Obid, badiiy mahorat, obraz, xarakter, tasvir, ruhiyat, tabiat manzarasi, estetik prinsip, badiiy voqelik, ijodiy muvaffaqiyat.

Аннотация

В данной статье особенности художественного мастерства в произведениях Муджрима-Обида, образотворчество, простые и искренние характеры, умение сочетать психику героя с природным ландшафтом, художественная реальность, построенная на основе жизни, привлекательность, игривость на языке художественного произведения, обсуждаются особенности средств художественного образа. Также показано, что для полного понимания художественного мастерства и творческих успехов поэта необходимо определить его эстетические принципы, в частности, необходимо знать философские основы размышлений художника о бытии, в том числе о человеке.

Ключевые слова: Муджрим-Обид, художественное мастерство, образ, персонаж, образ, психика, природный ландшафт, эстетический принцип, художественная реальность, творческий успех.

Annotation

In this article, the features of artistic skill in the works of Mujrim-Obid, image creation, simple and sincere characters, the ability to harmonize the hero's psyche with natural scenery, the artistic reality built on the basis of life, attractiveness, playfulness in the language of artistic works, and the characteristics of artistic image tools are discussed. It is also shown that in order to fully understand the poet's artistic skills and creative success, it is necessary to determine his aesthetic principles, in particular, it is necessary to know the philosophical foundations of the artist's thoughts about existence, including man.

Keywords: Mujrim-Obid, artistic skill, image, character, image, psyche, natural landscape, aesthetic principle, artistic reality, creative success.

Sharq mumtoz adabiyoti tarixida badiiy san'atlarini o'rganishga bag'ishlangan ko'plab ilmiy asarlar mavjud. Poetikaning badiiy san'atlarni o'rganadigan sohasi mumtoz adabiyotda "ilmi badii" ("badiiylik ilmi") deyilgan. Albatta, har bir she'riy san'atni qo'llashda muallif mahorati namoyon bo'ladi. Shu ma'noda Mujrim-Obid badiiy san'atlardan foydalanishda qanday mahorat ko'rsatgan degan savol atrofida fikr yuritsak.

Bu savolga javob topish uchun shoirning ayrim asarlari misolida tahliliy mulohazalarimizni bayon qilamiz.

Mujrim-Obid mumtoz she'riyatimiz badiiy san'atlarini puxta o'rgangan. Ayni fikrning isboti sifatida shoirning "Qilur" radifli g'azalini tilga olish mumkin. G'azalning mazmuniga e'tibor bersak, shoir tasviricha, zamona kishilariga xos illatlarning tub ildizi ularni o'z bag'rida yetishtirgan nosoz zamonada ekanligi ayon bo'ladi [1].

Zamon – keng falsafiy tushuncha, uni hamma har xil tushunadi. Mujrim-Obid asarlarining umumiy ruhdan anglashilishicha, zamon – kishilarni har xil ko'yg'a sola oladigan hukmdor. Uning qo'lidan yaxshilik ham, yomonlik ham kela oladi:

Zamona har kima bir tarz ro'zgor qilur,
Birovni vosili davlat, birovni xor qilur.

Birovni qo'liga berur madori mulki jahon,
Birovni to dame o'tguncha bemador qilur.

Birovni g'ami bila, qayg'u bila ado aylar,
Birovni ishlatin olamg'a poydor qilur [2, 83].

Shoir 14 baytli mazkur g'azalida tasdiq san'atini mahorat bilan qo'llaydi. Ya'ni muallif asarda "birov" so'zini 18 marotaba takrorlaydi. Ammo bu qaytariq asar qimmatini tushirmaydi. Aksincha, g'azalning "birov" so'zi aks etmagan 6 baytida ham mohiyatan "birov" mazmuni anglashilib turadi.

Shunisi e'tiborliki, g'azalda qaytariqning yana bir turi – iltizom san'ati ham qo'llangan. Bu san'at haqida Alibek Rustamov quyidagilarni yozadi: "So'z takroriga asoslangan san'atlardan yana biri iltizomdir. Bu san'atda shoir bir yoki bir necha so'zni katta asarning biror parchasida va kichik asarlarning barcha bayt yoki misralarida qaytarib, o'quvchiga shu so'z orqali ifodalanayotgan ma'noning muhimligi-

ni anglatadi va bayon qilinayotgan fikrning kishi xotiridan mustahkam o'rin olishini ta'min etadi" [3, 26].

Mujrim-Obid g'azalida ham shu xususiyatlar yaqqol kuzatiladi. U hayotda turli toifa odamlar borligini ko'rsatish, shunga urg'u berish uchun "birov" so'zi takroridan foydalanadi.

Umuman, bir g'azalda bir necha badiiy san'at qo'llaniladi. Ayniqsa, buni Mujrim-Obidning quyidagi g'azalida ham ko'ramiz:

Ey xush ulkim, bazmi gulzor ichra sarvi nozi bor,
Sarvi nozekim, chaman ichra qadi mumtozi bor.

Qadi mumtozeki, shamshod ila tubi rashkidin,
O'zlarin oro berib, mashshotayi pardozi bor.

Turfa pardozeki, ustozi aning g'ulmonidur,
Turfa shogirdeki, bir uylik aning ustozi bor...

Obidi sargashtayi mahjur ko'b dog'i alam,
Na anis-u, na kas-u, na ko'y-u, na damsozi bor.

Ayni g'azalda qaytariqning murakkab tas'hobeh ul-atrof yoki tasbig' [4], tasdor [5] hamda tazod [6] turlari aks etgan.

Mujrim-Obid tashbeh [7], ya'ni o'xshatish san'atidan ham mahorat bilan foydalangani diqqatga sazovor. Shuni alohida ta'kidlash joizki, o'xshatish shoirning fikrini kuchaytiradi. Ushbu she'riy san'atning badiiy imkoniyatlari juda keng.

Shoir keksayganda kishilar nazaridan chetda, e'tiborsiz qoladi. Shunda u o'zini qurib qolgan tol yog'ochiga o'xshatadi:

Bir quruq cho'bi bed bo'lmishman,
Hammadin noumed bo'lmishman...

Mujrim-Obid asarlarida ma'nodoshlikka asoslangan san'atlar ham uchraydi. Bunday san'atlarni tahlil etib, shunday fikrga kelasizki, shoir Buxoroda turkiy she'riyat darajasini ko'tarishga harakat qilgan. Bir g'azali:

Ishq bemoriga, Mujrim, zo'r tabiblar loiloj,
Yora bor bo'lsa yurakda, yora borsang, yora bor, –
deb tugallanadi. Bir misrada uch bora «yora» so'zi qo'llanib, ular shunday ma'nolarda kelgan:

1. Yara.
2. Yora.
3. a) Yorga; b) Yara.

Bu tajnis san'atining yorqin namunasidir. Turkiy til esa bunday tajnislarni yaratishda boshqa tillarga nisbatan

boyroq imkoniyatga ega.

Ittifoq san'ati ham shoir mahoratini namoyish etadigan badiiy vositalardan biri. Vahob Rahmonov ittifoq san'ati haqida quyidagilarni yozadi: "Ayni san'at qatnashgan baytda taxallus ishtirok etmaydi. Ittifoq san'ati taxallusni – atoqli otni turdosh otga aylantiradi. Biroq buning evaziga, bu usul shoir taxallusini o'quvchi yodiga solish vazifasini ham, qisman bo'lsa-da, bajaradi. Taxallus bo'lmasa-da, uning turdosh ot vazifasida, oddiy so'z holida qatnashuvi shoir taxallusini yodga soladi" [8, 32]. Mujrim-Obidning bir necha asarlarida bu san'at qo'llanilgan haqida yuqorida ham qisman to'xtalib o'tgan edik. Bu yerda yana bir necha misol keltiramiz:

Na obidlarg'a o'xshab xonaqoh kunjin makon etdim,
Na mujrimlar kibi mahbusi har zindona o'xsharman.
* * *

Agarchi mujrimlik ummat, xatimi nabiyydurman,
Bu ma'ni birla bori xotirimga itminon topdim.
* * *

Birov obid-u mujrim bori o'z yo'lig'a ozim,
Musallam tutmog'i lozim ko'ngulda vohid-u iqroram.
Bu baytlarda "obid", "mujrim" so'zlari bevosita taxallus bo'lib kelgan emas, ular so'zning o'z ma'nosida qo'llangan. Biroq ushbu baytlarda shu tariqa taxallusga ishora qilingan.

Ilmiy manbalarda "she'rda mashhur tarixiy voqea, qissa yoki shaxslarni, mashhur adabiy qahramonlarni keltirish talmeh deb ataladi" deb ko'rsatiladi. Shoir asarlarida bu san'atga ham keng o'rin beriladi:

San ul pokiza atvor-u maqoli bebahodursan,
Xaridoring bo'lib Yusufni ko'rkim kirdi bozora...
Bu baytda Yusuf qissasiga ishora bor.

Quyidagi ikki baytda esa "Layli va Majnun", "Farhod va Shirin" dostonlari hamda mashhur shayx Mansur Xalil tilga olingan:

...Eshitsalar mani boshimg'a tushgan muncha savdoni,
Biyobonlarda Majnun, tog' ichinda Ko'hkan yig'lar.

Osildi ishq tug'yoni bilan Mansur dor uzra,
Analhaq na'ra tortib jubbayi doru rasan yig'lar.

Xulosa, sharq mumtoz adabiyoti tarixida Mujrim-Obid o'z she'rlarida badiiy san'atlardan ham unumli foydalangan. Bu bilan o'zining mahoratli shoir ekanligini namoyon qila olgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbek adabiyoti tarixi. Besh tomlik. IV tom. – T.: Fan, 1978, – 296 b.
2. Ishoqov Y. Qaytarish san'ati. O'zbek tili va adabiyoti, 1972. – B.83 – 87.
3. Rustamov A. Navoiyning badiiy mahorati. – T.: Adabiyot va san'at, 1979. – 53 b.
4. Исҳоқов Ё. Ташабҳ-ул атроф. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. 1-сон. – Б.90-92.
5. Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – Б.83-87.
6. Исҳоқов Ё. Тазод. Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 5-сон. – Б.80-83.
7. Исҳоқов Ё. Ташабҳ. Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 4-сон. – Б.81-84.
8. Rahimov V. Ehtiyot bo'ling, ittifoq san'ati. O'zbekiston adabiyot va san'ati. 1997, 12-dekabr

“ТАБИЙ ФАНЛАР”НИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА ФИЗИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИКАСИ

Кушарбай Суяров,

Чирчиқ давлат педогога университети;

Сангирова Замира,

Халқ таълими вазирлиги хузуридаги

Республика таълим маркази

Аннотация

Мақолада кичик ёшдаги ўқувчиларга табиий фанларни ўқитишда физик тушунчаларни шакллантириш методикаси “Ёрузлик ва иссиқлик мавзуси мисолида” ёритилган.

Калим сўзлар: физика, ўқитиш методикаси, узлуксиз таълим, суҳбат методи, педагогик технологиялар.

Аннотация

В статье освещается метод формирования физических понятий при обучении младших школьников естествознанию «на примере предмета света и тепла».

Ключевые слова: физика, методика обучения, непрерывное образование, метод интервью, педагогические технологии.

Annotation

In the article, the method of forming physical concepts in teaching natural sciences to younger students is highlighted «on the example of the subject of light and heat».

Keywords: physics, teaching methodology, continuous education, interview method, pedagogical technologies.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим Миллий дастурлари яратишда, жумладан, физика фани дастурини яратишда физика таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолари ўрганилиб, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга билим беришда замонавий педагогик инновацион усулларининг жорий этилиши мамлакат иқтисодиёти дунёнинг тараққий этган мамлакатлари қаторига киришига замин яратишда муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Барча таълим мактаблари учун мажбурий бўлган Давлат таълим стандартлари талабларида берилган таянч таълим мазмунини бажариш, ўқув фан дастури замон талабларига кўра фундаментал, назарий ҳамда экспериментал фан сифатида ёндашиш, фанни ўқитишда фалсафий ва методологик қарашларни, таълим мазмуни ҳамда ўқитиш методларига нисбатан самарали бошқарув шакллари ишлаб чиқишни тақозо қилади. Мазкур дастурда [1, 22] мактабгача ва бошланғич таълим мактаб ўқувчилари ўзлаштиришлари лозим бўлган мавзулар контексти келтирилган.

Мамлакатимиз педагог олимлари Р.Мавлонова, Н.Мамадинова, М.Аҳмедова ва М.К.Шириновнинг тадқиқот ишларида умумий ўрта таълим мактабларида “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” фанларини ўқитиш муаммоларига, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари Л.В.Шептуховский, М.М.Матвеева, И.Г.Крохина ва бошқалар томонидан “Табиатшунослик”, “Атрофимиздаги олам” ўқув фанини ўқитишнинг турли ша-

кллари, усуллари, воситалари ҳамда бошланғич синф ўқувчиларда табиий-илмий билимларни шакллантириш методикаси ўрганилган.

Р.Мавлонова (ва бошқалар) табиатшуносликни ўқитиш методлари учта асосий гуруҳга бўлиб ўқитиш тавсифлаган, яъни оғзаки методлар: ўқитувчининг материални оғзаки баён қилиши, суҳбат, китоб билан ишлаш; кўргазмали методлар: намоиш қилиш (кўрсатиш), мустақил кузатишлар, экскурсиялар; амалий методлар: оғзаки ва ёзма машқлар, график (чизма) ва лаборатория ишлари орқали табиатшунослик фанини ўқитиш самарадорлигига эришиш асосланган [2, 69].

М.К.Шириновнинг тадқиқот ишида суҳбат методи табиатшунослик дарсларида кўпроқ қўллаш муҳимлиги таъкидланган. Тадқиқот ишида кириш суҳбати, такрорловчи суҳбат, баён қилувчи суҳбат ва яқунловчи суҳбат каби турларининг дарс жараёнини ташкил этишда муҳим ўрни изоҳланган. Шунингдек, табиатшунослик фанини ўқитишда узлуксизлик ва узвийлик тамойили, дидактик имкониятлари ўрганилган [3,69].

“Табиатшунослик” ва “Атрофимиздаги олам” [4; 5; 6] дарсликларини мазмунан таҳлил қилганимизда, мазкур фанларни ўқитишда мактаб ўқувчиларида минтақавий даражадаги био ва геотизимларни ўқитилишига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кўра- миз. Албатта, бундай ёндашув кичик ёшдаги ўқувчиларда табиий-илмий тафаккури ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Л.В.Шептуховский тадқиқот ишида бўлажак бо-

шланғич синф ўқитувчиларини “Атрофимиздаги олам” курсини мактаб ўқувчиларига ўргатиш учун тайёрлашнинг методик тизими ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи бошланғич синфларда табиатшунослик таълимини амалга ошириш учун бўлажак ўқитувчиларда методик тизимнинг тамойиллари ва технологик яхлитлиги мужассамлаштирган касбий компетентликни шакллантириш концепцияни асослайди [7, 21].

М.М.Матвееванинг тадқиқот ишида бошланғич синф ўқувчиларида атрофдаги олам тўғрисидаги илмий-табиий тасавурларни шакллантиришнинг дидактик шарт-шароитлари ўрганилган. Тадқиқот ишида бошланғич мактабда компетенцияга асосланган ёндашув кичик ёшдаги ўқувчиларда атрофдаги оламга оид тасавурлари шаклланганлигининг назарий ва методологик жиҳатлари таҳлил қилинган [8, 56].

Россиялик олима И.Г.Крохина илмий тадқиқот ишида кичик ёшдаги ўқувчиларда табиий-илмий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик технологиялари ўрганилган. Тадқиқотчи томонидан кичик ёшдаги ўқувчиларда табиий-илмий компетенцияларни шакллантиришнинг мезонлари (мотивацион, когнитив, тез йўналиш олиш) ишлаб чиқилган ҳамда бошланғич синфда табиатшунослик фанини ўқи-

тишда ўқувчиларда тажриба-синов давомида табиий-илмий компетенцияларни шаклланганлик (паст, ўрта-паст, ўрта, ўрта-юқори, юқори) даражалар билан ўрганилган [9, 46].

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз физика таълими Миллий дастури асосида бошланғич синф ўқувчилари билиши лозим бўлган физик тушунчалар “Табиий фанлар” мавзуларига киритилган. 1-жадвалда бошланғич синфларда “Табиий фанлар”да физикага оид мавзулар синфлар кесимида келтирилган.

“Табиий фанлар”дан 1-3-синф дарсликларнинг яратилишида боланинг ёши ва унинг психологик хусусиятларини инобатга олиган ҳолда, мавзулари кесимида маълумотлар берилган. Бунда “Табиий фанлар” фани ўқитилиши жараёнида ўқувчилар физика фанига оид ҳаракат, товуш, масса, температура, иссиқлик, ёруғлик нури, соя, энергия, энергиянинг бир турдан бошқа турга айланиши каби физик тушунчалар билан танишади. Шунингдек, улар ҳаракатни юзага келтириш, товушларни ҳосил қилиш, жисмларнинг массасини ўлчаш, иссиқлик ва ёруғлик манбаларини фарқлаш, соянинг ҳосил бўлишини ўрганиш, стетоскоп қурилмасини яшаш, магнит таъсирини ўрганиш бўйича амалий ишларни ҳам бажаришади.

1-жадвал

“Табиий фанлар” да физика фанига оид мавзулар

1-синфда		2-синфда		3-синфда	
1	Иссиқлик нима?	1	Энергия нима?	1	Соя ҳосил бўлиши
2	Ёруғлик нима?	2	Ёруғлик ва иссиқлик	2	Амалий иш. Соя ҳосил бўлишини ўрганиш
3	Амалий иш. Иссиқлик ва ёруғлик манбаларини фарқлаш	3	Амалий иш. Жисмларга берилган иссиқлик таъсирини ўрганиш	3	Товуш ва уни кучайтириш
4	Товуш	4	Атрофимиздаги товушлар	4	Амалий иш. Стетоскоп қурилмасини яшаш
5	Амалий иш. Товушларни ҳосил қилиш.	5	Амалий иш. Товушларни ҳосил қилиш.	5	Энергиянинг бир турдан бошқа турларга айланиши
6	Ҳаракат нима?	6	Амалий иш. Антика телефон.	6	Амалий иш. Энергиянинг бир турдан бошқа турларга айланиши

7	Амалий иш. Ҳаракат қандай юзага келади?	7	Ҳаракат ва тезлик	7	Жисмларнинг ҳаракати
		8	Ҳаракат турларини ўрганиш	8	Амалий иш. Масофа ва вақтни ўлчаш
		9	Магнит нима?	9	Ҳаракат турлари
		10	Амалий иш. Магнит таъсирини ўрганиш	10	Масса ва унинг бирликлари
				11	Амалий иш. Жисмларнинг массасини ўлчаш
				12	Жисмларнинг ўзаро таъсири
				13	Ишқаланиш кучининг ҳаракатга таъсири

Табий фанларни ўқитишда физик тушунчаларни шакллантириш методикаси “Ёруғлик ва иссиқлик” мавзуси мисолида кўриб чиқамиз. Дарснинг умумий мақсадида: ёруғлик тарқалиши ва қайтишини ўрганиш; камалакда ранглар мавжудлигини ўрганиш; ёруғликнинг иссиқлик таъсирини ўрганиш кабилар қўйилади. Дарсни ташкил этишда турли таълим ре-

сурслари (дарслик, ўқувчининг машқ дафтари, тақдиротлар, видеоролик) ҳамда инновацион методлар (муаммоли суҳбат, тадқиқот методи, дидактик ўйин) қўлланилади. Дарснинг умумий мақсадидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг эришишлари лозим бўлган якуний натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўқувчилар эришишлари лозим бўлган якуний натижалар

	Якуний кичик натижалар Барча ўқувчилар...	Якуний кичик натижалар Аксарият ўқувчилар...	Якуний кичик натижалар Баъзи ўқувчилар...
А	Ёруғлик қайтишига оид мисоллар келтиради.	Ёруғлик қайтишига оид мисоллар келтиради ва изоҳлайди.	Ёруғлик қайтишига оид мисоллар келтиради, изоҳлайди ҳамда хулоса қилади.
Б	Камалакни кузатганлигини айтади.	Камалакни қаерда кузатиш мумкинлигини айтади.	Камалакни қайси вазиятда кузатиш мумкинлиги, ундаги рангларни айтади, кузатишда давом этади.
С	Ёруғликнинг иссиқлик таъсирига оид мисоллар келтиради.	Ёруғликнинг иссиқлик таъсирига оид мисоллар келтиради ва изоҳлайди.	Ёруғликнинг иссиқлик таъсирига оид мисоллар келтиради, изоҳлайди, кузатишда давом этади.
Д	Ёруғлик ва иссиқлик манбаларининг кундалик ҳаётда муҳимлигини тушунтиради.	Ёруғлик ва иссиқлик манбаларидан тўғри фойдаланишни билади.	Ёруғлик ва иссиқлик манбаларининг кундалик ҳаётда муҳимлигини тушунтиради, улардан тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар беради.

Дарс давомида ўқувчининг якуний натижаларга эришиш босқичларини келтирамиз. Биринчи босқич. Ўқув фаолиятига йўналтириш (мотивация). Болажонлар, қани айтинг-чи, ёруғлик Ерга қаердан келади? Болалар Ерга ёруғлик куёшдан келаётганлигини айтишади. Куёшдан келаётган ёруғлик нури қандай тарқалади? Ўқувчиларнинг жавоблари эшитилади. Ўқитувчи томонидан куёшдан ёки бошқа ёруғлик манбасидан келаётган ёруғлик тўғри чизик бўйлаб тарқалиши ўқувчиларга тушунтирилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг берган жавоблари асосида уларни форматив баҳолайди (оғзаки рағбат ёки стикерлардан фойдаланилади) [10, 27].

Иккинчи босқич. Билимни фаоллаштириш. Якуний кичик натижалар (А) эришиш. Бу босқичда ўқитувчининг фаолияти муҳим саналади. Ўқитувчи мавзуни ёритишга оид саволлар тузади ва уларни ўқувчиларга тақдим қилади. Масалан, эрталаб мактабга кетаётганингизда ўз аксингизни кўриш учун сиз нимага қарайсиз? Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади ва уларга кичик ясси кўзгулар тақдим этилади. Улар турли хил буюмларнинг аксини кўриш ва унинг сабабларини изоҳлашади. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг саволларга жавоблар бериш фаолияти кузатилади ва уларда ёруғликка оид тушунча ва билимлар текширилади. Шунингдек, ўқувчилар дарсликда берилган расмлар асосида атрофида кузатган ёруғликка оид ҳодисаларни тавсифлайдилар.

Учинчи босқич. Янги мавзуни ўрганиш. Якуний кичик натижаларга (Б ва С) эришиш. Ёруғлик ва иссиқлик мавзусини ўрганишда ўқитувчи ўқувчиларга муаммоли савол орқали уларни суҳбатга ундайди.

Нима учун қоронғида жисмларни кўриш қийин? Жавоблар эшитилади ва ўқитувчи томонидан тўлдирилади. Ўқитувчи ёруғликнинг жисмларга тушганда улардан қайтишини мисоллар асосида тушунтиради. Масалан, қоронғида турган буюмларга нур юборилса (фонарь орқали), биз уларни кўришимиз мумкин. Демак, ёруғлик жисмга тушганда ундан қайтади, шу туфайли биз жисмларни кўрамиз. Масалан, деворга қарасангиз ўз аксингизни кўрмайсиз, аммо кўзгуга қарасак, аксимизни кўрамиз. Сабаби, ёруғлик силлиқ ва ялтирок жисмлардан яхши қайтади.

Ўз аксингизни қаерларда кўришингиз мумкин?

Ўқитувчи ўқувчиларга ёруғликнинг йўлига бирор жисм қўйилса, соя ҳосил бўлишини тушунтиради.

Ўқитувчи соя ҳосил бўлишига оид мисоллар келтиради.

Соя ҳосил бўлганини қаерларда кўргансиз?

Соя ҳосил бўлишига ёруғликнинг тўғри чизик бўйлаб тарқалиши сабаб эканини тушунтиради.

Камалакни кузатганмисиз, у қачон пайдо бўлади?

Камалакда қандай ранглар мавжуд?

Ўқитувчи ёруғлик нурининг йўналишининг ўзгариши ҳамда ойнинг кўлдаги тасвирининг ҳосил бўлишини ўқувчиларга юкорида келтирилган мисолларга боғлаб тушунтиради.

Ўқитувчи ёруғлик ва иссиқликнинг таъсирини сувнинг қайнаши, куёш нури таъсирида ўсимликларнинг ўсиши, об-ҳаво мисоллари орқали тушунтиради.

Дарснинг мазкур босқичида, ўқувчилар ўқув кўникмаларига эга бўлишади. Буюмларни кўриш учун ёруғлик нури кераклигини, жисмлардан ёруғлик қайтганда уларни кўриш мумкинлигини тушунади. Дарсликда келтирилган расмлар асосида улар қошиқ сиртидан, сув юзасидан, телефон ойнасида, ўчиб турган телевизор экранида ўз аксини кўришини билиб олишади. Шунингдек, ёруғликнинг тўғри чизик бўйлаб тарқалишини намоиш этиш тажриба орқали билиб олишади. Масалан, куёшга китоб орқали қаралса, нур китобни айланиб ўтмаслиги кўрсатилади. Куёш осмонда бўлганда дарахт, уй ва бошқа жисмларнинг сояси ҳосил бўлиши изоҳланади. Куёшли кунда ёмғир ёққандан сўнг, фаввора атрофида, совун пуфагида камалакни кузатиш мумкинлиги айтилади. Камалакда қандай ранглар бор? Ўқувчиларнинг камалакдаги рангларни айтадилар. Ўқитувчи жавобни тўлдиради. Камалакда қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк, бинафша ранглар бор [11, 25].

Тўртинчи босқич. Янги мавзуни мустаҳкамлаш. Якуний кичик натижалар (Д). Ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиниб, кичик тадқиқот ишини бажаришини ташкил қилади. Бунда ҳар гуруҳга икки дона пластик идиш ва икки дона термометр берилади. Пластик идишларга бир хил миқдорда сув қуйилиб уларнинг дастлабки температураси термометр асосида аниқланади. Сув солинган идишларнинг бири куёш нури тушадиган жойга, иккинчиси эса куёш нури тушмайдиган жойга қўйилади. 10 минут кутиб ҳар бири идишдаги сув температураси термометр орқали яна ўлчанади. Натижалар асосида идишлардаги сувнинг температураси таққосланади.

Қайси идишдаги сув иссиқроқ? Нима учун?

Ўқувчилар куёш нури тушиб турган ва сояда турган идишлардаги сувларнинг ҳароратини термометр ёрдамида ўлчайди. Ўлчаш натижаларини таққослайди ва хулоса қилади.

Ўқувчилар кичик тадқиқот ишини бажариш орқали ёруғликнинг иссиқлик таъсирини ҳам ўрганиб олишади. Ўқувчилар сувнинг иссиқ сабаби – ёруғлик ўзи билан иссиқлик олиб келиши эканлигини билиб олишади. Шунингдек, кичик тадқиқот иши ўқувчиларда илмий саводхонлик ва амалий компетенциялар шаклланишида муҳим восита вазифасини ўтайди.

Ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларда ёруғлик ва иссиқлик манбаларига нисбатан муносабат ва кадрятларни шакллантириш мақсадида ёруғлик ва иссиқлик манбаларига тўғри муносабатда бўлиш ва улардан оқилона фойдаланишни билиш муҳимлигини уқтиради.

Булардан шунда хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўқитишнинг ривожлантирувчи (кузатиш, кичик тадқиқот ишлари, амалий ва уй лаборатория ишлари), таълимий (атроф-олам тўғрисида табиий илмий дунёқарашнинг шаклланиши,) ва тарбиявий (она табиатга муносабати, ободончилик ишларида қатнашиш, соғлом турмуш тарзини англаш каби) функцияларига эътибор қаратилиши бошланғич синфларда “Табиий фанларни” ўқитишда қўйил-

ган мақсадларга эришишни таъминлайди.

2. Ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни самарали шакллантиришнинг омиллари аниқланди. Булар: ўқув материали ва ташкилий педагогик таъсир. Ўқув материалнинг берилишида ўқитишнинг дидактик тамойиллари (илмийлик, тизимлилик, изчиллик, тушунарлилик ва берилаётган билимларнинг кундалик ҳаётга боғлиқлиги)га таянилиши назарга олинса, ташкилий педагогик таъсир ўқитиш (мунозара, суҳбат, ўйин каби) услубларига, ўқув муассасасининг моддий техник ва методик таъминотга ҳамда ўқитувчининг педагогик қобилиятлари (компетентлиги)га боғлиқ бўлади.

3. “Табиий фанлар” ни ўрганиш контексти тизимлар; материя ва энергия; шакл, тартиб ва тuzилиш; масштаб ва ўлчаш; барқарорлик ва ўзгариш; шакл ва функцияни ўз ичига олган. Табиий фанларни контекстга кўра, ўқувчи фанга оид тушунча ва билимлар асосида теварак атрофимизда содир бўлаётган турли экологик, иқтисодий, тиббий соҳалардаги ўзгаришларга ўз муносабатини ҳамда ўқувчи томонидан эришилган интеллектуал билим кўникмалар эса уларда илмий саводхонлик ва амалий компетенциялари шакллантириш масалаларининг қўйилиши ўқувчиларни келгусида халқаро баҳолаш дастурларга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Физика фани бўйича Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий дастурлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси. – Тошкент. “Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказининг матбаа бўлими”, 2021. – 170 б. (<http://www.uzviylik.tdi.uz>)
2. Малюнова Р., Раҳманқулова Н., Матназарова К., Ширинов М., Хафизов С. Умумий педагогика. Дарслик “Инновацион ривожланиш наشرети-матбаа уйи”. – Т., 2020. – 152 б.
3. Ширинов М. К Табиатишунослик фанини ўқитиш узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш (бошланғич таълим йўналиши мисолида). Пед фан. бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2021. – 189 б.
4. Вахромов А., Шарипов Ш., Набиёва М. Табиатшунослик. 3-синф. Дарслик. – Т.: “Cho’lpon” nashriyoti, 2019. – 126 б.
5. Вахромов А., Шарипов Ш., Набиёва М. Табиатшунослик. 4-синф. Дарслик. – Т.: “Sharq” nashriyoti, 2020. – 118 б.
6. Матадинова Н., Аҳмедова М. Атрофимиздаги олам. 1-синф. Дарслик. – Т.: “O‘qituvchi” nashriyoti, 2019. – 164 б.
7. Шентуховский М.В. Методическая система подготовки будущих учителей начальных классов к обучению школьников курсу “Окружающий мир”. Автореф дисс. на соискание ученой степени доктора пед. наук. □ Шуя, ГОУ ВПО ШГПУ, 2009. – 156 с.
8. Матвеева М.М. Дидактические условия формирования естественнонаучных представлений об окружающем мире в начальной школе. Автореф.на соискание ученой степени канд. пед. наук. – Ульяновск. УлГУ, 2011. – 151 с.
9. Крохина И.Г. Педагогическая технология формирования естественнонаучных компетенций младших школьников. Автореф. дис. канд. пед. наук. □ Ижевск, 2006. –58 с.
10. К.Т.Суяров ва бoшq. Табиий фанлар 2-синф uchun darslik. –Т.: Respublika ta’lim markazi. 2021. – 120 б.
11. К.Т.Суяров ва бoшq. 2-синф. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – Т.: Respublika ta’lim markazi, 2021. – 112 б.

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРДА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ

Аъзам Холмуродов,

Жиззах вилояти Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази директори,
иктисод фанлари номзоди

Аннотация

Мазкур мақолада нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари таҳлили, малака ошириш жараёнларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган муаммолар, нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш ҳамда нодавлат таълим ташкилотларида малака ошириш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг инновацион модели хусусида тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: нодавлат таълим ташкилоти, педагог кадрлар малакасини ошириш, инновацион таълим технологиялари, узлуксиз малака ошириш, таълим сифати менежменти, ташкилий-педагогик механизмлар.

Аннотация

В данной статье анализ организационно-педагогических условий процессов повышения квалификации педагогов в негосударственных организациях образования, проблемы, негативно влияющие на эффективность процессов повышения квалификации, совершенствование организационно-педагогической механизмы повышения квалификации педагогов в негосударственных образовательных организациях, а также упомянутая инновационная модель повышения эффективности процессов повышения квалификации в негосударственных образовательных организациях.

Ключевые слова: негосударственная образовательная организация, подготовка учителей, инновационные образовательные технологии, непрерывное обучение, управление качеством образования, организационно-педагогические механизмы.

Annotation

In this article, an analysis of the organizational and pedagogical conditions for the processes of advanced training of teachers in non-state educational organizations, problems that negatively affect the effectiveness of advanced training processes, improvement of the organizational and pedagogical mechanisms for advanced training of teachers in non-state educational organizations, as well as the mentioned innovative model for improving the efficiency of advanced training processes in non-state educational organizations.

Keywords: non-state educational organization, teacher training, innovative educational technologies, lifelong learning, education quality management, organizational and pedagogical mechanisms.

Нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнларининг мавжуд ҳолати ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлари таҳлили малака ошириш жараёнларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган қуйидаги ички муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда:

- умумий ўрта таълим мактаблари педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари кооперациясининг етишмаслиги;

- малака ошириш режаларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича аниқ келишилган режа ва мақсадли регламентнинг мавжуд эмаслиги;

- нодавлат таълим ташкилотлари раҳбарларининг таълим менежменти ва маркетинги борасидаги маълумотлари етишмаслиги;

- нодавлат таълим ташкилотларининг инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун мотивациясининг йўқлиги ҳамда инновацион жараёнларни амалга оширишга тизимли ёндашувнинг йўқлиги;

- халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш муносабатларнинг ривожланмаганлиги ва ахборот-коммуникация таъминоти учун заиф инфратузилма ва бошқалар [1, 25].

Нодавлат таълим ташкилотларидаги малака ошириш тизимида ўқитувчининг шахсий ривожланиш дастури сифатида ҳар бир тингловчининг тайёргарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, индивидуал танловни амалга ошириш – индивидуал ўқув дастурларини шакллантириш имконини берадиган самарали ташкилий-педагогик механизмлардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Нодавлат таълим ташкилотларидаги таълим жараёнлари сифатини баҳолашда, нафақат курс якунлари доирасидаги динамик ўсишлар, балки тингловчиларнинг курсдан кейинги касбий-педагогик фаолият кўрсаткичлари, тоифаларнинг ўсиш динамикасига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу эса курс натижаларининг истикболли кўрсаткичлари сифатида асосланади [2, 35].

Нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар

малакасини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмлари сифатида:

- таълим мазмуни тингловчининг индивидуал танлови асосида шакллантирилиши;
- малака ошириш ўқув жараёнларида инновацион таълим технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг мустақил таълими ва ўз-ўзини мустақил диагностика қилиши учун шароитнинг яратилганлиги;
- малака оширишнинг маҳорат дарслари, муаммоли курслар, онлайн курслар, мақсадли курслар, нетворкинг каби самарали шаклларида фойдаланиш орқали ахборот-тажриба алмашинуви тизимининг жорий этилишини тақозо этади [3, 55].

Шунингдек, нодавлат таълим ташкилотларидаги малака ошириш тизими дуал педагогик вазифага йўналтирилганлиги билан тавсифланади:

1. Ўқитувчининг, яъни педагог кадрларнинг касбий фаолиятидаги “бўшлиқларни бартараф этиш”га йўналтирилган зарурий ўқув материални ўз ичига олган модулларни яратиш, компетенцияларни ривожлантириш.

2. Тингловчилар томонидан Давлат талаблари (малака талаблари)ни ўзлаштириш учун касбий мулоқот муҳитини яратиш.

Бунинг учун поғонали такомиллаштириш механизмларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, умумий ўрта таълим мактаблари педагог кадрларининг малакасини ошириш нодавлат тизими, асосан, ташқи (меҳнат бозори) буюртма билан бошқарилади, ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари асосида таълим тизимининг сўровлари белгиланади ва унинг асосида малака ошириш жараёни амалга оширилади [4, 66].

Иккинчидан, малака ошириш жараёнларининг педагогик модели ўқитувчининг индивидуал имкониятлари ва унинг даражасини ҳисобга олиш орқали ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилиши педагог кадрларнинг ўз малакасини ошириш ва такомиллаштириш тизимида, жараённинг ўзига бўлган мотивацияси ортишига хизмат қилади.

Учинчидан, таълимдаги трансформацион жараёнларда очик касбий ривожланиш тизими тобора ривожланиб бормоқда. Бунда инновацион касбий ривожланиш учун қулай педагогик фаслитация муҳитини (масофавий таълим, тьюторлик, консултатив-менторлик) яратиш ва қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Юқоридаги жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда, нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

Ҳукумат (вазирлик) даражасида: малака ошириш жараёнларида нодавлат таълим хизматларининг аҳамиятини ошириш, малака ошириш режаларини шакллантиришда индивидуал танлов механизмининг жорий этиш, нодавлат малака ошириш ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг замонавий ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришга кўмаклашувчи лойиҳаларни амалга ошириш [5, 75].

Нодавлат таълим ташкилотлари даражасида: таълим хизматлари диверсификациясини ошириш, малака ошириш таълим дастурлари мазмуни, ўқитиш шакллари ва технологияларини танлашда вариативлик, эҳтиёжларга йўналганлик ҳамда муаммоли ва шахсга йўналтирилган инновацион технологиялардан, рақамли таълим муҳити ва рақамли тармоқ хизматларидан кенг фойдаланиш, соҳа бўйича етакчи мутахассисларни таклиф қилиш орқали ўқув жараённинг амалий йўналганлигини таъминлаш, назорат механизмларини соддалаштириш, тингловчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ташаббусларни яратиш, шунингдек, таълим сифати менежменти тизимини жорий этиш, тингловчиларнинг малака оширишдан кейинги касбий фаолияти мониторингини йўлга қўйиш.

Мазкур таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини оширишнинг ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштиришнинг инновацион модели ишлаб чиқилди [6, 85].



Инновацион ривожланиш модели – бу комплекс ривожланиш параметрлари бўйича чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган, янги технологияларни, инновацион хизматларни таклиф этиш ва жорий этишга йўналтирилган, ташкилот фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини оширишга, шунингдек, малака ошириш тизимидаги инновацион ислохотлар ва талабларни амалга оширишга йўналтирилган форсайт режалаштириш шакли ҳисобланади.

Нодавлат таълим ташкилотларининг малака ошириш борасидаги фаолияти самарадорлигини оширишнинг инновацион модели компонентлари куйидагилардан иборат:

- таълим дастурларининг инновацион йўналганлиги;
- технологик инновацияларни жорий этиш ва инновациялар трансфери;
- тармоқлараро мулоқот ва кооперациянинг инновацион тизими;
- сертификациялаш, ўз-ўзини баҳолаш, ички си-

фат менежментининг инновацион тизими [1, 77];

- нодавлат таълим ташкилоти инновацион фаолиятининг кўрсаткичлари.

Шундай қилиб, нодавлат таълим ташкилотларида малака ошириш жараёнлари ташкилий-педагогик механизмларини такомиллаштиришга қаратилган муайян дастур ва режага асосан олиб борилиши, белгиланган мақсадга эришиш ва қўрилган натижаларни қўлга киритиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, нодавлат таълим ташкилотларининг педагог кадрлар малакасини ошириш борасидаги инновацион фаолияти таълим технологиялари, ўқитиш усуллари соҳасида инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга татбиқ этиш, педагог кадрларни ўз устида мустақил ишлари учун қулай шарт-шароит, ахборот-дастурий таъминотни яратишдан иборат бўлиб, касбий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган индивидуал ривожланиш ва ўсиш траекториясини таъминлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *World Education Forum, Dakar, Senegal. 2000. The Dakar Framework for Action. Education for All: Meeting our Collective Commitments. Paris, UNESCO.*
2. *Исаев Р.А. Основы менеджмента: Учебник. – М.: Дашков, 2010. – 264 с.*
3. *Кузьмина Е.Е. Маркетинг образовательных услуг: учеб. пособие для магистров. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 330 с.*
4. *Прокопенко О.В. Маркетинг образовательных услуг: монография. – Ruda Śląska : «Drukarnia i Studio Graficzne Omnidium», 2016. – 168 с.*
5. *Холмуродов А.Ш. Нодавлат таълим ташкилотларида педагог кадрлар малакасини оширишда инновацион ёндашувлар // Заонавий таълим илмий-амалий оммабоп журнал Тошкент вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти. – Т., 2022. Б. 23-29.*
6. *Цыремпилова Е.А. Сравнительная характеристика методик оценки качества образовательной услуги на рынке услуг высшего образования // Вестник ВСГУТУ. – 2015. – No1 (52). – С. 126-132.*
7. *www.jstor.org – халқаро даражада юқори баҳоланган илмий мақолалар ва илмий наирлар тўплами сайти.*

THE NECESSITY OF BRINGING CLIL APPROACH IN EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN AND PROVIDING SCHOOLS AND LYCEUMS WITH EXPERT TEACHERS IN THESE SPHERES

Sayida Abdiyeva,
TUIT, Teacher

Abstract

As future development of our country strictly depend on the efforts of skilled generation, educational authorities should pay more attention to the knowledge they are acquiring. To obtain candidates with high language skills who can maintain their studies or business in developed parts of the world, the whole education system in Uzbekistan should launch using CLIL method to enhance students' language skills from early stage of their education. This process requires a lot of effort, time and financial support from both officials and teachers of those schools and lyceums.

Key words: CLIL approach, onions(lyceum students), laws and decrees, CEFR, materials, qualified teachers, financial problems, placement tests.

Annotatsiya

Mamlakatimizning kelgusi taraqqiyoti malakali avlod sa'y-harakatiga qat'iy bog'liq ekan, ta'lim muassasalari ular egallayotgan bilimlariga ko'proq e'tibor qaratishlari lozim. Dunyoning rivojlangan mamlakatlarida o'qiydigan yoki o'z biznesini davom ettira oladigan yuqori til qobiliyatiga ega bo'lgan nomzodlarni olish uchun O'zbekistondagi butun ta'lim tizimi CLIL usulidan foydalanib, talabalarining til bilimlarini oshirishning dastlabki bosqichlaridan boshlab ishga tushirishi kerak. Bu jarayon o'sha maktab va litseylarning mutasaddilari, o'qituvchilaridan ko'p kuch, vaqt va moliyaviy ko'mak talab qiladi.

Kalit so'zlar: CLIL yondashuvi, talaba (litsey o'quvchilari), qonun va farmoishlar, CEFR, materiallar, malakali o'qituvchilar, moliyaviy muammolar, joylashtirish testlari.

Аннотация

Поскольку будущее развитие нашей страны строго зависит от усилий квалифицированного поколения, органы образования должны уделять больше внимания приобретаемым ими знаниям. Чтобы получить кандидатов с высокими языковыми навыками, которые могут продолжать учебу или вести бизнес в развитых частях мира, вся система образования в Узбекистане должна начать использовать метод CLIL для улучшения языковых навыков студентов с раннего этапа их обучения. Этот процесс требует много усилий, времени и финансовой поддержки как со стороны официальных лиц, так и со стороны учителей этих школ и лицеев.

Ключевые слова: подход CLIL, студенты (лицейсты), законы и указы, CEFR, материалы, квалифицированные преподаватели, финансовые проблемы, вступительные испытания.

Nowadays, we are living in the era of development in each sphere in Uzbekistan. Especially, learning and teaching languages are getting their own popularity and are one of the widespread topics among youths in our country. Due to the significance of foreign languages especially, English in Uzbekistan, a lot of laws and decrees are being made in order to enhance the teaching and learning of these languages and the quality of the teachers.

After reading attentively DJ Kaiser's (2018) article "growing your own onion: Teachers as Writers of Language Planning and Policy Proposals" and several other articles on this term, I found out that these articles are aimed to demonstrate the benefits of teaching English at study places and offered some very good pieces of advice both directly and indirectly as well. If we pay attention to the headline itself, we can find the metaphorical word "onion" which gives the meaning of high school (lyceum) students who we have to care for while working with them. Because without proper fertilization (laws and decision) and effort (teachers) cannot be grown well and may

be damaged. Since students (onions) can be damaged easily at the period of adolescence, teachers should take into consideration a lot of factors. Thus, in order to succeed in "farming" a lot of work must be done and authorities and teachers have to be on a right track.

As Einar Haugen (1959) mentioned language planning is giving relevant advice to improve a language learning and teaching. Due to starting properly my specific proposal to enhance studying conditions at lyceums (high schools), I would rather give brief information about the educational setting where my LPP may be implemented at the micro-level. The Academic Lyceum under Turin Polytechnic University is located in Olmazor district, Tashkent. This lyceum was established in 2011 by the efforts of the first President of Uzbekistan Islom Karimov in order to prepare highly qualified future cadres. Academic Lyceum under Turin Polytechnic University is specialized in engineering and exact sciences. Students of this lyceum are taught mathematics and physics as major subjects. Due to the effectiveness of teaching languages and the high

choices of international universities for studying among the students of the academic lyceum, English is chosen as a target language to learn.

Each year six groups of first-year students with twenty-six students in each are accepted by the lyceum administration. And more than forty staff teach students different subjects whether exact sciences or social ones. Although, the presidential decree which was made on January 25th in 2018 about “measures for cardinal improvement of the general secondary, secondary specialized and professional education system” allows pupils to maintain their 10th and 11th grades at school, there are still a plethora of students who prefer studying at lyceum where students can improve their knowledge by their specialties. Due to teaching specifically and narrow academic lyceums are estimated as a better place to enhance students’ abilities where the members of these lyceums can find more hours of major subjects than others while school pupils are taught generally by all school subjects. According to the decree of the Ministry of Higher Education in 2018, in order to work and teach at academic lyceums teachers should have at least 5 years of experience and B2 or C1 level certificates by CEFR while school teachers are not required any of them. Students of Academic Lyceum under Turin Polytechnic University are divided into two groups when they are taught by major subjects such as mathematics, physics, English, IT and so on which gives them more chance to practice in a sub-group with a smaller amount of students. All teachers, especially ones who teach the English language should participate in different conferences, seminars and training in order to be up to date besides their requalification courses every three years.

One of the significant parts of creating English studying groups is taking into consideration the political settings of the lyceum. There are a variety of rules and laws which can help to regulate and be the guideline for running the lyceum which administration of the lyceum always has to take into attention dealing with different offers and problems related to the education system of this study place. Opening English groups is not as easy as many people thought and a lot of things should be taken into consideration in order to do it. First of all, the lyceum administration should make an agreement with the university administration because this lyceum was established under the Turin Polytechnic University in Tashkent and they will be our first supporters in terms of finance and provision of study materials at the beginning of the process at least. Because in order to achieve higher results students must be provided with appropriate books and materials in English for different subjects. And this is the thing that the lyceum administration should work cooperatively with university principals in order to deal with this problem. Usage of local books cannot be so helpful and fruitful for English groups to cover fully their needs.

So, we have to take into consideration modifying existing books in Italian Universities’ libraries or creating new books special for the students of Academic Lyceum under TPUT working cooperatively with the British council or Cambridge University.

Another significant point is choosing well-qualified teachers with great experience who can assist our students to improve their knowledge and abilities in different subjects in English. Lyceum principals can face financial problems with opening English groups at the beginning of the process which is the one side of it. On the other hand, lack of the ESP teachers can be another problem for them. In spite of the improvements in English in our country, there are still a lot of problems with teachers who can teach students in English by their subjects. Either the teachers who know English and have required B2 certificates do not want to work at lyceums because of the smaller amount of salary than other places such as universities, or other teachers who are experts in their own field (for example, math/physics teachers) do not know English which is necessary for English groups specialized for engineering. As we know, students’ attendance in classes and weekly or monthly diagnostic tests are depended on teachers and working on their weaknesses and strengths is a teacher’s responsibility. Hence, experienced teachers play a pivotal role in succeeding students’ careers.

There are several decrees and laws that must be followed while establishing English groups and running the lyceum as well.

- Resolution № 124 of Cabinet of Ministers on May 8, 2013 “On approving state educational standard in the foreign language of the continuous educational system” (Graduates of bachelor’s degree courses in non-language departments of HEIs at tertiary level should meet requirements of B2 level (Independent User) of Common European Framework of Reference);

- The decree of the President of Uzbekistan №UP 1875 on “The measures of strengthening the system of learning foreign languages”, December 10, 2012;

Working with different local (State Testing Center) and international (IELTS, TOEFL, SAT, etc.) testing organizations can be beneficial for the lyceum students to check their weaknesses and strengths in learning different subjects such as English and achieve their goals. Due to the significance of the high qualified cadres in order to develop not only specific (micro) topics but also the country level (macro) topics, academic lyceum should try to enhance their teaching system in Uzbekistan.

Due to the establishment of our lyceum under TPUT (Turin Polytechnic University in Tashkent) and the existence of Uzbek and Russian groups but not English, although, the majority (almost 85%) of students apply for international universities my LPP proposal is mainly focused on creating English studying groups at Academic

Lyceum under Turin Polytechnic University. Currently, everyone wants to be a worldwide specialist which gives them an opportunity to work in better places with higher salaries. So, in order to achieve their aims, they need the right place to study.[1, 52]

Creating English groups can be beneficial for all, especially for students. The majority of the ex-students of our lyceum complain about the difficulties with different classes at university such as chemistry, physics and so on. The main difficulty they face is terminology in chemistry and special words are in English. Because of the implementation of the university lessons in English students several students cannot continue their studies at this university and try to find ways of transferring their studies from international to local ones. But, this is not the solution to the problem. Instead, by opening English groups at high schools (lyceums) we can adapt our youths to studying at universities without a great language barrier. While teaching them general English we cannot help them to know enough things which they can deal with at university. Because, as we call "general English" this subject does not cover specific parts of the English while they have to study at least four hours of "Technical English" additionally since their major is an engineering and they will study this class after entering Turin Polytechnic University in Tashkent.

At the end of the course, students will be able to get at least B2 levels by CEFR or a 6.0 band score by IELTS which can help students to apply to different universities in Uzbekistan and the world. Bachman and Palmer (1996: 164). Studying consistently in English diverse subjects can help to widen students' worldview and critical thinking abilities. Working cooperatively with different testing centers can be the cause of providing students with relevant testing materials and giving them a chance to practice frequently and see their results. This process can show the students their weaknesses and strengths and give them the opportunity to work on their mistakes before a real examination. After studying in a right place with the necessary certificates, our students can maintain their studies in any part of the world [2, 564].

Moreover, as a fast-developing country, Uzbekistan is attracting a lot of investors and countries. Currently, many countries and businessmen are investing money to build their own businesses here and also several developed countries are opening their embassies in Uzbekistan. So, there will be necessary English teaching pre, primary and high schools in Uzbekistan to create study facilities for foreign politicians' and businessmen's children as expected. So, creating English groups in Academic Lyceum under Turin Polytechnic University can offer high-quality classes for the children of foreign citizens in Uzbekistan who are interested in engineering and exact sciences. On the one hand, teaching subjects in English attracts fore-

ign students and can help to raise the education system of Uzbekistan to the top ranks in Asia and the world. On the other hand, it will be a cause of exchanging cultures, intelligence and ideas of the Uzbek youths with their peers from different parts of the world.

As an assessment, I decided to give an example of placement tests that play a significant role in students' future studies. As I mentioned above students are divided into two sub-groups by their main subjects and in order to find the right place with the appropriate level for each student placement tests should be implemented at the beginning of the course. As we know that stakes for assessment can be low, medium, and high so taking placement tests can be beneficial for both school administration and students to achieve their goals. Usually, placement tests in English should cover all integrated skills receptive (reading and listening) and productive (speaking and writing). Apart from these four skills, we have to check students' two sub-skills such as grammar and vocabulary. According to ESL principles, there are several benefits to implementing placement tests. As a coin has two sides, placement tests also should be considered by another side. Placement tests also should be correct and suitable for checking students' exact knowledge. There are five principles that a good placement test should have such as validity, reliability, practicality, authenticity and washback. As Heaton (1988) mentioned, "Validity is the extent to which a test measures what it is supposed to measure". So, test validity plays a significant role in checking students' knowledge. While taking into serious consideration these principles in our placement tests, we can help students to realize their weak and strong points and have positive washback in learning languages.

Having two hours a week in the first term and four hours a week in the second term for the first-year students and having four hours in the first and two hours in another term is not enough to learn English even for the school pupils. Unfortunately, these are given hours for learning English in academic lyceums scheduled currently. Because of the lack of practice students and their parents are needed to hire private teachers who can help them to practice after the lessons. Because of a lot of paperwork at the lyceum, teachers usually copy and paste their lesson plans from their previous ones or on the internet instead of working on their lessons and preparing for students authentic materials which they can use in real life. Teachers could make their lesson plans using SIOP methods which is really beneficial for both students and teachers to make their lessons much more meaningful.

On the other hand, it is high time to change our teaching methods from teacher-centered to student-centered lessons. In these English groups, teachers will be facilitators but not dominants during the lessons. Lessons are conducted in the rooms with full inventories starting from

whiteboards which are easy to use to computers with internet. Because activities based on technology can be attractive and interesting for students to improve their language skills. For example, Kahoot.com can be a thrilling activity for students and easy for modifying and using for teachers' students can make quizzes or multiple-choice questions for students to revise the topic. This activity is valuable not for only using English language classes but also for other subject teachers can modify and create their own questionnaires for their students.

Currently, we are living in the era of globalization where we can find different opinions, ideas and cultures which is not related to this nation. In addition to this, there are more than 100 nationalities living in Uzbekistan which administration of the study places should take them into consideration before making and implementing their curriculum. As the Academic Lyceum under Turin polytechnic University decided to create English groups for local and foreign students, considering about culture plays a vitally important role in their curriculum. While

creating new books for the students of the lyceum culture should be taken into consideration and the English language should not have a negative impact on our nationality.

Because while learning English we learn the culture of England and western countries which is totally different from our cultures. For example, students or parents from deeply religious families can find it irritating and annoying if we use pictures of the girls with half-naked clothes or miniskirts. So, while creating books and materials or teaching lessons we have to mix the cultures smoothly and appropriately for each group member's mentality and nationality. Showing their nationality and costumes related to the different countries and nationalities can inspire and motivate students to study a lot and travel around the world to share our nationality and history in these countries too. Exchanging cultures can help to know more about other countries, nationalities and cultures while feeling proud of their own cultures and ancestors by comparing and contrasting the facts.

REFERENCES:

1. Barry, A.K. (2008). *Linguistic perspectives on language and education*. Upper Saddle River, N.J: Pearson/Merrill Prentice Hall.108p
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, №1875 "On measures to further improve of foreign language learning system" December 10, 2012, 8765p
3. DJ Kaiser (2018) *Growing your own onion: Teachers as writers of Language Planning and Policy Proposals*. Webster University
4. Eddy Haryanto, (2013). *Language Policy: Administrators and Teachers' view on English as Medium of Instruction Implementation in Indonesia*.
5. Haugen, E. (1959) *planning for a standard language in modern Norway*. *Anthropological Linguistics*,1(3),8-21
6. Ricento, T., Hornberger, N.H. (1996). *Unpeeling the onion: Language planning and policy and ELT professional*. *TESOL Quarterly*,30(3),401.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Махлиё Қудратова,

Педагогик инновациялар институти Кадрлар бўлими инспектори

Аннотация

Ушбу мақолада жамият таянчи бўлган мўътабар зот – аёл сиймоси, ҳамда бугунги кунда уларнинг гендер тенглигини таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб келаётгани ва бу муаммолар ўз ечимини топиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли, самарали ислохотлар ҳақида фикр юритилган. Аёл, оилани улуғлаш бизнинг давлатимизда муқаддас амаллардан бири бўлибгина қолмай сиёсат даражасигача кўтарилиб келинаётгани, ундаги айрим нуқсон ва камчиликларни энди “Биз-бир оиламиз” шиори остида бутун бир давлат, халқ билан биргаликда бартараф этилмоқда.

Калит сўзлар: аёл, оила, жамият, гендер тенглик, ҳуқуқ, имконият, қонун, адолат, меҳнат фаолияти, соғлом турмуш тарзи.

Аннотация

В данной статье рассматривается роль женщин как костяка общества, а также то, что сегодня их гендерное равенство является одной из глобальных проблем, и для поиска решений этих проблем проводятся комплексные, эффективные реформы. Женщина, почитание семьи является не только одним из священных дел в нашей стране, но и поднимаясь на уровень политики, некоторые ее недостатки и недоработки сейчас устраняются под девизом «Мы одна семья» вместе со всем государством и люди.

Ключевые слова: женщина, семья, общество, гендерное равенство, закон, возможность, право, справедливость, трудовая деятельность, здоровый образ жизни.

Annotation

This article examines the role of women as the backbone of society, as well as the fact that today their gender equality is one of the global problems, and comprehensive, effective reforms are being carried out to find solutions to these problems. A woman, honoring the family is not only one of the sacred deeds in our country, but also rising to the level of politics, some of its shortcomings and shortcomings are now being eliminated under the motto «We are one family» together with the whole state and people.

Keywords: woman, family, society, gender equality, law, opportunity, right, justice, labor activity, healthy lifestyle.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган нутқида шундай таъкидлаган: “Аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳаммиша шундай бўлиб қолади”. Аёл деб аталмиш мўътабар зот нафақат отага фарзанд, бола учун она, балки оила кўрки бўлиши билан биргаликда, бутун дунё, давлат ва жамиятнинг асосий таянчи сифатида улуғланиб келмоқда. Аёл борки, олам мунаввар, давлат ва жамият фаровон, оила чароғондир. Ватан ичра кичик бир Ватан бўлган ҳар қайси оилада аёл бор экан, моддий мукамалликка, фарзандлар тарбиясида маънавий камолотга, тарбиявий салоҳиятга эга бўла олади [1, 13].

“Янги Ўзбекистон – янги ислохотлар” даврида қонунларимизга хотин-қизлар ҳаёти, фаолиятини қадрловчи кўплаб ҳуқуқий нормаларга ўзгартиришлар киритилди. Масалан, аёлларни нафақа ёшига тўлганлиги сабабли иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш таъқиқланади. Айрим аёллар 53 ёшда пенсияга чиқиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Бугунги қизларимиз – бўлажак оналар. Шунинг учун қизларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн

Сино, Амир Темур каби буюкларимизни тарбиялаган, дунёга танилишига муносиб ҳисса қўшган кишилар ҳам оналардир! Она ўқимишли, билимдон, зукко бўлса, бола ҳам шунга муносиб тарбия олади. Шунинг учун айрим тоифадаги хотин-қизларга олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар берилади.

Оила фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишни истовчи бироқ имконияти йўқ маҳаллаларнинг “Аёллар дафтари”га киритилганларга 40 млн. 500 минг сўмгача кредит берилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг қобиляти ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Аёлларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда.

Қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Арасту каби олимлар ўз қарашларида энг юксак давлат сифатида жамиятда тенглик ва адолат ҳукм сурган, қонунлар нуқтаи назаридан ҳам ҳамма бирдек тенглигини қафолатлаган қонунларни такомиллаштирган ва тарғиб қилган. Барча эркак ва аёллар тенглиги ғоясини юнон олими Антифонт ўз асарларида қўллаган

холда: “Табиат барчани: аёлларни ҳам, эркакларни ҳам тенг қилиб яратади, лекин одамлар инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқишди”, деб таъкидлаган. Платон давлатни бошқариш тўғрисидаги қарашларида “Аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқлидирлар. Барча кишилар ҳамфикрдирлар, улар ўртасида умумийликни емирувчи ёки давлатни таназзулга олиб келувчи фикрларга йўл қўйилмайди. Давлатни қўллаб-қувватлаш, умумий раванққа хизмат қилиш барча фуқароларнинг бурчидир”, – дея таъкидлаган.

Ҳар бир давлат ва жамият бутун жаҳон миқёсида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий соҳалар сингари, мамлакатда эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам эрки, ҳуқуқи, имкониятлари тенг бўлиши, уларга нисбатан эътиборнинг юқорилиги кўринади. Лекин шундай жамиятлар борки, у ерда аёл бўлиб туғилишнинг ўзи бир ачинарли ҳолат. Аёлларга бўлган ҳурматсизлик, камситиш, қул сифатида таҳқирлаш кадрят даражасида одатий ҳолга айланиб улгурган. Шу билан бирга, жамиятнинг асосий илдизи бўла туриб, ўз эрки-ҳуқуқи камситилаётган, ўз ўрнини топишни хоҳлаётган хотин-қизлар ва кекса онахонлар тақдири ҳанузгача жавобсиз қолмоқда.

Афсуски, бизнинг жамиятимизда ҳам ҳаёт йўллари чалқаш, ўз йўлини топа олмаган ёлғиз аёл ва қизлар, ёши улуғ бўлишига қарамасдан фарзандлари томонидан камситилаётган онахонлар, ҳаммасини тақдир дея барча кўнгилсизликларга ҳам рози бўлиб яшаётган аёлларимиз ҳам йўқ эмас. Бу билан мамлакатимизда аёллар масаласи оғир ва ечимсиз дея олмаймиз, чунки мазкур муаммога сиёсатда ҳам диний, ҳам дунёвий томонлама кенг қамровли самарали ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб таъкидланган. Бош қомусимизда кўрсатилганидек, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақида алоҳида модда киритилган бўлиб, унга кўра, хотин-қизларга таълим олиш, касбий тайёрланиш, иш, меҳнат учун рағбатлантириш ва хизмат юзасидан маълум бир лавозимга кўтарилишида тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилиши таъкидланади [2, 12].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон Қонунида, Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан камситиш, эътиборсизликни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тенг эканлигини таъминлаш асосий устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидланган. Ватанимизда аёллар ва эркаклар ҳуқуқуларини тенглигини таъминлашнинг яна бир асосли далили сифатида хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбеки-

стон Республикасида гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, комиссиянинг асосий мақсади ва вазифаси хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу соҳада давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, мазкур соҳада олиб борилган ва натижага эришилган ишлар бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро жаҳон стандартларига риоя этиш борасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган эътиборни янада юксалтириш мақсадида таълим ва фан, соғлиқни сақлаш соҳаларида самарали ислохотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, таълим ва фан соҳасида хотин-қизлар учун алоҳида квоталарнинг ажратилиши, фан ва таълимда эришган ютуқлари учун мукофотланиши, меҳнат фаолияти даражаси юқорилиги сабабли эркаклар билан бир қаторда лавозимга тайинланиши, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида турли хил иш ўринларининг яратилиши, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида самарали ислохотлар олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, келажакнинг бунёдкори бўлган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада юксалтириш мақсадида ҳар ойлик кўриқлар шакллантирилиб, керакли бўлган дори воситалари билан таъминлаш ташкил этилган [4, 512].

Дунёда аёл, она деган мўътабар зот бор экан жамият, давлат оз бўлса-да ривожланишда давом этиб боради. Лекин аёл улуғланган юрт янада юксакликка эришади, тараққий этишда давом этаверади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар юзасидан қуйидаги хулосага келамиз:

Биринчидан, жамият ва аёл бир-бирига узвий боғланган. Чунки аёл бор экан, келажак шаклланиб бораверади. Шарқнинг буюк мутафаккир, аллома ва подшоҳларини, илм аҳлларини ҳам дунёга келтирган ва комил инсон сифатида тарбиялаган, улғайтирган зот бу она, яъни аёллигини англашимиз, уларнинг янада баркамоллигини таъминлашимиз лозим. Дунёни ёки бутун бир давлатни аёллар бошқарсин демаймиз, лекин аёлларга бўлган ҳурмат, эътибор юксак бўлишини, ҳуқуқ ва эркинликлари тенг бўлишини, аёлларга бирор-бир воситадек ёки кулдек эмас, балки қайта топиш имконсиз бўлган волидамиздек муносабатда бўлишимиз керак. Аёлларни кадрлаган эркакларгина доимо юксалади ва улкан зафарларга эриша олади.

Иккинчидан, келажакимиз яратувчиларининг эрки ва ҳуқуқ, улардаги муаммолар ўз ечимларини топмас, уларни қийнаётган масалалар жумбоқлигича қолаверса, улар турмуш ташвишларидан ортиб бахтиёр келажак авлодларимизни ҳар томонлама мукамал, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёш авлодни тарбиялай олиши жуда қийин муаммоларга айланади. Шундай экан, ҳар бир аёлга имкони борича тўлиқ шароит яратиб берса, уларга бўлган эътибор юксак бўлса, юқоридаги муаммолар бартараф этилади.

Учинчидан, жамият яралибдики, Аллоҳнинг мўжизаси бўлган аёл зоти улуғланиб, кадрланиб келинади. Лекин аёл номига эга бўлган зот, аввало, ўзида

оналик позицияси билан бир қаторда инсонийликни ҳам ўзида шакллантириши лозим. Давлат, жамият аёлни кадрлаётгани, аёл ҳам шунга муносиб ҳолда ўз вазифаларини амалга ошириши керак.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар хотин-қизларнинг мутахассис сифатида шаклланишига, рўзгорини таъминлашга, оила етакчисига кўмакдош бўлишга ва ҳаётда ўз ўрнини топишига имкон яратмоқда. Оила саришталигини таъминлаётган аёллар ишда ҳам жамоатчиликда ҳам фаоллашиб бормоқда. Бу эса Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг самараси, аёлларга, оналарга бўлган эътиборнинг, эътирофнинг гўзал натижаларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 75 б.
2. *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида. ЎРҚ-562-сон*. – Тошкент ш., 2019 йил 2 сентябрь. – 45 б
3. <https://xs.uz>. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган нутқидан*. 07.03.2019 й.
4. Қ.Назаров. *Ғарб фалсафаси*. – Т.: “Шарқ”, 2004. –716 б.
5. Зокирова, Д. Н. (2021). *INTEGRATION OF PROFESSIONAL AND EDUCATIONAL DISCIPLINES INTO TRAINING OF SELF-LEARNING MOTIVATED STUDENTS*. *Современное образование (Ўзбекистан)*, (6), 228р.
6. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022). *METHODOLOGY OF USING CONNECTING ELEMENTS OF SCIENCE IN THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF THE SCIENCE OF HYDROELECTRIC POWER STATIONS*. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(3), 661р.
7. Nematillaevna, Z. D. (2021). *Problems in providing independent learning education and ways to prevent them*. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1436р.

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI QO'LLAB QUVVATLASHDA IMTIYOZLAR BERISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

Gafur Abdilakimov,

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
o'quv-uslubiy boshqarma boshlig'i, PhD, Associate professor

Annotatsiya

O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi tizimi qaytadan isloh qilinib, biznes rivojlanishini qo'llab-quvvatlashda yangi yondashuvlar tatbiq etilgani, tadbirkorlik subyektlarining qonuniy manfaat va huquqlarini himoya qilishning mutlaqo yangi tizimi joriy etilgani, biznes bilan muloqot qilishning, ayniqsa, viloyat, shahar va tumanlarda samarali mexanizmi joriy etilgani mamlakatimizda ushbu sohada olib borilayotgan ishlarga misol bo'la oladi. Ushbu maqolada kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini qo'llab quvvatlashda imtiyozlar berish tizimini takomillashtirish haqida fikr va mulohazalar yuritiladi.

Kalit so'zlar: Tadbirkorlik subyektlari, xususiy tadbirkorlik, kichik biznes, imtiyozlar, eksport, bozor iqtisodiyoti.

Аннотация

Реформирование системы торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан, внедрение новых подходов в поддержку развития бизнеса, внедрение совершенно новой системы защиты законных интересов и прав субъектов предпринимательства, внедрение эффективного механизма взаимодействия с бизнесом, особенно в регионах, городах и районах, является примером проводимой в нашей стране работы в этой сфере берет. В данной статье будут рассмотрены мнения и соображения по совершенствованию системы предоставления льгот при поддержке малого бизнеса и субъектов частного предпринимательства.

Ключевые слова: субъекты предпринимательства, частное предпринимательство, малый бизнес, концессии, экспорт, рыночная экономика.

Annotation

The reform of the system of the Chamber of Commerce and industry of the Republic of Uzbekistan, the introduction of new approaches to supporting business development, the introduction of a completely new system for protecting the legitimate interests and rights of business entities, the introduction of an effective mechanism for communicating with business, especially in regions, cities and districts are examples of. This article provides feedback and feedback on improving the system of granting benefits in support of small businesses and private businesses.


Keywords: business entities, private entrepreneurship, small business, benefits, exports, market economy.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari eksport salohiyatini yanada kengaytirish, ularga zamonaviy, chet el bozorlarida raqobatdosh mahsulot ishlab chiqarishni ko'paytirishda va uni eksportga chiqarishda zarur huquqiy, moliyaviy va tashkiliy yordam ko'rsatish, mamlakatimizning eksport qiluvchi tadbirkorlarini tashqi bozor konyunkturasi o'zgarishlari xavf-xatarlaridan ishonchli himoya qilishni ta'minlash maqsadida Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksportini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etildi. Shu bilan birga, respublikamiz tadbirkorlik subyektlarining tashqi bozorlardagi ishtiroki va eksport faoliyatini yanada kengaytirish uchun tegishli shart-sharoitlar yaratish ustuvor vazifalardan hisoblanadi. Ma'lumki, hozirda tashqi bozorlarda keskin raqobat va davom etayotgan iqtisodiy inqiroz sharoitida emin-erkin eksport faoliyatini yuritish, yangi bozorlarga kirib borish murakkab masala. Ushbu vaziyatda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik o'zining egiluvchanligi, qiyin sharoitlarga tezda moslasha olishi bilan eksport faoliyatining dinamikasini ta'minlaydi. Shuni inobatga olgan holda, davlatimiz tomonidan tadbirkorlik subyektlari eksport faoliyatini rivojlantirish uchun

ham so'nggi yillarda keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmogda [1, 13].

Joriy yilning o'zida ushbu Fond tomonidan 2162 ta tadbirkorlik subyektlariga o'z tovar va xizmatlarini eksport qilishda huquqiy, moliyaviy va tashkiliy xizmatlar ko'rsatilgan. Jumladan, 1767 ta tadbirkorlik subyektlariga tashqi bozorlarni o'rganishda, 127 ta tadbirkorlik subyektlariga xorijiy hamkor topishda, 135 ta tadbirkorlik subyektlariga xalqaro ko'rgazmalarda ishtirok etish, xalqaro sertifikatlar olish va bojxona rasmiylashtiruvini amalga oshirishda ko'mak berilgan. Buning natijasida joriy yilning to'qqiz oyi yakunlari bo'yicha 395 ta tadbirkorlik subyektlari tomonidan 1 093 mln. dollarlik eksport amalga oshirilgan. Tadbirkorlikni moliyaviy qo'llab-quvvatlash maqsadida esa Fond tomonidan umumiy qiymati 5 219 mln. so'm, shundan 4 030 mln. so'm miqdorida foizsiz moliyaviy qarzga moliyaviy ko'mak ajratilgan. Bundan tashqari, yaratilayotgan imkoniyatlar va kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojlanishi iqtisodiyotimiz raqobatbardoshligining oshishiga zamin bo'lib, kichik biznes va xususiy tadbirkorlar eksportining mamlakatimiz umumiy eksportidagi ulushi oxirgi 15 yilda 3 marotaba oshgan va bugun-

gi kunda 27 foizga yetgan. Keyingi 5 yilda esa eksport faoliyati bilan shug'ullanadigan korxonalar soni 1,5 barobar, kichik biznes subyektlari soni 1,6 barobarga oshgan.




Respublikamizda kichik tadbirkorlik subyektlarining samarali faoliyat yuritishi va rivojlanib borishi ko'p jihatdan ular uchun yaratilgan shart-sharoitlarga bog'liq. Kichik tadbirkorlik rivojiga qulay imkoniyat yaratuvchi shart-sharoitlar orasida infratuzilma xizmatini alohida ajratib ko'rsatish lozim. Kichik tadbirkorlik subyektlarida ishlab chiqarish kengayib borishi bilan ularning texnik ta'mirlash, moddiy-texnika ta'minoti, mahsulotlarni saqlash, qayta ishlash va sotish, kommunikatsiya va aloqa, maslahat va axborot kabi bir qator xizmat turlariga talabi ortib boraveradi. Chunki kichik tadbirkorlik subyektlariga yuridik shaxs maqomini berish bilangina ish bitmaydi. Ularning to'laqonli faoliyatini faqat mukammal tashkil etilgan infratuzilma bo'linmalari orqaligina tasavvur etish mumkin [2, 45].

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarining asosiy faoliyati banklar bilan chambarchas bog'liq bo'lib, ular olib borayotgan faoliyat xomashyoni sotib olish, ish-

lab chiqarilgan tovarlar, ko'rsatiladigan xizmatlarga haq to'lash, ishlovchilarni ish haqi bilan ta'minlash, turli toifadagi korxonalar, firma va boshqa yuridik shaxslar bilan bo'ladigan iqtisodiy munosabatlar, ya'ni olingan foyda va daromaddan soliq to'lash, transport, kommunal xizmatlar uchun to'lovlarning barcha turlari banklar orqali, o'z navbatida, olinadigan kreditlar va boshqa hisob-kitoblar ham banklar vositasida amalga oshadi. Alohida ta'kidlash kerakki, mamlakatimiz mustaqillikka erishgunga qadar bank va banklar bilan bo'ladigan turli iqtisodiy munosabatlar unchalik oshkor etilmas edi. Jahon xo'jaligining muhim xo'jalik yuritish qismi bo'lgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik korxonalarini barcha faoliyati banklar bilan bog'langanligi bugungi kunda hammaga ma'lumdir. Shuning uchun ham rivojlangan mamlakatlarda, masalan, AQShda bank tizimining faoliyati nihoyatda rivojlangan bo'lib, tadbirkorlikning aktiv iqtisodiy faoliyat yuritishida banklar barcha mulk shaklidagi korxonalariga kompleks ravishda xizmat ko'rsatadi.

Bugungi kunda mamlakatimizda 30 ta bank faoliyat yuritib, shundan 3 tasi davlat banklari, 13 tasi aksiyadorlik tijorat banklari, 9 tasi xususiy banklar, 5 tasi xorijiy kapital ishtirokidagi banklar hisoblanadi.

Bank tizimining umumiy joriy likvidligi banklarning tashqi to'lovlar bo'yicha joriy majburiyatlaridan 10 barobar ko'pdir. Boshqacha aytganda, respublikamiz bank tizimining mustahkam himoyasi yaratilgan. Bank tizimining mustahkamlanishi va unga nisbatan aholi ishonchining ortishi natijasida omonatlar hajmi sezilarli ravishda ortib bormoqda. Faqat o'tgan yilning o'zida aholi omonatlari miqdori 1,7 barobar oshdi.



O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini mustahkamlash, har tomonlama rivojlantirib borish, iqtisodiyotni, xususan, bozor munosabatiga o'tishni tezlashtiruvchi eng asosiy yo'llardan biri ham kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisoblanadi. Shuning uchun ham tadbirkorlikni rivojlantirishga, uni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi, xususiy tadbirkorlikda tashabbus ko'rsatish, uni rag'batlantirishga bag'ishlangan bir qancha qonun, farmon va qarorlar qabul qilindi. Mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy-ijtimoiy islohotlarning tub negizini tadbirkorlik, omilkorlik va ishbilarmonlik xislatlarisiz tasavvur etish qiyin. Erkin bozor munosabatlarning keng ravnaq topishi kishilar hayotida, ularning turmush tarzida, ma'naviy va hayotiy ko'nikmalarida namoyon bo'lmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlanishi nafaqat iqtisodiyotni muttasil rivojlanishi, xo'jalik aloqalarini tuzatish, raqobatni rivojlantirish va iste'mol bozorini to'ldirish bilan bog'liq bo'lgan iqtisodiy maqsadlarni ham ta'minlamoqda.

O'zbekistonda ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini barpo etishning asosiy maqsadlaridan biri mamlakatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik shakllarini ustuvor rivojlantirishdan iborat. Bu maqsadni amalga oshirish uchun iqtisodiy islohotlar o'tkazildi, uning rolini oshirish uchun yirik institutsional asoslar yaratildi. Tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish va uni kafolatlovchi huquqiy-me'yoriy hujjatlar, tadbirkorlarga ko'maklashuvchi nodavlat tashkilotlar, korxonalar shular jumlasiga kiradi. O'zbekistonda xususiy tadbirkorlik va kichik biznes korxonalarini majmuini tashkil etish muvaffaqiyatli bormoqda. Kichik biznes faoliyati bilan shug'ullanuvchi korxonalar davlatga bog'liq bo'lmagan holda, ya'ni katta kapital mablag'larsiz o'zlari ish joylarini joriy etishlari, vaqtinchalik mavjud bo'lgan tovarlar tanqisligini kamaytirishlari va hattoki bu tanqislikni butunlay yo'qotishlari mumkin. Hozirgi jamiyatimizda kichik korxonalar faoliyatini ayrim kishilarning ehtiyojlarini qondirish sari yo'naltirish zarur. Bu narsa maishiy xizmat ko'rsatish hamda

xalq iste'moli tovarlari ishlab chiqarish sohaslarida yaqqol ko'rinmoqda. Kichik korxonalar texnologiya yangiliklarini joriy etishda ham g'oyat katta ahamiyatga ega.

Tadbirkorlik faoliyatini huquqiy tartibga solish sohasiga oid dastlabki ilmiy tadqiqotlar ishlar huquqshunos olim B.Ibratov tomonidan olib borildi. U tadbirkorning barcha harakatlari asosan bozor imkoniyatlarini tahlil qilish, undan foydalanish, novatorlik g'oyalarini amalga oshirishdan iborat ekanligini asoslab, tadbirkorning kapitalistik ekspluatatorlik mohiyatiga olib keluvchi an'anaviy sinfiy ta'rifi emas, balki uni inson faoliyatining shu sohadagi funksiyasi bo'lib, uning jamiyatdagi tutgan o'rni va ijtimoiy ahamiyatiga e'tiborni qaratish lozimligini tushuntiradi. Shuningdek, tadbirkor bozor iqtisodiyotining alohida bo'g'inlarida takror ishlab chiqarish borasida xizmat ko'rsatuvchi tashkiliy, iqtisodiy, moliyaviy, huquqiy va boshqa xo'jalik munosabatlarning majmuidir, deb ta'riflaydi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiyotni rivojlantirish, aholi bandligi va daromadlarini oshirishda muhim omildir [3, 54].

Xulosa qilib aytganda, kichik biznesning mamlakat iqtisodiyotiga qo'shadigan hissasini oshirilishini, kichik sanoat zonalarining yaratilishi, investitsion muhit va raqobat muhitining yaxshilanishi, kichik biznes bilan davlat – xususiy sherikchiligi doirasida davlat xaridlari hajmini kengaytirilishi, yirik va kichik korxonalar o'rtasida o'zaro manfaatli hamkorlikning mustahkamlanishi, innovatsiya jarayonlariga tadbirkorlik subyektlarini jalb qilish orqali ko'rishimiz mumkin. Shuni ham ta'kidlash joizki, yetarli eksport salohiyatiga ega bo'lgan, biroq ayni paytda yanada rivojlanish uchun yetarli darajada kapitalga ega bo'lmagan muvaffaqiyatli va istiqbolli kichik korxonalarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash katta ahamiyatga ega. Ushbu chora-tadbirlarni samarali kichik biznes sohasida ko'proq ish o'rnini yaratishga, jahon bozoriga kirish imkoniyatlarini oshirishga yordam berib, mamlakatning eksport salohiyatini ko'tarishga va aholi daromadlarini oshirishga imkon yaratadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida" 2019-yil 13-avgustdagi PQ-4417-son qarori. – 107 b.
2. Razzoqov A. H. Tashmatov, N.T.O'rmonov. Iqtisodiy ta'limotlar tarixi. Oliy ta'lim muassasalarining talabalari uchun darslik. "Iqtisod-moliya" nashriyoti, 2017. – 56 b.
3. O'lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2006. –98 b.
4. Mamatov B. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik loyihalarini moliyalashtirish. O'quv qo'llanma. – T.: 2007. – 152 b.
5. Abulqosimov X.P. Shakllanayotgan bozor iqtisodiyotida inson omili va uni faollashtirish yo'llari. TMI nashriyoti, 2005. – 225 b.

БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Дилафруз Раджапова,

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақола бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, унинг янги техника ва технология билан таништиришга қаратилган техникавий даражасини ошириш ҳамда инновацион ёндашувнинг аҳамиятини очиб беришга бағишланган.

Калим сўзлар: инновацион ёндашув, муҳандис, ишлаб чиқариш, талаба, ўқув машғулоти, шахс, касбий тайёргарлик, ижодкорлик, қобилият, етуклик.

Аннотация

Данная статья посвящена перспективным направлениям развития профессиональных компетенций будущих инженеров, повышению их технического уровня, направленным на приобщение их к новым приемам и технологиям, выявлению важности инновационного подхода.

Ключевые слова: инновационный подход, инженер, производство, студент, обучение, личность, профессиональная подготовка, креативность, способности, зрелость.

Annotation

This article is devoted to promising areas for the development of professional competencies of future engineers, improving their technical level, aimed at familiarizing them with new techniques and technologies, and identifying the importance of an innovative approach.

Keywords: innovative approach, engineer, production, student, training, personality, professional training, creativity, ability, maturity.

Енгил саноатга оид бўлажак муҳандислар тайёрловчи олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларга ўқитиладиган барча мажбурий ва танлов фанлар блокадаги ихтисослик фанлари ўзида фақат маълумот берувчи, ўргатувчилик функцияси билан чегараланиб қолмасдан, балки фикрни ривожлантирувчи, интеграллаштирувчи, тарбияловчи функцияларига ҳам эгадир. Яъни мазкур соҳада таҳсил олувчиларида нафақат шу фанлар тузилмасида мавжуд бўлган илмий маълумотлар билан куроллантириш, улар томонидан эгаллаган илмий тушунчаларни ривожлантириш ва бошқа тушунчалар билан интеграллашувини таъминлаш ҳамда бўлажак муҳандисларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш вазибалари ҳам қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир бўлажак муҳандисларга таълим берувчи профессор-ўқитувчилари навбатдаги ўқув машғулотига тайёргарлик кўришида ўқув материални юқорида санаб ўтилган талабларга риоя қилган ҳолда танлаши ва уни ўзининг келажакдаги касбий фаолиятида моҳирона фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

В.А.Сластенин тадқиқотларида мутахассисларнинг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:

- шахснинг ижодий-мотивацион йўналтирилганлиги: қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш, ижодий ютуқларга интилиш, пешқадамликка интилиш, ўз камолотига интилиш ва бошқалар;

- креативлик: хаёлот (фантастик), фараз, қолиплардан холи бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;

- касбий фаолиятни баҳолаш: ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти, педагогик тадқиқот методларини эгаллаш қобилияти, муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти, ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;

- муҳандиснинг индивидуал қобилияти: ижодий фаолият суръати, шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти, қатъиятлик, ўзига ишонч, масъулиятлик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Педагог олимлар Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсенов, Л.Р.Зариповларнинг тадқиқотларида таълимга инновацион ёндашув фақатгина маълумотлар ва кўникмаларнинг йиғиндисини эгаллашдан иборат бўлган таълим натижаларига эмас, балки шахснинг касбий фаолиятга, турли хил муаммоларни мустақил равишда еча олишга қодирлиги ва тайёрлигига йўналтирилган таълим натижаларининг янги турларини юзага келтириши кўрсатилган [2, 68].

Келтирилган тавсифларни таҳлил этиш натижасида таълимга инновацион ёндашувининг вужудга келиш шарт-шароитларини аниқлаб олиш мумкин:

– билимлар изланиш ва фикрлаш фаолиятлари,

инновация жараёни маҳсули сифатида турли хил шаклларда тизимли, фанлараро ҳамда умумлаштирилган ҳолда берилади;

- педагог “бошқарувчи”, “ҳамкор” сифатида намоён бўлади, яъни ҳамкорлик қилиш, демократик равишда таъсир ўтказиш, ёрдам бериш, руҳлантириш, талабанинг шахсий ташаббусларига эътиборли бўлиш, унинг шахсини методик компетентлигини ривожлантиришга интилиш позициясини эгаллайди;

- профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан фаол ҳамкорлик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро маъсулиятлилик муҳитини яратишга йўналтирилган;

- таълим оловчилар учун таълим ва тарбияни ташкил этишнинг гуруҳли шакллари орқали шахслараро муносабатлар ва мулоқотнинг хилма-хил шакллари амалий равишда ўзлаштиришлари, ҳамкорликда ишлаш ва инновациялар қилиш учун шарт-шароитлар яратилади;

- ҳаракат ва хулқ-атворларнинг олдиндан белгилаб қўйилган намунасига мослигини баҳолашдан воз кечилади.

Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлиги ривожлантиришнинг истикболли йўналиши унинг янги техника ва технология билан таништиришга қаратилган техникавий даражасини оширишдан иборат. Бунинг зарурлиги замонавий ишлаб чиқаришнинг юқори даражада техникавий таъминланганлиги, компьютер техникасидан фойдаланиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлиги, бошқарув соҳаларида техникдан кенг фойдаланиш билан ёшларнинг техникавий кам тайёрланганлиги орасидаги мавжуд зиддиятлардан келиб чиқади. Бунда техникавий ва технологик тайёргарлик деб фақатгина маълум билим-ўқувлар йиғиндиси эмас, балки шахснинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳам тушунилади [4, 51].

Бўлажак муҳандисларнинг ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий, техник фанлар ҳамда умум-касбий фанларни узвий алоқада ўрганишлари талабаларнинг бевосита касбий кўникма ҳамда малакаларининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, ҳар бир мутахассислик фанидан маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш жараёнида мутахассислик тушунчаларининг ўрни, уни баён қилиш зарурияти, кетма-кетлиги, бошқа тушунчалар билан алоқадорлиги ҳамда бу алоқадорликни рефлексив (рефлекс, беихтиёр), симметрик ёки транзитивлик (дарс жараёнида олинган билимлар мажмуини амалда ўз ўрнида қўллаш олиши) каби бошқа хоссаларга бўйсунушига қараб, ҳар бир тушунчаларнинг ўзини қандай салоҳияти билан қатнашаётганини аниқлаш имкониятига эга бўлинади [5, 83].

Бўлажак муҳандисларни тайёрлаш жараёнининг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, унинг

мазмунида барча ижтимоий, иқтисодий, табиий техник ва бошқа фанлар мазмунан интеграциялашган ҳолда амалий татбиғини топади. Бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлигини ошириш фан-техника ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш технологияларидан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари, механизм ва машиналарнинг тузилиши, ишлаш тартибини, бажарадиган технологик жараёнларнинг кечишини муайян қонуниятларга асосланиб тушунтирилмоғи лозим.

Юқорида келтирилган, бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талабларни 2020 йилда тасдиқланган 5320900 – Енгил сановат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (миллий тикув буюмлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини кўриб чиқсак. Унга кўра, мазкур таълим йўналишининг объектлари қуйидагилар:

- тикувчиликда (қўлланиладиган мараллий хомашё ва материаллар, моддий-техника ресурслари;

- миллийликка асосланган миллий тикув буюмлари ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлари;

- илмий тадқиқот жараёнлари;

- миллий буюмлар ишлаб чиқарувчи тикувчилик корхоналарининг бошқарув тизимлари.

5320900 – Енгил сановат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (миллий тикув буюмлари) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- участка, цех, бўлим технолог бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;

- хомашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

- намунавий технологик жараёнларни қўллаш;

- технологик схемаларни таъмир қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;

- амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;

- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Мазкур кадрлар буюртмачилари томонидан қўй-

илган талаблар асосида муҳандисларни тайёрлашда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан инновацион ёндашувларни талаб қилади.

Энгил саноатга оид бўлажак муҳандислар тайёрловчи олий таълим муассасаларида таълим йўналишларига кўра бир нечта мутахассислик фанлари ўқитилади. Шулардан “Тикув буюмлари технологияси” ва “Тикув буюмларини конструкциялаш” каби фанлар тадқиқот ишимизнинг мазмунини ташкил этади. Яъни биз тикув буюмларини конструкциялаш жараёнида бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантирувчи методларни ўрганамиз.

Шу ўринда, “тикувчилик буюмларини моделлаштириш”нинг жараён сифатида келиб чиқишига тўхталадиган бўлсак, илк тикув буюмларини конструкциялаш жараёни ўткан асрнинг 60-70 йилларида тикувчилик саноатида қонун сифатида тасдиқланган “Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштиришнинг

ягона методикаси” яратилган [3, 102]. Бу маълумотлар статистик ишлаб чиқилди, яъни ёш ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўлчов (размер) белгиларининг энг типик, энг кўп бирга кўшилиб келиши аниқланди. Кейин замонавий ўлчаш ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб, математик ва инженерлик ҳисоблашлар йўли билан методикалар, яъни исталган фигурага мўлжаллаб, исталган кийим тури лойиҳасини чизиш учун қоида ва формулалар яратилди. Тобора бу ҳисоблашлар асосида кийимларни лойиҳалаш методи такомиллашиб борди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигини оширишда инновацион ёндашувлар қўлланса, талабалар келгуси касбий фаолиятга тайёр мутахассис бўлиб етишишадди, бу эса мамлакатимизнинг ривожланишига рақобатбардош кадр сифатида ўз ҳиссасини қўшишларига омил бўлади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 20.04.2017 й., ПҚ-2909, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда.
2. Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Т., 2020. – 141 б.
3. Талызина Н.Ф. Пути разработки профиля специалиста / Н.Ф.Талызина, Н.Г.Бенченко, Л.Б.Хахловский. – Саратов: Изл-во Саратов. Ун-та, 1987. – 174 с.
4. Ҳайдарова О.Қ. Бўлажак касб таълим ўқитувчиларини таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш: Дисс. ... пед. фан. номз. – Т.: 2005. – 143 б.
5. Маннанов Ж.А. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш технологиялари. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Т., 2020. – 143 б.

BO'LAJAK TEXNOLOGIYA FANI O'QITUVCHISINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING O'RNI

Ramazon Haydarov,

Termiz davlat universiteti "Texnologik ta'lim" kafedrasida katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining kasbiy kompetentligini rivojlantirishda axborot texnologiyalarining o'rni haqida batafsil ma'lumot berib o'tish bilan bir qatorda, talabalarga nostandart testlarni iSpring quiz Maker dasturida tayyorlash va ularni talabalarda qo'llash metodikasi ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Ta'limda axborot texnologiyalari, kompetentlik, kompetensiya, innovatsiya, axborot-ta'lim muhiti, texnologiya, kadrlar tayyorlash, elektron darslik, nostandart testlar, elektrotexnika.

Аннотация

В данной статье, наряду с подробным описанием роли информационных технологий в развитии профессиональной компетентности будущего учителя технологических дисциплин, раскрыта методика подготовки учащихся к нестандартным тестам в программе iSpring quiz Maker и их применение у студентов.

Ключевые слова: Информационные технологии в образовании, компетентность, компетентность, инновации, информационно-образовательная среда, технологии, обучение персонала, электронный учебник, нестандартные тесты, электротехника.

Annotation

In addition to providing detailed information about the role of Information Technology in the development of the professional competence of the future teacher of technology, this article reveals to students the methodology for preparing non-standard tests in the iSpring quiz Maker program and their application in students.

Keywords: Information technology in education, competence, competence, Innovation, Information and educational environment, technology, training of personnel, electron textbook, non-standard tests, electrical engineering.

Fan-texnika va texnologiyalarning jadal taraqqiyoti tufayli oliy ta'lim muassasalarida tayyorlanayotgan bo'lajak texnologiya ta'limi o'qituvchisi ega bo'lishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalar mazmuni uzluksiz o'zgarib, hajmi keskin ortib bormoqda. Bu esa, o'z navbatida, ular o'zlarining kelgusi kasbiy faoliyatlarida axborot va kompyuter texnologiyalaridan samarali foydalanish imkonini beruvchi bilim, ko'nikma va malakalar tizimiga ega bo'lishi lozimligini taqozo etadi.

Texnologik ta'lim – bu o'qituvchi rahbarligida o'quvchilar tomonidan bajariladigan aqliy va jismoniy faoliyatlarning jarayonidan iborat bo'lib, yakuniy natijada ularning mehnat qurollari, vositalari va jarayonlari haqidagi bilimlarini hamda ma'lum sohadagi ishlab chiqarish mehnatini bajarish uchun zarur amaliy ko'nikma va malakalarini egallashlariga, ongli ravishda kasb tanlashga hamda jamiyat va shaxs farovonligi yo'lida mehnat faoliyatiga qo'shilishlariga imkon beruvchi shaxsiy sifatlarini va tafakkurlarini rivojlantirishga qaratilgan o'quv fanidir [8].

Boshqacha aytganda texnologiya ta'limi o'qituvchilarini tayyorlashda didaktik vosita sifatida axborot va kompyuter texnologiyalaridan samarali foydalanish ularga berilayotgan ta'lim sifatini oshirishning muhim omili bo'lib hisoblanadi. Lekin axborot texnologiyalarini texnologiya ta'limi o'qituvchilarini tayyorlash jarayoniga tatbiq etish borasidagi mavjud tajribalar tahlili, bu borada quyidagi kamchiliklar mavjudligini ko'rsatadi:

- texnologiya ta'limi jarayonida amaliy mashqlarni

virtual tarzda bajarishga imkon beruvchi elektron darsliklarning (ED) yetarli emasligi;

- ularni qo'llash bo'yicha metodik ishlanmalarining yetishmasligi.

Texnologiya ta'limi mashg'ulotlarini tashkil etishda uning fan va ishlab chiqarish bilan integratsiyasi asosli mexanizmlarini ishlab chiqish, uni amaliyotga joriy etish, o'qishni, mustaqil bilim olishni individuallashtirish, masofaviy ta'lim tizimi texnologiyasi va vositalarini ishlab chiqish va o'zlashtirish, yangi pedagogik hamda axborot texnologiyalari asosida modul tizimidan foydalangan holda, talabalar o'qishini jadallashtirish ana shunday dolzarb vazifalar sirasiga kiradi.

Ta'limda axborot texnologiyasi – bu qo'yilgan ta'limiy maqsadlarga erishishga imkon beradigan, nazariy asoslangan ta'lim jarayonini amalga oshirishning shakli, metod va vositalarining yig'indisidir.

Axborot texnologiyasi – bu turli masalalar yechimini topish maqsadida axborotlarni yig'ish, qayta ishlash, saqlash, ifodalash, taqsimlash, uzatish va uni iste'molchiga yetkazib berish jarayonlarini kompyuter va telekommunikatsiya vositalari yordamida amalga oshiradigan, tartibga solingan va tashkillashtirilgan tizim va amaliy dasturlar majmuidir.

Axborot-ta'lim muhiti deganda, axborot texnologiyalari yordamida o'rganuvchi va o'rgatuvchi (o'qituvchi) o'rtasidagi to'g'ri va teskari aloqalar jarayoni paydo bo'lishi va rivojiga imkon beruvchi shart-sharoitlar majmuasi

vujudga kelganda o'rganuvchining o'quv-bilish faoliyatini shakllantirish va rivojlantirib borish tushuniladi [3].

Axborot asri hisoblangan bugungi kunda insoniyat faoliyatining ko'plab sohalari moddiy buyumlar bilan emas, balki axborotlarni qayta ishlash bilan bog'liq bo'lmoqda. Shu sababli, bugungi kunda yoshlarni axborot davrida yashash va ishlashga o'rgatish, ulardan axborotlarni yig'ish, saqlash tahlil qilish va uzatish ko'nikmalarini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Bular, o'z navbatida, talabalarning ko'plab qobiliyatlarini, shu jumladan, ixtirochilik qobiliyatlarini rivojlantirishda ham muhim asos vazifasini o'taydi, chunki har qanday yangi g'oyani taklif qilishdan ilgari qaralayotgan sohani batafsil o'rganib chiqish, yangi axborotlarni topish va uni tavsiya etilayotgan yechim bilan bog'lashni o'rganish lozim bo'ladi.

Texnologiya fani o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini rivojlantirishda kompyuter dasturlarining ahamiyati katta hisoblanadi. Kompyuter dasturlaridan iSpring Quis Maker dasturining o'rni beqiyosdi. Bu kompyuter dasturida o'n ikki xil testlar tayyorlanadi, o'qituvchi va talaba fayllarga bo'linadi. O'qituvchi faylini o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish mumkin. Quyida mazkur dastur yordamida tayyorlangan testlar keltirib o'tamiz.

Oson (reproduktiv) testlar







1. Ishlab chiqirish texnologik xaritasi kim tomonidan tayyorlanadi?

- A) Nazorat hay'ati
 - B) Ishlab chiqarish boshqaruvchisi
 - C) Texnologik hujjat muallifi
 - D) Ishchi tomonidan
- (to'g'ri javob – C) Texnologik hujjat muallifi)

Qiyin (qisman izlanishli) testlar:

5. Chilangarlik asboblari turlarini aniqlang va jadvalga har bir rasm ostiga mos raqamlarni yozing.

1)Shtangen o'lchov asbobi; 2)Gunya; 3)Tiski; 4)Ambur; 5)Egovlar; 6)Kalitlar jamlamasi;

					
1	2	3	4	5	6

Rasmi va ko'p javobli nostandard test javobi quyidagicha bo'ladi.

2	1	4	3	6	5
---	---	---	---	---	---

6. O'quv ustaxonalarida ishlatiladigan asboblarni aniqlang va jadvalga har bir rasm ostiga mos raqamlarni yozing.

1)Mikrometr o'lchov asbobi;2)Changak; 3)Bolg'a; 4)Otvoyorka; 5)Kesuvchi ambur; 6)Chilangarlik arrasi;

2. Quyidagi ta'lim-tarbiya: 1) aqliy tarbiya; 2) jismoniy tarbiya; 3) yestetik tarbiya; 4) ahloqiy tarbiya; 5) mehnat tarbiyasi (hunar o'rgatish) kabilar qaysi ulug' mutafakkir tomonidan tavsiya qilingan?

- A) Ibn Sino
 - B) Beruniy
 - C) Forobiy
 - D) Xorazmiy
- (to'g'ri javob – B) Beruniy)

O'rtacha qiyin (produktiv) testlar:







3. Mehnat va kasb ta'limi metodikasi fani nimani o'rganadi?

- A) Aynan bir fanning xususiy masalalarini
 - B) Yoshlarga ta'lim-tarbiya berish usullarini
 - S) Yoshlarni har tomonlama kamol toptirish masalalarini
 - D) Ikkita fanning xususiy masalalarini
- (to'g'ri javob – A) Aynan bir fanning xususiy masalalarini)

4. Darsning texnologik xaritasi nima uchun xizmat qiladi?

- A) Vaqt me'yorini belgilash, bilim va ko'nikmalarni yegallashlari uchun zarur hajmni shakllantirish
- B) Mashg'ulotni me'yorida tashkil yetish
- C) O'quvchilar faoliyatini faollashtirish
- D) O'qituvchi va o'quvchi faoliyati hamda unga taqsimlangan vaqt me'yorini har bir bosqich bo'yicha to'g'ri belgilash

(to'g'ri javob – D) O'qituvchi va o'quvchi faoliyati hamda unga taqsimlangan vaqt me'yorini har bir bosqich bo'yicha to'g'ri belgilash)


					
1	2	3	4	5	6

Rasmi va ko'p javobli nostandart test javobi quyidagicha bo'ladi.


2	1	6	4	3	5
---	---	---	---	---	---

Eng qiyin (kreativ) testlar:

7. Rasmda berilgan yeliktr dazmolning qismlariga mos raqamlarni aniqlang.

	Dazmol qismlari	Raqamlar
	Ostki qisimdagi ariqchalar	
	Cho'yan ballast	
	Kantakt shtifti	
	Sopol munchoqlardagi spiral	
	Dazmolning ostki qismi	
Tutqich		

Rasmi va ko'p javobli nostandart test javobi

	Dazmol qismlari	Raqamlar
	Ostki qisimdagi ariqchalar	2
	Cho'yan ballast	4
	Kantakt shtifti	6
	Sopol munchoqlardagi spiral	3
	Dazmolning ostki qismi	1
Tutqich	5	

8. Texnologik ta'lim praktikumi fani qoidalarini to'g'ri ta'rifi bilan juftlang.

1	Uzunligi katta bo'lgan detallarni mahkamlash uchun nimalardan foydalaniladi?	A	ort bo'lak-yeng- old bo'lak- yoqa- cho'ntak
2	Parma qanday materiallardan tayyorlanadi?	B	uch kulachokli patron, ketingi markaz yoki lyunet
3	To'qish uchun ip qanday tanlanadi.	C	tezkesar po'latlardan
4	Buyumlar to'qish ketma-ketligi:	D	rangining aynimasligiga qarab

Javob:	1 -	2 -	3 -	4 -
--------	-----	-----	-----	-----

Javobi:

Javob:	1-B	2-C	3-D	4-A
--------	-----	-----	-----	-----

Mazkur testlar talabalarni chuqur mushohada qilishga undash bilan bir qatorda, ularni muammoli vaziyatlardan chiqishga va kreativ fikrlashga undaydi.

Hozirgi paytda texnologiya ta'limi yo'nalishi

o'quv rejasiga talabalarni axborot va kompyuter texnologiyalarining qo'llanilish sohalari bilan tanishtiruvchi "Informatika va axborotlar texnologiyasi", "Mexanizatsiyalashtirish,

avtomatlashtirish va robototexnika asoslari”, “Elektrotexnika va radiotexnika” kabi fanlar kiritilgan.

Oliy pedagogik ta'lim muassasalari texnologiya ta'limi yo'nalishi o'quv jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanishning asosiy maqsadi – bu bo'lajak texnologiya ta'limi o'qituvchilarining intellektual imkoniyatlarini kengaytirishdan iborat. Ma'lumki, kompyuterlar axborotlarni yig'uvchi, saqlovchi, qayta ishlovchi va uzatuvchi qurilma sifatida ishlaydi.

Shunday qilib, bugungi kunda axborot texnologiyalarning ijodiy sohada erishgan darajasi va ularning bo'lajak texnologiya ta'limi o'qituvchilarini

tayyorlash jarayonini amalga oshirishdagi o'rni haqidagi savolga quyidagicha javob berish mumkin: kompyuterlar o'z imkoniyatlarini majmui vositasida u bilan ishlovchi insonga o'z qobiliyatlarini to'la rivojlantirish uchun erkinlik yaratadi. Endilikda inson butun umr bitta sohada ixtisoslashib qolmasdan turli sohalarda o'z bilimini kengaytirish, turli tadqiqotlar o'tkazish va hayotdagi o'zining asl o'rnini topish uchun zarur vaqtga ega bo'ladi. Bu ma'noda axborot texnologiyalari butun insoniyatning hayot tarzini va texnologiya shaklini o'zgartirib, uni o'z bilimlarini chuqurlashtirishga, malakasini oshirishga keng imkoniyatlar yaratadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002-yil 6-iyundagi “Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot kommunikatsion texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 200-sonli qarori.
2. Ёрбеков Я, Элибоев А. Ўқув жараёнига компьютер технологияларини жорий этиш // Узлуксиз таълимда аниқ педагогик ва информацион технологиялар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – С.: СамДУ, 2003. – Б. 134-135.
3. Muslimov N.A. Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini kasbiy shakllantirish. Monografiya. – T.: Fan, 2004. – 128 b.
4. Abduraimov Sh.S., To'rabekov F.S. Mehnat ta'limi fanini o'qitishga innovatsion yondashuv // Pedagog kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash jarayonida pedagogik va axborot-kommunikatsion texnologiyalarni qo'llash muammolari: Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. – T.: O'MKHTTKMO va UQTI, 2007. – B. 14-16.
5. To'rabekov F.S., Tulyakov A., Hamidov O. Mehnat ta'limi o'qituvchilarini kasbiy kompetentligini shakllantirishda texnik vositalardan foydalanish // Mehnat va kasb ta'limi o'qituvchilarini kasbiy kompetentligini ta'minlashning integrativ texnologiyalari: Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – T.: TDPU, 2010. – B. 142-143.
6. Муслимов Н.А. Формирование у учащихся V-VIII классов технологических знаний и умений в процессе трудового обучения с повышенным техническим уровнем: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – М., 1991. – 16 с.
7. Qo'ysinov O.A. Kompetentli yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy-pedagogik ijodkorligini rivojlantirish texnologiyalari: Pedagogika fanlari bo'yicha doktorlik (DSc) diss. – Toshkent, 2019. – 200 b.
8. Zaripov L.P. Innovation yondashuv asosida 5-7-sinf o'quvchilapida texnologik kompetensiyalarni shakllantirish metodikasi. Dis. ... p.f.f.d. (PhD) – T., 2020. – 141 b.
9. Kodirov B.E. “Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons” // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part.
10. Kadirov B.E. The Role of E-learning environments in developing students' basic craft skills // International Virtual Conference on Innovative Thoughts, Research Ideas and Inventions in Sciences.: January 20th, 2021. – P. 469-470.
11. Kutlimuradov K.A. Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishda qoraqalpoq milliy qadriyatlarining y'ri // O'zbekiston milliy universiteti xabarlari: 2022, [1/5] -pp. 80-82.
12. Kutlimuradov K.A. The characteristics of responsibility in students representation // International journal of innovations in enegineering research and Technology [JIERT] August 14th, 2020 – pp.137-138.

BIOLOGIYADA MUSTAQIL ISHLAR VA ULARNING TA'LIMDAGI ROLI

Gulbaxor Akbarova,

Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti, b.f.n.;

Umida Xanimkulova,

Nizomiy nomidagi TDPU talabasi

Annotatsiya

Maktabning muhim vazifasi o'quvchilarda mehnatga ongli munosabatni shakllantirishdir, kerakli amaliy ko'nikmalarni rivojlantirish, mustaqil o'zlashtirish istagi, bilim, tadqiqotga qiziqish va boshqalar. Maktabda biologiya fanlari har tomonlama rivojlangan shaxsni shakllantirishdagi katta ahamiyati bo'lgan. Biologiya darslari, laboratoriya mashg'ulotlari, amaliy ishlar o'quvchilarni chuqur tabiat haqidagi qarashlar va yovvoyi tabiat haqida mustahkam bilim, shuningdek, ularning ilmiy va materialistik shakllantirish imkonini beradi. Quyidagi maqola biologiya darslari va mustaqil ishlarning roliga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: biologiya, intizom, tabiat, o'simliklar, ekskursiya, yovvoyi tabiat, atrof-muhit, tirik organizm.

Аннотация

Важной задачей школы является привить учащимся осознанное отношение к труду, выработать у них необходимые практические навыки, стремление к самостоятельному овладению знаниями, интерес к исследовательской деятельности и т. д. Большое значение в формировании личности имеют школьные биологические дисциплины, все-сторонне развитая личность. Уроки биологии, лабораторные занятия, практические работы позволяют вооружить учащихся глубокими и прочными знаниями о живой природе, а также сформировать у них научные и материалистические взгляды на природу. Данная статья посвящена роли самостоятельной работы на уроках биологии.

Ключевые слова: биология, дисциплина, природа, растения, экскурсия, живая природа, окружающая среда, живой организм.

Annotation

An important task of the school is to instill in students a conscious attitude to work, to develop the necessary practical skills, the desire for independent mastery of knowledge, interest in research, etc. School biological disciplines are of great importance in the formation of a comprehensively developed personality. Biology lessons, laboratory classes, practical work allow you to equip students with deep and solid knowledge about wildlife, as well as form their scientific and materialistic views on nature. The following article is devoted to the role of independent work in biology classes.

Keywords: biology, discipline, nature, plants, excursion, wildlife, environment, living organism.

Biologiyadan tuzilgan davlat ta'lim standartlari, talabalar olishlari kerak bo'lgan, kurs davomida talabalar uchun qiyin bo'lgan ko'nikmalar va malakalar bilimlarni belgilaydi. Shuning uchun o'qituvchi o'quvchilarni o'qitishning zarur shakli bo'lgan uy vazifalari va darsdan tashqari mashg'ulotlarda ma'lum ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlarini ta'minlashi kerak.

Ushbu ko'nikmalarni shakllantirishda sinfdan tashqari ishlar muhim rol o'ynaydi. Shuning uchun o'quvchilarda yuqoridagi ko'nikmalarni rivojlantirish maqsadida o'qituvchi uy vazifasini va sinfdan tashqari ishlarni o'rinli tashkil etishi lozim. Uyga vazifa darslik bilan ishlash, qo'shimcha adabiyotlarni o'qish, mavzuga oid rasmlar chizish, tabiiy obyektlar ustida kuzatishlar olib borish va oddiy tajribalar qo'yish bilan xarakterlanadi. Aksariyat o'quvchilar darsliklardan to'g'ri foydalanishni bilishmaydi, ayrim o'quvchilar darslikdan topshiriqlar va mavzularni yod oladilar, ba'zilar esa mavzularni yuzaki o'rganadi. Uy vazifasini faqat talabaning fikrlashini rag'batlantirsa va rag'batlantirilsagina, natijaga erishish mumkin.

Mustaqil ishlarga qiziqtirish uchun har qanday topshiriq savollar shaklda ifodalanishi kerak. Unda talabalar sinfda gapirish uchun darslik matnini yodlamasdan, undan kerak-

li materialni tanlab, unga javob tayyorlaydilar [1, 345].

Biologik ekskursiyalar – tabiiy muhitdagi obyektlarning yashash joylari va ular bilan bog'liq xususiyatlarini o'rganish, o'qituvchi tomonidan maktabdan tashqari muhit yoki sun'iy ravishda yaratilgan sharoit, o'quv dasturiga muvofiq sinf yoki ma'lum bir guruh talabalar bilan ta'lim jarayonining muhim shakli hisoblanadi. Ma'lumki biologiya fan sifatida o'quvchilarni tabiat, tabiatning anorganik komponentlari, ulardagi o'zgarishlar va tirik organizmlarning o'ziga xos hayotiy jarayonlari, muhitga moslashuvi, ekologik jamoalar, ulardagi metabolizm va energiyaning xususiyatlari bilan tanishtiradi. O'qituvchi rahbarligida tabiatdagi mavsumiy o'zgarishlarni, xilma-xillikni kuzatish tirik organizmlarning, ularning muhitga moslashishi, ular o'rtasidagi biotik aloqa shakllarini o'rganish, bilimlarni shakllantirish, tabiiy muhitdagi tirik organizmlarning yashash sharoitlari bilan tanishish uchun ekskursiyalar tashkil etiladi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ekskursiyalar davomiyligiga qarab bir soatlik, bir kunlik va ko'p kunlik bo'lishi mumkin. Maktab hovlisida yoki mashg'ulot maydonchasida bir soatlik ekskursiya o'tkaziladi. Bir kunlik ekskursiya – tabiatga, sanoat korxonalariga, xo'jaliklarga, hayvonot bog'lariga yoki botanika bog'lari,

baliqchilik (poultryfarms) ekskursiyalar rejasi maktabning ilmiy bo'limi rahbari tomonidan tasdiqlangan. Ko'p kunlik ekskursiya – bu o'quv yili oxirida murakkab ekskursiya bo'lib, u tarix, geografiya, tilshunoslik, fizika, jismoniy tarbiya yoki harbiy ta'lim o'qituvchilari bilan birgalikda olib boriladi. Ko'p kunlik ekskursiya rejasi pedagogik kengash tomonidan tasdiqlanadi [2, 43].

Ekskursiya – biologiyani didaktik o'qitishning muhim shakli bo'lib, quyidagi maqsadlarga xizmat qiladi:

- tirik organizmlarning tuzilishi va atrof-muhitga nisbatan organlarning funksiyalarini o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish, talabalarga biologik qonunlarini “tabiat – inson – jamiyat” munosabatlari nuqtayi nazaridan o'rganish;

- o'rganilgan mavzuning mazmuniga qarab samarali tashkil etilgan ekskursiyalar o'quvchilarga biologik obyektlarning tuzilishi, rivojlanishi va hayotiy funksiyalarining o'ziga xos xususiyatlarini chuqurroq anglash, ilmiy dunyoqarashini kengaytirish;

- tirik organizmlarning jamoalari, ularning tarkibi, oziq zanjiri, energiya sarfi, biosferadagi moddalar va energiya moddalar almashinuvini tasavvur qilish imkonini beradi.

O'qitishning asosiy shakli sinfda talabalar tomonidan nazariy bilimlarni egallash, ularni amaliyotda qo'llash, tabiatda ongli munosabat – kuzatish, o'quv va amaliy ish ko'nikmalarini shakllantirishdir. Ta'lim jarayonida qo'llaniladigan mustaqil ishlarning barcha turlarini tasniflash mumkin.

Turli mezonlarga ko'ra: didaktik maqsad bo'yicha, o'quvchilarning faoliyati, tabiati, mazmuni, mustaqillik darajasi va talabalarning ijodkorligi elementi va boshqalar.

Maqsadlarga qarab mustaqil ishlarni quyidagilarga bo'lish mumkin:

- | | |
|---------------------|--------------------|
| 1. Tarbiyaviy. | 2. Tarbiya. |
| 3. Ekranli. | 4. Takrorlanuvchi. |
| 5. Rivojlantiruvchi | 6. Ijodiy. |
| 7. Nazorat. | |

1. O'quv mustaqil ishlar. Ularning ma'nosi yangi materialni tushuntirish jarayonida o'qituvchi tomonidan berilgan vazifalarni talabalar tomonidan mustaqil bajarilishi yotadi. Bunday ishning maqsadi o'rganilayotgan materialga qiziqishni rivojlantirish, har bir o'quvchini darsga jalb qilishdir. Ushbu turdagi ishlarni bajarayotganda talaba darhol o'zi uchun aniq bo'lmagan narsani ko'radi va u materialni ushbu qismini qo'shimcha tushuntirish so'rashi mumkin. O'qituvchi materialni yanada tushuntirish sxema tuzadi, unda talabalar uchun kelajakda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan qiyin daqiqalarni belgilaydigan. Bundan tashqari, ushbu turdagi mustaqil ish maktab o'quvchilari o'tgan materialni bilishdagi bo'shliqlarni aniqlashga yordam beradi. Talabalar bilimlarini shakllantirish bo'yicha mustaqil ishlar yangi tarkibni kiritishga tayorgarlik bosqichida, shuningdek, yangi tarkibni to'g'ridan to'g'ri kiritish bilan, bilimlarni dastlabki mustahkamlash bilan amalga oshiriladi (ya'ni yangi tushuntirishdan

so'ng talabalarning bilimlari hali kuchli bo'lmaganda).

2. O'quv mustaqil ish. Bularga turli xil obyektlar va xususiyatlarini tan olinish vazifalari kiradi. O'quv mustaqil ishlar asosan bir xil turdagi vazifalardan iborat bo'lib, ushbu ta'rif qoidaning asosiy xususiyatlari va umumiy xususiyatlarini o'z ichiga oladi. Bunday ish asosiy ko'nikmalar va qobiliyatlarni rivojlantirish, shu bilan birga, ularni yanada o'rganish uchun moddiy asos yaratishga imkon beradi. O'quv mustaqil ishlarni bajarishda o'qituvchining yordami zarur. Shuningdek, daftarlarda, jadvallarda va boshqalarda darslik va yozuvlardan foydalanishga ruxsat berish mumkin. Bularning barchasi sekinroq o'rganuvchi talabalar uchun qulay muhit yarata-di. Bunday sharoitda ular osonlik bilan ishga kirishadilar va uni bajaradilar. Mustaqil ish tayyorlashda ko'p darajali quyidagi vazifalarni bajarishini kiritish mumkin. Mustaqil ish talabalarning ushbu mavzu bo'yicha bilimlarining chuqurligi va kuchiga, ularning bilim qobiliyatlarini rivojlantirishga va yangi materiallarni o'zlashtirish tezligiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi [3, 12].

3. Mustaqil ishlarni ekranga chiqarish. Bularga mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga hissa qo'shadigan va turli xil qoidalarni birgalikda qo'llashni talab qiladigan mustaqil ishlar kiradi. Bular esa o'quv materialining qanchalik yaxshi o'zlashtirilganligini ko'rsatib beradi. Natijalar asosida ushbu turdagi vazifalarni tekshirishda o'qituvchi ushbu mavzuni takrorlash va mustahkamlashga bag'ishlanishi kerak bo'lgan vaqtni belgilaydi.

4. Takrorlanadigan (ko'rib chiqish yoki tematik) asarlar juda muhimdir.

5. Rivojlantiruvchi xarakterdagi mustaqil ishlar. Bu ayrim mavzular bo'yicha hisobotlarni tuzish olimpiadalarga, ilmiy va ijodiy anjumanlarga tayyorgarlik ko'rish, maktabda qiziqarli biologiya kunlari va boshqalar uchun vazifalar bo'lishi mumkin. Sinfda bular tadqiqot vazifalarini o'z ichiga olgan ish mustaqil bo'lishi mumkin.

6. Talabalarda ijodiy mustaqil ishlarga qiziqish katta bo'lib, bu juda yuqori darajani nazarda tutadigan independensiyadir. Bu yerda talabalar yangi jihatlarni kashf etadi, ushbu bilimlarni kutilmagan, nostandart vaziyatlarda qo'llashni o'rganadi. Ijodiy mustaqil ishlarda vazifalarni kiritish mumkin, ularni hal qilishning bir necha usullari pedagog topishi kerak.

7. Nazorat mustaqil ish. Nomidan ko'rinib turibdiki, buning asosiy vazifasi boshqaruvdir, mustaqil imtihonlar uchun vazifalarni tuzishda hisobga olinishi kerak bo'lgan shartlarni ta'kidlash kerak.

Xulosa shuki, birinchidan, nazorat vazifalari mazmuni va ish doirasi bo'yicha teng bo'lishi kerak; ikkinchidan, ular asosiy ko'nikmalarni rivojlantirishga qaratilgan bo'lishi lozim; uchinchidan, bilim darajasini ishonchli tekshirishni ta'minlash; to'rtinchidan, ular talabalarni rag'batlantirishi kerak, bu esa ularga barcha qobiliyatlarini namoyish etishga imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Axmedovna Y. T. Talabalarning bilim, ko'nikma va malakalarini rivojlantirish inshoning tashkiliy va texnik jihatlarini // *ACADEMICIA: AN XALQARO MULTIDISIPLINARRESEARCH JURNALI*. - 2021. – T. 11. - №, 2. – C. 918.
2. Ravshanovna G. N. Tolerantlikni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining mahorati // *Yevropa tadqiqotlari jurnali va O'quv fanlarida aks ettirish jild*. - 2020. – T. 8. – N. 93.
3. Xaqnazarova S. Abdulla Sher buyuk tarjimon // *Pedagogika jurnali Ixtirolar va amaliyotlar*. - 2021. – T. 3. – C. 68.
4. Haqnazarova S. Abdulla Sher ijodiga tarjima va adabiy ta'sir // *Ko'p tarmoqli tadqiqotlar Texas jurnali*. - 2022. – T. 5. – C. 345.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МЕТОДЛАРИ

Тўйчи Дўсбеков,

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада педагогик технология методининг асосий усуллари талабаларнинг билим даражасини ва унинг педагогик-психологик ҳолатини ошириши мезонлари ҳамда илмийлик концепцияга, таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик, ижтимоий-педагогик асосланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: педагогик технология, мақсад, ўқув жараёни, мезон, вазифа, усул, техник воситалар, билим, масофавий таълим, дастурий восита, ахборот технологиялар, интерфаол, малака, ёндашув, таълим, инновация, шахс.

Аннотация

В данной статье содержится информация об основных приемах метода педагогической технологии, критериях повышения уровня знаний учащихся и его педагогико-психологического состояния, а также философское, психолого-дидактическое, социально-педагогическое обоснование достижения научной концепции. и воспитательных целей.

Ключевые слова: педагогическая технология, цель, образовательный процесс, критерий, задача, метод, технические средства, знания, дистанционное обучение, программный инструмент, информационные технологии, интерактив, компетенция, подход, образование, инновации, человек.

Annotation

This article contains information about the main methods of the method of pedagogical technology, the criteria for increasing the level of knowledge of students and their pedagogical and psychological state, as well as the philosophical, psychological, didactic, socio-pedagogical justification for achieving a scientific concept. and educational purposes.

Keywords: pedagogical technology, goal, educational process, criterion, task, method, technical means, knowledge, distance learning, software tool, information technology, interactive, competence, approach, education, innovation, person.

Ҳар қандай педагогик технология асосий услубий талабларга ишлаб-чиқариш мезонларига ҳамда концептуаллик, изчиллик, бошқариш қобилияти, самардорлик, такрорланувчанлик жавоб бериши керак.

Жумладан, педагогик технологиянинг концептуаллиги ҳар бир педагогик технология маълум бир илмий концепцияга, таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик ва ижтимоий-педагогик асосланишини таклиф қилади. Мустаҳкамлик педагогик технология тизимининг жараён мантиқи, унинг ўзаро боғлиқлиги қисмларининг, яхлитлиги каби хусусиятларига эга бўлиши кераклигини англатади [7].

Бошқариш имконияти диагностик мақсадларни белгилаш, режалаштириш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, босқичма-босқич диагностика, натижаларни тузатиш учун турли хил воситалар ва усулларни ўз ичига олади.

Самардорлик шуни кўрсатадики, замонавий педагогик технологиялар рақобат шароитида мавжуд бўлиб, натижалар бўйича самарали ва харажатлар бўйича оптимал бўлиши, маълум бир таълим стандартига эришишни кафолатлаши керак. Қайта ишлаб чиқариш-педагогик технологияни бир хил турдаги бошқа таълим муассасаларида, бошқа фанлар томонидан қўллаш (такрорлаш) имкониятини назарда тутади. Санаб ўтилган мезонлари учта қисмини ишлаб чиқариш ўз ичига олган педагогик технологиянинг тузилишини белгилайди.

1. Концептуал асос – бу технологиянинг илмий асоси, унинг пойдеворида қўйилган психологик ва

педагогик ғоялари.

2. Мақсадлар – умумий ва хусусий, шунингдек, ўқув материалнинг мазмуни ўқитишнинг мазмун компоненти ҳисобланади.

3. Процессуал қисм – технологик жараён қуйидаги элементларнинг тизим мажмуаси билан ифодаланади.

Ҳар қандай технология каби педагогик технология ҳам ўқувчига таъсирида сифат ўзгаришлари юз берадиган жараёндир. Педагогик технология (ПТ) қўйидаги формула билан ифодаланиши мумкин [2]:

$ПТ = \text{мақсадлар} + \text{вазифалар} + \text{мазмун} + \text{усуллар}$ техник, воситалар+таълим шакллари

Бу жараёни ташкил этиш ва амалга ошириш етакчи дидактик тамойиллар талабларига боғлиқ. Дидактик тамойиллар ёки ўқитиш тамойиллари ўқитувчининг фаолиятини бошқарадиган, ўқитиш мазмуни, ўқитиш усуллари ва шакллари аниқлашга ёрдам берадиган кўрсатмалар, асосий қонуниятлар.

Асосий дидактик тамойиллар: таълимнинг илмий характерга эгаллик ва қулайлик тамойили, назарияни амалиёт билан тизимли ўқитиш ва боғлаш тамойили, ўқитувчининг етакчи роли билан таълимда талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги усули, кўриниш усули, билимларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги ва талабанинг шахсини ҳар томонлама ривожлантириш билан боғлиқлиги усулини ўрганиш.

Ўқув амалиётида турли хил мақсадлар қўйилади ва эришилади, кўплаб вазифалар турли усуллар, техника ва технологиялар асосида ҳал қилинади.

Бу фақат ҳаммага маълум бўлган ҳолат билан изоҳланади, чунки битта мақсадга эришиш учун сиз турли хил технологиялар, усуллар, воситалар ёки процедуралардан фойдаланишингиз мумкин, аммо улардан фойдаланиш бошқача самара бериш мумкин.

Усул – маълум бир муаммони ҳал қилиш шарти билан воқеликни амалий ёки назарий ривожлантириш усуллари ёки операциялар мажмуи.

Усул маълум бир тузилишга эга бўлиб, ўқув амалиётида қўлланиладиган ҳаракатлар (ўқув технологиялари, ўйинлар, диалогик технологиялар) мос равишда амалга оширилади. Усул (муаммоли метод, диалог усули, ҳамкорлик усули, тренинг ва бошқалар) муайян мақсадларда (ўқитиш, мулоқат қилиш ва бошқалар) яратилаётган ва қўлланиладиган технология доирасида таълим жараёни субъектлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос шаклини белгилайди.

Усул муайян мақсадларда (ўқитиш, алоқа қилиш, ривожлантириш ва бошқалар) яратилаётган ва қўлланиладиган технология доирасида таълим жараёни субъектларининг фаолиятини ташкил этиш шаклини белгилаши мумкин. Методика ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятини қуришда ташкилий тамойил сифатида ишлайди. Унинг ёрдами билан мақсадга эришиш учун асос бўлган бу қоида тариқасида механизмлар ва нақшларни ҳисобга олмасдан тасвирланган [4].

Исталган натижани олиш механизмлари ҳақидаги башоратли билимларга асосланган педагогик технологиядан фарқли ўларок, янги методологиянинг пайдо бўлишининг аниқ ташувчилари ижобий инновацион амалий тажрибасини умумлаштириш ҳисобланади. Яъни муайян техниканинг самарадорлиги унинг ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ.

Технология – муайян иш шакллари ёрдамида муайян усул ёки принципни босқичма-босқич амалга оширишдир [2]. Худди шу принцип билан уни амалга ошириш учун турли хил технологиялар бўлиши мумкин. Мақсад (якуний ва оралик) жуда аниқ (диагностик) аниқланган технология унга эришишни назорат қилишнинг объектив усуллари ишлаб чиқишга имкон беради. Технология синовга ўтишга мажбур бўлган педагогик ўқитувчи танловга дуч келган ва мақбул вариантни излашда вазиятларни минималлаштиришга имкон беради.

Шундагина у ўрганиш жараёнида ҳозирги вақтда проксимал ривожланиш зонасида жойлашган ривожланиш жараёнларини ҳаётга татбиқ эта олади. “Яқин ривожланиш зонаси” тушунчасининг маъносини беради.

Ҳаяни амалга ошириш бир қатор янги дидактик тамойилларни ишлаб чиқишни талаб қилди.

“Қийинчиликнинг ўртача меъёри” ни ошириши билан эмас, юқори даражадаги қийинчилик даражасида ўқитиш принципига ҳал қилувчи рол берилди, бу қандайдир мавҳум, балки, боланинг руҳий кучла-

рини очиб бериши билан тавсифланади.

Юқори қийинчилик даражасида ўрганиш принципи таълим мазмунини танлаш ва қуришни белгилайди. Ўқув материали янада кенгроқ ва чуқурроқ бўлиб, назарий билимларга етакчи рол берилади, шу билан бирга, талабаларнинг амалий кўникмаларининг аҳамияти пасаймайди [1].

Шунингдек, дастур материални ўрганишда тез суръатда олдинга бориш кераклигини, ёритилган нарсаларни такрорий ва мунтазам такрорлаш билан боғлиқ бўлган қасддан секинлашув шовқинни келтириб чиқаради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг дидактик ғоялари, шунингдек, ўқув фаолиятининг турли вазиятларида ўқувчиларнинг акс эттиришни рағбатлантириш ғоясини ўз ичига олади. Рефлексия деганда, ўқувчиларнинг ўз ҳаракатлари, усуллари, ўқув фаолияти усулларида хабардорлиги ва тушуниши тушунилади. Фикрлаш (таълимни ривожлантириш технологиясига кўра) тартиб-қоидалари ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш тартиби билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли уларга ўқитишда ҳам катта аҳамият берилади. Мамлакатимизда ривожлантирувчи таълим технологияси ғоялари ўқитувчилар орасида кенг тарқалди, аммо бу технологиянинг бир қатор қоидалари мунозарали бўлиб қолмоқда [6].

Шунинг учун ҳаммани тез суръатда ва юқори даражадаги мураккабликда ўқитиш талаби ҳамма талабалар учун ҳам бажарилмайди.

Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш технологияси ишлаб чиқилган. Ушбу назария билим муаллифлари, кўникма ва малакаларни инсон фаолиятдан ташқари эгаллаш ва сақлаб қолиш мумкин эмаслигини аниқладилар. Асос шахсда амалий фаолият жараёнида индикатив ҳаракатни амалга ошириш мақсади, режаси ва воситалари ҳақидаги ғоялар тизими сифатида шаклланади [4]. Яъни ҳаракатнинг хатосиз бажарилиши учун инсон бу ҳолатда нима бўлишини билиши керак, асосий нарсани назоратдан чиқариб юбормаслик учун содир бўлаётган нарсанинг қайси жиҳатларига эътибор бериш керак. Ушбу қоидалар ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланиши сифатида ўрганиш назариясининг асосини ташкил қилади. Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш технологияси ижобий ва салбий томонларга эга. Ушбу технологиянинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг индивидуал тарзда ишлаши учун шароит яратиш;
- ўрганилаётган ҳаракатларнинг намунали бажарилишини кўрсатиш орқали кўникма ва малакаларни шакллантириш вақтини қисқартириш;
- бажариладиган амалларни алгоритмлаштириш билан боғлиқ ҳолда юқори автоматлаштиришга эришиш;
- умуман ҳаракатни ҳам, унинг алоҳида операци-

яларини ҳам сифатли назорат қилишни таъминлаш;
- ўқитиш усулларини йириклаштириш мақсадида уларни тезкор тузатиш имконияти.

Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш технологиясининг камчиликлари:

- назарий билимларни ўзлаштириш имкониятларини чеклаш;

- услубий ёрдамни ишлаб чиқишнинг мураккаблиги;
- таълим олувчиларда уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга зарар етказадиган ҳаракат мустақкам тасвир, ақлий ва ҳаракатларини шакллантириш.

Дастурлаштирилган таълим технологияси – бу махсус воситалар (дастурлаштирилган дарслик, махсус ўқитиш машиналари, компьютерлар ва бошқалар) ёрдамида олдиндан ишлаб чиқилган ўқув дастури бўйича мустақил индивидуал таълим технологияси [6]. У ҳар бир ўқувчига ўзининг индивидуал хусусиятларига (ўрганиш суръати, ўрганиш даражаси ва бошқалар) мувофиқ жисмоний машқлар қилиш имкониятини беради.

Дастурлаштирилган таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари: ўқув материални алоҳида кичик, осон ҳазм бўладиган қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмни ўзлаштиришга қаратилган муайян ҳаракатларни изчил амалга ошириш учун рўйхатлар тизимини киритиш, ҳар бир қисмнинг ўзлаштиришни текширади.

Назорат топшириқларини тўғри бажариш билан талаба материалнинг янги қисмини олади ва ўрганишнинг кейинги босқичини бажаради.

Агар жавоб нотўғри бўлса, талаба ёрдам ва қўшимча тушунтиришлар олади, назорат топшириқларини бажариш натижаларини аниқлаш, улар талабаларнинг ўзлари (ички фикр-мулоҳазалар) ва ўқитувчи (ташқи фикр-мулоҳазалар) учун мавжуд бўлади.

Дастурлаштирилган таълимнинг аралаш технологиялари ҳам ишлаб чиқилган.

Ушбу технологияга кўра, ўқув материали турли ҳажмдаги қисмларга (қисмлар, босқичлар) бўлинади. Дастур ўқувчи – талабаларнинг ёши ва мавзунинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастурлаштирилган матннинг ушбу бўлагини ўрганиш натижасида эришиш керак бўлган дидактик мақсадга асосланади [8].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Илгор педагогик технология нима ва уни қандай қилиб ўқув жараёнида қўллаш мумкин. –*Маърифат нури* газетаси, 20 сентябрь 2007 йил.
2. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. –Т., 2005. – 205 б.
3. Каримжонов И.А. ва бошқ. Янги педагогик технологиялар. –Т., 2002. – 200 б.
4. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологияларни амалиётга қўллаш. – Т., 2000 йил. – 165 б.
5. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение / Учебное пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2009. – 192 с.
6. Психолого-педагогическое сопровождение реализации инновационных образовательных программ/ Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. – М.: Изд-во МГУ, 2007. – 120 с.
7. Толипов У.К., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Тошкент: “Фан”, 2005. - 205 б.
8. <http://www.bj.pu.ru/method/4-13.html>.
9. http://ru.wikipedia.org/wiki/Методы_обучения.
10. <http://paidagogos.com/?p=124>.

Дидактик мақсадга қараб ўқувчи-талабаларнинг жавоб бериш усули ҳам аниқланади.

Дастурлаштирилган ўқитишнинг блокли технологиясининг асосини ўқув жараёнини белгилловчи ҳаракатлар хилма-хиллигини ҳар томонлама ҳисобга оладиган мослашувчан дастур ташкил этади. У талабаларга турли хил интеллектуал жараёнларни бажариш ва олинган билимлардан маълум муаммоларни ҳал қилишда оператив фойдаланишни таъминлайди [9]. Бундай дастурнинг асосий компоненти муаммоли блок деб аталадиган бўлиб, у талабадан тўлиқ бўлмаган маълумотлар билан муаммони ҳал қилиш, гипотезани шакллантириш ёки синаб кўриш, тажрибани режалаштириш ва бошқалар каби интенсив интеллектуал ишларни бажаришни талаб қилади. Бу иш турли ақлий ҳаракатларни (умумлаштириш, исботлаш, тушунтириш, текшириш) бажаришни ўз ичига олади, уларнинг билимлари ҳажмини бойитади.

Компьютер ўқитиш технологияси Шахсий электрон компьютерлар ривожланишининг янги технологиясига олиб келди

Махсус ўқув дастурлари билан жихозланган компьютерлар деярли барча дидактик вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Улар бир вақтнинг ўзида маълум маълумотларни чиқаради, уни талабаларнинг ўрганган-ўрганмаганлигини ва қай даражада ўрганганлигини текширади, тегишли назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиради, электрон кутубхоналардан, асосий маҳаллий ва халқаро маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини очади;

Бир неча сония ичида улар китобнинг тўғри иқтибосини, параграфини ёки бобини топишлари, ундаги асосий нарсани ажратиб кўрсатишлари ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мослашувчан дастурлар ўрганиш тезлигини ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига мослаштириши, ҳар бир жавобни таҳлил қилиши ва шу асосда ўқув материалнинг кейинги қисмларини белгилаши, жавобларни рўйхатдан ўтказиши, берилган саволларнинг мураккаблик даражасига қараб ошириш ёки камайитириши мумкин.

PEDAGOGIK KASBIY KOMPETENTLIK, KOMPETENTLIKKA ASOSLANGAN TA'LIM

Marjangul Kamilova,

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada kompetensiya, kompetentlik va kompetentlikka asoslangan ta'lim mazmuni tari'flari keltirilgan. Shuningdek, ta'lim tizimiga kompetentlikka asoslangan yondashuvni kiritish zaruriyati va ahamiyati masalalari ochib berilgan.

Kalit so'zlar: kompetensiya, kompetentlik, texnologiya, pedagogik texnologiya, qobiliyat, ko'nikma, tajiriba.

Аннотация

В данной статье представлены определение компетентности, компетентности и образования основанного на компетенциях. Также раскрывается вопросы необходимость и важность внедрения компетентностного подхода в систему образования.

Ключевые слова: компетенция, компетентность, технология, педагогическая технология, способность, умение, опыт.

Annotation

This article presents the definition of competence, competence and education based on competencies. It also reveals the issues of the need and importance of introducing a competency-based approach to the education system.

Keywords: competence, competence, technology, pedagogical technology, ability, skill, experience.

Zamonaviy maktabning pedagoglarga qo'yadigan talablari oliy kasbiy pedagogik ta'lim vazifalarini tubdan qayta korib chiqishni talab qiladi. Yuqori ilmiy va uslubiy potensialga ega bo'lgan o'qituvchini shakllantirish vazifasi eng muhim vazifalardan biri sifatida qo'yildi: endi uning kasbiy tayyorgarligini psixologik, pedagogik jihatdan va uslubiy bilim va ko'nikmalar to'planishi bilan bog'lashning o'zi yetarli emas.

Zamonaviy maktab nafaqat metodik tavsiyalarni yaxshi biladigan va ulardan qanday foydalanishni biladigan mutaxassisni, balki uning faoliyatini amalga oshirishda tez o'zgarib turadigan sharoitlarga oqilona javob bera oladigan, mavjud ta'lim holatiga munosib baho bera oladigan va o'quvchilarni o'qitish va o'qitish bilan bog'liq ko'plab amaliy muammolarni hal qila oladigan mutaxassisni talab qiladi. Oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak o'qituvchining an'anaviy tayyorgarligi, birinchi navbatda, psixologik, pedagogik va fan-uslubiy bilim va ko'nikmalarni to'plash bilan bog'liq. Oliy va kasb-hunar ta'limi pedagogik o'quv yurtining o'quv rejasida ilmiy tadqiqot usullarini faol kiritilishiga, o'quv fanlarining uslubiy tarkibiy qismini kuchaytirishga, talabalarni ilmiy ishlarga jalb qilishga, so'nggi yillarda olib borilgan psixologik-pedagogik tadqiqotlar ma'lumotlariga ko'ra, umuman olganda, kasbiy faoliyatni amalga oshirishga tayyorlik kompetensiyalariga ega bo'lishi kerak [1]. Oliy o'quv yurtida mutaxassis o'qituvchi tayyorlash muammolarini aytib o'tilgan va boshqa tadqiqotlarda o'qituvchining shaxsi uning kasbiy faoliyati jarayonida shakllantirilganligi, uning rivojlanishi pedagogik institutlarda o'qish davrida boshlanadi. Ular o'qituvchilarni tayyorlashga qo'yiladigan talablarni amalga oshirishning turli xil usullarini taklif qiladilar, ular asosan o'qituvchilar tayyorlashning amaliy yo'nalishini mustahkamlash yo'llarini izlash bilan bog'liq.

Bu masala bo'yicha izlanishning zamonaviy takliflaridan biri pedagogik o'quv muassasalarida bo'lajak mutaxassis o'qituvchini shakllantirishga kompetentlik asosida yondashuvni kiritishni o'z ichiga oladi.

N.A.Muslimovning "Kasb ta'limi o'qituvchisini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari" mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasida inglizcha "competence" tushunchasining lug'aviy ma'nosi "qobiliyat" demak, biroq kompetensiya atamasi bilim, ko'nikma, mahorat va qobiliyatni ifoda etishga xizmat qiladi deb keltirgan [3].

B.E.Qodirovning fikricha, kompetentlik – bu faqatgina o'zlashtirilgan bilimlar va tajribalarning mavjudligi hamda salmoqli hajmi bo'libgina qolmasdan, balki ularni kerak vaqtda qo'llay olish va o'zining xizmat vazifalarini bajarish jarayonida ulardan foydalana olish demakdir [6].

O'qituvchi deganda, olingan bilim va kasbiy tajriba asosida pedagogik faoliyatning turli vaziyatlarida vujudga keladigan tipik kasbiy muammolarni hal qilish qobiliyatini o'zida mujassamlashtirgan kasb egasi tushuniladi. Kompetentlikka asoslangan yondashuvning kiritilishi – bu ta'lim tizimining muntazam rivojlanishi, jamiyatning doimiy ravishda o'zgarib turadigan ehtiyojlariga yaqinlashtirish usullarini izlash bilan izohlanadi [2]. Ushbu yondashuv zamonaviy ta'lim dunyosida talabalarni shakllantirish uchun asos sifatida muhim ahamiyatga ega bo'lgan kompetensiyalar tushunchasiga asoslangan bo'lib, ular eng muhim amaliy muammolarni hal qilish va umuman shaxsni tarbiyalash qobiliyatlari bilan bir qatorda, kompetentlikka asoslangan yondashuv asosida o'qituvchini tayyorlash bo'yicha olib boriladigan ishlarda kasbiy kompetensiya uning pedagogik faoliyatni amalga oshirishga nazariy va amaliy tayyorgarligining eng muhim xususiyati sifatida qaraladi.

Xorijiy ta'limida kompetentlikka asoslangan yondashuv

huvni amalga oshirishning kontseptual xususiyatlarini muhokama qilish “Kompetentlikka asoslangan yondashuvni joriy etishning sababi nima va bu asosda o'quv jarayonini tashkil etish uning bilim, ko'nikmalarga asoslangan an'anaviy tizimiga qanday bog'liq” degan savolga javobni aniqlaydigan asosiy qoidalarni quyidagicha bayon etadi.

Xorijiy ta'limiga kiritilgan kompetensiyaga asoslangan yondashuvni tahlil qilish zarurati yevropalik va global integratsiya tendensiyasi, global iqtisodiyotning globallasuvi va xususan, oliy ta'limning ta'lim sohasidagi o'zgaruvchan jarayonlar bilan izchil bog'liqdir.

Ta'lim tizimiga kompetentlikka asoslangan yondashuvni kiritish zaruriyati ta'lim paradigmasidagi doimiy o'zgarishlarga bog'liq.

Barkamollikka asoslangan bunday kompetentlik yondashuv “ta'limning amaliy yo'naltirilganligini, uning fan-kasbiy tomonini kuchaytiradi, tajriba, bilimlarni amalda ro'yobga chiqarish, muammolarni hal qilish qobiliyatini rivojlantiradi [4]. Ta'limga kompetentlikka asoslangan yondashuv 60-70-yillarda amalga oshirila boshlandi. XX asr: kompetensiya tushunchasi paydo bo'ldi va kompetensiya va kompetentlik tushunchalarini farqlash zarurati kelib chiqdi. Keyinchalik (1970-1990) bu tushunchalar boshqaruv kadrlarini tayyorlash nazariyasi va amaliyotida keng tarqaldi.

Keyin kompetentlik ma'lum bir shaxs yoki uning harakatlarining xarakteristikasi sifatida aniqlandi, ya'ni kompetentlik “kasbga muvofiqlik darajasining individual belgisi, shaxsning muayyan mehnat funksiyalarini bajarish, mustaqil va mas'uliyatli harakat qilish qobiliyati va qobiliyatiga ega ekanligi”. Ushbu yondashuv doirasida kasb-hunar ta'limining asosiy maqsadi mehnat bozorida raqobatdosh, malakali, o'z kasbini yaxshi biladigan va tegishli faoliyat sohalariга yo'naltirilgan, doimiy kasbiy o'sishga, ijtimoiy va kasbiy harakatchanlikka tayyor malakali mutaxassisni tayyorlashdan iborat [5].

V.A.Bolotov ta'limdagi kompetensiyaga asoslangan yondashishni shaxsning o'quv predmetlari va o'quv vaziyatlaridan tashqarida samarali harakat qilish qobiliyatining umumiy sharti deb biladi.

Kompetentlikka asoslangan yondashuv bilimlarning amaliyligi foydasiga xotirani, ko'nikmani rivojlantirishni o'z ichiga oladi (ma'lumotga ega bo'lish – bu uni amaliy faoliyatda maqsadga muvofiq ishlatish qobiliyati) [7]. Bundan tashqari, kompetensiyaga asoslangan yondashuv ta'lim natijalariga qaratiladi, bu o'rganilgan ma'lumotlarning miqdori emas, balki odamning turli muammoli vaziyatlarda harakat qilish qobiliyati, uning malakasi “mutaxassisning muayyan faoliyat bilan shug'ullanishga tayyorligi” sifatida izohlanadi.

Amaliyotda kompetensiyaga asoslangan yondashuv, birinchidan, talabalarning kasbiy tayyorgarligi samaradorligini baholashga qaratilgan bo'lib, unga muvofiq kasbiy faoliyatga tayyor bo'lish mezonlari kompetensiya va uning

tamoyillari shakllanadi, ikkinchidan, natijalarni kafolatlash usuli sifatida qaraladi.

Pedagogik oliy o'quv yurtlari uchun kompetentlikka asoslangan yondashuv o'qituvchining, ya'ni yosh mutaxassisning kasbiy tayyorgarligi natijasi – bu fanga oid bilim va ko'nikmalar yig'indisi emas, balki uning turli xil pedagogik vaziyatlarda harakat qilish qobiliyatini anglatishi kerak. Shuning uchun pedagogik oliy ta'lim muassasalarida bitiruvchisining kompetentligi bu fan-kasbiy bilimlar, o'zlashtirilgan texnologiyalar va o'qituvchining faoliyatida qabul qilingan vaziyatlarda harakat qilish qobiliyatining birligi. Shuningdek, kompetensiya qobiliyat dastlab paydo bo'lgan sharoitlardan farq qiladigan sharoitlarga o'tish qobiliyati bilan tavsiflanishi muhimdir.

Mutaxassisning “ideal modelini” yaratishda deyarli barcha mualliflar kompetentligi faqat faoliyat jarayonida va faqat ma'lum bir kasb doirasida shakllanishi, tahlil qilinishi va baholanishi mumkinligini ta'kidlaydilar.

A.V. Xutorskoyning ta'kidlashicha, kompetensiya atamasi “ma'lum bir sohada qobiliyatli shaxsning bu sohani oqilona ko'rib chiqishga va unda samarali harakat qilishga imkon beradigan tegishli bilim va qobiliyatlarga egaligi”ni ifodalaydi.

Kompetentlik – bu oddiy bilimlar, ko'nikmalar yig'indisi emas, balki shaxsning o'zini o'zi rivojlantirishining natijasi, shaxsiy o'sish kabi texnologik emas, o'zini o'zi baholash va faoliyat va shaxsiy tajribasining natijasidir [3].

Oliy ma'lumotli mutaxassisning kompetentligi – bu muvaffaqiyatli bo'lish uchun o'z potentsiali (bilim, ko'nikma, tajriba, shaxsiy fazilatlar va boshqalar)ni amalga oshirishga ko'rsatadigan tajriba va qobiliyati. Kasbiy soha faoliyatida kompetentlik, uning ijtimoiy ahamiyati va ushbu faoliyat natijalari uchun shaxsan javobgarligini, uni doimiy ravishda takomillashtirish zarurligini anglashni talab qiladi [8]. “Oliy ma'lumotli mutaxassisning kompetentligini ta'riflashda kasbiy tayyorgarlikning natijasi uning asosiy maqsadi insonning turli xil professional muammolarni ko'rish, tushunish va baholash qobiliyatini shakllantirish, ularni konstruktiv hal etish, har qanday qiyinchilikka to'g'ri yechim topish fazilatlarini sifatida ko'rib chiqishdir. Kompetentlikka asoslangan yondashuv bilimning ahamiyatini inkor etmaydi, balki olingan bilimlardan foydalanish qobiliyatiga e'tibor qaratadi. Shunday qilib, o'qituvchining kasbiy mahorati uning pedagogik faoliyatini amalga oshirishga nazariy va amaliy tayyorgarligining birligini ifodalaydi va uning professionalligini tavsiflaydi.

Oliy ta'limda o'qituvchini tayyorlashda “kompetentlik – bu qobiliyat, bu talabaning egallagan bilim va ko'nikmalariga asoslangan uning ta'lim va hayotiy tajribasi, qadriyatlarini asosida shakllanadi.

Kompetentligi yuqori baholangan shaxs – bu vaziyatni muvaffaqiyatli hal qilish, bilim va ko'nikmalarini, texnik va usullarini o'z vaqtida faollashtirish va yangilashga imkon beradigan ma'lum qobiliyat va tayyorgarlikka ega

bo'lgan shaxs [9]. Kompetensiya – bu haqiqiy ta'limning, shakllangan kompetensiyaning umumiy ifodasidir.

Kompetenlik darajasi ulardan foydalanish murakkab muammolarni hal qilishda turli vaziyatlarda aloqa qilish; yangi bilim, ko'nikma, munosabat, qadriyatlarni egallash (oshirish) jarayonida sodir bo'ladi. Bu tushunchada kompetensiya bilim, tajriba, qadriyatlar, moyilliklarga asoslangan umumiy qobiliyat sifatida belgilanadi, ya'ni muayyan vaziyatlarda harakat sifatida qaraladi.

Bugungi kunda o'qituvchining kasbiy mahorati tushunchasini belgilashda yagona yondashuv mavjud emas. Ammo deyarli barcha mualliflar o'qituvchining kasbiy kompetensiyasi bilim, ko'nikma, faoliyat usullariga asoslangan va darajalar bilan tavsiflanadi degan fikrni qo'llashadi. O'qituvchining kasbiy kompetensiyasi nafaqat malaka tushunchasini (kasbiy ko'nikmalar faoliyat sohasidagi tajriba, qobiliyat va bilim) o'z ichiga oladi, balki uning uslubiy,

maxsus va psixologik-pedagogik tayyorgarligi, muayyan kompetensiyalarni shakllantirish kabi birligi bilan belgilanadi va u o'zi uchun muhim bo'lgan maqsadlarga erishishga imkon beradi [1; 3; 6]. Kompetentli mutaxassis o'z predmeti, kasbi doirasidan rivojlantirishga qodir, u o'zini rivojlantirish uchun ijodiy salohiyatga ega bo'lishi kerak. Professional tarzda rivojlanib borayotgan bunday mutaxassis o'z kasbida yangi narsalarni (yangi texnika, usul, texnologiya) yaratishi mumkin.

Shunday qilib, o'qituvchining kasbiy kompetensiyasi – bu bilim berish, o'quvchining shaxsini rivojlantirish va uning amaliy ko'nikmalarini shakllantirishda amaliy muammolarni professional ravishda hal etishga tayyorligi. O'qituvchining kasbiy kompetensiyasi bir nechta kompetensiyalardan iborat: psixologik, pedagogik, kommunikativ, predmetga xos va uslubiy, muayyan mavzuni o'ziga xos xususiyatlariga qarab o'qitishga tayyorligi bilan bog'liq.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Козырева, О.А. Феноменология профессиональной компетентности учителя // *Образовательные технологии и общество* – 2008.
2. Лебедев, О.Е. Компетентный подход в образовании // *Школьные технологии*. Вып. №5. – 2004.
3. Муслимов Н.А. Формирование у учащихся V-VIII классов технологических знаний и умений в процессе трудового обучения с повышенным техническим уровнем: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – М., 1991. – 16 с.
4. Qo'ysinov O.A. Kompetentli yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy-pedagogik ijodkorligini rivojlantirish texnologiyalari: *Pedagogika fanlari bo'yicha doktorlik (DSc) diss.* – T., 2019. – 200 b.
5. Zaripov L.P. *Innovation yondashuv asosida 5-7-sinf o'quvchilapida texnologik kompetensiyalapni shakllantirish metodikasi*. Dic. ... p.f.f.d. (PhD) – T., 2020. – 141 b.
6. Kadirov B.E. "Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons" // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part*.
7. Kadirov B.E. *The Role of E-learning environments in developing students' basic craft skills* // *International Virtual Conference on Innovative Thoughts, Research Ideas and Inventions in Sciences.: January 20th, 2021.* – P. 469-470.
8. Kutlimuradov K.A. *Bo'lajak texnologik ta'lim o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishda qoraqalpoq milliy qadriyatlarining y'ri* // *O'zbekiston milliy universiteti xabarlari: 2022, [1/5] -pp. 80-82.*
9. Kutlimuradov K.A. *The characteristics of responsibility in students representation* // *International journal of innovations in enegineering research and Technology [IJERT] August 14th, 2020 -pp.137-138.*

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАЖРИБА МАШҒУЛОТЛАРИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

Карим Ядгаров,

Термиз давлат университети

“Технологик таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумқасбий фанлардан бири бўлган “Ёнилғи ва мойлаш материаллари” фанидан тажриба ишларини бўлажак муҳандисларнинг бажарадиган график машқлар ва топшириқларни тузиш ва бажариш усулларини қўллашнинг мазмун-моҳияти атрофлича ёритиб берилган.

Калим сўзлар: муаммоли ёндашув, эксплуатацион талаблар, креатив қобилият, бензиннинг фракцион таркиби, октан сони, буғланиш, қовушқоқлик, компонент таркиб.

Аннотация

В статье подробно описывается сущность применения методик составления и выполнения графических упражнений и заданий, выполняемых будущими инженерами по предмету «Горюче-смазочные материалы», одной из общеобразовательных дисциплин, преподаваемых в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: проблемный подход, эксплуатационные требования, творческая способность, фракционный состав бензина, октановое число, испаряемость, вязкость, компонентность.

Annotation

The article describes in detail the essence of the application of methods of drawing up and performing graphic exercises and assignments performed by future engineers on the subject of «Fuel and lubricants», one of the general disciplines taught in higher education institutions.

Keywords: Problem approach, operational requirements, creative ability, fractional composition of gasoline, octane number, evaporation, viscosity, component content.

Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумқасбий фан ҳисобланган “Ёнилғи мойлаш материаллари” фанидан тажриба машғулотларини олиб боришда ишнинг мақсади, иш бўйича кўрсатмалар, ишни бажариш тартиби ва бажариш усуллари муҳим роль ўйнайди [1, 56]. Шу мақсадда бензинларнинг асосий хоссаларини бўйича сифатини аниқлаш мисолида кўриб чиқамиз.

Лаборатория ишларини бажаришдан мақсад: 1. Бензиннинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш йўллари билан танишиш. 2. Бензин маркалари тўғрисидаги билимни мустақамлаш ва ГОСТ билан танишиш. 3. Бензин сифатини баҳолаш ва ишлатиш шароитини белгилаш.

Бензинларнинг ташқи кўринишига қараб баҳолаш: ранги, тиниқлиги, ҳиди ва таркибида сув, механик аралашмалар бор-йўқлиги.

Бензинларнинг ранги: А-76 сарик, АИ-93 кизғиш, А-95 рангсиз, АИ-98 кўк. Бензин ўзига хос сезиларли ҳидга эга бўлиб, унинг буғлари заҳарли ҳисобланади.

Бензиннинг тиниқлиги: бензинлар тиниқ бўлиши керак, таркибида ҳеч қандай кўзга кўринадиган механик аралашмалар ва сув бўлмаслиги лозим.


Ишни бажариш тартиби: Бензиннинг тиниқлигини шиша идишда аниқланади. Агар бензин таркибида сув ва механик аралашма мавжуд бўлса, унинг ранги хира бўлади ва бундай ҳолларда у тиндирилади ва филтлардан ўтказилади. Агар бундай қилинмаса ишлаш пайтида механик аралашмалар ёнилғи йўллари тўсиб қўяди ёхуд карбюратор-инжектор қисмларини, ци-

линдр ва поршенларни кўп ейилишига сабаб бўлади.

Бензин таркибида сувда эрийдиган кислота ва ишқорларни аниқлаш. Бензин таркибида сувда эрийдиган минерал кислота ва ишқорларни аниқлаш учун унга дистирланган сув қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва унинг нордонлик муҳити текширилади [7, 48].

Ишни бажариш тартиби: 1. Колбада 10 мл ёнилғи яхшилаб чайқатилиб, шунча миқдорда дистирланган сув солинади, аралашма ажратиш воронкасига қуйилади ва яхшилаб чайқатилади.

2. Тиндирилган аралашмани ажраткич ёрдамида пастки қисмидаги сувли эритмани пробиркага туширилади. 3. Биринчи пробиркага 1-2 томчи метилоранж индикаторини қўшиб минерал кислоталар борлиги, иккинчи пробиркага 1-2 томчи фенолфталеин индикаторини қўшиб, ишқор борлиги сувли эритманинг ранги ўзгаришига қараб аниқланади.



1-расм. Ёнилғи таркибидаги кислота ва ишқорларни аниқлаш асбоби
1-ажратиш асбоби; 2-пробиркалар; 3-индикаторлар.


Муҳит ва унинг индикаторлари

Муҳит	Индикаторлар	
	Метилоранж	Фенолфталеин
Ишқорли	Сариқ	Тўқ қизил
Нейтрал	Тўқ сариқ	Рангсиз
Кислотали	Қизил	Рангсиз

Бензин таркибида тўйинмаган углеводородларни аниқлаш.

Нефтни қайта ишлаш жараёнида тўйинмаган углеводородлар ҳосил бўлади. Булар битта ёки иккита қўшбоғли бирикмалардир. Қўшбоғлар жуда бўш бўлиб, тез узилиш натижасида бириктириб олиш реакцияси кетади. Улар осон оксидланиб смолалар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар ҳосил қилади. Натижада нефть маҳсулотлари сифати ёмонлашади ва двигателларни ишлашига салбий таъсир кўрсатади [5, 108].

Бензин таркибида тўйинмаган углеводородлар борлигини аниқлаш учун пробиркага 30-40 мм баландликда бензин қуйилиб, шунча микдорда калий перманганат (маргансовка) сувли эритмасидан қўшилади. 10-15 секунд давомида яхшилаб аралаштирилади. Тиндирилгандан сўнг пробирка остки сувли қисмида оч малина ранг ҳосил қилса, тўйинмаган углеводородлар йўқлиги, сариқ ранг ҳосил бўлса, тўйинмаган углеводородлар борлигини кўрсатади.




2-расм. Бензиннинг зичлиги аниқлаш.

Ҳажм бирлигининг массаси зичлик дейилади. Маълумки, жисмлар қизиганда кенгайди, совиганда эса сиқилади. Шунинг учун ҳам ҳажмга боғлиқ, бўлган зичлик температурага қараб ўзгаради, температура кўтарилиши билан зичлик камаёди температура пасайиши билан зичлик ортади. Шунинг учун лабораторияда аниқланган зичлик 20°C га келтирилади.



3-расм. Зичликни аниқлаш асбобининг индикаторлари

Нефть маҳсулотларининг зичлиги лабораторияда ареометр ёки пикнометр ёрдамида аниқланади. Ареометр ичи бўшлиқ, шиша пўкак бўлиқ, унинг пастки қисмида оғир металл жойлаштирилган, юқори қисмида шкалалари бўлиб зичликни кўрсатади. Ареометрлар икки хил бўлади: ичида термометр жойлаштирилган ёки термометрсиз.



4-расм. Зичликни аниқлайдиган асбоб

1. ареометр; 2 – цилиндр; 3 – ареометр рўрсаткичи. Ишни бажариш тартиби:

1. Шиша цилиндрга текшираётган ёнилғи эҳтиётлик билан қуйилади ва бироз вақт хона ҳароратини эгаллагунча тиндирилади.

2. Тоза ва куруқ ареометр секин-аста суюқликка туширилади ва тебраниш тўхтагунча кутилади. Ареометр цилиндр деворларига тегмаслиги лозим.

3. Зичлик аниқланаётган ёнилғи температураси ўлчанади. Суюқликнинг сиртига тегиб турган еридаги ареометр кўрсатиши шу температурадаги зичлик деб қабул қилинади.

4. Хона температурасида аниқланган зичлик солиштириш учун (1) формула ёрдамида 20 С га (нормал қилиб олинган ҳароратдаги зичликка) келтирилади.

$$\rho^{20} = \rho^t + \gamma(t - 20)$$

Бу ерда: ρ^t – ареометр кўрсатган зичлик
 t – ёнилғи ҳарорати, γ – ҳароратни тузатиш коэффициентни бўлиб, махсус (2-жадвал) жадвалдан олинади.

Зичликни температура бўйича тузатиш бирлиги

Зичлик г/см ³	Ҳароратни тузатиш бирлиги,		Зичлик г/см ³	Ҳароратни тузатиш
700-709	бирлиги		850-859	0,699
710-719	0,884		860-869	0,686
720-729	0,870		870-879	0,673
730-739	0,857		880-889	0,660
740-749	0,844		890-899	0,647
750-759	0,831		900-909	0,633
760-769	0,813		910-919	0,620
770-779	0,805		920-929	0,607
780-789	0,792		930-939	0,594
790-799	0,778		940-949	0,581
800-809	0,765		950-959	0,567
810-819	0,752		960-969	0,554
820-829	0,738		970-979	0,541
830-839	0,725		980-989	0,528
840-849	0,712		990-999	0,515

Олинган натижалар жадвалга киритилади.

Бензин маркаси	Ареометр кўрсатиши, г/см ³	Бензиннинг ҳарорати, 0С	Ҳароратни тузатиш бирлиги	Бензиннинг 20 0С ҳароратдаги зичлиги г/см ³

Олинган натижалар бўйича хулоса ёзилади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида бўлажак муҳандисларни тайёрлашда назарий ва амалий машғулотларида олган амалий билимларини лаборатория машғулотларида тажрибадан ўтказди. Бу эса умумқасбий фанлардан талаба касбий компетенциясини шаклланишига эришиш мумкин. Талаба бу

тажриба машғулотларини бир неча амалга ошириш жараёнида, уларда мутахассислардек фикрлаш, креатив ёндашув, ностандарт вазиятларда ўзини тута олиш, техник ва технологик ишларни бажариш ва ташкил эта олиш, технологик жараёнларни бажара олиш кўникмалари шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишимхамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008. – 180 б.
2. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма – Т: ТГЭУ, 2013. – 190 б.
3. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т. Фан, 2009. – 210 б.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Т.: Фан, 2007. – 240 б.
5. Алимов З.Х. Транспорт воситаларида қўлланиладиган эксплуатацион материаллар. – Т.: “Фан ва технология”, 2011 й., 160 б.
6. Қодиров Б.Э. “Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons” // *Yeuropean Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol. 8 No. 4, 2020, Part III ISSN 2056–5852.
7. Қодиров Б.Э. Электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси: Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Термиз, 2021. – 142 б.

BO'LAJAK PEDAGOGLARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNING RIVOJLANISHIDA AXBOROTNING TUTGAN O'RNI

Sarvinoz Norboyeva,

Termiz davlat pedagogika instituti
Pedagogika kafedrasida katta o'qituvchisi, PhD

Annotatsiya

Ushbu maqolada bo'lajak pedagoglarning mafkuraviy immunitetini rivojlantirishda axborotlardan foydalanishning tutgan o'rni va o'quv faoliyatiga ta'siri haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: oliy ta'lim muassasasi, talaba, o'quv faoliyat, bilim, axborot, izlanish, o'zlashtirish, ma'naviy axborot, madaniy axborot, huquqiy axborot, ijtimoiy axborot.

Аннотация

В данной статье представлена информация о роли использования информации в развитии идейного иммунитета будущих педагогов и его влиянии на воспитательную деятельность.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, студент, образовательная деятельность, знание, информация, исследование, освоение, духовная информация, культурологическая информация, правовая информация, социальная информация.

Annotation

This article provides information about the role of information use in the development of ideological immunity of future pedagogues and its impact on educational activities.

Keywords: Higher education institution, student, educational activity, knowledge, information, research, mastering, spiritual information, cultural information, legal information, social information.

Barchamizga ma'lumki, mustaqillik yillaridan hozirgi kunga qadar yoshlar masalasiga alohida e'tibor qaratilib, yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning muvaffaqiyati – ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirish, jamiyatda yashayotgan yoshlarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini shakllantirish va ularning har tomonlama kamol topishini ta'minlash hisoblanadi. Ma'lumotlarga qaraganda, O'zbekiston yoshlarining yuqori foizini oliy ta'lim muassasasida tahsil olayotgan talaba yoshlar tashkil etadi. Bundan kelib chiqadiki, demak, biz yoshlarni yuqoridagi talablarga javob berishlari uchun olib borayotgan sa'y-harakatlarimizni, izlanishlarimizni, avvalo, yoshlarning asosiy qismini tashkil etgan talabalar salohiyatini oshirish va ularda mafkuraviy immunitetni rivojlantirishga qaratsak, maqsadga muvofiq bo'ladi. Oliy ta'lim muassasasida tahsil olayotgan bo'lajak pedagoglarning hozirgi zamon talablariga mos bo'lib shakllanishida ulardagi faoliyatlarning eng muhimi, ya'ni o'quv faoliyati samarali tashkil etish va ularda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish katta ahamiyat kasb etadi.

O'quv faoliyati – bu shunday faoliyatki, unda shaxsning psixik jarayonlari shakllanadi va rivojlanadi, uning asosida yangi faoliyatlar yuzaga keladi. O'quv faoliyati insonning butun hayoti davomida namoyon bo'luvchi uzluksiz jarayondir [1]. Demak, hayotimiz davomida yuzaga keladigan faoliyatlar zahirida o'quv faoliyati turar ekan. Biz o'quv faoliyati orqali ongimiz, ongosti va psixik jarayonlarimizni rivojlantirib boramiz. Shu sababli ham o'quv faoliyati borasida juda ko'p tadqiqotlar olib

borilgan. Jumladan, rus psixologi A.N. Leontev inson faoliyatining psixik va amaliy shakllari mavjudligini hamda bola ongi aynan o'quv faoliyatida o'sishini ta'kidlaydi. D.B.Elkonin esa o'quv faoliyatining xususiyatlarini ko'rsatib, uni mohiyati, mazmuni va o'zining namoyon bo'lish shakliga ko'ra ijtimoiyligini ta'kidlaydi [1].

O'quv faoliyati – bu bo'lajak pedagogning nazariy bilimlari: o'zlashtirishga qaratilgan va fikrlashning o'sishini ta'minlaydigan faoliyatlaridan biri sifatida ko'rsatiladi. O'quv faoliyati bo'lajak pedagogning o'zi amalga oshirib o'zini o'zgartirish uchun maxsus tashkil qilingan faoliyat bo'lagidir.

O'quv faoliyati shaxsning yangi bilim, malaka va ko'nikmalarni egallash jarayoni [2]. Bo'lajak pedagoglarning bilim, ko'nikma va malakalarni egallashi o'quv faoliyati asosida shakllanar ekan, ularning o'quv faoliyatini to'g'ri tashkil etishda nimalarga ahamiyat berish lozim, ushbu faoliyati samarali bo'lishi uchun qanday tadqiqotlar olib borishi zarur kabi savollarga javob izlar ekanmiz, yana savollar tug'iladi: Xo'sh, o'quv faoliyatda asosiy o'rinni nima egallaydi? Bo'lajak pedagoglar ushbu faoliyatda o'z bilimlarini nimaga tayangan holda egallaydilar? Albatta, axborotga. Umuman olganda, har bir yosh avlod dunyo haqidagi axborotni bevosita uni o'rab turgan borliqdan oladi, ammo yoshlar bu bilimlarni o'zi yaratmaydi, balki ularni katta avlodlardan "narsa (buyumlar), maxsus tashkilot va yangi avlodning bu narsalar bilan bog'liq faoliyati orqali" oladi. Nega biz axborotni o'zaro bilim bilan bog'layapmiz? Chunki axborot bilishning zaminida turadi.

Axborotda bilim, aniqrog'i uning mazmuni ifodalanadi, aloqa kanalida bir subyektdan boshqasiga yetkaziladi, shunday qilib, aloqa kanalida bilim axborotga aylanadi. Ayrim adabiyotlarda "axborot" va "bilim" tushunchalari aynanlashtiriladi. Vaholanki, bilim axborot emas, u ong-dagi obrazlar, tushunchalar va tasavvurlardan iborat bo'lib, nutqda aloqa kanalida axborotning mazmuni bo'lib qoladi. Bundan kelib chiqadiki, axborot insonning butun hayotini qamrab olgan desak, mubolag'a bo'lmaydi. Biz har bir ish faoliyatimizni axborotlarga tayangan holda amalga oshiramiz.

Axborot o'zi nima? Unga ilmiy jihatdan qanday ta'rif beriladi? "Axborot" so'zi biror ish holat yoki kishi faoliyati haqida ma'lum qilish, xabar berish, biror narsa haqidagi ma'lumot degan ma'noni anglatadi. Axborot tushunchasi inson faoliyatining barcha sohalarida foydalaniladi. Axborot – bu har qanday ma'lumot emas, balki u mavjud noaniqliklarni kamaytiruvchi yangi bir ma'lumotdir [4].

Axborot – ijtimoiy, iqtisodiy, tabiiy fanlarning, tafakkur ilmining taraqqiyoti natijasida yuzaga kelgan bilim va ma'lumotlar, kishilarning amaliy faoliyati davomida to'plagan tajribalari majmui demakdir. Inson axborot oqimi ichra yashar ekan, turli-tuman voqea-hodisalar va jarayonlarning bir-biriga aloqadorligini, o'zaro munosabati mohiyatini tahlil etish, mushohada va mulohaza qilib ko'rish maqsadida ko'pdan ko'p dalil va raqamlarga murojaat qiladi. Axborot tufayli nazariy bilimlar amaliyot bilan birlashadi [3].

Bo'lajak pedagoglarning mafkuraviy immunitetini rivojlantirishda, asosan, o'quv faoliyatini samarali tashkil etilganda va turli axborotlardan unumli foydalanilganda namoyon bo'ladi.

Bularga misol qilib quyidagilarni keltirishimiz mumkin:

- huquqiy axborot;
- texnik axborot;
- ijtimoiy axborot;
- iqtisodiy axborot;
- siyosiy axborot;
- ma'naviy axborot
- madaniy axborot
- ilmiy axborot kabi bir qancha turlarini keltirishimiz

mumkin.

Axborot qaysi sohadan xabar berishiga ko'ra turlarga bo'linadi. Ba'zi birlari haqida qisqacha ma'lumot berib o'tamiz.

Huquqiy axborot – normativ-huquqiy hujjatlarning, ularga oid rasmiy sharhlarning, normativ-huquqiy hujjatlarning qo'llanilish tartibi to'g'risidagi tushuntirishlarning, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi qarorlarining, O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining qonunchilik qo'llanilishi masalalari bo'yicha qarorlarining matnlari, shuningdek, sud amaliyotini umumlashtirish materiallaridir.

Texnik axborot — axborot texnologiyalari ma'lumotlarni boshqarish va qayta ishlash texnologiyalaridir.

Odatda, bu atama ostida kompyuter texnologiyalari tushuniladi. Axborot texnologiyalari sohasida turli axborotni EHM va kompyuter tarmoqlari orqali yig'ish, saqlash, himoyalash, qayta ishlash, uzatish kabi amallar ustida ishlar olib boriladi.

Ijtimoiy axborot – mazmuni "manfaat", "faollik", "ehtiyot" va boshqa shunga o'xshash tushunchalar orqali ochiladi. Ijtimoiy axborot – bu keng ma'noda tushuniladigan ijtimoiy jarayonlar va munosabatlar haqidagi ma'lumotlardir.

Iqtisodiy axborot deb, xalq xo'jaligi tarmoqlarining iqtisodiy va moliyaviy faoliyatlarini ifodalovchi ma'lumotlar to'plamiga aytiladi. Iqtisodiy axborotni o'lchashda turli xil birliklardan foydalanish mumkin. Masalan, axborotlarni yig'ish, qayta ishlash va saqlashda bit, bayt, kilobayt, megabayt o'lchov birliklaridan foydalaniladi:

1 bayt = 8 bit

1 kbayt = 1024 bayt

Qayd qilish jarayoniga ko'ra, axborotning o'lchov birligi sifatida belgi, so'z, jumla, xatboshi va boshqa birliklardan foydalanish mumkin.

Siyosiy axborot – biron voqea haqidagi batafsil xabar, ma'lumot. Davlatlar o'rtasidagi muzokaralar natijasida tuzilgan bitim yoki shartnoma to'g'risida hukumatning rasmiy xabari. Xalqaro huquqda ikki va undan ortiq davlatlar o'rtasida olib boriladigan diplomatik muzokaralar natijasida tuzilgan bitimlar, shartnomalar yoki qabul qilingan boshqa qarorlar haqidagi xabar ikki yoki undan ortiq davlatlar tomonidan rasmiy e'lon qilinadi. Ikki davlat o'rtasida olib borilgan muzokaralar haqidagi axborot.

Ma'naviy axborot va Madaniy axborot – inson va inson hayot faoliyatining ma'naviy-axloqiy asoslari, oilaviy, ijtimoiy, jamoat hodisalari va an'ana, urf-odatlarining madaniy asoslari, fan va dinning inson hayoti va jamiyatdagi rolini bilishini va anglashini ifodalovchi ma'lumotlar amalga oshiradi.

Ilmiy axborot – o'quv faoliyatida asosiy o'rinda turadigan fan tizimida qo'lga kiritilgan yangi natijalar matnda qayd qilinib, ilmiy nashrlarda chop etiladi, aloqa kanali yoki internetga uzatilgandan keyin ilmiy axborotga aylanadi. Fanda ilmiy axborotni hosil qilish va iste'molchilarga uzatish ishlarini axborot texnologiyasi tizimlari bajaradi [5].

Axborot olish rejimlariga qarab:

- ochiq (cheklashsiz) axborot;
- olish cheklangan axborot;
- yopiq axborot;
- davlat siri;
- sir tutilgan axborot;
- tijorat siri;
- kasbiy sir;

Axborot tarqatuvchining turiga qarab:

- qog'ozda;
- mashina o'qiydigan tarqatuvchilarda;
- ekrandagi tasvir ko'rinishida;
- EHM xotirasida;

- aloqa kanallari orqali uzatiladigan axborot.

Axborotni izlash, u bilan ishlashni tashkil qilishda ba'zi bir uslubiy qoidalarga e'tibor berish kerak:

- ilmiy-texnik axborot tizimlari to'g'risida aniq tasavvurni hosil qilish;

- mutaxassislik bo'yicha axborot manbalarini mumkin qadar to'liq bilish;

- axborotni izlashning eng oqilona yo'lini tanlash, uni qayta ishlash usuli va vositalarni o'ylab ko'rish, tayyorlash;

- yordamchi bibliografik va axborot materiallaridan foydalanish uquviga ega bo'lish.

Yuksak ahamiyatli axborotlarning asosiy manbai fan-dir. Fan-ning intellektual salohiyati uning foydalanishdagi har bir birlamchi ilmiy axborotga nisbatan yangi ilmiy axborot ishlab chiqarish qobiliyati bilan belgilanadi. Shuni aytishimiz mumkinki, turli axborotlar ichidan kerakli, o'quv faoliyatiga mos turini tanlab o'zlashtirish bo'lajak pedagogdan yuqori malaka talab qiladi. Hozirgi

kunda axborotlar okeanidan kerakli ma'lumotlar izlash nihoyatda murakkablashib bormoqda. Unga oid maxsus bilish yo'nalishiga ega talabagina turli axborotlardan o'quv faoliyatiga keraklisini aniqlab o'zlashtira oladi.

Oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak pedagoglarning o'quv faoliyatida barcha axborot turlarini yuqorida keltirilgan qoidalarga binoan mustaqil izlab topib, zaruriy maqsad asosida unumli foydalanish zarur. Chunki, turli ko'rinishdagi axborotlarni bo'lajak pedagoglar o'zlashtirishlari orqali ulardagi mafkuraviy immunitet va o'quv faoliyati samarali ko'rinishda tashkil topadi. Buning natijasida esa bo'lajak pedagoglarda axborotlarni to'g'ri tahlil qilish va to'g'ri foydalanish ko'nikmasi rivojlanadi. Har qanday aniq-noaniq axborotlar ta'siriga tushib qolmaydi. Dunyoda bo'layotgan voqea-hodislarga nisbatan ongli munosabatda bo'ladi hamda ularning ilmiy salohiyat ortib borishi ta'lim sifatini yuqoriga ko'tarilishiga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. B.M. Umarov. *Psixologiya*. –T.: “Voriz-nashriyot”, 2012. – 272 b.

2. *Pedagogika. Psixologiya fanidan o'quv-metodik majmua*. – S.: SamDU nashri, 2010. – 300 b.

3. R.X. Alimov, G.T. Yo'lchiyeva, O.Q. Rixsimboyev, Sh. Alishov “*Axborot texnologiyasi va tizimlari*”. – T., 2011. – 258 b.

4. R.X. Alimov, B.A. Begalov, G.T. Yo'lchiyeva, Sh.A. Alishov “*Iqtisodiyotda axborot texnologiyalari*”. – T., 2020. – 252 b.

5. S.M. Norboyeva. “*Talabalarda ma'naviy kompetentlikni rivojlantirish*”/ metodik qo'llanma. –Termiz, 2021. – 42 b.

INNOVATSION YONDOSHUV ASOSIDA PROFESSIONAL TA'LIMDA IJTIMOYIY HAMKORLIKNI AMALGA OSHIRISH MEXANIZMI

Ilxom Xuramov,

Termiz davlat universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqola zamonaviy ta'lim uchun yangi muammo hisoblangan ijtimoiy hamkorlikka bag'ishlangan. Bu muammo ta'lim subyektlari o'rtasidagi munosabatlar xarakterining prinsiplari o'zgarishi bilan bog'liq. Ijtimoiy hamkorlik sharoitida ta'lim muassasalarining faoliyati xususiyatlari tahlil qilinadi. Zamonaviy ta'limda ijtimoiy hamkorlikning holati va uni tadqiqot qilish yo'nalishi tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: innovatsiya, ijtimoiy hamkorlik, ta'lim muhiti, professional ta'lim va ishlab chiqarish, birgalikda harakat, ta'lim jarayoni obyekti, ta'lim jarayoni subyekti, subyektivlik darajasi.

Аннотация

Данная статья посвящена социальной кооперации, которая считается новой проблемой для современного образования. Эта проблема связана с изменением принципов характера отношений между субъектами образования. Анализируются характеристики образовательных учреждений в условиях социального сотрудничества. Анализируется состояние социальной кооперации в современном образовании и направления ее исследования.

Ключевые слова: инновация, социальная кооперация, образовательная среда, профессиональное образование и производство, совместное действие, объект образовательного процесса, субъект образовательного процесса, уровень субъектности.

Annotation

This article is devoted to social cooperation, which is considered a new problem for modern education. This problem is related to the change in the principles of the nature of relations between educational subjects. The characteristics of educational institutions are analyzed in the conditions of social cooperation. The state of social cooperation in modern education and the direction of its research are analyzed.

Keywords: Innovation, social cooperation, educational environment, professional education and production, joint action, object of educational process, subject of educational process, level of subjectivity.

Respublikamizda professional ta'lim muassasalarini tashkil etish, maktab va professional ta'lim o'rtasidagi uzluksizlikni ta'minlash, ta'lim muassasalarini moddiy-texnik bazasini kengaytirishning me'yoriy asoslari yaratildi. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish yo'lini davom ettirish, ta'lim darajasini sifat jihatidan oshirish va tubdan takomillashtirish" asosiy ustuvor vazifalar sifatida belgilangan. Shundan kelib chiqib, professional ta'lim mazmunini modernizatsiyalash, interfaol o'qitish metodlari va texnologiyalarini amaliyotga keng tatbiq etish, uzluksiz ta'lim tizimida professional ta'lim muassasalarining o'zaro ijtimoiy hamkorlikni amalga oshirish mexanizmlarini ishlab chiqish metodikasini takomillashtirish imkoniyatlari kengaytiriladi.

Mazkur imkoniyatlardan samarali foydalanishda nazariy, amaliy va tajriba mashg'ulotlarini olib boruvchi o'qituvchilar lokamativ vazifasini bajaradi. Ushbu vazifani amalga oshirishda professional ta'lim tizimida sinfdan va sinfdan tashqari mashg'ulotlarni, mustaqil ta'lim mashg'ulotlarini tashkil etishda innovatsion yondashuvlarni joriy etishlari talab etiladi. Tadqiqot ishimizni amalga oshirish jarayonida innovatsion yondashuvlarni o'rganish va ularni professional ta'limga joriy etishdan avval biz innovatsiya so'ziga oid psixolog va pedagog olimlar

tomonidan berilgan ta'riflarga to'xtalib o'tsak.

Innovatsiya – bu bozor talabidan kelib chiqqan holda, jarayonlar va mahsulotlarning sifatli o'sish samaradorligini ta'minlash uchun joriy etilgan yangilikdir [4, 57]. Inson intellektual faoliyati, uning fantaziyasi, ijodiy jarayoni, kashfiyotlari, ixtirolari va ratsionalizatorligining yakuniy natijasi hisoblanadi.

Innovatsiya – foydalanish uchun kiritilgan yangi yoki sezilarli darajada yaxshilangan mahsulot (tovar, xizmat) yoki jarayon, sotuvlarning yangicha uslubi yoki ish amaliyotidagi, ish o'rinlarini tashkil etishdagi va tashqi aloqalarni o'rnatishdagi yangi tashkiliy uslub hisoblanadi.

"Innovatsiya" atamasi lotincha "novatio" so'zidan olingan bo'lib, "yangilanish" (yoki "o'zgarish"), "in" qo'shimchasi esa lotinchadan "yo'nalishida" deb tarjima qilinadi, agar buni yaxlit "Innovatio" ko'rinishida tarjima qilsak – "o'zgarishlar yo'nalishida" deb izohlanadi.

Innovation tushunchasi birinchi bo'lib XIX-asrning ilmiy tadqiqotlarida paydo bo'ldi.

"Innovatsiya" tushunchasi o'zining yangi hayotini "innovatsion kombinatsiyalar"ni tahlil qilish, iqtisodiy tizimlarning rivojlanishidagi o'zgarishlar natijasida XX asrning boshida avstriyalik va amerikalik iqtisodchi Y.Shumpeterning ilmiy ishlarida boshlagan. Shumpeter 1900-yillarda iqtisodda ushbu termini ilmiy qo'llashga kiritgan dastlabki olimlardan edi.

Innovatsiyaga har qanday turdagi yangilik sifatida emas, balki mavjud tizimning samaradorligini jiddiy ravishda oshiradigan omil sifatida qarashimiz lozim. Keng tarqalgan yangilash fikrlashlarga qaramasdan innovatsiyalar kashfiyotlardan farq qiladi

Innovatsiyalarning ilmiy kashfiyotlar va ixtirolardan farqi. Ilm-fan – bu ma'lum mablag'larni bilimlar va g'oyalarga aylantirish. Innovatsiyalar – bu bilimlar va g'oyalarni mablag'larga aylantirishdir. Ixtiro – bu yangi konsepsiyani yaratish demak. Innovatsiya – bu ixtironing amaliy ahamiyatini ajratib ko'rsatish va uni muvaffaqiyatli sotiladigan mahsulotga aylantirish [4, 81].

Innovatsion texnologiyalarni amalga oshirish jarayoning 10 ta bosqichi bo'lib, ular quyidagilarni tashkil etadi.

1. Maqsadingizni ifodalang.
2. Jamoangizni ilhomlantiring.
3. Diqqatingizni xaridorga qaratib.
4. Har kimga o'xshamang.
5. Hamma narsani shubha g'alviridan o'tkazib ko'ring.
6. Sinergiya yarating.
7. Jarayonni yarating.
8. Har qanday xatarni oldindan ko'ra biling.
9. O'zgarishlarning etakchisiga aylaning.
10. Tashabbuskor bo'ling.

Oxirgi 10 yilliklarda ijtimoiy hamkorlik tushunchasi, ilmiy tadqiqot mazmuniga va pedagogik faoliyat amaliyoti yanada kengroq va chuqurroq kirib bormoqda. Tahlillar shuni ko'rsatadiki, bu tushuncha ijtimoiy-iqtisodiy sohadan, pedagogik sohaga ko'chmoqda. Ta'limda hamkorlik nuqtayi nazaridan, oldin iqtisodiy va huquqiy masalalar tahlil qilinadi (pedagogik xodimlarning manfaatlari va ularning huquqiy himoyasi, ish beruvchining, kasaba uyushmasi va jamoaning o'zaro munosabati, hamkorlik asosida ta'limda qonunchilikning amalga oshirilishi, ta'limda xalqaro hamkorlikning modernizatsiya qilinishi va hokazo).

Ta'lim jarayoni subyektlariga tegishli, ta'lim faoliyati mazmuni bilan bog'liq hamkorlik munosabati, shuningdek, professional ta'limning tashqi struktura va tashkilotlar bilan hamkorligi, ta'lim sifatini oshirish vositasi sifatida oxirgi 5 yillikda o'rganila boshlandi. Ilmiy tadqiqotlarda va ta'lim muassasalarida faoliyat amaliyotida doimiy mavjud bo'lgan korxonalar, tashkilotlar va professional ta'lim muassasalari munosabatining mazmuni asosan “shirikchilik”, “birgalikda harakat”, “korxonalar bilan professional ta'lim muassasalarining birga ishlashi”, “professional ta'lim muassasalari ishlab chiqarishning kadrlar zaxirasiga aylanishi” kabi tushunchalar orqali ifodalanadi. Ko'rinadiki, birinchi 2 ta tushuncha tomonlarning nisbatan faolroq pozitsiyasini bildiradi. Bunda ta'lim muassasasi xodimlari odatda boshqarish va rahbarlik ishida ishtirok etishmay, ular ta'lim maqsadlarini belgilashda va o'zaro harakat yo'nalishini tanlashda ishtirok etadilar. Bu bilan bir vaqtda ular aniq natijaga ega bo'lgan, umumiy ishning bir qismini bajarishadi. Birgalikda

harakat yanada qattiqroq o'zaro bog'liqlik va yordamni o'z ichiga oladi [1].

Ijtimoiy pedagogika nuqtayi nazaridan “birgalikda harakat” tushunchasi ta'lim jarayoni obyekt (subyekt)larning bilvosita yoki bevosita birgalikda faoliyat jarayoni sifatida xarakterlanib, bu jarayon obyekt (subyekt)larning o'zaro aloqasini yuzaga keltiradi [2].

Ijtimoiy birgalikda harakat – individlar yoki ijtimoiy guruhlarning o'zaro manfaatlari yo'lidagi birgalikda harakati tushuniladi. Oxirgi 2 ta tushuncha, ijtimoiy amaliyotning ma'lum variantlarini ifodalab, tomonlardan birining passiv o'rnini ifodalaydi. Ushbu tushunchalarni hamkorlik tushunchasi bilan almashtirish tasodif bo'lmay, bu almashtirish ba'zi jarayonlar mazmunini o'zgartiradi. Ta'lim uchun yangilik bo'lgan hamkorlik tushunchasi, shuningdek, oldin ishlatilgan boshqa tushunchalar, ta'lim tizimining turli tomonlari (ta'lim muassasi ma'muriyati, kasaba uyushmasi, pedagogik kollektiv, pedagoglar ta'lim oluvchilar va ishlab chiqarish o'rtasidagi munosabat va aloqalarning mohiyatini ifodalaydi. Shuningdek, tashqi muhit bilan ta'lim sistemasi vakillari orasidagi aloqalar ham e'tiborga olinadi [3, 63].

O'z navbatida, ta'lim muhitiga hamkorlik tushunchasining kirib borishi, unda aloqa va munosabatlarning shakli, mazmuni, xarakteri va mohiyatining o'zgarishi haqida guvohlik berishi kerak.

Sinergiya bu foydali o'zaro hamkorlik, uning samarasi har bir inson yakka holda qilgan harakatlari yig'indisini olib qaraganimizda yanada ko'proq hisoblanadi.

“Sinergiya” so'zi grek tilidan tarjima qilinganida, aynan “hamkorlik, o'zaro munosabat” ma'nolarini bildiradi. Muayyan sohadagi kadrlar, fikrimizcha, sifat va miqdoriy jihatdan o'rganilishi kerak. Biz sifat jihatiga e'tibor qaratishimiz kerak deb hisoblaymiz va mutaxassislarning ta'lim darajasini, dual ta'lim tizimi qanday shartlarga javob berishini yaxshilash uchun mumkin bo'lgan yo'nalishlarni ko'rib chiqishga harakat qilamiz [2, 56]. Shvetsiya, Buyuk Britaniya, Germaniya, Yaponiya kabi mamlakatlarda ta'lim tizimlarini rivojlantirish tajribasi malakali mutaxassislarni sifatli tayyorlash uchun asos bo'lib xizmat qiladigan o'quv jarayoni va amaliyotini birlashtirish zarurligidan dalolat beradi.

Germaniya ikkilamchi ta'lim tizimi tamoyillaridan foydalangan birinchi mamlakat bo'ldi (ushbu tizim 15 yildan beri ishlatib kelinmoqda). O'quv jarayonini amalga oshirish ishlab chiqarish faoliyatini stajyor (talaba) sifatida sintez qilish va o'quv yurtida nazariy qismni o'rganish orqali amalga oshiriladi. Bundan tashqari, o'quv va amaliy vazifalarning bosqichma-bosqich murakkablashishi mavjud. Ma'lumki, Germaniyadagi kasbiy ta'lim markazlashtirilmagan bo'lsa ham, u ma'lum bir standartga muvofiq qurilgan [5, 71].

Germaniyada 1981-yildan beri “Kasbiy ta'limni rivojlantirish to'g'risida” (kasbiy ta'limni rejalashtirish va

statistikada tartibga soluvchi vositalarni tavsiflovchi), “Yoshlarning mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risidagi qonuni” (yosh o‘quvchilarni himoya qilish choralari-ni oqlaydi), “Kasbiy ta’lim to‘g‘risida shartnoma” kabi qonun hujjatlari mavjud. O‘qitish mashg‘ulotlar ro‘yxatiga mutlaqo mos keladi, hozirgi paytda 600 (1971-yildagi) dan 380 ta kasbga qisqartirildi. Kasblar sonining qisqarishi shu kabi faoliyat sohalorida mutaxassislarni tayyorlash bilan birlashishi natijasida ro‘y berdi.

Dual ta’lim – bu ta’limni o‘z yo‘nalishiga mos tashkilotda mehnat qilish bilan birga olib boruvchi tizimdir. Dual ta’limni tashkil etish uchun hokimliklar va manfaatdor vazirliklar tomonidan o‘rta bo‘g‘in kadrlariga bo‘lgan ehtiyoj aniqlanadi va taklif tayyorlanadi. Tanlangan ta’lim muassasalari belgilangan kvotalar bo‘yicha o‘quvchilarni qabul qiladi.

Ta’lim muassasalari kadrlarga ehtiyoji bo‘lgan tashkilotlar bilan shartnoma tuzadi. Shartnoma tashkilot va o‘quvchi o‘rtasida ham tuziladi. Bunda o‘quvchi uchun tashkilotda muayyan ish o‘rni ajratiladi.

O‘quvchilar bir haftada kamida ikki kun ta’lim oladi qolgan kunlar ishlaydi. O‘quvchiga ishlagan kunlari uchun haq to‘lanadi.

Ijtimoiy-iqtisodiy sohalar bo‘yicha tadqiqotlariga tayanib, ta’kidlash kerakki, ta’lim jarayonida hamkorlik-ijtimoiy munosabatlarga asoslangan, ijtimoiy munosabatlarning yuqori darajali shakli hisoblanadi. Pedagogik adabiyotlarda hamkorlik tushunchasi qo‘llanila boshlaganiga ko‘p bo‘lgan bo‘lmasa-da, ta’lim tizimida hamkorlik tushunchasini quyidagi pozitsiyalar nuqtayi nazardan qarash shakllanib bormoqda [5, 57].

1. Ta’lim tizimida hamkorlik – ishlab chiqarish va ta’lim muassasasi o‘rtasidagi aniqlangan o‘zaro munosabatlarning sistemasi sifatida, o‘quvchilarning rivojlanishi, tarbiyasi va ta’limida, ikkala tomon manfaatdorligi asosida shakllangan, teng huquqli subyektlarning birgalikdagi harakati.

2. Ta’lim tizimida hamkorlik – umumiy masalalarni hal qilish bo‘yicha faoliyat jarayonida paydo bo‘ladigan ma’lum munosabatlar shakli. U o‘zaro manfaatli va umumiy muammolarni hal qilish yo‘llarini tanlashda tomonlarning teng huquqiylik va ixtiyoriylik prinsiplari asosida qurilgan [8, 137].

3. Ta’lim tizimida hamkorlik – ta’lim muassasasi bilan tashqi ijtimoiy strukturalar o‘rtasidagi munosabat darajasi.

4. Ta’lim tizimida hamkorlik – ta’lim muassasining turli ijtimoiy guruhlar vakillari bilan maxsus tashkil etilgan umumiy faoliyat jarayonidir. Bu guruhlar ta’lim tizimida sifatni oshirishdan manfaatdor hisoblanadi.

5. Ta’lim tizimida hamkorlik – subyektlarning dialog munosabati asosida qurilgan, ijtimoiy o‘zaro harakat turi hisoblanadi. Bu munosabatlar yagona harakat strategiyasini ta’minlaydi.

6. Ta’lim tizimida hamkorlik – ish beruvchi, kasaba uyushmasi va xodim o‘rtasidagi normativ-huquqiy va iqtisodiy munosabatlardir.

7. Ta’lim tizimida hamkorlik – ta’lim tizimida ish beruvchi, kasaba uyushmasi va davlat boshqaruv organlari o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga solish vositasi va jarayonidir. Ta’lim tizimida ijtimoiy hamkorlikning tashkiliy-muvofiqlashtirish shakllari: kurs markazi.

Xulosa sifatida ta’kidlash kerakki, ijtimoiy ta’lim hamkorlikda, ta’lim muassasasining alohida pozitsiyasi, uning jamiyat bilan birgalikdagi harakatdagi pozitsiyasidan ushbu jihatlar bilan farq qiladi. Professional ta’limda hamkorlik faoliyatida bog‘lovchi halqa bo‘lishi kerak. Chunki gap kelajak avlodning ta’limi va tarbiyasi haqida ketadi. Shuningdek, birgalikda harakatning bir tomonning ustunligidan voz kechish kerak. Ta’lim muassasasi o‘zining rahbarlik va yo‘naltiruvchi o‘rnini, tashkilotchi – muvofiqlashtiruvchi o‘rniga almashtirib, keyin bu o‘rinni muvofiqlashtiruvchi organlarga berish. Pedagogik jamoaning vazifasi ta’lim-tarbiya sohasida faollik ko‘rsatuvchi tomonlarni qidirishdir. Bu tomon individual maqsadga erishish uchun o‘zaro harakatga kelishda ularga yordamni taklif etishi kerak [5, 79]. Tomonlardan birining aniq hamkorlik pozitsiyasi mavjud bo‘lmaganda, avval hamkorning subyektivlik xususiyatini oshirish kerak. Bu oshirish tomonlarning hamkorlik borasida harakatga bo‘lgan ehtiyojini anglashigacha davom etadi. Hozirgi kunda ta’lim jarayonida hamkorlik munosabatlari sohasining kengayishi bilan bog‘liq jarayonlar (bir idora doirasidan idoralararo yoki sektorlararo darajagacha), eng qiyin bo‘lgan ijtimoiy muammolarni echishda, jamiyatning resurslarini birlashtirishning dolzarbligi oshadigan sharoitlarda, hamkorlik ta’lim sohasida shaxslarning o‘zaro munosabatlarig yangi turini shakllantiruvchi muhim pozitiv an’anaga aylanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 29.03.2021 yildagi 163-son qarori.
2. Qo‘yicinov O.A. Kompetentli yondashuv acosida bo‘lajak o‘qituvchilarning kachbiy-pedagogik ijodkoplignini pivojlantirish texnologiyalari: Pedagogika fanlari bo‘yicha doktoplik (DSc) dirc. – Toshkent, 2019. – 200 b.
3. Shomirzayev M. K. Combined In Technology Courses Use Of Technologies //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 05. – P. 389-396.
4. Запиров Л.П. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... н.ф.ф.д. (PhD) – Тошкент, 2020. – 141 б.
5. Ишмухамедов П., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновациялар (таълим муассасалари педагог ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
6. Kodirov B.E. “Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons” // Yeuropcan Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part III ISSN 2056–5852.

O'QUV JARAYONINI TASHKIL ETISHDA ARALASH TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH YO'LLARI

Maftuna Sattorova,

TerDPI Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi
(boshlang'ich ta'lim) mutaxassisligi 2-bosqich magistranti

Annotatsiya

Maqolada zamonaviy texnologiyalardan ta'lim jarayonida samarali foydalanish usullari hamda aralash ta'lim tushunchasi, uning rivojlanishi, umumiy o'rta ta'lim maktablarida aralash ta'lim hamda aralash ta'limning hozirgi paytdagi ahamiyati ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: aralash ta'lim, an'anaviy ta'lim, elektron ta'lim, masofaviy ta'lim, yuzma-yuz ta'lim, onlayn ta'lim, kompyuter texnologiyalari.

Аннотация

В статье рассматриваются методы эффективного использования современных технологий в образовательном процессе и концепция смешанного обучения, его развитие, смешанное обучение в общеобразовательной средней школе, а также современное значение смешанного обучения.

Ключевые слова: смешанное обучение, традиционное обучение, электронное обучение, дистанционное обучение, очное обучение, онлайн- обучение, компьютерные технологии.

Annotation

The article examines methods of effective use of modern technologies in the educational process and the concept of blended learning, its development, blended learning in a general secondary school and the current importance of blended learning.

Keywords: blended learning, traditional learning, e-learning, distance learning, face-to-face learning, online learning, computer technology.

So'nggi yillarda mamlakatimizda ta'lim-tarbiya tizimining sifati va samaradorligini oshirish, o'quvchi yoshlarda zamonaviy bilim va ko'nikmalarni shakllantirish, ta'lim tizimlari hamda ilm-fan sohasi o'rtasida yaqin hamkorlik va integratsiyani, ta'limning uzviyligi va uzluksizligini ta'minlash borasida tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga, "milliy ta'lim-tarbiya tizimining amaldagi holati uni zamon talablari asosida modernizatsiya qilish, yoshlarni yuksak bilim-ma'rifat egalari, jismoniy va ma'naviy sog'lom insonlar etib tarbiyalash, ta'lim muassasalarining rahbar va pedagog xodimlari nufuzini oshirish, ularning samarali faoliyat yuritishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish bo'yicha izchil chora-tadbirlarni amalga oshirishni talab etmoqda" [1].

Bugungi kunda mamlakatimizda ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar ta'lim tizimini tubdan takomillashtirishni taqozo etmoqda. Pedagog sifatida o'zligini namoyon etishni talab qilish zarur holatlarda o'qituvchi tomonidan o'z hissiyatini aks ettirish inkor etilmaydi: u darslarda faqatgina ziyrak va mehribon, quvnoq, hushyor, ko'ngilchan bo'libgina qolmasdan, balki jiddiy, xafa va noroziligi bilingan qiyofada bo'lishi ham kerak.

O'qituvchining pedagogik optimizmi, uning o'quvchilarga munosabatidagi ishonch, o'quv faoliyatini tashkil etishning turli-tuman shakllarida darsda ularning hamjihatlikdagi izlanuvchanligini tashkil etish, o'quvchilarning ishlariga hakqoniy baho berish, ularga doimiy zarur yordam ko'rsatishga tayyor turishlik – bularning barchasi juda katta didaktik va tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'ladi,

o'quvchilarda jamoaviy mehnat malakalarini hamda ijobiy axloqiy fazilatlarini shakllantiradi.

O'qituvchining darsga bevosita tayyorlanishi har bir darsda qo'llaniladigan mavzuni rejalashtirishni konkretlashtiradi. Darsning rejasi har bir o'qituvchi uchun zarurdir. Odatda, faqat uning hajmi farq qiladi: endigina o'zining o'qituvchilik faoliyatini boshlayotganlar o'zlarining hamma harakatlari va darsning borishini tasvirlash, kichik bo'laklarigacha ko'rsatilgan mukammal ishlanma yozadilar. Tajribali o'qituvchilar esa qisqa, ixcham reja tuzadilar.

Darsning rejasi ixtiyoriy shaklda tuziladi, ammo unda quyidagi tarkibiy qismlarning aks etishini ta'minlash zarur: darsning o'tkazilish muddati va uning mavzuiy reja bo'yicha tartib raqami; o'tkaziladigan sinfning, dars mavzusining nomi; ta'limning vazifalari, shakllantiriladigan bilim, iqtidor va ko'nikmalar; o'quvchilarni tarbiyalash va rivojlantirish; dars bosqichlarining davomiyligi va ushbu bosqichlarda vaqtning taxminiy taqsimlanishini ko'rsatgan holdagi tarkibiy tuzilishi; o'quv materialini mazmuni; darsning har bir qismida o'qituvchi va o'quvchining ish usullari hamda metodlari; ta'limning ko'rgazmali va texnik vositalarini qo'shib hisoblaganda darsni o'tkazish zarur bo'lgan o'quv qurollari; darsda bevosita o'tkaziladigan test sinovlari, uy vazifalari, topshiriqlar.

Ta'lim tizimida elektron ta'lim jarayonini tashkillashtirish va raqamli texnologiyalarni qo'llash bir nechta o'ziga xos qulayliklarini yaratmoqda. Bu jarayonlar bugungi kun o'qituvchisining zimmasiga ulkan mas'uliyat va katta talablar qo'ymoqda. Eng asosiy talablardan biri – darsning

sifat va samaradorligi, dars jarayonini tushunarli va natijaviy bo'lishini ta'minlash, mashg'ulotlarni turli xildagi zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan boyitishi va bu orqali o'quvchilarning turli xil bilim va ko'nikmalarini egallab olishidir. Buning asosiy sabablaridan biri an'anaviy ta'limda o'quvchilar faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egalayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi. Shuning uchun boshlang'ich sinf o'qituvchisi zamonaviy o'qitish metodlarni va axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanishni yaxshi bilmog'i lozim [2]. Bu bo'yicha "aralash ta'lim" texnologiyasidan foydalanish eng samarali usul sanaladi.


Blended learning (aralash o'qitish). Axborot texnologiyalari ta'limning turli yangi ko'rinishlarini taklif etmoqda, xususan, keyingi vaqtlarda modulli ta'lim tizimida majmuaviy yondashuv tamoyili kuchayib bormoqda. Unda turli shakl, usullar moslashtirilgan holda joylashtirilishi aralash ta'limning innovatsiya sifatida kirib kelishiga sabab bo'ldi [3]. Blended learning (Aralash ta'lim) – bu kompyuter grafikasi, audio va video, interfaol elementlar va boshqalar kabi maxsus axborot texnologiyalaridan foydalanadigan elektron o'qitish elementlari bilan sinfda o'qitishning an'anaviy shakllarining kombinatsiyasi, onlayn o'quv materiallari hamda o'qituvchi rahbarligida guruhda ta'lim olishga asoslangan o'qitish shakli. Ushbu shakldagi o'qitish jarayonida talaba mustaqil ta'lim oladi, ammo ayni vaqtda unga guruh va o'qituvchi tomonidan yordam ko'rsatiladi [4].

Blended learning atamasi soha doirasida ilk marta 1999-yili Atlantada joylashgan Interactive Learning Centres ta'lim kompaniyasi tomonidan EPIC Learning deb nomlangan press-rezisda qo'llanilgan: kompaniya hozirgi kunda 220 ta onlayn kurslarni ishlab chiqqan, yaqin kunlarda kompaniya Blended Learning metodologiyasidan foydalangan holda, o'z internet dasturlarini taklif qila boshlaydi" – deb yoziladi press-rezisda [5].

So'ngi yillarda "aralash ta'lim" termini haqida turli ma'lumot, fikr va qarashlar mavjud. "Defining blended learning" ("aralash ta'lim ta'rifi") nomli risolasida tadqiqotchi M.Frizn "aralash ta'lim" atamasini 1999-yildan buyon ishlatila boshlaganini aniqlagan va ushbu risolasida "bu ta'lim turini internet va elektron va ommaviy axborot vositalarini o'qituvchi va talaba o'rtasidagi sinfda jismoniy ishtirok etishni talab qiladigan shakllar bilan birlashtirish orqali taqdim etiladigan imkoniyatlar doirasi" deb ta'riflagan [6]. Rus tadqiqotchilaridan Krasnova fikriga ko'ra, aralash ta'lim – o'qitishning eng samarali usullarini yuzma-yuz va onlayn interfaol o'zaro ta'sirni birlashtirgan o'quv uslubi bo'lib, bu doimiy bir-biriga bog'liq holda ishlaydigan va bir butunlikni tashkil etadigan tizimdir [7]. Yuqoridagi ta'riflarga tayangan holda shuni aytish mum-

kinki, aralash ta'lim – yuzma-yuz o'rganish elementlari va onlayn ta'limni birlashtiradigan jarayondir.

Buni Venn diagrammasi orqali quyidagicha tasvirlash mumkin:



Elektron (onlayn) ta'lim qanchalik qulay bo'lmasin, an'anaviy ya'ni yuzma-yuz ta'lim orqali olinadigan nutqiy qobiliyat va ijtimoiy-madaniy ko'nikmalarining rivojlanish darajasini bera olmaydi. Shunga qaramay, an'anaviy ta'limga nisbatan elektron ta'lim ancha samarali natija bermoqda. Pirovardda onlayn ta'limning yuzma-yuz ta'lim bilan birgalikdagi turi, ya'ni aralash ta'limning samarali natija berishi yaqqol ko'rinmoqda. O'quv jarayonini amalga oshirishda aralash ta'lim ko'proq moslashuvchanlikni (erkinlikni) ta'minlaydi. Dunyoda yetakchi davlatlar maktablaridagi dars jarayonini ommaviy axborot vositalari orqali kuzatadigan bo'lsak, deyarli ko'pchiligi aralash ta'lim tizimidan foydalanib kelmoqda va yuqori natijalarga erishmoqda. Bunda asosan sinf o'quvchilari jamoaviy guruhlar bo'yicha ishlaydi. Masalan, uchta guruhga bo'lingan, mavzu haqida nazariy ma'lumotlarni o'rganib kelgan sinfning bir guruhi kompyuter orqali mavzu doirasida shug'ullansa, keyingi guruh tarqatma savollar orqali yoki trening o'yinlar orqali yana bir guruh doskada va bu holat almashinish orqali amalga oshiriladi. Talabalar uyda internetga kirish imkonini bo'lgan o'zlarining elektron qurilmalari orqali onlayn o'quv muhitida ishlaydi, yangi material bilan tanishadi yoki o'tilayotgan mavzuni mustahkamlaydi. Darsda esa o'rganilganlar mustahkamlanadi, olingan bilimlar yangilanadi va rolli oyin, loyiha faoliyati, seminar va boshqa interaktiv shakllarda o'tkazilishi mumkin.

Xulosa o'rnida shuni alohida ta'kidlash kerakki, aralash o'rganish ta'lim jarayonini tashkillashtirish obyektiv hamda kommunikativ sohalarida ijobiy natijalarga erishishga yordam beradi. Bunday ta'lim kasbiy mahorat darajasini oshiribgina qolmasdan, balki o'qituvchi bilan sifatli hamkorlik qilishga, talabalarining mavjud axborot ta'lim resurslaridan foydalanishga va birgalikdagi faoliyat hamda muloqotga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Aralash ta'lim an'anaviy hamda modul tizimida ishlashni takomillashtirish va ommalashtirish, aralash ta'lim bo'yicha rivojlangan davlatlar tajribasini chuqur o'rganish aralash ta'lim milliy modelini yaratilishiga imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari tug'risida"gi 2020-yil 6-noyabrdagi №PF-6108 Farmoni.
2. D. Matkarimova. Boshlang'ich sinf darslarida elektron darsliklardan foydalanishning ta'lim sifatiga ta'siri "Umumiy o'rta ta'lim sifatini oshirish: mazmun, metodologiya, baholash va ta'lim muhiti" xalqaro onlayn ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 2020, avgust. 301-303 b.
3. https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Aralash_ta'lim&oldid=2153343.
4. N.M. Aliyeva, M.R. Rasuleva, Sh.S. Xalilova, Sh.U. Yalgasheva/ blended learning – ta'lim tizimida zamonaviy yondashuv/ "science and education" scientific journal/ February 2021/volume2 issue2 304-309.
5. Friesen N. Defining Blended Learning, August 2012, available at: https://www.normfriesen.info/papers/Defining_Blended_LearningNF.pdf (request date: 21.06.2020)
6. Friesen M. Report: Defining Blended Learning, available at: https://www.normfriesen.info/papers/Defining_Blended_LearningNF.pdf (request date: 31.06.2020)
7. Краснова Татьяна Ивановна. Сопровождения и поддержка деятельности студентов в смешанном обучении. Available at: <https://portal.tpu.ru/SHARED/k/KRASNOVA/science/Tab1/Guidance%20and%20support.pdf> (request date: 10.07.2020)
7. Qodipov B.E. Elektron axbopot ta'lim muhitida o'quvchilarning hunarmandchilikka oid tayanch kompetensiyalari pivojlantirish metodikasi: Diss. ... p.f.f.d. (PhD) – Tepmiz: 2021. – 142 b.
8. Kutlimuradov K.A. The characteristics of responsibility in students representation // International journal of innovations in enegineering research and Technology [IJIERT] August 14th, 2020 -pp.137-138.

BOLALARDA MAS'ULIYATLILIKNI FAOLIYATLAR INTEGRATSIYASI ASOSIDA SHAKLLANTIRISH MODELINI

Manzura Muhammadiyeva,

QarDU Maktabgacha ta'lim kafedrası dotsenti, p.f.f.d.;

Marjona Xamidjonova,

Shahrisabz davlat pedagogika instituti magistranti

Annotatsiya

Maqolada integratsiya tushunchasining mazmun-mohiyati, uning shaxs faoliyatiga ta'siri va maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda turli faoliyatlarni integratsiyalash orqali mas'uliyat tuyg'usini shallantirish modeli haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: integratsiya, mas'uliyat, mas'uliyatlilik, faoliyat, sintez, model, bola.

Аннотация

В статье представлена информация о значении понятия интеграции, его влиянии на личностную деятельность и модели развития чувства ответственности путем интеграции различных видов деятельности у детей дошкольного возраста.

Ключевые слова: интеграция, ответственность, активность, синтез, модель, ребенок.

Annotation

The article provides information on the meaning of the concept of integration, its impact on personal activity, and the model of developing a sense of responsibility by integrating various activities in children of preschool age.

Keywords: integration, responsibility, responsibility, activity, synthesis, model, child.

Zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotda "integratsiya" atamasi va ushbu masalani amalga oshirish dolzarb ahamiyat kasb etib, pedagogika, psixologiya, falsafa, iqtisodiyot, sotsiologiya va boshqa shu kabi fanlar tadqiqot obyekti bo'lib kelmoqda.

Jumladan, integratsiya muammosi tadqiqining falsafiy sharti – tabiat, jamiyat, ilm-fan tomonidan aks ettirilgan hodisalarning o'zaro bog'liqligini aniqlash zaruratidir. Ilm-fanning o'zaro bir-biriga uzviy bog'liqligi, bir-birini to'ldirishi tabiatning obyektiv dialektikasini aks ettiradi, bu tabiatning yagona va ajralmas ekanligini ko'rsatadi.

Falsafada "integratsiya" atamasi tahlili shuni ko'rsatadiki, hodisalar to'plami yaxlitlikni paydo qiladi, unda ilgari mavjud bo'lgan mustaqil qism esa to'plamning bir qismiga aylanadi. U ichki birlashgan integral yaxlitlikning komponenti sifatida faoliyat yuritadi. Bu yerda integratsiya – dunyoqarashni shakllantirish dunyo yagonaligining uyg'unligi va birligiga tayanadi.

Psixologik hodisa sifatida integratsiya psixologik nazariyaning rivojlanish prinsipi sifatida namoyon bo'lishi mumkin, bu faol o'zaro ta'sirning tobora murakkab shakllariga olib keladigan aloqalar tizimini rivojlantirish jarayonidir.

Umumiy holda, integratsiya (lotinchada integratio – tiklash, to'ldirish, integer – butun so'zidan olingan) ma'lum bir holatga erishishni ta'minlaydigan ichki guruh jarayonlarining iyerarxik ravishda tashkil etilgan to'plamini anglatadi [1, 140-142]. Bu tarkibiy qismlarning muntazamliligi, izchilligi, ular o'rtasidagi aloqalari va faoliyatining barqarorligi, uzluksizligi hamda shu kabilar bilan ajralib turadigan psixologik birlik, yaxlitlikni ko'rsatadigan belgilardir.

Tabiiy ravishda savol tug'iladi: maktabgacha yoshdagi bolalik davrida mazkur darajada tushunchalarni o'zlashtirish mumkinmi? Maktabgacha yoshdagi bolalarning umumiy tushunchalarni o'zlashtirish jarayonida fanlararo assotsiatsiyaga tayanishlar o'rinlimi?

Tafakkur rivojlanishini yosh davrlariga xos belgi sifatida ko'rib chiqadigan bo'lsak, ba'zi xorijiy psixologlar maktabgacha yoshdagi bolaning fikrlashi tabiiy ravishda mantiqsiz, hayratlanarli deb hisoblashadi. Xususan, A. Vallon, Y. Misho, J. Piaje va boshqalar maktabgacha yoshdagi bolalar mantiqiy fikrlay olmaydilar deb hisoblaydilar [2, 402].

Xullas, taqqoslash, xulosalar chiqarish qobiliyati aqliy faoliyatning umumiy usuli sifatida alohida amalni talab etmaydi. Tafakkur jarayoni uchta majburiy bog'lanishni o'z ichiga oladi:

I sintez – dastlabki (muammoni yaxlit sifatida idrok etish);

II sintez – tahlil (vazifani qismlarga ajratish, shart va berilganlarni ajratish);

III sintez – ikkilamchi (yechim, muammoning yangi tushunchasi)

Maktabgacha yoshdagi bolaning tafakkur jarayoni I sintezdan II sintezga o'tadi. Tahlil – fikrlashning eng muhim qismi. Maktabgacha yoshdagi bolalar predmetning qandaydir belgisini qismlarga yoki umumiy shartlarga keltira oladi. Birgina yorqin elementdan boshlab, maktabgacha yoshdagi bola osongina izlangan bog'lanishlarni o'rnatadi. Shubhasiz, ushbu qoidaga tayangan holda, maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berishning yaxlit jarayonini qurish zarur.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni maqsadli o'qitish orqa-

li ularda kuzatish, xulosalar chiqarish qobiliyatini shakllantirish mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga imkon beradi. Bolalar obyekt-hodisalarda eng muhim xususiyatlarni izlashni va o'rnatishni o'rganadilar, muhim bog'liqliklarni topadilar, ular o'rtasidagi aloqalarni o'rnatadilar, natijada fikrlashning mantiqiy shakllari tezda rivojlanadi, individual aqliy amallari – taqqoslash, tasniflash, umumlashtirish asosida tafakkur jarayonlari takomillashib boradi.

Maktabgacha ta'lim jarayonida fanlararo assotsiatsiyalar imkoniyatlaridan foydalanish muammosi tadqiqida shuni alohida ta'kidlash muhimki, ushbu jarayonda maktabgacha yoshdagi bolalarda boshqalarga nisbatan oldin funksional aloqalar paydo bo'ladi. Ushbu turdagi aloqalar assotsiatsiyalar asosida predmetlarning mo'ljallariga, funksiyasiga, imkoniyatlariga ko'ra o'rnatilgan bo'ladi. Ushbu yoshdagi bolalar uchun makon va vaqtga bog'liqlik aloqalarni o'rnatish qiyin kechadi, chunki ular yashirin bo'lib, hissiy amaliy tajriba orqali unga erishib bo'lmaydi.

Demak, maxsus tashkil qilingan tizimlararo, tizimlar ichra va xususiy tizimlar assotsiatsiyasiga tayanadigan integrallashgan ta'lim maktabgacha yoshdagi bolalarda mantiqiy tafakkur shakllarini rivojlantirishda, talab etiladigan turli fan sohalaridan bilimlar va umumiy tushunchalarni dinamik tarzda o'zlashtirilishida keng imkoniyatlar eshigini ochadi. Ishlab chiqilgan integratsiyaning psixologik asoslari maktabgacha ta'lim muassasasida ta'lim jarayonini amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

O'tgan asrdagi pedagogika va psixologiya sohasidagi tadqiqotlar maktabgacha ta'lim muassasalari uchun dastlabki ta'lim-tarbiya dasturlarini ishlab chiqishning asosini tashkil etdi, ularda tarqoq ta'lim sohalarini sintezlashga urinishlar ko'zga tashlandi.

Yetmishinchi yillarga kelib vazifalar o'zgardi, ularni hal etishda fanlararo bog'lanishlarga e'tibor qaratish, ya'ni: dunyoqarashning yaxlitligini shakllantirish; hayot faoliyati jarayoniga bilimlardan foydalanish; ta'lim tizimida tabiat va ijtimoiy hayotni tabiiy yaxlitligini modellashtirish;

bolaning tabiat olamiga faol va ongli ravishda kirishishi talablari qo'yila boshlandi.

Mazkur bosqichning ta'lim integratsiya tarixida muhimligi, uni didaktika tamoyili sifatida tushunishdan iboratdir. Ta'lim jarayonida haqiqiylikni aks ettirish, fanlararo obyektiv dunyoning qonuniyligini ifodalash bo'ldi.

Shakl (fanlararo bog'lanish) va yangi mazmun (didaktik tamoyil) o'rtasidagi qarama-qarshilik qonuniy ravishda shaklning o'zgarishiga olib keldi: 80-yillarda fanlararo bog'liqlik tushunchasi o'z o'rnini integratsiya tushunchasiga bo'shatib berdi.

80-yillardan integrativ jarayonlarni rivojlanish bosqichi – integratsiya bosqichi boshlandi.

Bugungi kunda pedagogikada "integratsiya" tushunchasi yaxlit murakkab obyektning tavsiflanishida foydalaniladi yoki tizimning alohida tabaqalashtirilgan funk-

siyalari bog'lanish holati hamda turli tizimlardan yaxlitni yaratishda ishlatiladi. Integratsiya yaxlit butun va jarayon sifatida tarkibiy qismlarning yig'indisi emas, balki maqsad, faoliyat, munosabat va shu kabilar integratsiyasi asosida paydo bo'ladigan sifat nuqtai nazaridan yangi tashkiliy holatdir.

Pedagogik integratsiya faqat pedagogik vositalar, pedagogik maqsadlar uchun munosabatlar va bog'lanishlar jarayonini o'zida namoyon etadi. Integratsiya uchta aspektida ko'zga tashlanadi:

1. Tamoyil sifatida – yetakchi g'oya rivojlanishni zamonaviy bosqichining o'ziga xosligini aks ettiradi, agarda u amalga oshirilsa, ilmiy va pedagogik faoliyatda yuqori ijobiy natijalarga erishilishini kafolatlaydi.

2. Jarayon sifatida – obyektlar va faraz etilayotgan natijalarga mos ravishda yaxlit yangi tizimni yaratish o'rtasidagi bevosita bog'lanishlarni o'rnatish.

3. Natija sifatida – bir biri bilan o'zaro bog'lanish asosida obyektlar kasb etadigan shakllar (integrallashgan mashg'ulot, modulli ta'lim va shu kabilar) yuzaga keldi.

Maktabgacha yoshdagi bolalik davridan boshlab shaxsiy mas'uliyatini namoyon eta oladigan, tashqi ta'sirlarga nisbatan o'z mustaqil pozitsiyasiga ega bo'lgan mas'uliyatli, irodasi baquvvat insonni tarbiyalash, ijtimoiy faol shaxsni shakllantirish muammosi juda ham dolzarbdir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda faoliyatlar integratsiyasi asosida mas'uliyatlilikni va ijtimoiy faollikni shakllantirish texnologiyasini ishlab chiqishda motivatsion, intellektual va irodaviy komponentlarni rivojlantirishga tayanish lozim bo'ladi. Mazkur texnologiya asosida maktabgacha ta'lim muassasalari ta'lim jarayoniga mazmunli va foydali tomonlar integratsiyasini kiritish maqsadga muvofiqdir. Nazarimizda bu:

ilgari tarqoq bo'lgan faoliyat turlarini yagona maqsadga erishishda birlashtiradi va shu bilan bolalarning mas'uliyatlilikka yo'naltirilgan faoliyatlari uchun motivatsiya o'yg'otadi. Xususan, ekologiya bilan tasviriy faoliyat integratsiyasi bolalarning qiziqishlariga stimull berib, faoliyatlari davomida aniq bir natijaga erishish uchun tashabbuskorlik va mas'uliyatlilikka asoslangan imkoniyatlar eshigini ochadi; bolalarning faoliyat natijalariga mazmundorlik va samaradorlikni taqdim etgan holda, o'z faoliyatidan qoniqish, rag'bat va keyingi faoliyat turlari uchun stimull uyg'otadi;

maktabgacha yoshdagi bolalar uchun xos bo'lgan faoliyat turlarini uyg'unlashtirish bolalar faoliyat ko'rinishlarining qiziqarlilik va kreativlik ko'rsatkichlarini mukammallashtiradi. Xususan, bolalarning o'yin, bilish va mehnat faoliyatlarini topshiriqlar tizimi bilan original uyg'unlashtirish yoki kombinatsiyalash maktabgacha yoshdagi bolalarda yangi va qiziqarli bo'lgan faoliyat turiga jalb etish imkoniyatini beradi;

bolalar jamoasini aniq bir topshiriqlar tizimi bilan tanishtirish, vazifalarni taqsimlash, bajarilishi lozim bo'la-

gan vazifalar mazmunini tushuntirish va stimuly berish mas'ulitililikni shakllantirishning dastlabki bosqichi bo'lib, ushbu bosqichdagi vazifalarning aniq bajarilishi faoliyat samaradorligini ta'minlaydi;

asosiy bosqichda bolalarning topshiriqlarni sidiqidildan, jahd bilan bajarishga kirishishlariga erishish, ularning asosiy maqsaddan chalg'imasliklari uchun asosiy maqsadni eslatib turish mas'uliyatlilik mezonlaridan bo'lmish jidd-u jahd va sobitqadamlilikka erishishga imkon beradi;

faoliyat yakunida mashg'ulot ishtirokchilaridan har birining faoliyati va ishtiroki tahlil qilinishi, o'ziga xos yutuqlari e'tirof etilishi, kamchiliklar yoki mag'lubiyatning ham o'ziga xos natija ekanligi qayd etilishi tarbiyalanuvchilarning o'z faoliyat va xatti-harakati uchun javobgarlik hissini oshirishga hamda irodaviy sifatlarini mustahkamlashga yordam beradi.

Maktabgacha yoshdagi faoliyat turlari tahlili, ushbu faoliyat turlarini integratsiyalash asosida ularda mas'uliyatlilikni shakllantirish borasida olib borgan izlanishlarimiz asosida "Maktabgacha yoshdagi bolalarda faoliyatlar integratsiyasi asosida mas'uliyatlilikni shakllantirish modeli"ni ishlab chiqishga harakat qildik.

Modelning asosiy maqsadi: maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilari faoliyat turlarini integratsiyalash asosida mas'uliyatli shaxsni shakllantirish.

Modelning asosiy komponentlari: shaxs (tarbiyachi va tarbiyalanuvchilar), mas'uliyat, maktabgacha yoshdagi bola faoliyat turlari, faoliyat turlari integratsiyasiga asoslangan mashg'ulotlar.

Modelni amalga oshirishda quyidagi tamoyillarga amal qilinadi:

1. Tarbiyaviy ta'sirlarning tizimliliigi.
2. Integratsiyalashgan mashg'ulotlarning izchilligi va uzluksizligi.
3. Shaxs faoliyat turlarining integratsiyalashuvi.
4. Shaxs mas'uliyatlilikini shakllantirishda faoliyat turlariga tayanish.
5. Aniq maqsad sari jarayon subyektlarining yakdillikdagi harakati.

Modelni amalga oshirishda quyidagi manbalarga tayaniladi: badiiy adabiyot, tabiat, xalq o'yinlari, shaxslararo munosabat va ijtimoiy muhit.

Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchisida faoliyat turlari integratsiyasi asosida mas'uliyatlilikni shakllantirish modelini amalga oshirishda quyidagi strategiya asosida harakat qilinadi:

1-bosqich – motivatsion jarayon:

1. Tanishtirish.
2. Taqsimlash.

3. Tushuntirish.
4. Stimuly berish.

2-bosqich – intellektual va irodaviy jarayon:

1. Faoliyat turlarini integratsiyalash.
2. Vazifalarni bajarishga kirishish.
3. Maqsad sari yakdillikdagi harakat.
4. Jarayon har bir ishtirokchisining o'z vazifasini

mas'uliyat bajarishiga erishish.

3-bosqich – yakuniy – natijaviy-tahliliy jarayon:

1. Natijalar tahlili.
2. Yutuqlar e'tirofi.
3. Mag'lubiyat ham natija – kamchiliklar tahlili.
4. Xatolarni tuzatishga kirishish.

Natijaviy-tahliliy jarayonda jarayon ishtirokchilari faoliyati natijasi tahlil qilinadi va ishtirokchilarda mas'uliyatlilikning shakllanganlik darajasi quyidagi mezonlar asosida aniqlanadi:

1. Refleksiya.
2. Maqsad sari intilish va tashabbuskorlik.
3. Sobitqadamlilik va intizomlilik.
4. Javobgarlik.
5. Har bir mashg'ulot yakunida kamchiliklar aniqlangan holatda kamchiliklar va yo'l qo'yilgan xatoliklar tuzatib boriladi.

MTTlarda mas'uliyatlilikni shakllantirishga qaratilgan mashg'ulotlar tizimini ishlab chiqish va tashkil etishda quyidagilarga amal qilish jarayonning samarali bo'lishini ta'minlaydi:

- dastlabki bosqichda motivatsion jarayon to'g'ri tashkil etilsa;
- asosiy mazmunni mustahkamlash bosqichida aksariyat integrallashgan mashg'ulotlardan foydalanilsa;
- pedagoglar ta'lim-tarbiya jarayonida ijodiy yondashuvni amalga oshirib, undan foydalanishda metod, vosita va ta'lim usullarini variativligini ta'minlansa;
- bolalar mashg'ulot jarayonida asosiy maqsaddan chalg'imasliklari uchun muntazam eslatib turilsa;
- mashg'ulot yakunida har bir ishtirokchi yutuq va kamchiliklari albatta tahlil qilinsa, rag'batlantirilsa va mag'lubiyat ham samaradorlik omili sifatida tahlil qilinsa [3, 65].

Xulosa sifatida aytish mumkinki, yuqorida ko'rsatib o'tilgan talablar asosida tashkil etilgan jarayonda bola ongida dunyoni idrok etish, anglash, tushunishini ta'minlovchi yaxlit yondashuv ro'y beradi. Alohida yo'nalishlarda tashkil etiladigan mashg'ulotlarda emas, balki mujassamlashgan faoliyat jarayonida bolaning irodaviy sifatlarini uyg'otish, individual yashirin jihatlariga stimuly berish, ahdda qat'iylik asosida mas'uliyatlilikni shakllantirishga imkon beradi

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Петровского А.Б., Ярошевского. М.Г. – М.: Политиздат, 1990. – 494 с.
2. Пиаже Ж. Избранные психологические труды / Ж. Пиаже. – М.: Междунар. пед. акад., 1994. – 680 с.

3. *Mavlonova R.A. Boshlang'ich ta'limning integratsiyalashgan pedagogikasi. – T., 2005. – 104 b.*
4. *Muhammadiyeva M.M. “Boshlang'ich sinf o'quvchilarida faoliyatlar integratsiyasi jarayonida mas'uliyatlilikni shakllantirish metodikasi” Ped.fan.fal.dok. ... diss. – Q.: 2021-141 b.*
5. *Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). – T.: Iste'dod, 2008. – 180 b.*
6. *G'afforova T. Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar. – T.: Fan va texnologiyalar, 2012. – 325 b.*

FIZIKA FANINI O'QITISHDA ILG'OR PEDAGOGIK VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH KO'NIKMALARI

Shokir Berdiyev,

Chirchiq davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada fizika fanini o'qitishda innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalarning o'rni haqida so'z boradi. Muallif pedagogik ma'lumotlarga tayanib, mavjud ilmiy adabiyotlar asosida muammoni tahlil qilgan va fizika fanini o'qitishda axborot texnologiyalarning o'rni bo'yicha mavjud o'ziga xos jihatlarini o'rgangan.

Kalit so'zlar: texnologiya, innovatsiya, fizika, pedagogik texnologiyalar.

Аннотация

В данной статье говорится о роли инновационных педагогических и информационных технологий в обучении физике. Опираясь на педагогические данные, автор проанализировал проблему на основе имеющейся научной литературы и изучил конкретные аспекты роли информационных технологий в обучении физике.

Ключевые слова: технология, инновации, физика, педагогические технологии.

Annotation

This article talks about the role of innovative pedagogical and information technologies in teaching physics. Based on pedagogical data, the author analyzed the problem on the basis of existing scientific literature and studied the specific aspects of the role of information technology in teaching physics.

Keywords: technology, innovation, physics, pedagogical technologies.

Fizikani o'qitishda innovatsion faoliyatni tashkillashtirish o'qituvchilarga axborot uzatishning eng samarali usul va vositalari hisoblangan virtual ma'ruza, tajriba stendlarini yaratish hamda ulardan dars mashg'ulotlarida foydalanishni ta'minlash lozim. Bu yangi bilimlarga ega bo'lish va turli xil masalalarni hal etishga imkon beradi. Shu bilan birga, o'qituvchilarning tayyorgarlik darajasini baholaydi. O'quv maqsadiga ko'ra, muammolarni tanlaydi, uni hal etishda axborot va dasturiy jihatdan qo'llab-quvvatlashni amalga oshiradi, ularning javobini qabul qiladi, tahlil etadi, baholaydi.

Innovatsion texnologiyalarning bu tamoyilida o'qituvchilar bilish faoliyatini boshqaruvchi qurilmalar ketma-ketligi yaratiladi. Pedagog mavzuni o'zlashtirishga oid dastlabki yo'llanmalar yaratadi va zarur bo'lgan murakkab holatlarda ularga individual tartibda yordam ko'rsatib, mutaxassis bilan hamkorlikda mavzuni kompyuter yordamida o'zlashtirish dasturini tuzadi. Zamona-viy axborot texnologiyalari o'qituvchilarga axborotning noan'anaviy manbalariga kirib borishning cheksiz imkoniyatlarini ochib beradi, mustaqil ishlashning samaradorligini oshiradi. Ijod qilish, yaratish va turli kasb malakalarini mustahkamlash uchun mutlaqo yangi imkoniyatlar beradi, voqealar hamda jarayonlarning konseptual va matematik modellarini tuzish vositalarini qo'llagan holda, o'qitishning yangi shakllari va usullarini amalga oshirish imkonini beradi [1, 15].

O'quv modelini tuzish o'rganilayotgan obyektning aniq tasavvur etish va o'qituvchilarda o'qitishning bu shakliga nisbatan qiziqish orttirishga, shuningdek, o'quv materialini yanada chuqurroq o'zlashtirishga yordam beradi.

O'qitishning axborot texnologiyalari pedagogga o'quv ishlarining alohida turlari kabi ularning har qanday yig'indisini qo'llash, pedagogga moslangan instrumental vositalar unga yangi bilimlar va texnologiyalar paydo bo'lishi bilan muvofiq ravishda o'quv, nazorat qiluvchi dasturlar mazmunini tezkorlik bilan yangilash imkonini beradi.

Pedagoglar telekommunikatsiya tarmoqlari orqali turli xil axborotlarni oladilar, shuningdek, amalda jahondagi o'z hamkasblari bilan muomala qilishning noyob imkoniyatlariga ega bo'ladi. Bu kasbga oid muammoli, birgalikda o'quv-uslubiy va ilmiy ishlarni bajarish, o'quv ishlanmalari, kompyuter dasturlari, ma'lumotlarni ayriboshlash uchun ham juda yaxshi sharoitlar yaratadi [2, 25].

O'qitishning yangi axborot texnologiyalari fizikani o'qitishda amaliy va laboratoriyaga oid bilimlarning samaradorligini oshirish, o'qituvchilar bilimni tekshirishning xolisligini amalga oshirish, o'zlashtirishni oshirish, fizikaviy lug'at zaxirasini to'plashning tezligini oshirish, ularning axborot saviyasini kengaytirish, mikro va makro dunyosidagi voqealar va jarayonlarni, ichki murakkab texnik, biologik tizimlarni o'rganish uchun tasavvur hosil qilish, o'quv jarayoniga qimmat turadigan, noyob asbob-uskunalarning o'rnini bosuvchi kompyuter modellardan foydalangan holda, mashg'ulotlar, laboratoriya ishlarini joriy qilish imkonini beradi.

O'quv jarayonini axborotlashtirishni dasturiy va uslubiy ta'minlash EDMni qo'llashning quyidagi yo'nalishlariga bo'linadi: bilimlarni nazorat qilish; vazifalarni hal etish bo'yicha trenajyor; o'quv materiallari to'g'risidagi axborot-ma'lumotnoma tizimlarini qo'llash; pedagog dasturlardan foydalanish; modellashtiruvchi dasturlar,

chizma o'quv ma'lumotnoma tizimlari, o'yinlari, matn muharrirlari bilan ishlash; o'quv-modellashtirish muhiti, multimedia tizimlaridan foydalanish.

Multimedia mahsulotlari ta'lim tizimidagi o'quv faoliyatining turli shakllarini axborot bilan qo'llab-quvvatlash uchun mo'ljallangan. Ular: fanlar bo'yicha ma'ruzalar o'qish (kompyuterdan mavzuga oid sonli, chizma va boshka ko'rgazmali materiallarni ko'rsatish uchun "E'lonlarning elektron doskasi" dan foydalanish); amaliy mashg'ulotlar o'tkazish. Multimedia-materiallar bakalavr o'qituvchilar tomonidan o'rganilayotgan darsga oid mantiqiy vazifalarni mustaqil echish malaka va qobiliyatlarni egallashning vositasi sifatida foydalaniladi. Laboratoriyalarda bakalavr o'qituvchilar qiyin namoyon bo'ladigan jarayonlar va ko'rinishlar: atom yadrosining parchalanishi, kristallarning o'sishi va shakllanishi, astronomik ko'rinishlar, konstruktorlik ishlanmalarni kuza-tish imkonini beradigan kompyuterda modellashtirish vositalaridan foydalanadilar; imtihonlar, kurs va diplom ishlarini himoya qilish kabilarda bakalavr o'qituvchilarning bilim hamda qobiliyatlarini nazorat qilish; ilmiy va kasbiy malakani oshirishga yo'naltirilgan ilmiy-uslubiy seminarlar, konferensiyalar va ko'rgazmalar o'tkazish; multimediadan masofali o'qitishda foydalanish.

Multimedia tizimi: materiallarni o'zlashtirish tezligini mustaqil boshqarish imkonini beradi; kasbiy malaka va qobiliyatni mustahkamlovchi alohida hollarni ko'p marta takrorlash imkonini beradi; mustaqil, matn, multiplikatsiya jo'rligida bakalavr o'qituvchilarga ularning bilim va intellektini rivojlantirib, boyitib kuchli ruhiy ta'sir etadigan jahon adabiyoti, me'morchilik, haykaltaroshlik durdonalari, shuningdek, tarixiy qadriyatlarni ommalashtiradi.

Hozirgi zamon axborot texnologiyalarining asosini quyidagi uchta texnika yutug'i tashkil etadi:

- magnit lentalar, kinofilmlar, magnit disklar kabilarning paydo bo'lishi;

- axborotni er sharining istalgan nuqtasiga vaqt va masofa bo'yicha muhim cheklashsiz etkazilishini ta'minlovchi aloqa vositalarining rivojlanishi, aholini aloqa vositalari bilan keng qamrab olinishi (radio eshittirish, televideniye, ma'lumotlarni uzatish tarmoqlari, yo'l-dosh aloqa, telefon va internet tarmog'i kabilar);

- axborotni kompyuterlar yordamida berilgan algoritm bo'yicha avtomatlashtirilgan ishlab chiqish imkonini (saralash, tasniflash, kerakli shaklda ifodalash, yaratish va h.k.) [3, 22].

Hozirgi zamon axborot texnologiyalarini amalga oshirishning eng muhim misollari videotekst, teletekst, elektron pochta kabi sistemadir. Kompyuter texnikasi hozirgi vaqtda tezkorlik bilan rivojlanmoqda. Bu, eng avvalo, operativ xotira hajmi (2 Gb.dan ortiq), vinchesterli disketlar tashqi xotirasi hajmi (500 Gb.) kabi texnik xarakteristikalarining yangilanishiga xos bo'lib, ularda tezkorlik oshmoqda. Bundan tashqari, lazerli printerlar, yuqori hal etish

qobiliyatiga ega bo'lgan rangli monitorlar, bosma plotterlar keng tarqaldi. Video va optik disklardan foydalanish matnli grafik axborotni bir vaqtda birgalikda yozish imkonini beradi, shu bilan birga, uni qayta tiklashda yuqori sifatli tasvir hosil bo'ladi. Magnit yozuvdan farqli o'laroq, optik disklardagi yozuv istalgan sondagi qayta tiklashlarda ham yomonlashmaydi. Kompyuterlar ishining programma-matematik ta'minoti yuqori texnologik ishlab chiqarish taraqqiyotining muhim yo'nalishi bo'lmoqda.

Elektron pochta qog'ozsiz pochta aloqalari xizmatidan iborat bo'lib, aslida hujjatli xabarlarini to'plash, ishlab chiqish va taqdim etish hamda ma'lumotlarni uzatish tarmoqlari sistemasidir. Uning asosida aholiga elektron gazeta va jurnallar kabi axborot xizmati ko'rsatish amalga oshirilgan.

Telekonferensiyalar zamonaviy axborot texnologiyalarining amalga oshirilishiga misol bo'la oladi. Uni o'tkazish uchun quyidagi apparaturadan foydalaniladi: terminallar, televizion kameralar, videomagnitofonlar, kompyuterlar, grafik displeylar, katta namoyish ekranlari. Telekonferensiyalarning afzalliklari quyidagilardan iborat: dolzarb masalalarning muhokama etilishini tezkorlik bilan tashkil etish imkoniyati; muhokama uchun istalgan rasmi materiallardan (grafiklar, chizmalar, matnlar va h.k.) foydalanish imkoniyati; turli masalalarni muhokama etishda ishtirok etuvchi mutaxassislar doirasini juda kengaytirish imkoniyati; xalqaro ma'lumotlar banklaridagi istalgan axborotlardan foydalanish imkoniyatiga ega ekanligi.

Ma'lumki, hozirga zamon texnik vositalari masofadan turib mukammal aloqani ta'minlaydi, ya'ni og'zaki va noog'zaki kommunikatsiyalardan foydalanish imkoniyati mavjud. Masofadan turib ta'lim berish kompyuter telekommunikatsiyalarini zamonaviy texnik vositalardan foydalanishga asoslanadi. Masofadan turib ta'lim berish axborot bazasini boyitish, bakalavr o'qituvchilar bilan muassasa o'rtasidagi o'zaro munosabatni jadallashtirish, ta'limning metodik boyligini to'ldirish imkonini beradi. Masofadan turib ta'lim berishni tashkil etishning asosiy manbalari quyidagilar hisoblanadi: o'quv axborotini bakalavr o'qituvchilarga etkazish; pedagog bilan o'zaro aloqani amalga oshirish; zaruriyatga qarab masofadan turib guruhda ishlashni ta'minlash. Masofadan turib ta'lim berishni amalga oshirish, tashkiliy, metodik o'quv, axborot-texnik, moliyaviy va ishlab chiqarish tadbirlari majmuini talab etadi. Uni samarali amalga oshirish uchun birinchi bosqichda bir yoki bir necha ta'lim muassasalari huzurida masofadan turib ta'lim berishning butun texnologiyasi ishlanadigan masofadan turib ta'lim berishning pilot markazlarini tashkil etish zarurdir.

Fizika fani bizni atrofimizdagi dunyoni, nafaqat dunyoni, boringki butun texnologiyani qanday ishlashini tushunishga yordam beradi. Shuningdek, fizika bizga koinotni tartibga solishga yordam beradi. U asoslar bilan shug'ullanadi va bir-biriga o'xshamaydigan hodisalar

o'rtasidagi bog'liqlikni ko'rishga yordam beradi. Fizika bizga ijodkorlikni ifoda etishga, dunyoni yangicha ko'rishga va keyin uni o'zgartirishga yordam beradigan kuchli yo'nalishlar beradi. Fizika ma'lumotni tahlil qilish va fan, muhandislik va tibbiyot, shuningdek, iqtisod, moliya, menejment, huquq va davlat siyosatidagi muammolarni hal qilish uchun zarur bo'lgan miqdoriy va analitik ko'nikmalarni beradi. Fizika eng zamonaviy texnologiyalarning asosi bo'lib, ilmiy, muhandislik va tibbiy tadqiqotlar va ishlanmalarda ishlatiladigan asboblardan va asboblardan uchun asosdir. Ishlab chiqarishda fizikaga asoslangan texnologiyalar ustunlik qiladi [4, 13].

Malakali fizika o'qituvchilari bo'lmagan maktablar o'z o'quvchilarini kelajakda ular erishishi mumkin bo'lgan hurmatli va yaxshi maosh oladigan kasblardan uzib qo'yadi. Fizikani o'qiyotgan talabalar SAT, MCAT va GRE testlarini yaxshiroq bajaradilar. Fizika mutaxassisliklari MCATda nisbatan yaxshiroq ishlaydi. Chunki ushbu elektron vositalar ta'lim muassasalarida fanni o'qitishda fizik jarayonlarni, elektron darsliklar, animatsiyalar, virtual laboratoriya va tajribalarni tinglovchilarga dars davomida ko'rsatib borilmoqda. Jumladan, Favqulodda vaziyatlar vazirligi Akademiyasida ham ta'lim jarayonida mavjud barcha fanlarning, ma'ruza laboratoriya va amaliy mashg'ulotlarida yangi zamonaviy texnologiyalar va asbob-uskunalar, ya'ni raqamli o'lchash asboblari, virtual laboratoriyalar, animatsiyalar, elektron darsliklar hamda ular asosidagi multimedia vositalardan foydalanish keng yo'lga qo'yilgan va undan tashqari, veb saytlarning samarali tashkil qilinishi, ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirishda ham maktabda o'tkazilayotgan turli xil ilmiy-amaliy, ma'naviy-ma'rifiy anjumanlarning ahamiyati katta bo'lmoqda.

Fizika bo'yicha mutaxassislik nafaqat fizika, balki barcha muhandislik va axborot/informatika fanlari bo'yicha aspiranturaga mukammal tayyorgarlikni ta'minlaydi; hayot fanlari, shu jumladan, molekulyar biologiya, genetik va neyrobiologiya; er, atmosfera; iqtisod va moliya; davlat siyosati va jurnalistikada asqatadigan sohadir. Siz fizikasiz muhandis yoki shifokor bo'lolmaysiz; o'qituvchilik bilan shug'ullanish ehtimoli kamroq; sizning video o'yinlaringiz zerikarli bo'ladi va animatsion filmlaringiz haqiqiy ko'rinmaydi; global isish haqidagi siyosat qarorlaringizning unchalik ahamiyatli bo'lmaydi. Fiziklar uchun maxsus so'raladigan ish e'lonlari soni, masalan, muhandislarnikidan kichikroq bo'lsa-da, fizika bo'yicha malakaga ega bo'lganlar uchun mehnat bozori har xil va har doim kuchli. Fizika miqdoriy, tahliliy tafakkurni rivojlantirganligi sababli, fiziklar boshqa texnik mutaxassislariga qaraganda yuqori boshqaruv va siyosat lavozimlarida bo'lish ehtimoli ko'proq. Hammamiz, shu jumladan, professional fiziklar ham o'rta maxsus ta'lim tizimidagi fizika kurslarini qiyin deb bilamiz, chunki ular bizdan ko'plab tushunchalar va ko'nikmalarni o'zlashtirishni talab qiladi. Bu shuni anglatadiki, tarix, psixologiya yoki

kompyuter dasturlash kabi boshqa fanlarga qaraganda, fizikani kollejdandan keyin (mustaqil yoki ish joyida) o'rganish ancha qiyin.

Bugungi kun fizika o'qituvchisi oldida turgan dolzarb muammolardan biri ta'limning zamonaviy texnologiyalarini loyihalash va uni o'qitish amaliyotida qo'llashdir. Fizika o'qituvchisi o'quvchilarga fizika fanidan zaruriy bilimlarni beribgina qolmay, ularda fanga nisbatan qiziqish uyg'ota olishlari kerakki, natijada bu sohada yaxshi mutaxassis, etuk kadrlar etishib chiqishiga erishilsin. O'qituvchi o'tgan har bir dars boshqa darsdan farq qilishi, bugungi o'tiladigan dars kechagisiga nisbatan mukammal bo'lishi kerak. Darsni yangi pedagogik texnologiyalar:

- axborot vositalaridan foydalanib;
- ko'rgazmali qurollari yordamida;
- interfaol metodlarni qo'llash orqali va h.k.lardan foydalanib tashkil etsak, bu dars o'quvchi ongiga yaxshi etib boradi va xotirasidan joy oladi. O'quvchining ilmiy dunyoqarashi kengayib, bilim darajasi ortadi.

An'anaviy ta'limdan farqli zamonaviy ta'limni tashkil etishdan maqsad ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt ichida muayyan nazariy bilimlarni o'quvchilarga etkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o'quvchilar faoliyati, bilimni nazorat qilish, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini baholash fizika fani o'qituvchisidan katta pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga yangicha yondashishni talab etadi [5, 68].

Hozirgi kunda dunyoning ko'plab rivojlangan mamlakatlarida o'quvchilarning ilmiy faoliyatini, ijodkorligini oshiruvchi va shu bilan bir qatorda, ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini kafolatlovchi yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llash borasida katta tajriba to'planagan. Shu tajriba asosini tashkil qiluvchi metodlar interfaol metodlar nomi bilan yuritilib, bu metodlarni dars jarayoniga qo'llay bilish bugungi zamon fizika o'qituvchisi zimmasiga yuklatilgan yuksak vazifadir. Pedagogik texnologiyaning muvaffaqiyatli loyihalashini va yakuniy natija (samara)ning kafolatlanishi o'qituvchining didaktik masalalar mohiyatini anglab etish darajasi va darsda ularni to'g'ri baholay olishiga bog'liqdir. Har bir o'tiladigan darsda ta'limning aniq maqsadining belgilanishi o'qitish texnologiyasini loyihalashda muhim shartlardan biri sanaladi. Bunda fan mavzulari bo'yicha o'qitishning tashxislanuvchi maqsadi aniqlanadi.

Fizika fan sifatida o'tilgan vaqtdan boshlab fanning ma'lumotlar bazasi ko'payib katta hajmi tashkil etmoqda va u yuqori tezlikda yil sayin boyib boryapti. Shu sababdan fizikani o'tish jarayonida faqat zaruriy axborotlarnigina tanlab olish va o'quvchining o'zlashtirish qobiliyatlariga mos holda ma'lumotlar hajmini miqdoriy o'lchamga keltirish zarur. Ta'lim tizimida multimedial

elektron o'quv adabiyotlar, ma'ruzalar virtual laboratoriya ishlari, har xil animatsion dasturlar, slaydlar yaratishda kerak bo'ladigan maxsus dasturlar hisoblanadi. Ta'lim tizimida yuqorida keltirilgan dasturlarda tayyor modellar mavjud bo'lib, bunda foydalanuvchi boshlang'ich parametrlarni kiritib bir necha turkum ishlar (laboratoriya, yong'in xavfsizligi masalalarini tahlil qilishda, taqdimot ma'ruzalarida animatsiyalar)dan keng foydalanishi mumkin. Fizik jarayonlarni modellashtirish imkoniyatini beradigan dasturlariga: MatCad, MatLab, Maple, Crocodile, Physics, Electronics Workbench va boshqa dastur paketlarini misol qilib keltirish mumkin. Axborot texnologiyalarning imkoniyatidan foydalangan holda, kompyuter modellaridan o'quv jarayonlarida foydalanish o'zining samarasini beradi.

Fizik jarayonlarni kompyuterda modellashtirish uchun axborot texnologiyada fizik bilimlardan keng foydalaniladi. Shuningdek, modellashtirishning o'ziga xos muhim tomonlari shundaki, turli xil asboblar tayyorlash shart emas, hodisalarni jonli va tabiiy ko'rinishda tasvirlash, tajribani oz fursat ichida istalgan paytda takrorlash, kuzatish qiyin bo'lgan va umuman kuzatilishi mumkin bo'lmagan jarayonlarni ham namoyish eta olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Kompyuter dasturini qo'llash orqali o'tilgan mashg'ulotlar oddiy mashg'ulotlardan ko'ra yaxshiroq samara beradi. Fizika fanini o'qitishda kompyuter dasturlaridan foydalangan holda, animatsiyali mashg'ulotlar olib borish o'qituvchi va tinglovchiga qulaylik yaratib, fizik jarayonlarning yuz berish mexanizmlari va bosqichlarini tushunib etishda yaxshi samara beradi. Fizik jarayonlar mexanizmlarini, ularni ma'ruza, amaliy va ayniqsa, tajriba mashg'ulotlarida namoyish etish va bu holatlarni kompyuter texnologiyalariga tayangan holda olib borish o'qitish jarayonida tinglovchilarga bilim berish va fan asoslariga doir ko'nikmalar hosil qilish samaradorligini oshiruvchi omillari bo'lib hisoblanadi.

Fizika fanini o'qitish jarayonida zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanish talabalarni idrok etishga olib keladi, mavzuni o'rganishga qiziqishni uyg'otadi, talabalarning ijodiy qobiliyatlarini yaxshilaydi. Kompyuter materiallari o'qituvchini to'ldirishi, yangilanishi, turmush tarzi bo'lishi mumkin bo'lgan yagona o'quv vositalarining zarur bir qismidir. An'anaviy ta'lim bilan

solishtirganda, innovatsion texnologiyalarni birlashtirishning afzalliklari xilma-xil. Ularga bilimlarni samarali sinovdan o'tkazishdan tashqari, ishlab chiqarish va mantiqiy fikrlashdan va boshqalarni sinab ko'rish va boshqalarga tegishli, uslubiy shakllarning xilma-xilligi bilan bog'liq bo'lishi mumkin. O'quv jarayoniga kompyuter texnologiyasini birlashtirish, siz quyidagilarni ta'minlashingiz mumkin:

Kompyuter bilan aloqaning o'ziga xos xususiyatlari va ixtisoslashtirilgan dasturlar bilan ishlashning o'ziga xos xususiyatlari tufayli konstruktiv, algoritmik fikrlash; aqlli o'quv tizimlari va modellashtirish dasturlari o'rtasida vazifalarni bajaradigan reproduktiv faoliyatning mazmunini o'zgartirib ijodiy fikrlashni rivojlantirish;

Kompyuter biznes o'yinlari jarayonida qo'shma loyihalarni amalga oshirishga asoslangan kommunikativ qobiliyatlarni yaratish;

Bugungi kunda ta'lim modernizatsiya jarayonlarini boshdan kechirmoqda. Ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplaridan biri – bu “ommaviy foydalanish imkoniyati, ta'lim tizimining ta'lim tizimiga moslashuvchanlik, talabalarni tarbiyalash va o'qitish” xususiyatlari.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqorida keltirilgan dasturlardan ma'ruza jarayonida qo'llash natijasida qisqa vaqt ichida kerakli axborotni tinglovchi va o'quvchilarga ko'rgazmali o'tkazish imkoniyati bor. Bu esa o'quv samaradorligini oshirishning muhim omili bo'lib xizmat qiladi.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida ta'lim muassasalarining moddiy-texnik va axborot bazasini zamonaviy talablar asosida shakllantirish, mustahkamlash va ularni takomillashtirish, o'quv jarayonlarini darsliklar, o'quv qo'llanmalari, uslubiy tavsiyanomalar va zamonaviy innovatsion texnologiyalar bilan ta'minlash masalalariga alohida ahamiyat berilgan. Bularni hal etishda ta'lim sifatini oshirish va bu borada zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish, raqobatbardosh o'qituvchilarni tayyorlash alohida ahamiyat kasb etadi.

Fizikani o'qitishda innovatsion faoliyatni tashkillashtirish o'quvchilarning kerakli bilimlar va etarli ko'nikma hosil qilishlarida o'quv laboratoriyalari ishini rivojlantirish, ularni eng zamonaviy qurilmalar bilan ta'minlash, virtual kompyuter texnologiyalarini keng qo'llash lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008. – 225 б.
2. Ta'lim bo'yicha axborot texnologiyalari: tadqiqotlar. O'qish uchun qo'llanma. Yuqori. Tadqiqotlar. muassasalar /. - 4-chi., Ched. – M.: “Akademiya”ning nashriyot markazi, 2008 yil. – 192 b.
3. Pedagogika: pedagogik nazariyalar, tizimlar, texnologiyalar: tadqiqotlar. Str uchun. Baland. va ommaviy axborot vositalari. Ped. Tadqiqotlar. Transport vositalari /, I.B. KOTOVA va boshqalar; Ed. - 5-chi., Ched. – M.: 2004-yil nashriyot markazi, 2004-yil. – 512 b.
4. Programs of educational institutions. Physics. Astronomy / Comp. Dick Yu.I., Korovin V.A. – M.: Enlightenment, 2000. – 287 b.
5. Erofeeva G. V., Tolmacheva N. D., Tyurin Yu. I., Chernov I. P. Fundamental nature of education is the basis of its quality // Reputation and quality. 2008. No. 11. – S. 68-70 b.

ТОЖИК ТИЛИДА ЭВФЕМИК МАЪНОЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Сурайё Самиева,
Термиз давлат университети**Аннотация**

Мақолада тожик тилшунослигида эвфемик маъноли лексемаларнинг берилиши кўламини кенгайтириши, бош сўз кўчма маъноларини ифодаланиши усуллари, уларнинг грамматик тавсифи ва ўзига хос хусусиятларини ақс эттирган. Ҳар бир тилда эвфемик маъноли лексемаларнинг кенг қўлланиши шу миллат ва халқнинг миллий муомала маданиятининг муҳим белгисидир. Жамиятимиздаги бўлаётган катта ўзгаришлар эвфемизмларга назарий ва амалий жиҳатдан ўзгаришлар киритиб, давр талабига мос равишда алоҳида ўрин тутди.

Калит сўзлар: эвфемизм, дисфемизм, тилшунослик, стилистика, социолингвистика, жаргон, глоссарий, семасиология, лексема.

Аннотация

В статье отражено расширение сферы придания лексемам с эвфемистическим значением в таджикском языкознании, способы выражения значений основного слова, их грамматическая характеристика и особенности. Широкое использование эвфемистических лексем в каждом языке является важным признаком национальной культуры этой нации и народа. Великие перемены, происходящие в нашем обществе, внесли изменения в эвфемизмы в теорию и практику и занимают особое место в соответствии с требованием времени.

Ключевые слова: эвфемизм, дисфемизм, лингвистика, стилистика, социолингвистика, сленг, глоссарий, семасиология, лексема.

Annotation

The article reflects the expansion of the sphere of giving lexemes with euphemistic meaning in Tajik linguistics, ways of expressing the meanings of the main word, their grammatical characteristics and features. The widespread use of euphemistic lexemes in every language is an important feature of the national culture of this nation and people. The great changes taking place in our society have made changes in euphemisms in theory and practice and occupy a special place in accordance with the demand of the time.

Keywords: euphemism, dysphemism, linguistics, stylistics, sociolinguistics, slang, glossary, semasiology, lexeme.

Эвфемизм лексикология ва услубшуносликнинг энг муҳим бўлимларидан биридир. Эвфемизмлар (юнонча euphemia – кўпол сўзларни ишлатишдан саклаш) оғзаки нутқ (сўзлашув нутқи) ва ҳатто оғзаки нутқнинг муҳим воситаларидан биридир. Эвфемизмларнинг лексик бирликларининг лексик ва семантик хусусиятларини, услубий ва индивидуал концепцияларини ўрганиш ва билиш адабий нутқни тушунарли, ифодали, юмшоқ, тингловчи ва ифодали бўлишига имкон беради. Эвфемистик луғат услубий ифода ва нутқ воситаси сифатида ўтмишда ва ҳозирги кунда жамият аъзоларининг яхшиланиши ва самимий муносабати ва мулоқотига сезиларли ҳисса қўшади. Бу ҳодиса форс-тожик мумтоз тили ва адабиётида қўлланилиб, кўплаб ёзувчилар ўз фикрларини билдиришлари тарзида тўғри таҳлил этилган. Услубшунослик воситаларини кенг таҳлил қилиш ва сўзларнинг лексик ва семантик муносабатларини аниқлаш нафақат илмий ва тадқиқот аҳамиятини, балки амалий аҳамият касб этиб комил, билимли инсонни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиши мумкин.

Тожик тадқиқотчилари эвфемизм мавзусига нафақат бадиий асар тили ва услубини ўрганиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш жараёнида ёндашадилар. Шунингдек, тожик тилшунослигида

эвфемистик сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари, бу лексик бирликлар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи янада қизиқарли тадқиқотлар якунланиб, чоп этилган.

Тожик тилшунослик тилида фразеологик унсурларининг хусусиятларини ўрганиш асносида бу мавзуга ҳам ёндашдилар. Тилшуносларнинг фикрига кўра, эвфемизм тилимизнинг лексик таркибини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Агар биз нутқда бундай лексик бирликларни эътиборсиз қолдирсак, унда бизнинг нутқимиз ҳусну малоҳат, самарадорлик ва жозибадан келиб чиқади, бу нутқ маданиятининг бузилишига олиб келиши мумкин. Дунё тилшунослигида эвфемизм масаласини ўрганиш XIX асрда бошланди. Г.Пол, С.Видлак, С.Кеини, С.Лоренз ва тилшунос А.М.Кацев эвфемизмнинг моҳияти бўйича махсус тадқиқотлар олиб бордилар.

Умумийлик мавжуд бўлган таълимотлар тилшуносликнинг турли соҳалари, жумладан, социолингвистиканинг жадал ривожланиши жараёнида юзга келди. Умуман олганда, эвфемизмлар тилнинг мураккаб ҳодисаси сифатида ўзаро боғлиқлик учта омилга мувофиқ кўриб чиқилиши керак:

1) ижтимоий эвфемизмларга асосланган, ахлоқ-

сиз ва диний аҳамиятга эга бўлган ижтимоий омил. Уларнинг контекстида объектлар ва ҳодисаларнинг сўзма-сўз маънолари салбий талқин қилинади, натижада уларнинг талаффузи одоб доирасидан ташқарида ифодаланади ва уларни бошқа сўзлар билан алмаштириш зарурати туғилади;

2) психологик омил, яъни хушмуомалалик ва юмшоқ ифодаси тушуниланган сўзлар, одамда салбий ҳис-туйғуларни уйғотади – кўрқув, ваҳима, уят, нафратли сўзни ишлатадиган салбий ҳис-туйғуларни йўқ қилади;

3) характерли лингвистик омил. Ушбу омил давомида эвфемизмнинг иккита белгиси ажратилиши керак.

Биринчи белги – бу ҳаракат объект номига салбий муносабат туфайли содир бўлган маълум бир вақт давомида қийматнинг ошқор қилиниши.

Иккинчи белгиси шуки, эвфемизмга айланиш учун янги сўз сўзловчи ва тингловчи онгида объект ва воқеа-ҳодисага доир тасаввур уйғотиши керак. Шунинг учун бу юмшоқ нутқни тарғиб қилувчи воситалардир. Эвфемизмлар ахлоқсиз ва диний қоидалар натижасида келиб чиқадиган даҳшатли уят ва ахлоқсизликнинг натижаси бўлган сўзларнинг ўрнини босади. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир тилда одамлар инстинктив ёки куфр келтириши мумкин бўлган ёки қасддан йўлдан оздирадиган сўзлар мавжуд. Чунки бу сўз кўпол ва одобсиз деб белгиланган. Куфрдан фойдаланиш шахснинг қадрсизлиги ва паст маданиятини кўрсатади. Шунинг учун одамлар ҳар доим тилшуносликда эвфемизм деб аталадиган нисбатан юмшоқ сўзларни ишлатишдан бош тортадилар. Фикр ва моддийликни ифодалашнинг бу усули, фикр алмашиш, кўполлик тушунчасини юмшоқроқ сўз билан алмаштириш зарурдир. Тилшунос В.А.Ларин эвфемизмни уч гуруҳга ажратган:

1) миллий адабий тилнинг умум қабул қилинган эвфемизмлари;

2) синф ва касбий эвфемизмлар;

3) оилавий ва маиший эвфемизмлар.

Ҳозирги кунда куфрга эга бўлган сўзлар сони ортиб бормоқда. Замонавий нутқнинг барча шакллари: оғзаки тил, шевалар, жаргон-жарангдор хусусият ва салбий ҳис-туйғулар эшитишдир. Бу шуни кўрсатадики, жамиятнинг нутқ маданияти турли даражада бўлиб, кўпчилик одамлар кўпол, эшитилмайдиган сўз бирикмаларидан фойдаланишдан тортинмайди. Бироқ турли ижтимоий қатламлар вакилларининг нутқ сўзлашувида одобсиз ва кўпол сўзларнинг килиши тожик тилидаги:

аблаҳ – ўзбек тилида аблаҳ (тентак, беақл, нодон);

аҳмақ – ўзбек тилида аҳмоқ (эси паст, тентак);

кунда – ўзбек тилида тўнка (тахта кишан);

бефаҳм – ўзбек тилида фаросатсиз (калтафаҳм, фаҳмсиз);

бемағз – миясиз (ақлсиз, калласи ишламаган);

нокас – (одам эмас, пасткаш, виждонсиз, аблаҳ, разил) пайдо бўлади.

Эвфемизмлар беихтиёр сўзлар ўрнига уларнинг ёқимли ва чиройли синонимларидан фойдаланишдир. Масалан, ҳаром сўз ўрнига “нопок”, касал – “бемор”, қабр – “оромгоҳ”, ҳар – “дарозгўш”, мурдан – “бандагй кардан”ни қўллаш эвфемизмга амал қилишдир. Эвфемизмларнинг пайдо бўлиш сабабларидан бири кўпол сўзларни ишлатишдан тийилиш адабий шартидир.

Эвфемизм стилистик воситалардан бири бўлиб, синонимлар билан боғлиқ бўлгани учун тингловчига ёки унинг нутқига ёмон таъсир кўрсатадиган сўз ва иборалар ўрнига латофатли, тортинчоқ, юмшоқ ва ёқимли иборалар, яъни кўпол сўзлар ўрнига уларнинг адабий синонимларини ишлатишдир. Масалан, кўрлик шахснинг иллатларидан бири бўлгани учун, кўр шахсни назарда тутганда, кишини хафа қилмаслик учун “қори” сўзи ишлатилади. Бундай ҳолда, “кўр” сўзи “қори” сўзи билан синонимдир. Лекин уларнинг бошқа “кўр”, “қори” – “очиз”, “нобино”, “аъмо”, “бебасар” синонимларини ҳам ишлатадилар. Эвфемизмлар иштирокидаги нутқ тантанали равишда ифодаланади. Улар орқали нутқ мазмунли, меҳрли, илтижоли бўлади. Мисол: Илоҳй сад сол умр бинед – Илоҳим, юз йил яшанг. Худо давлати шуморо аз ин ҳам зиёдатр кунад – Худойим сизнинг давлатингизни бундан ҳам зиёда қилсин. Илоҳй хокро гирй зар гардад – Илоҳим, тупроқ олсанг, олтин бўлсин.

Фикрни ифодалашда одобсиз сўзлар ўрнига ҳикматли синонимлардан фойдаланиш суҳбатнинг малоҳати ва нафосатини таъминлайди: Баъд аз як соли хонадор шудани Мурод... Соро ба як писарча модар шуд, шодие, ки ба сабаби ба рўи қадам омадани ин навзод ба падар ва модар руй дод, аз андоза берун буд, бинобар бе ҳеч чуну чаро номи кўдакро Шодй монданд (С.Айнй). Мурод уйланганидан бир йил ўтиб... Соро бир боланинг онасига айланди, бу чақалок дунёга қадам қўйгани сабабли отаси ва онасига ҳаддан зиёд қувонч келтирди, шунинг учун ўйлаиб ўтирмасдан боланинг исмини Шоди (Қувонч) қўйдилар.

Бу гапларда “хонадор шудан” (уйланиш), “модар шудан” (она бўлиш), “ба рўи қадам омадан” (қадам қўйиш), “шодй” (қувонч), “навзод” (янги туғилган) эвфемизмларида синонимларидан кўра таъсирчанлик юқори.

Ҳиссий таъсирчан хусусиятларига эга бўлган эвфемизм ёзувчининг тасвирида ажралмас роль ўйнайди. Бундан ташқари, эвфемизмлардан фойдаланган ҳолда, ёзувчи такрорий сўзлардан ҳимояланади.

Сўзлашув нутқининг юксалиш даражаси ва эвфемизмлардан қай даражада фойдаланиши ёзувчининг одобсиз сўзларни ишлатишдан бош тортиш қобилияти билан боғлиқ. Агар унинг тил ва нутқи бой бўлса

ва тилнинг лексик салмоғидан хабардор бўлса, унинг нутқи ёқимли, нафис, аниқ бўлиб чиқади.

Шуни тан олиш керакки, ушбу луғат birlikлари сўзлашув ва шева-жаргон нутқи билан бирга, кўпинча шеърий-публицистик услубнинг баъзи турларида (радио, телевидение, ахборот) ва сўзлашув адабий нутқида учрайди. Айниқса, XX асрнинг 80-90-йилларида бадий, сахна асарлари, бадий фильмларда сўз эркинлигининг ўзига хос кўринишларини намойиш этиш сифатида бемақсад тафаккур жараёни анъана сифатида кучга кирди. Бу ҳодиса тожик тилида ҳам учрайди. Бу XX аср охири ва XXII аср бошларида тожик аёллари ва болалари нутқида гапириш тақиқланган энг одобсиз сўзлар айтилиши билан боғлиқ. “Одобсиз ва кўпол” сўзларининг аксарияти асосан яқин муносабатлар, жинсий алоқа, физиологик

органлар тушунчаларини ифодалайди.

Тожик тилининг луғатшунослиги узоқ тарихий илдизга эга. Тўпланган бой тажрибалар, эришилган ютуқлар натижасида 2 томлик “Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ” – 1969, янги нашри 2010 йилда чоп этилган ва С.Айнийнинг “Луғати нимтафсилии забони тоҷикӣ” изоҳли луғатлари яратилган. Ушбу изоҳли луғатларда келтирилган эвфемик birlikларнинг этимологик тадқиқи шуни кўрсатадики, ўзлашма эвфемик маъноли лексемаларнинг асосий қисми арабизм ва форсизмдир. Ўзлашма эвфемик маъноли лексемаларни диахрон ва синхрон аспектда таҳлил қилиш халқимиз ҳамда унинг таркибига кировчи этник гуруҳларнинг нутқий маданиятини, уларнинг қардош бўлмаган халқлар билан ижтимоий муносабатларини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Айний С. Ғуломон. – Сталинобод: НДТ, 1959. – 620 б.
2. Ларин Б.А. Об эвфемизмах. // Ученые заметки. – ЛГУ, 1961, № 301 .
3. Маҷидов Х., Фразеологияи забони ҳозираи тоҷики. – Душанбе: Маориф, 1983. – 104 б.
5. Фарҳанги забони тоҷики. 1 жилд, – М: Советская энциклопедия, 1969. -950 б.
6. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 2 жилд. – М: Высшая школа, 1969. – 950 б.
7. Эвфемизмы и их значения. – Материалы научной практической конференции Худжандского филиала Таджикского Технического университета им. академика М.Осими, посвященный «2003 год - Год чистой воды». – Худжанд, 2003. – 140 б.
8. Эвфемизмы - важный путь появления синонимических слов // Вестник педагогического университета (научный журнал). Издание Таджикского государственного педагогического университета им. С.Айни: Серия педагогики и психологии. Серия гуманитарных наук-2010. –№1(35). Издательство «Нури маърифат» ХГУ имени академика Б. Гафурова г. Худжанд, ул. Ленина, 52.

ЭФФЕКТИВНЫЕ ПОДХОДЫ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Ойдин Алимбекова,

и.о. доцента кафедры "Вокал"

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана

Аннотация

В данной статье рассматриваются эффективные способы музыкального образования. Эффективное обучение является необходимым условием, способствующим обучению инструментальной и вокальной музыке. Роль преподавателя на учебных занятиях по музыке следует рассматривать с многомерной точки зрения, так как она включает в себя различные личные и профессиональные аспекты в индивидуальном образовательном отношении.

Ключевые слова: культура, искусство, обучение, музыкальное образование, музыкальная грамотность.

Annotatsiya

Ushbu maqolada musiqa ta'limining samarali usullari muhokama qilinadi. Samarali o'qitish cholg'u va vokal musiqasini o'rganishni rivojlantirishning asosiy shartidir. Musiqa darsidagi o'qituvchining roli ko'p o'lchovli nuqtai nazardan ko'rib chiqilishi kerak, chunki u individual ta'lim sharoitida turli shaxsiy va kasbiy jihatlarni o'z ichiga oladi.

Kalit so'zlar: madaniyat, san'at, ta'lim, musiqiy ta'lim, musiqiy savodxonlik.

Annotation

This article looks at effective ways of teaching music. Effective teaching is a prerequisite for facilitating the learning of instrumental and vocal music. The role of the teacher in music education classes should be viewed from a multi-dimensional perspective, as it includes various personal and professional aspects in an individual educational relationship.

Keywords: culture, art, learning, music education, music literacy.

Музыкальное образование имеет некоторые особенности, отличающие его от других учебных дисциплин. В музыкальной сфере процесс преподавания-обучения зависит от нескольких факторов. В первую очередь педагог и студенты должны активно сотрудничать, чтобы достичь общие образовательные цели. Они должны быть вовлечены в диалогический процесс, в котором оба действующих лица работают лицом к лицу ко всем аспектам реального мира [1, 2].

Для достижения вышеописанных аспектов, наряду со всеми учебными дисциплинами в Узбекистане создана новая программа по музыкальной культуре на основе национального исполнительского искусства и требований современности. На основе программы создаются учебники, методические пособия, рекомендации, примерные тематические планы работы, так как музыка является важным средством формирования музыкального восприятия, повышения музыкальной грамотности и нравственно-идейного воспитания учащихся, наряду с ее способностью оказывать сильное влияние на чувства человека.

Вот пять простых подходов, которыми высшие учебные заведения могут воспользоваться при музыкальном образовании для повышения эффективности обучения [2, 2]:

1. Воспользуйтесь тем, как ваша музыкальная программа способствует обучению.

Музыкальные программы, проводимые в соответствии с необходимым подходом, отлично подходят для повышения грамотности; использование слогов, рифм, музыки, движения, танца, драмы и языка явля-

ются частью основы этого подхода к преподаванию и изучению музыки.

2. Вовлекайте студентов в композицию.

Студенты должны уметь сочинять музыкальное произведение.

3. Сделайте каждое занятие вокалом, нарабатываемым опытом, а не вокальной гимнастикой.

Вокализирование является важной частью развития вокального инструмента, но нам, специалистам по вокалу, может быть легко заикнуться на решении вокальных проблем настолько, что мы забудем перейти к пению. Студентам нужно постоянно напоминать себе, зачем они это делают, и обычно это потому, что им нравится петь песни, а не заниматься вокальной гимнастикой.

4. Дайте возможность своим студентам провести сольный концерт.

Каждый сольный концерт должен быть посвящен разным музыкальным стилям: музыкальному театру, джазу, классической и современной музыке. Позвольте им петь в любом стиле, который они хотят практиковать, потому что это больше связано с тем, что они приобретают опыт пения перед людьми. Выступление для вокалиста равносильно тому, что художник показывает свою картину. Просто убедитесь, что студенты достаточно готовы, чтобы справиться с этим.

Достижение эффективности урока, полноценное выполнение профессиональных умений могут достичь поставленных педагогами-преподавателями требований государственного образовательного стандарта и желаемой деятельности на основе новых

педагогических технологий. Необходимо отметить, что весь процесс обучения и педагогическая деятельность преподавателя музыки ориентированы на развитие способностей во взаимосвязи с полученными знаниями и умственным развитием студентов. Повышение уровня мастерства преподавателя музыки состоит в непрерывном самообразовании, умении свободно ориентироваться в теоретической и методологической музыкальной литературе, видеть целостную картину музыкальных и звуковых представлений, выстраивать свои художественные образы, эмоциональную и художественную направленность восприятия [3, 132].

Для постижения всех основ в профессиональной подготовке студентов необходима доступная организация данной подготовки, правильно выстроенные методы межличностного взаимодействия [4, 25]. В этом смысле важную роль играет музыкально-педагогическая готовность, которая предполагает развитие педагогического начала, через пробуждение воспитательных, творческих, нравственных функций. В музыкально-педагогическую готовность входят:

- музыкально-исполнительская, теоретическая, исследовательская,
- педагогическая, просветительская, вокальная подготовка.

Отсюда следует, что музыкально-педагогическая готовность объединяет весь комплекс педагогических и музыкальных знаний, интегрирует все музыкально профессиональные направления, которые порождают учебно-воспитательные способности будущего вокалиста. Анализ и осмысление собранного материала позволяет нам определить сущность профессиональной подготовки будущих специалистов. Таким образом, профессиональная подготовка

осуществляется через ее виды и представляет собой целенаправленный процесс, который включает цели, мотивацию, содержание и операции различных видов профессиональной деятельности, конечным результатом которой является формирование профессионализма будущих специалистов.

Таким образом, теоретическое исследование состава профессиональной подготовки позволило выделить следующие элементы:

- содержательно-целевой;
- операционно- процессуальный;
- контрольно-оценочный;

Взаимосвязь этих элементов, включая цель и мотивацию, содержание и умения, получения внешнего и внутреннего продукта составляет ее результат в процессе получения новых качественных образований личности.

Анализ элементов, характеризующих эффективное обучение, представляется очень сложным из-за многоаспектности образовательного процесса. Преподаватель должен не только знать содержание дисциплины, но и уметь способствовать глобальному развитию студента, поощряя и поддерживая определенные способности, мотивацию, саморегуляцию и самооценку.

В процессе организации обучения на основе современных технологий на первый план выходят такие характеристики, как настроение, интересы, образ жизни, мировоззрение, мышление, умственные и профессиональные способности студента, желающего овладеть наукой образования.

Результаты обучения вытекают из определенного сочетания всех этих аспектов, и не существует заранее определенного сценария, позволяющего достичь идеального состояния преподавания-обучения.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://www.oise.utoronto.ca/balancedliteracydiet/Home/index.html>
2. Patel, A. D. (2011). *Why would musical training benefit the neural encoding of speech?; The OPERA hypothesis. Frontiers in Psychology, 2(142)*. doi: 10.3389/fpsyg.2011.00142
3. Базиков, А.С. *Теоретико-методологические подходы к преподаванию музыкальных дисциплин в образовательных учреждениях профессионального образования / А.С. Базиков // Вестник Тамбовского университета. Серия «Гуманитарные науки». – 2012. – №4. – С. 131-136.*
4. Безрукова, В. С. *Педагогическая интеграция: сущность, состав, механизмы реализации / В.С. Безрукова // Интеграционные процессы в педагогической теории и практике. Вып.1. – Свердловск: СИПИ, 1990. – С. 3-25.*
5. Чапаев, Н. К. *Педагогическая интеграция: методология, теория, технология: монография / Н. К. Чапаев. 3-е изд., доп. и перераб. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2019. – 372 с.*
6. Шишлянникова, Н.П. *Интегративный подход к профессиональной подготовке будущего учителя музыки / Вестник ТГПУ. - 2012. - № 11 (126). - С.38-41.*

ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Саминжон Эватов,

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлиги ривожланиши даражасининг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида сўз боради. Мақола мавзусини очиб бериш мақсадида мавзуга оид илмий адабиётлар ва қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланилди.

Калим сўзлар: ўсмирлар, коммуникатив компетентлик, мулоқот маданияти, “ёмон хулқлилар”.

Аннотация

В статье говорится о педагогико-психологической характеристике уровня развития коммуникативной компетентности учащихся подросткового возраста. Для раскрытия темы статьи использовалась научная литература и правовые документы, относящиеся к теме.

Ключевые слова: подростки, коммуникативная компетентность, культура общения, «плохие люди».

Annotation

The article talks about the pedagogical and psychological characteristics of the level of development of communicative competence of students of adolescent age. In order to reveal the topic of the article, scientific literature and legal documents related to the topic were used.

Keywords: teenagers, communicative competence, culture of communication, «bad people».

Бугунги глобаллашув шароитида оила ва мактаб таълими ҳамкорлигида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири – мазкур жараёни технологик асосда ташкил этишдир. Зеро, “таълим стандартларини амалга ошириш билан бир қаторда, тарбия стандартларини ҳам яратишимиз керак” [1, 150]. Шу билан бирга, “узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ана шу қоидага амал қилинмаяпти” [2, 215]. Мана шундай вазифаларни тўғри амалга ошириш учун замонавий педагогикада таълимий, педагогик, тарбиявий, ўқитиш технологиялари ажратиб кўрсатилади ва педагогик жараёнда қўлланилади.

Ўзбекистоннинг янги таракқиёт босқичида ёшлар масалаларига кучли эътибор қаратиш, таълим-тарбия масалаларига янгича ёндашувни олиб кириш, ёшларда мулоқотчанлик фазилатларини ривожлантириш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун “Маҳалла” ва “Нуроний” кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари, депутатлар, сиёсий партиялар мактаб муаммолари билан яқиндан ва жиддий шуғулланиши керак. Ҳолбуки, уларни ечиш бўйича айнан шу ташкилотлар жонбозлик кўрсатиши зарур” [1, 153]. Шу боис бугунги ислохотлар шароитида оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели ва шу модел асосида таълим тех-

нологиясини яратиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнида иштирок этадиган икки иштирокчи: ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидангина иборат бўлмай, балки ўқув материали мазмуни, ўқитувчи ва ўқувчи шахси, улар орасидаги муносабатлар сингари биргаликда фаолият кўрсатадиган уч жиҳатни акс эттиради. Ўқитувчининг таълим мазмуни ва ўқувчи билан биргаликдаги фаолиятини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқув материали мазмуни ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. Таълимнинг ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги дидактик фаолият тури билан уйғунлиги методнинг самарадорлигини таъминлайди.

Оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш технологияси рефлексив ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик – ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникативлик компетентлигини ривожлантиришга оид маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир – оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга тайёрлашнинг педагогик технологиясини босқич-

ма-босқич амалга ошириш; мониторинг – оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда, педагогик жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий – натижаларни баҳолаш ва таълимий-тарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш.

Мулоқот маданиятининг тарбияловчи имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатлари билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш лозим. Педагогик мулоқот маданиятининг ҳар жиҳатдан тўғри танланган, ўқитувчининг маънавий савияси, бетакрор хусусиятларига мувофиқ келувчи услуги қуйидаги вазифалар мажмуини ҳал қилишга ёрдам беради:

Биринчидан, мулоқотда ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор ва диққатлик, синф жамоаси билан умумий мулоқот жараёнини соддалаштиради, ўқитувчининг эркин педагогик фаолияти учун замин тайёрлайди, зиддиятли вазиятларни осон ҳал қилади;

Иккинчидан, ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатни эркин мулоқот асосида ташкил қилиш, уларнинг ёш хусусиятларига монанд педагогик ва психологик мулоқот услубларини танлаш, унинг руҳиятини билишга, ички дунёсига кириб боришга йўл очади;

Учинчидан, педагогик мулоқотда ўқитувчининг маънавий-ахлоқий нормалари муваффақиятлар қилиб бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини оширади, мулоқотнинг барча босқичларида ўқитувчининг ўз фаолиятдан қониқиш ҳиссини, хотиржамлигини таъминлайди.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) Ўқувчилар билан мулоқот қилиш маданиятининг индивидуал шахсий хусусиятларини ўрганиши. Ўқувчилар шахсий хусусиятларини мустақил таҳлил қилиш, ҳар томонлама тавсиф бериш ўқитувчининг мулоқотни тўғри ташкил этиши;

2) Шахсий мулоқотда рўй берадиган камчиликларни аниқлаш ва дарҳол уларга барҳам бериш чораларини излаб топиш: мулоқотда қўполлик, менсимаслик ва бошқа салбий ҳолатларни енгиш;

3) Ўқитувчи ўзи учун мулоқот маданиятининг қулай бўлган услубларини ишлаб чиқишга доир фаолиятни ишлаб чиқиши ва ўз-ўзини кузатиш билан ютук ва камчиликларни таққослаши;

4) Ўзининг мулоқот маданияти услубларига мувофиқ келувчи миллий анъана ва маънавиятимизга хос жиҳатлардан унумли фойдаланиш;

5) Мулоқот маданиятида педагогик фаолият қонуниятларидан четга чиқмаслик, бу услубни му-

стаҳкамлаш (педагогик амалиёт ва малака ошириш жараёнида). Педагогик фаолиятни эндигина бошлаётган ёш ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини ошириш мақсадида ўқувчилар билан мулоқот маданиятини шакллантириш устида мунтазам иш олиб боришлари зарур. Таълим-тарбиявий жараёни ташкил этишда педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бевосита ўзаро муносабатини маълум бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтирувчи кучдир.

Бу ўринда ўқитувчи қуйидаги вазиятларни эътиборга олиши кераклигини алоҳида таъкидлаш лозим:

- ўқитувчининг илк тарбиявий фаолиятдан бошлаб мулоқот маданиятига риоя қилиши, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ҳар кунги муомалани вазиятга қараб режалаштириши, ҳар бир ҳаракат, сўз оҳангига эътибор бериши, анъанавий мулоқотнинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириши;

- мулоқот асосида синф жамоасидаги турли вазиятларни қайд этиш, ўқувчилар хатти-ҳаракатининг олдинги ҳолати билан, тарбиявий фаолиятдан кейинги ҳолатини қиёслаб чиқиб баҳо бериши;

- ўз мулоқот услуги натижаларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, камчиликларни узлуксиз бартараф этиб бориши, зарур сўз, овоздаги ёқимли оҳанг, ҳулқ-атворни вужудга келтириши;

- педагогик мулоқот маданиятининг самарали кечиши учун унинг шарт-шароитларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, ўқувчилар билан ўзаро муомаланинг устоз-шогирд анъаналарига хос бошланиши ва ўзаро фикр алмашиш асосида муҳим вазифаларни ҳал қилиш билан муомала объектининг диққатини ўзига жалб қилиши.

Бугунги кунда узлуксиз таълим жараёнида қўлланилаётган “Ақлий ҳужум”, “Ҳар ким ҳар кимга ўргатади”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим”, “6x6x6”, “Кластер”, “Қарорлар шажараси” сингари методларнинг айримларидан мустақил ижодий таълим жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Аслини олганда, бу методларнинг таълимдаги мантиқий методлардан фарқи унча катта эмас.

Интерфаол методлар ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутлади. Қисқа вақт мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда маълум фаолият юзасидан кўникма, малака ҳосил қилиш, шу билан бирга, уларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва чаққонликни талаб қилади.

Агар дарс мавзуси аввалдан маълум билимлардангина келиб чиқиб ўтилса, мантиқан янги далил ва тушунчаларга таянмаса ёки ўрганилаётган мавзу ав-

вал ўқилганларнинг янги босқичига айланмаса, ўқитувчи таълимни қанчалик баянд даражада, қандай илғор методлар билан уюштирмасин, муваффақиятга эришмайди. Таълим методлари фақат маълумотни қандай беришни белгиламайди. Улар материалнинг тизими ва уни айна шу йўл билан ишлашга тайёрлайди. Яъни у ўқув материалига сингдирилган билимни ўқувчи ўзлаштира оладиган тарзда беришни, болаларда билим олиш қобилиятини ривожлантиришни ҳам таъминлайди. Давлатимиз раҳбари фикрича, "... бунинг учун, мамлакатимизнинг кейинги даврга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида албатта маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида бўлим ажратилиши даркор, деб ҳисоблайман. Истиқболда бу соҳада амалга оширишимиз керак бўлган фаолият кўлами ва салмоғи, аҳамияти ва йўналишлари, бу жабҳада ҳам натижадорликка эришиш зарурати Ўзбекистоннинг 2022–2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишни ва уни давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантиришни талаб қилмоқда" [2, 172-173].

Таълим жараёнида иккита ҳаракатланувчи субъект: ўқитувчи билан ўқувчининг ҳар бири ўз мақсади йўлида фаолият кўрсатишар ва таълим методи уларнинг фаолият методи экан, бу субъектларнинг мақсадга эришиш йўллари ҳар хил бўлиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинishi керак. Ўқитувчи фаолиятида билимларнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш етакчилик қилади. Ўқувчи эса ўзини-ўзи тарбиялаш, ўқиш-ўрганишнинг самарали йўлларида фойдаланиши шарт.

Мактаб амалиётида усул, кўпинча, метод билан бир нарса ёки методнинг бир қисми деб қаралади. Аслида усуллар методларни юзага келтирувчи, уни ташкил қилувчи унсурлардир. Масалан, таълимнинг муаммоли методи муаммоли вазият яратиш, ўқув фарзларини шакллантириш, уларни исботлаш сингари усулларни ўз ичига олади. Ўқувчиларда коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирувчи муаммоли, суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив сингари мантикий таълим методларида ҳам ўрганилаётган ўқув материалдан муҳимини ажратиш, ўрганилаётган ҳодисанинг умумий ёки хусусий жиҳатларини топиб тасниф қилиш, тизимга солиш, аниқликлар киритиш, исботлаш сингари усуллардан фойдаланилади.

Муҳимни ажратиш методи қўлланилганда, предметни қисмларга ажратиш, ўзлаштириладиган ахборотни мантикий бўлақларга бўлиш, уларни таққослаш, материални саралаш, таянч сўз ва тушунчаларни топиш, асосий фикрни аниқлаш, ўқув материални гуруҳларга ажратиш амалга оширилади.

Таққослаш методидан фойдаланилганда қиёсланувчи қисмларнинг асосий белгиларини аниқлаш,

ўзаро муносабатларини англаш, ўхшаш ва қарама-қарши жиҳатларини, фарқли томонларини ажратиш методлари муҳим ҳисобланади.

Педагог-олим Б.Х.Рахимов бу борада: "Ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммо қўяди ва унинг таърифини айтиб ўтади, ўқувчилар эса муаммони ечиш учун йўл-йўриқ қидирадилар. Сўнгра ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммони мустақил таърифлаш вазифасини қўяди-да, уни ечишга ўзи йўлланма беради. Шундан сўнг эса ўқитувчи муаммога ишора қилмайди, балки ўқувчиларни мустақил таҳлил қилиб чиқиш, ундан сўнг таърифлаш, ечиш усуллари ва имкониятларини қидириб топишга ўргатади" [3, 158], – дейди.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти узлуксиздир, шу сабабли у педагогик мулоқот маданиятини ҳам мунтазам шакллантириб боришида қуйидаги йўналишларга эътибор бериши лозим:

- юксак педагогик фаолият нуқтаи назаридан ўз-ўзини англаши, (муомалада ўзининг ўзаро фикр алмашишга доир сифатларини, ижобий ва заиф томонларини билиши) ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш йўли билан ўз-ўзини тарбиялаши;

- кишилар билан ўзаро муносабатда коммуникатив иқтидорини шакллантириб бориши, мулоқот асосида тўғри башорат қилиш сезгиларини машқ қилдириши, мулоқотда ўзининг идеал тасаввурларини, имкониятларини бошқалар (ўқитувчилар жамоаси, ўқувчилар, ота-оналар) қандай баҳолаши ҳақидаги рефлексив тасаввурларини таҳлил қилиши;

- ўзида муошарат одобининг муҳим хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган машқлар асосида ишлаши;

- ўқувчилар ва ота-оналар билан тарбиявий мақсадларга қаратилган турли жамоат ишларини олиб бориши, бунда ўзаро фикр алмашиш асосида педагогик ташкилотчилик қобилиятини такомиллаштириб бориши;

- мулоқот жараёнида пайдо бўладиган салбий ҳолатларни енгиш кўникмаларини шакллантириши, дилкашлик ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиши ва ҳоказо.

Мактаб ўқувчиларида коммуникатив компетентликни ривожлантиришга оид рефлексив нуқтаи назарни шакллантиришга йўналтирилган "Идеал" машқидан фойдаланиш мумкин. Мазкур машқни бажариш учун муаммоли саволлар ўқувчилар билан бирга улар учун долзарб ва ҳайратлантирувчи мавзулар асосида шакллантирилади.

Машқ бешта қадам орқали амалга оширилади: 1) "И" – қизик, муаммо нимада – муаммони умумий кўринишда шакллантириш босқичи; 2) "Д" – муаммоли саволлар тузиш – савол кўринишида муаммони шакллантириш; 3) "Е" – муаммони ҳал этишнинг қандайдир ечими борми – дастлаб индивидуал, кейин

жуфтликларда кўпроқ ечим топиш; 4) “А” – танлов қилиш қандай қийин – муаммонинг мақбул ва рационал ечимини танлаб олиш; 5) “Л” – қизиқувчанлик, ҳаётда қандай кечади – қарорни амалга ошириш жараёни босқичи. Барча босқичлар амалга оширилиб бўлганидан сўнг муаммоли савол юзасидан таклифларни муҳокама қилиш бўйича мунозара ўтказилади.

Коммуникатив компетентликни ривожлантиришни талаб этадиган аниқ вазиятларнинг таҳлилини амалга ошириш бўйича ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг рефлексив нуктаи назарини шакллантириш учун қўлланиладиган машқ ва топшириқларни кўриб чиқамиз.

1. “Вазият таҳлили: Коммуникатив компетентлик менда...”

Мақсад: ижобий Мен образини яратиш, ҳар бир иштирокчида эмпатияни ривожлантириш, ўз-ўзига берадиган баҳосини кўтариш.

Аниқ вазиятлар таҳлилидан сўнг ўқитувчи ҳар бир иштирокчидан қуйидаги фикрларни айтишни сўрайди: “Менда коммуникатив компетентликни ри-

вожлантирадиган ... кадрлайман”, “Мен ...даги (синфдошларидан бирининг исми) ... кадрлайман”, “Мен ҳаётда ...ни кадрлайман”.

Машқ тугаллангунга қадар ўқитувчи уни бажариш жараёнида юзага келган фикр ва ҳиссиётлар билан ўртоқлашишни сўрайди.

2. “Мен фаол коммуникативликка қаршиман” мавзусида эссе ёзиш.

Мақсад: ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетентликка доир билим, кўникма, малакани ривожлантириш. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда ҳам ижтимоий тараққиёт ва ислохотлар жараёнига дахлдорлик туйғусини таркиб топтиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, “Коммуникатив компетентлиги ривожланган ўқувчи” технологиясининг ташкилий-методик компоненти қишлоқ мактаби ўқувчиларида рефлексив нуктаи назарни қарор топтиришни талаб этиб, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўсмир ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетентлигини ривожлантириш имкониятини юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. *Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 150 б.*
2. Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021. – 270 б.*
3. Осинцева М.А. *Организация исследовательской деятельности будущих инженеров при обучении математике с использованием информационно-коммуникационных технологий: дис. ... канд. пед. наук. - Тюмень, 2009. – С. 255.*

ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Роҳила Норқўчқорова,
Термиз давлат университети

Аннотация

Мазкур мақолада ўқувчиларда қадриятларга муносабатнинг миллий ифтихор туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллиф тасвирий санъат фанидан машғулотларни таъкил этишида ноананавий дарс шаклларида таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини батафсил ёритиб берган.

Калим сўзлар: Тасвирий санъат, қадрият, қадриятли онг, миниатюра, китоб графикаси, ижодкорлик ҳисси, ақлни чархлаш, жисмоний меҳнат.

Аннотация

В данной статье анализируется значение отношения студентов к ценностям в формировании чувства национальной гордости. Автор подробно разъяснил значение нетрадиционных форм обучения в организации деятельности по обучению изобразительному искусству.

Ключевые слова: изобразительное искусство, ценность, ценностное сознание, миниатюра, книжная графика, творчество, мозговой штурм, физический труд.

Annotation

This article analyzes the importance of students' attitude to values in forming a sense of national pride. The author explained in detail the importance of non-traditional forms of teaching in the organization of activities in the teaching of visual arts.

Keywords: visual art, value, value consciousness, miniature, book graphics, creativity, brainstorming, physical labor.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 41-мақсади 4-хатбошида “Ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминланган 100 мингдан ортиқ бепул тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйиш” вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда умумий ўрта таълим мактабларида умумтаълим фанлари, айниқса, амалий фанлар ўқитувчиларига катта ишонч билдирилган [1].

Умумий ўрта таълим мактабларида амалий фанлар технология, тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа, жисмоний тарбия ва ёшларни чақирикқача тайёрлаш фанларини ўз ичига камраб олади. Шунингдек, тасвирий санъат фани ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг 1-7-синф ўқувчиларга оддий оқ қоғозга қора қаламда тасвир, шакллар туширишдан тортиб, санъат асарларини чизишгача бўлган жараёнларни ўргатади. Бу жараёнда ўқувчилар мўйқаламнинг асл сеҳрини билиб, табиат рангларига ошно бўлади.

Ўқувчилар тасвирий санъат фани машғулотларида амалий иш бажариш жараёнида ақлни чархлаш, жисмоний меҳнат билан шуғулланади. Расм чизиш жараёнида ўқувчиларда куйидаги кўникмалар шаклланади: ўзгалар меҳнатини кадрлаш; асбоб-ускуналарни эҳтиёт қилиш; тозалikka риоя этиш; та-

биат гўзалликларини ўрганиш; меҳнатни улуғлаш; рангларни фарқлаш; ўзи туғилиб ўсган она юртини севиш, тарихий обидаларга нисбатан ҳурмат, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган обидаларни асрай билиш; ота-боболаридан фарзандларига, устозлардан шогирдларга ўтиб келаётган санъатни ривожлантириш; тадбиркорлик кўникмалари; маҳсулотларни тежаш орқали тежамкорлик билим кўникмалари шаклланади [2].

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида юқорида санаб ўтилган билим ва кўникмаларни шакллантиришда ҳамда уларни жамиятда ўз ўринларини топишлари, касбий фаолиятида фаол иштирок этиш ва рақобатбардош кадр бўлиб етишишлари, туғилиб ўсган ватанига виждонан, садоқатли хизмат қиладиган инсон бўлишларида тасвирий санъат фанидан дарс берувчи мутахассис ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган тасвирий санъат фанининг ҳозирги ва келажакдаги устувор вазифаларини белгилаб олишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Чунки тасвирий санъат фани ўзининг мазмун-моҳияти ва вазифаларига кўра, барча аниқ, табиий, фазовий ва эстетик билимларни умумлаштириб, уларни мужассамлаштирган ҳолда, амалиётга татбиқ этишни кўзда тутувчи амалий фан ҳисобланади. Шунуқтаи назардан олганда, тасвирий санъат фани назария ва амалиёт бирлигини таъминловчи, ўқувчиларнинг олган назарий билимларини амалиётга татбиқ

эта олишларига имкон яратувчи асосий омил ҳисобланади. Тасвирий санъат фанининг асосий мақсади ўқувчиларда тасвирий саводхонликни ривожлантириш, бадиий тафаккурни юксалтириш, эстетик ва эмоционал сезгирликни ўстириш орқали ижтимоий ҳаётда зарур бўлган билимларни эгаллаш, улардан кундалик ҳаётида фойдаланишга ўргатишдан иборат [4, 57].

Тасвирий санъат инсон онгига тезда таъсир этиб, унда эзгу ҳислар уйғотадиган, кишини руҳлантириб, маънавий оламини бойтадиган санъат турларидан биридир. Шу билан бирга, тасвирий санъат инсон шахсининг шаклланишига ва камолатига ёрдам берадиган тарбиячи ҳамдир.

Расм чиза билиш ва ҳамма масалаларга ижодий ёндашиш барча соҳаларда зарурдир. Ижодий ёндашиш бутунлай янги ғоялар ва таъсаввурларни вужудга келтиради, шахсни бадиий ривожлантиришда муҳим ўринни эгаллайди [5, 61]. Тасвирий санъат фани ўқитувчиси маънавий машғулотларнинг ташкилотчиси, раҳбари, йўл кўрсатувчиси, ўқувчиларга илҳом улашувчи ҳамда ғоячиси ҳисобланади.

Шунингдек, ўқитувчи тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни дарс мавзуларига фаол иштирок этишини таъминлаш учун мавзунинг мазмунини, ҳаётдаги аҳамияти ва уни чизиш қоидаларини оддий ва содда йўллар билан тушунтириши зарур. Баъзи ҳолларда, ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш учун ўқувчиларга ўргатмоқчи бўлган мавзуси юзасидан саволлар бериб, ўқувчилар томонидан берилган жавобларни тўлдириш билан чеклаиб қолмоқда. Бу метод дарс сифатининг самарадорлигига эришиб бўлмайди. Ўқитувчилар амалий машғулотларда мавзунинг баёнини тушунтириш жараёнида тасвирий санъат асарлари, кўргазмалари ва кўрсатмалари воситалардан фойдаланса, самараси юқори бўлади.

Тасвирий санъат соҳасида хорижий олимлар, шарқ мутафаккирлари, МДХ мамлакатлари олимлари ва мамлакатимизнинг етакчи олимлари тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Хусусан, Леонардо да Винчи тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси ривожланишига катта таъсир кўрсатган ҳисобланади. У ўзининг “Книга о живописи” номли асарида рассомликни жиддий илмий фан соҳаси деб қарайди. Олим кўп йиллар ижодий меҳнати давомида анатомия, ранг, киши аъзолари ўртасидаги мутаносиблик қонуниятларини ишлаб чиққан.

Немис рассоми А.Дюрер тасвирий санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Рассом биринчи бўлиб расм чизиш жараёнини осонлаштириш учун геометрик методни ўйлаб топди. Унинг фикрича, ҳар қандай буюм, нарсалар асосида геометрик жисм шакли ётади. Айнан у ёки бу нарсаларни тасвирлашда аввал геометрик жисм шаклини чизиб олиними лозим, кейин улар умумлаштирилиб, ҳақиқий тасвир ҳосил қилинади.

Буюк чех педагоги Я.А.Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асарида тасвирий санъатни барча умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилишининг фойдали эканлиги исботлаган [4, 78].

Рус рассоми А. Сапожников 1934 йилда биринчи бўлиб умумий ўрта таълим мактаблари учун “Расм чизиш курси” номли дарсликни яратди. Олим яратган дарслик натурага қараб расм чизишга асосланган эди. Дарслик реалистик расм ишлаш асосида қурилган бўлиб, унда перспектива, ёруғ-соя қонунлари ҳам ўз аксини топган эди. Шу билан бир қаторда, Сапожников сим, картон, гипс каби материаллардан нарсалар тузилиши, перспектив қисқариши, ҳажмига доир методик кўргазмалари қурулган мажмуасини ҳам яратди. Муаллимнинг тавсияларига кўра, ҳар қандай натура асосига турли ҳажмли ва юзали геометрик шакллар ётиши, шунинг учун ҳам расм чизишда геометрик методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.

1967 йилда собиқ педагогика фанлари Академияси ташкил топиб, унинг таркибида бадиий тарбия илмий тадқиқот институти очилган бўлиб, мазкур институт умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида эстетик тарбияга доир илмий-методик тадқиқотлар олиб боришда асосий марказ бўлиб қолди. Бу борада Россия Маориф вазирлиги тасарруфида ташкил этилган мактаблар илмий тадқиқот институти ва унинг тасвирий санъатни ўқитишга оид лабораторияси диққатга сазовор ишларни олиб боришган.

Ўзбекистон ҳудудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик, рангтасвир, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Афрасиёб, Варахша, Қалчаён, Тупрок қалъа, Айртот, Болалик тепа, Далварзин тепа, Қўйқирилган қалъа, Фаёз тепа, Тешик қалъа, Ажина тепа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Бу асарлар эрамиздан аввалги IV-I асрларда яратилган бўлиб, уларнинг ёши 5-6 минг йилларга тўғри келиши мумкин. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак, муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарлари ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирдга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. Маълум даврларда мамлакатимиз ҳудудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг сабаблари, Искандар Зулқайнар, мўғуллар, араб, рус истилоларига бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб-яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида мини-

атюра ва китоб графикаси шунчалик тез ривожландики, у нафақат Шарқ, ҳаттоки Европа мамлакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, Самарқанд, Ҳирот, Бухоро миниатюра мактаблари билан бир қаторда, Табриз, Бағдод, Шероз, Озарбайжон, Исфаҳон, Ҳинд, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди.

Тасвирий санъат тарихида буюк мусаввир ва наққош Камолиддин Бехзоднинг устози Ҳиротлик Мирак наққош бўлган, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида айрим манбаларда келтирилган. Шунингдек, устоз Мирак наққошнинг Ҳирот “Нигори-

стони” (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Камолиддин Бехзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

Тасвирий санъат, чизмачилик ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш муаммолари бўйича кейинги йилларда республикамизнинг қатор олимлари Ш.Абдурахмонов, К.Мадумаров, Н.Хурбоев, Э.Рузиев, Д.Қўчқорова, У.Рихсибоев, Н.Ёдгоров, Ч.Шокорова, А.Ҳамрақулов, С.Сайдалиев, Д.Саидахмедова, Б.Ниғмонов, М.Ҳолимов, Н.Ташимов, Н.Ғуломова, Ф.Алимовлар кабилар ўқув адабиётлари яратиш билан бир қаторда, илмий ва методик тадқиқот ишларини ҳам ўтказиб келишмоқда [3, 28].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.*
2. *Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.*
3. *Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси. 4-махсус сон. Физика. Математика. Информатика. Чизмачилик. Технология таълими – Т.: Sharq, 1999. – 304 б.*
4. *Сайдахмедов Н. С. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт) – Т.: Молия, 2003. –172 б.*
5. *Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... н.ф.ф.д. (PhD) – Т., 2020. – 141 б.*

TALABALAR TAFAKKURINI GENDER TENGLIK VA FARQLAR ASOSIDA SHAKLLANTIRISH

Ma'rifat Butayorova,
TerDPI Ta'lim tarbiya nazariyasi
va metodikasi yo'nalishi 2-kurs magistranti

Annotatsiya

Mamlakatimizda o'tgan asrning oxirlarigagina kelib ta'lim jarayonida gender farqlar va o'xshashliklarni hisobga olish haqidagi fikrlar ilgari surila boshlandi. Bu nafaqat bugungi kunimiz, balki ertangi kelajagimizni ham belgilab beradigan vazifadir.

Kalit so'zlar: Gender tenglik, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, talaba, qizlar, faollik, tashabbuskor, gender muammosi.

Аннотация

Только в конце прошлого века в нашей стране стала выдвигаться идея учета гендерных различий и сходства в образовательном процессе. Это задача, которая определяет не только наше настоящее, но и наше завтрашнее будущее.

Ключевые слова: гендерное равенство, экономическое, социальное, политическое, студентка, девушки, активизм, инициатива, гендерная проблематика.

Annotation

Only at the end of the last century in our country the idea of taking into account gender differences and similarities in the educational process began to be put forward. This is a task that determines not only our present, but also our tomorrow's future.

Keywords: gender equality, economic, social, political, student, girls, activism, initiative, gender issues.

O'zbekiston gender tenglikka oid – “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida”gi Qonunni qabul qilishga boshqa mamlakatlarga qaraganda ancha kechikdi. “Bu yil O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning siyosiy irodasi bilan 15 yildan buyon Oliy Majlisda yotgan ushbu qonun qabul qilindi va bu mamlakat uchun muhim qadam bo'ldi”, deydi Demokratiya va inson huquqlari instituti direktori, yuridik fanlari nomzodi, Adliya polkovnigi Sayyora Xo'jayeva [1].

2017-yili qizlar boshlang'ich ta'lim sohasida 50 foizni, o'rta maktabda esa 54 foizni tashkil etgan. 2018-yildagi statistik ma'lumotga ko'ra, oliy ta'lim sohasida ham xotin-qizlar soni ortgan va talabalarning 40 foizi xotin-qizlar bo'lgan, bu 2011-yildagi ko'rsatkichdan 36 foiz ko'p demakdir. Xotin-qizlarning savodxonlik darajasi esa 99,98 foizni, ya'ni dunyodagi eng yuqori ko'rsatkichardan birini tashkil etadi. O'zbekiston bundan faxrlansa arziydi. Biroq bu to'liq natijaga erishdik degani emas. Gender tenglik hali oilalarga, to'rt devor orasiga kirib bora olganicha yo'q. Bunga esa vaqt kerak. Mahalliy sharoit, qadriyatlar, ayol va erkak, oila munosabatlaridagi mavjud yozilmagan qonunlar O'zbekistonda gender tengligi yo'q yoki O'zbekistonda gender tengligi – ishga ko'zi ko'karib borgan ayollar hali ham uchrab turibdi.

Gender tenglik – bu faqat ayollarni rahbarlik lavozimiga o'tkazdik, degani emas. Bunda erkak va ayollar teng imkoniyatlarga ega bo'lishlarini ta'minlash maqsadida mamlakatimizda ham bir qator ishlar olib borilmolda. Jumladan, mamlakatimizda “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'ri-

sida”gi Qonun qabul qilindi. Mazkur Qonun davlatimiz rahbarining 2019-yil 7-martdagi “Xotin-qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq ishlab chiqildi.

Ushbu qonunning maqsadi xotin-qizlarni turmushda, ish joylarida, ta'lim muassasalarida hamda boshqa joylarda tazyiqlar va zo'rvonlikning barcha shakllaridan himoya qilishga qaratilgan. Ushbu sohadagi munosabatlarni tartibga solish, shuningdek, tazyiqlar va zo'rvonlikdan jabrlanganlarni huquqiy hamda ijtimoiy himoya qilish kafolatlarini ta'minlash ham qonunning muhim maqsadlaridan biri hisoblanadi 68% maktab qizlarining kasb tanlashda mustaqillik darajasi pastligi nimani anglatadi?

XX-XXI asrlarda jamiyatning dolzarb muammolaridan biri sifatida gender tenglik masalalarini qayta ko'rib chiqish va uni amaliy o'zgartirish masalalari katta o'rin egallagan. Ushbu o'zgarishlarning asosiy yo'nalishi ayollarning mehnat va ijtimoiy faoliyatning turli sohalarida tutgan o'rni va roliga yangicha qarashda, har ikkala jins vakillarining motivlari, manfaatlari, pozitsiyalari va faoliyatining uyg'unligi g'oyasidadir.

O'zbekistonda so'nggi yillarda gender tengsizligini bartaraf etish bo'yicha ishlar faollashdi. Gender siyosati muammolari, gender tadqiqotlari, ayniqsa, “Ayollar muammosi” bilan bog'liq masalalar rasmiy darajada davlat siyosatining ustuvor masalalari qatoriga kiritilgan. Xotin-qizlarning mavqeyini oshirish, ayniqsa, ularning huquqlarini qonuniy hujjatlar orqali himoya qilish va kengaytirish bo'yicha chora-tadbirlar belgilandi.

Zamonaviy o'smirlarning kasb tanlash muammosini

tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, maktab bitiruvchilari gender xususiyatlarini hisobga olgan holda, keyingi kasbiy yo'nalishlarni belgilash va rejalashtirishda kattalarning yordamiga muhtoj. Bu kabi holatda mahalla, oila va ta'lim muassasining hamkorligi etakchi o'rinni egallaydi.

Sandra Bemning "Erkaklik, ayollik va shaxsning gender turi" usuli, J.Gollandning shaxsiyatning professional turini aniqlash uchun o'zgartirilgan usuli, E.A.Klimov tomonidan differensial diagnostika so'rovnomasi asosida olingan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, bugungi kunda maktab o'quvchilarining aniq kasbiy rejasi yo'q, ularning aksariyati (68%) kasb tanlashda mustaqillik darajasi pastligini ko'rsatmoqda.

Natijalarga ko'ra, yigitlar orasida mehnatni kasbiy taqsimlash masalalarida gender stereotiplariga amal qilish darajasi 70,8 foizni tashkil etadi. Qizlar mehnat taqsimoti bo'yicha ko'proq liberal g'oyalarga ega: ular 42,3 foiz kasblarni "erkak" va "ayol"ga taqsimlashdagi stereotiplarni hozirda ahamiyatsiz deb hisoblaydi. Tadqiqot jarayonida gender xususiyatlar asosida o'quvchilarning kasb tanlashdagi afzalliklari aniqlanib olinmoqda.

Gender ijtimoiylashuv maktab o'quvchilarining rivojlanishi va moslashuvi jarayonining muhim tarkibiy qismi bo'lib, shaxsiy va kasbiy sohalarda o'zini o'zi belgilashga yordam beradi.

O'smirlarning gender ijtimoiylashuvini hisobga olish bolaning kasb tanlash istiqbollari amalga oshirish ichki tayyorlikni shakllantirishga yordam beradi. Bunda gender yondashuv asosida o'quvchi-yoshlarni kasbiy yo'naltirishga qaratilgan intensivlashgan didaktik ta'minotlarni ta'lim jarayonida tadbiiq qilish bilan izohlash mumkin. Bunda yoshlarni asosan kichikligidan boshlab kitobga oshno qilish, o'z fikrini erkin bayon qila olish imkoniyatini berish hamda ularni tinglash muhim ahamiyat kasb etadi.

Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va ularda paydo bo'layotgan yangi fikr va g'oyalarni qo'llab-quvvatlash ularda o'ziga bo'lgan ishonchni yanada ortishiga xizmat qiladi.

"Meni kishilarimizning ongida paydo bo'lgan stereotip ko'p o'ylantiradi. Odatda biz ayolni, avvalambor, ona, oila qo'rg'onining qo'riqchisi sifatida hurmat qilamiz. Bu, shubhasiz, to'g'ri. Ammo bugun har bir ayol oddiy kuza-tuvchi emas, balki mamlakatda amalga oshirilayotgan demokratik o'zgarishlarning faol va tashabbuskor ishtirokchisi ham bo'lishi kerak", deydi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Prezident Shavkat Mirziyoyev [1].

Keyingi besh yil davomida mamlakatimizda keng miqyosdagi demokratik o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. "Yangi O'zbekiston" degan tushuncha real voqeelikka aylanoqda. Ana shu demokratik o'zgarishlarning eng

muhim yo'nalishlaridan biri gender tenglik, ya'ni xotin-qizlar huquq-manfaatlarining kengaytirilishidir. Bu esa, o'z navbatida, mamlakatning yuksalishi uchun zamin hozirlaydi. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasida ayollarning oila va jamiyatdagi rolini oshirish, xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, salomatligini mustahkamlash, ular uchun munosib turmush sharoitini yaratish eng muhim yo'nalishlardan biri sifatida belgilangan.

Bugungi farovon hayotimiz ham, yorug' kelajagimiz ham ayollarga bog'liq. Agar xalqimiz bizdan rozi bo'lishini xohlasak, avvalo, mo'tabar onalarimiz, opa-singillarimiz uchun munosib turmush sharoiti yaratishimiz kerak. Ona rozi bo'lsa, oila rozi bo'ladi, oila rozi bo'lsa, jamiyat rozi bo'ladi,- dedi Shavkat Mirziyoyev [1]

Bugungi kunda pedagogika fanida erishilayotgan eng muhim yutuqlardan biri gender tenglik va farqlar asosida ta'lim berish imkoniyatlarining ochilayotganligidir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida ta'lim tizimidagi gender tenglikni ta'minlashning huquqiy asoslari yaratilgan. Konstitutsiyaning 46-moddasida "Ayollar va erkaklar teng huquqli" ekanligi belgilab qo'yilgan [2].

Gender farqlar hamda o'xshashliklar ta'lim jarayonida qiz va o'g'il bolalar o'quv faoliyatidagi o'xshashliklar va farqlarni hisobga olishga asoslanadi. Bu esa, o'z navbatida, o'quv jarayoni samaradorligini ta'minlashga yordam beradi. U yoki bu jinsga mansublik o'quvchi shaxsining imkoniyatlarini belgilaydi. Qiz va o'g'il bolalar orasidagi gender farqlar va o'xshashliklarni hisobga olishga qaratilgan tadqiqotlar amalda gender pedagogikasi hamda psixologiyasida bir qadar keng ko'lamda amalga oshirilmoqda.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek, "Ayollarni ulug'lash – oilani, hayotni, vatanni, ulug'lamoq"dir [3].

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, xotin-qizlar va oila masalasi — bu kundalik ishlar orasida juda daqiq, ya'ni e'tiborli masala. Bu nafaqat bugungi kunimiz, balki kelajagimizni ham belgilab beradigan vazifadir. Yurtimizda istiqomat qilayotgan har bir ayoling qalbida o'ziga bo'lgan ishonch mustahkam o'rin olib, kelajagiga bo'lgan umidining yanada barq urishiga, oilasiga, jamiyatga mehr-muhabbati ortishiga barchamiz harakat qilishimiz zarur. Bizning oldimizdagi eng zarur masalalardan biri – avvalo, jamiyatimizdagi qizlarning, opa-singillarimizning ma'naviyatini yuksaltirishimiz, ularni oliy ta'lim muassasalarida ta'lim olishlariga yordam berishimiz kerak. Zero, og'lini o'qitgan odam bitta shaxsni o'qitgan bo'ladi, qizini o'qitgan odam esa oilani, butun jamiyatni o'qitgan bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 1992.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 7-martdagi "Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'grisida"gi PF-87-son Farmoni.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2019-yil 21-iyundagi Oliy Majlis Senatining 20-yalpi Majlisidagi nutqi.
4. Хоф Р. Возникновение и развитие гендерных исследований. / Пол, тендер, культура. // Под ред. Э.Шоре и К. Хайдер. – М.: 1999. – С. 23-53.
5. Бок Г. История, история женщин, история полов. / THESIS: Женщина, семья. 1994, №6. – С. 170-200.
6. Qalampir.uz\uz\news\ islomda gender tenglik.
7. <https://qalampir.uz/uz/news/>

НОАНАВАВИЙ ДАРС ШАКЛЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Худоймурод Дусяров,

Термиз давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация

Мазкур мақолада бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда технологик таълим методикаси фанини ўқитишда машғулотларни ташкил этишда ноанававий дарс шакллари таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти батафсил ёритиб берилган.

Калим сўзлар: технология, дарс, ноанававий, шакл, метод, интерфаол методлар, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли ўқитиш, устуворлик, самарадорлик, ўқимтувчи.

Аннотация

В данной статье подробно разъясняется значение нетрадиционных форм уроков в повышении эффективности образования при организации деятельности по обучению науке о методологии технологического образования в подготовке будущих учителей технологического образования.

Ключевые слова: технология, урок, нетрадиционный, форма, метод, интерактивные методы, работа в малых группах, проблемное обучение, расстановка приоритетов, эффективность, учитель.

Annotation

In this article, the importance of non-traditional forms of lessons in increasing the effectiveness of education in the organization of activities in teaching the science of technological education methodology in the training of future teachers of technological education is explained in detail.

Keywords: technology, lesson, non-traditional, form, method, interactive methods, work in small groups, problem teaching, prioritization, efficiency, teacher.

Мамлакатимизда технология таълимидаги туб ислохотлар натижасида педагогика олий таълим муассасаларида давлат буюртмалари асосида компетентли мутахассислар, хусусан, технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари яратилиб, ахборот-методик имкониятлари кенгайтирилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 70-мақсади 6-хатбошида “Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш” устувор вазифа этиб белгиланган. Бу эса республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг йўл харитасини белгилаб берди. Мазкур вазифани амалга оширишда бўлажак технология ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ноанававий таълим воситасида ривожлантиришнинг амалдаги методикаси ва ўқув-методик таъминотини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган устувор вазифаларни амалга оширишда бугунги кун ўқитувчиси нафақат ўз фанининг устаси бўлиши, шу билан бир қаторда, янги замонавий технологияларни, таълим оловчи психологиясини билиши, машғулотларни турли интерфаол

методлар асосида ноанававий ташкил этиши талаб қилинади. Ушбу талабларни бажаришда таълим берувчи таълим оловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб олиши зарур. Биз қуйида технологик таълим методикаси фанини ўқитишда асосида кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳни кичик гуруҳларга бўлиш усулини кўрсатиб ўтамиз [1]. Бунинг учун гуруҳдаги ўқувчиларни рўйхати бўйича кетма-кет равишда 5 та кичик гуруҳга бўламыз. Сўнгра ҳар бир гуруҳга узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган 5 та мавзуни ҳар бир гуруҳга 1 та мавзу тамойили асосида бериб, мавзуни топширишнинг мақсади, вазифалари ва ҳисобот топшириш шакли тушунтирилади. Масалан:

1-гуруҳга “Ноанававий дарс шакллари пайдо бўлиш тарихи”.

2-гуруҳга “Ноанававий дарс шаклининг анъанавий дарс шаклидан фарқи”.

3-гуруҳга “Ноанававий таълим турлари”.

4-гуруҳга “Ноанававий таълим шаклининг структураси”.

5-гуруҳга эса “Ноанававий таълим шакллари ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштиришдаги аҳамияти” мавзулари берилди.

Бу технологияни янги билим берувчи дарсда ўқувчиларнинг қай даражада билим-қўникма ва малакага эгалликларини аниқлаш учун қўллаш мумкин. Ёки бўлмаса, ўтилган мавзуни қай даражада ўзлаштирилганликларини аниқлаш мақсадида, мустаҳкамлаш дарсларида қўлласса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишнинг вазифаси ўқувчилар томонидан билимлар тизими ва ақлий ҳамда амалий фаолиятлари усулларини самарали ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш, билиш мустақиллиги ўқув ва тарбия муаммоларини ҳал қилишдир.

Ўқитиш жараёни фақат “муаммоли” методлар ёрдамидагина амалга ошмайди, балки унинг самарали бориши учун хилма-хил методларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Муаммоли ўқитишнинг ўқувчилар даражасидаги сифатини таъминлаш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ахборотлар бўйича билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида семинарлар ўтказиш мумкин. Маълумки, бундай семинар ўтказишдан дастлабки мақсад маъруза ёки ахборотни жамоа бўлиб муҳокама қилишдир [1, 2, 4]. Семинарнинг самарадорлиги, албатта, ўқувчиларни унга тайёрлаш сифатига боғлиқ. Айниқса, маъруза ва ахборот тайёрлаётган ўқувчилар билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни семинарга тайёрлаш босқичма-босқич ташкил этилади: Биринчи босқичда, ўқитувчи ўқувчининг семинар мавзусини аниқлаб беради. Мавзунини танлаш ва бўлғуси маъруза ёки ахборотни тайёрлашда уларга нисбатан ўқитувчи шунчаки, ўқувчи деб қарамаслиги керак, балки уларни семинарда муҳокама қилинадиган мавзунинг аҳамиятини, долзарблигини фикрлашга, ўқув фанини кейинчалик муваффақиятли эгаллаш учун уни чуқур ўрганиши лозимлигини англашга булғуси касбий фаолиятининг ҳозирги ижтимоий, илмий муаммоларини режалаштира олиш даражасига олиб келиши зарур [2]. Бунда вақтни тежаш, ташкилий ишларни амалга оширишни жадаллаштириш учун ўқувчиларга мавзу бўйича адабиётларни, имкони борича, мавзуларни ва саҳифаларини кўрсатган ҳолда тавсия этиш лозим.

Иккинчи босқичда ўқувчиларни маъруза қилишга тайёрлашда ўқитувчи у билан бирга реферат режасини муҳокама қилади, унинг айрим ўринларини тузатади.

Бу, ўз навбатида, дастлабки фикрларни тезликда тузатиш, аниқлик киритиш, тўлдириш имконини беради ва у пировард натижада булғуси маърузанинг сифатини оширади.

Учинчи босқичда, ўқитувчи ўқувчи тайёрлаб келган рефератнинг мазмуни билан танишади. Зарурият туғилганда, унга саволлар қўйиши, ўқувчи эса бу суҳбатдан сўнг тегишли хулоса чиқариши лозим бўлади.

Муаммоли ўқитиш усули орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга мунтазам тайёрлаш, шахсий фазилат сифатида улардаги баҳоланадиган мустақилликни шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, ўйин технологиялари ҳам ноанъанавий

таълим усулларида бўлиб, ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолиятни ташкил этади [3].

Ўйин, олимлар тадқиқотларига кўра, меҳнат ва ўқиш билан биргаликдаги фаолият турларидан ҳисобланади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади, такомиллашади [5].

Психологларнинг таъкидлашича, ўйинга киришиб кетиш қобилиятли киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга – “ижод майдони”га эга бўлади.

Ўйин билим ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади [3, 4]. Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланилади.

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим мактабларида таълим жараёнида малака ва кўникмаларни, меҳнат кўникмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтани назарлар, маънавий эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади [6]. Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диққат, хотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш, малакаси, солиштириш, ўхшатишни топиш, фарз ҳаёл, ижодий қобилият, импатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашнинг ривожлантиришга қаратилган. Умуман, таълим жараёнида ўйиннинг турли хилларидан кенг фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга катта имкон беради [7]. Масалан, дидактик ўйинлар, қурилиш ўйинлар, ролли ўйинлар шулар жумласига киради. Бундай ўйинлар асосини билишнинг у ёки бу мазмуни, ўйиннинг боришини белгилайдиган ҳаракатларни бажаришга қаратадиган ақлий ва иродавий уринишини ташкил этади [6]. Дидактик ўйинларда асосий фикрлаш жараёнларни таҳлил қилиш, таққослаш, хулоса чиқариш ва ҳоказолар такомиллашади.

Шунингдек, тадбиркорлик ўйинлари, тақлидий ўйинлар, ташкилий ўйинлар, ролли ўйинлар, ҳам таълим самарадорлигини оширишда муҳим омил саналади.

Бугунги кунда таълим самарадорлигини оширишда таълимнинг ноанъанавий усулларида бири дарсликлар билан ишлаш усулидир.

Ўқувчилар илгари дарсликлардан уйда билимларини мустаҳкамлаш учун фойдаланган бўлсалар,

мактаб ривожланишининг hozirgi bosqichida esa ularning yangi material baen qilinishi bilanok foydalaniшmoqda.

Ўқувчи китоб билан муваффақиятли ишлай олиши учун тегишли кўникма ва малакаларни эгаллаши керак. Таълимнинг hozirgi bosqichida ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашни ўргатиш ўзлаштиришнинг муҳим вазифасидир [5]. Бу методнинг моҳияти билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг дарслик ва китоб билан мустақил ишлаши жараёнида амалга ошишидан ва айна пайтда, ularning китоб билан ишлаш масалаларини эгаллашдан иборатдир.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули ҳам муҳим аҳамият касб этади [7]. Мунтазамлик, объективлик, тезкорлик, барча учун яқинлик, ўқувчиларнинг психологик, физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш, мустақилликни шакллантириш таълим-тарбия тараққиётини бирлиги, очиклик ва натижалари амалиётда ҳисобга олиш тамойиллари асосида ишлаб чиқилиб жорий этилаётган рейтинг усули “ўқувчилар билим фаолиятининг доимий назоратини ўзига қамраб олади”.

Баҳолашнинг кўп бошли тизимини қўллашда эришилган натижаларни таққослаш, ҳар бир ўқувчи фаолияти натижаларини жамлаш, ularни билим дара-

жаларига қараб табақалаш ва ўқувчиларни эришган натижаларига кўра рағбатлантиришга имкон беради. Кўриниб турибдики, hozirgi кунда таълимнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланиш имкониятлари чексиз бўлиб, ular таълим самарадорлигини оширишда, шунингдек, ёшларни ҳар томонлама етук шаклланишига муҳим омил саналади.

Ноанъанавий таълим ўқувчиларни фақат билим, кўникма, малакалар билан куроллантиришни кўзда тутмасдан, балки дарсда вужудга келтириладиган муаммоли вазиятларни ўқувчилар аввал ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларни янги ва кутилмаган вазиятларда, ижодий қўллашлари орқали ижодий фаолият тажрибалари, борлиқлари ҳиссий-қадрий муносабатларни таркиб топтиришга қаратилган [8]. Ўқувчиларнинг мустақиллиги, ўқув-билиш мотивлари, мантикий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган, ўқувчиларнинг мустақиллиги, ўқув-билиш мотивларини, мантикий фикрлашни ривожлантиришга, мустақил билим олиш ва маълумот олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, билимларни эгаллаш йўлини ўзлаштиришга имкон берадиган мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараёнда ўқитувчилар машгулотларни ноанъанавий ташкил этсалар, таълим-тарбия жараёни самарадорлиги ошиб, таълим олувчиларда фанга, илм олишга нисбатан қизиқиш ривожланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. – Т., 2019. – 200 б.
2. Shomirzayev M. K. Combined In Technology Courses Use Of Technologies // The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 05. – P. 389-396.
3. Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Т., 2020. – 141 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновациялар (таълим муассасалари педагог ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамгармаси, 2008. – 180 б.
5. Кёниг В. Педагогическая диагностика образовательного процесса. – М., 2005. – 178 с.
6. Кутлымуратов К.А. The characteristics of responsibility in students representation // International journal of innovations in enegineering research and Technology [IJERT] August 14th, 2020 -pp.137-138.
7. Қодиров Б.Э. “Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons” // Yeuropean Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, Part III ISSN 2056–5852.
8. Қодиров Б.Э. Электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси: Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Термиз: 2021. – 142 б.

OILAVIY MUHIT BARQARORLIGIDA MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYANING O'RNI

Dildora Davronova,

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti
"Pedagogika-psixologiya" kafedrasida dotsent vazifasini bajaruvchisi**Annotatsiya**

Ushbu maqolada oilaning ahamiyati, oilaviy muhitning barqarorligi va unda ma'naviy-axloqiy tarbiyaning o'rni haqida so'z boradi. Bundan tashqari, ushbu maqolada bugungi kunda farzand tarbiyasini kamol toptirishda e'tibor qaratish lozim bo'lgan ustuvor vazifalar ham muhokama qilingan.

Kalit so'zlar: oila, odob-axloq, tarbiya, muhit, ma'naviyat, shaxs, jamiyat, farzand, er-xotin munosabatlari, qadriyat, dunyoqarash.

Аннотация

В данной статье говорится о значении семьи, стабильности семейной среды и роли в ней духовно-нравственного воспитания. Кроме того, в данной статье рассматриваются приоритетные задачи, на которые следует обратить внимание в развитии детского образования сегодня.

Ключевые слова: семья, манеры, воспитание, среда, духовность, личность, общество, ребенок, отношения в паре, ценности, мировоззрение.

Annotation

This article talks about the importance of the family, the stability of the family environment and the role of spiritual and moral education in it. In addition, this article discusses the priority tasks that should be paid attention to in the development of children's education today.

Keywords: family, manners, education, environment, spirituality, personality, society, child, couple relations, value, worldview.

Oila – avlodlar davomiyligi, qadriyatlar, urf-odatlar va an'analarni, qolaversa, xalqimiz ma'naviy merosining avlodlardan avlodga o'tishini ta'minlovchi omildir. Shu tufayli oilani qo'llab-quvvatlash masalasi davlatimizning doimiy diqqat e'tiborida bo'lib kelmoqda. Jamiyatdagi har qanday qusur va kamchiliklarning ildizini aksar hollarda oilalardagi ijtimoiy-ma'naviy muhitdan izlash nechog'li o'zini oqlagani kabi, kuchli, barqaror hamda farovon davlat tizimi negizini ham, avvalo, mustahkam oilalar tashkil etishini bugun tobora chuqur anglab etmoqdamiz. Shu ma'noda, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev milliy va ma'naviy qadriyatlarimizdan kelib chiqqan holda, oila institutini rivojlantirish, bu sohada yillar davomida e'tibordan chetda qolib kelgan bo'shliq hamda muammolar echimi yuzasidan tegishli davlat organlari va jamoat tashkilotlari oldiga dolzarb vazifalarni qo'yayotgani bejiz emas.

Ma'lumki, mamlakatimiz rivojlanishining hozirgi yangi bosqichi oilaviy tarbiyada milliy qadriyatlardan foydalanishning zamonaviy mezonlarini o'rta tashlamoqda. Oiladagi ma'naviy muhit axloqiy tarbiya o'chog'i sifatida milliy axloq va tarbiyaning o'ziga xos xususiyatini shakllantiradi. Oila muhiti bilan aloqaga kirishish jarayonida xulq-atvor me'yorlari, ma'naviy-ijtimoiy va madaniy tushuncha hamda tasavvurlar, yangi-yangi qiziqish va ehtiyojlar egallanib ijtimoiy muhitda rivojlanib boradi. Shaxsning ma'naviy shakllanishiga ta'sir etuvchi omillar to'g'risida gapirilganda, birinchi navbatda, shaxsning o'zi, ikkinchidan, mikro muhit, uchinchidan mezo muhit va to'rtinchi navbatda, jamiyat va undagi siyosiy, ideologik,

madaniy-ma'rifiy, iqtisodiy sohalarining umumiy holati namoyon bo'ladi. Oilaning muhim ahamiyatga ega bo'lgan asosiy vazifalaridan biri – bu tarbiyalashdir. Bolalarning aqliy, jismoniy, axloqiy, estetik tarbiyasiga oilada asos solinadi. Inson oila deb ataluvchi binoning faqat poydevorini qo'yish bilan cheklanmasdan, balki uning so'nggi g'ishti qo'yilguncha javobgardir. Ota-ona - san'atkor, bola – san'at asari, tarbiya jarayoni esa san'atning o'zidir [1, 15].

Oila qancha mustahkam bo'lsa, jamiyat ham shunchalik mustahkam bo'ladi va rivojlanadi. Shuning uchun ham Birlashgan Millatlar Tashkilotninig Bosh Assambleyasi 1994-yildan e'tiboran har yili 15-may kunini Xalqaro oila kuni sifatida nishonlashga qaror qilgan. "Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi"ning 16-moddasida shunday deyilgan: Balog'atga etgan erkaklar va ayollar irqi, millati va diniga qarab biror bir cheklovlarisiz nikohdan o'tish va oila qurish huquqiga egadirlar. Ular nikohdan o'tayotganlarida ham, nikohda bo'lgan vaqtda ham va nikoh bekor qilinayotganda ham bir xil huquqlardan foydalanadilar [2, 58].

Oila shakllanishi, uning mustahkamligini ta'minlanishi – zamonaviy jamiyatlarning asosiy muammolaridan biridir. Oila, oilaviy va er-xotin munosabatlari falsafa, psixologiya, pedagogika, sotsiologiya, demografiya va boshqa ko'plab fanlarning o'rganish obyekti bo'lib kelmoqda. Oila, uning shakllanishi va tanazzulga yuz tutishi kabi munosabat nafaqat uning sotsial institut sifatida kishilar turmush tarzini belgilab berishi, balki avlodning barkamolligi, millat va davlat sog'lomligi, shuningdek, doimiy o'sib boruvchi sotsial buyurtmadan kelib shakllangandir.

Zero, oila barqarorligiga tahdidlarning o'sishini barcha tadqiqotchilar e'tirof etganlar.

Aynan oila muhiti, eng avvalo, shaxsning xulq-atvorini shakllanishida jamiyatning eng kichik bo'g'ini sifatida muhim rol o'ynaydi. Vaholanki, oilada ma'naviy-axloqiy muhit shaxs axloqiy ongi, xulq-atvori va faoliyatida tamal toshi, hal qiluvchi omil hisoblanadi. Dastlab, aynan oiladagi ma'naviy-axloqiy muhit shaxs imkoniyatlarini shakllantiradi, uning ijtimoiy borliq bilan munosabatlarini va mulqotini yuzaga keltiradi. Shu bois ham oila shaxsning g'oyaviy, siyosiy, iqtisodiy qarashlarini shakllantiruvchi, tevarak-atrofga, dunyoga munosabatlari tizimini, ya'ni dunyoqarashi, e'tiqodi, ehtiyojlari, qiziqishlari, ideallari, motivlari, hayotiy maqsadi yo'nalishini belgilovchi mikro-muhit sifatida tadqiq etiladi.

Zardushtiylikning qadimiy kitobi – "Avesto"da oila muqaddas dargoh ekanligi, oila barqarorligida er va xotinning teng mas'ulligi, farzand tarbiyasi to'g'risidagi fikrlar bayon etilgan. Oilaning tinch va farovon bo'lishi nimalarga bog'liq ekanligi haqida esa: "Porso, inson uy tiklab, olovga, oilasiga, xotin va farzandlariga o'rin ajratib bersa, uyida noz-ne'matlari muhayyo bo'lib, xotin va farzandlari farovon yashasa, uyida e'tiqod sobit, olovi alangali, boshqa narsalari ham mo'l-ko'l bo'lsa, o'sha manzil muhtaramdir", – deb yozilgan [3, 69].

Amerikalik sotsiolog X.Kristensen ma'lumotlariga ko'ra, oilaning tizimli o'rganilishi XIX asrning oxirida boshlangan. Bunga qadar oila va nikohga bo'lgan qarashlarga din, mifologiya, falsafa o'zining kuchli ta'sirini ko'rsatgan. Ma'lumki, Platonning sotsiologik konsepsiyasida jamiyatning manfaatlari shaxs manfaatlaridan ustun turadi. "Benuqson, yuksak davlat – ayollar va farzandlar birligidir. Har bir nikoh davlatga foyda keltirilishi lozim", – deb yozgan Platon. Aristotel taxmin qilishicha, sog' insonning tabiati uning siyosiy tizimga "kirishib ketishi" bilan aniqlanadi. Har qanday oila esa davlatning bir qismini tashkil etadi. Ingliz faylasufi Tomas Gobbs (1588-1679) ma'naviy va fuqarolik muammolarini ishlab chiqayotib, nikohga nopok, muqaddas tuyg'ulardan xoli bo'lgan bir narsa deb qaragan fikrlarni rad etdi. U nikohga uning ma'naviy qadriyatlarini qaytishini xohlardi.

Oilalar muhiti sog'lom va mustahkam bo'lsa, mahallada tinchlik va hamjihatlikka erishiladi. Binobarin, mahalla, yurt mustahkam bo'lsagina, davlatda osoyishtalik va barqarorlik hukm suradi. Zero, oila farovonligi

Sharqda qadim-qadimdan oila muqaddas vatan sanalgan. Agar oilalar muhiti sog'lom va mustahkam bo'lsa, mahallada tinchlik va hamjihatlikka erishiladi. Binobarin, mahalla, yurt mustahkam bo'lsagina, davlatda osoyishtalik va barqarorlik hukm suradi. Zero, oila farovonligi

milliy farovonlik asosidir. Shu bois ham jamiyatda oilalar va mahallalardagi ijtimoiy-ma'naviy muhitni sog'lomlashtirish, "Obod va xavfsiz mahalla" tamoyilining to'laqonli va samarali joriy etish, oila institutini mustahkamlash bo'yicha, eng avvalo, "Sog'lom oila – sog'lom jamiyat" g'oyasini hayotga tatbiq etishga yo'naltirilgan yagona davlat siyosatini yuritish doirasida qaralmoqda.

Oilani ilmiy o'rganishda sotsiologik va ijtimoiy-psixologik bilimlar xususiyatlari borasidagi masalalar jiddiy ahamiyat kasb etadi. Sababi, oila – ham sotsial institut, ham kichik guruhdir. Sotsiologlar "oilaning maxsus sotsiologik nazariya"sini ilgari sursalar, psixologlar esa oiladagi o'zaro munosabatlarga murojaat etadilar.

Inson ma'naviyatini shakllantirishning eng maqbul maskani oiladir. Oila qaysi millatga mansub bo'lsa, o'sha xalqning ma'naviyatini o'zida mujassamlashtirib, bir necha asrlar tarixga ega bo'lgan an'analarni, ma'naviyatni avloddan avlodga etkazadi. Zero, shaxs ma'naviyati, uning dunyoqarashi, e'tiqodi, hayotiy tamoyillari, ideal-lari, qadriyatlari, ko'nikmalar majmui asosan oilada shakllanadi. Shu ma'noda, oila ma'naviyat qo'rg'oni hisoblanib, oila o'zi mansub bo'lgan millatning ma'naviyatini aks ettiradi. Demak, o'zbek oilasining o'ziga xos milliy xarakteri, oiladagi shaxslararo munosabatlarda namoyon bo'lishi, turli oilaviy marosimlar, urf-odatlar, an'analar, milliy-ma'naviy qadriyatlarimiz oila orqali namoyon bo'ladi.

Bugungi kunda oilada farzand tarbiyasini kamol toptirishda quyidagi ustuvor vazifalarga e'tibor qaratish lozim:

- ta'lim muassasalari nizomlari asosida farzandlarimizning maktabda joriy qilingan tartibga amal qilishlarini va huquqiy savodxonligini oshirib, jamiyat qaror va nizomlariga e'tiborli bo'lish, qonun hamma uchun bir xil ekanligini yoshligidan uqtirib borish;

- o'quvchi-yoshlar, ota-onalar, jamoatchilik bilan huquqiy tarbiyani amalga oshirish, tarbiya jarayonining barcha ishtirokchilari orasida milliy mafkurani targ'ib qilish, aqidaparastlik va milliy taraqqiyotimizga zararli g'oyalarning kirib kelishiga qarshi murosasiz kurashishni tashkil etish;

- turar joyda va mahallada olib borilayotgan barcha tarbiyaviy, ma'naviy, ma'rifiy, madaniy-ommaviy sport tadbirlarini barcha tashkilotlar hamkorligida amalga oshirish.

Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 31-dekabrda 820-sonli qaroriga ko'ra, Mahalla va oilani qo'llab-quvvatlash vazirligi hamda Yoshlar ishlari agentligining tuman (shahar) mahalla va oilani qo'llab-quvvatlash bo'limlari huzurida Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash markazlarini tashkil etish to'g'risidagi taklifi ma'qullangan, quyidagilar markazlarni tashkil etishning asosiy maqsadi deb belgilangan [4]:

- oilalar mustahkamligini ta'minlash, oilaviy ajralishlarning oldini olish, nikohlanuvchi shaxslarda oilaviy

qadriyatlarni hurmat qilish, oilalarda sog'lom ma'naviy-axloqiy muhitni yaratish hamda ibratli ota-ona bo'lish ko'nikmalarini shakllantirish;

- zamonaviy oilaning namunali shaklini hamda "Oila – muqaddas", "Sog'lom oila – sog'lom jamiyat", "Oila – jamiyat va davlat himoyasida" va "Farovon oila – jamiyat ravnaqining asosi" kontseptual g'oyalarini nikohlanuvchilarning ongiga singdirib borish;

- nikohlanuvchi shaxslarni oilaviy-huquqiy munosabatlar, oilaviy hayot psixologiyasi, oila iqtisodi va byudjeti, reproduktiv salomatlik asoslari, ma'naviy-axloqiy qadriyatlarni mustahkamlash masalalari bo'yicha tizimli tayyorlash.

Markazlarda fuqarolik holatlari dalolatnomalarini yozish organlariga nikohni qayd etish uchun ariza bergan va o'quv mashg'ulotlarida qatnashish uchun roziligi olingan o'ttiz yoshdan oshmagan nikohlanuvchi shaxslar, o'quv yuklamasi hajmi o'n olti soatdan kam bo'lmagan dastur asosida bepul o'qitiladi deb belgilangan.

Oila tuzilmasida shartli ravishda bir-biri bilan bog'liq quyidagi munosabatlar turkumlanadi: birinchisi – tabiiy-biologik, ya'ni jinsiy va qon-qarindoshlik; ikkinchisi – iqtiso-

diy, ya'ni uy xo'jaligi, ro'zg'or, oilaviy mol-mulk doirasidagi munosabatlar; uchinchi – ma'naviy-ruhiy, axloqiy-estetik, ya'ni er-xotinlik va ota-onalik, mehr-muhabbat, bolalar tarbiyasi, keksa ota-onalar haqida qayg'urish, xulq-atvorning axloqiy me'yorlari bilan bog'liq his-tuyg'ular.

Inson ma'lum maqsadga qaratilgan amaliy faoliyat ko'rsatish yo'li bilan jamiyatni o'zgarturuvchi kuchga aylanadi va sog'lom ma'naviy-axloqiy muhitni yaratadi. Inson faqat tarixiy sharoit va uning mahsuligina bo'lib qolmay, balki shunday sharoitlarning yaratuvchisi hamdir. Ijtimoiy hayot har bir shaxsning o'z burchini ko'r-ko'rona bajarish emas, balki unga ongli munosabatda axloqiy tamoyillar asosida yondashishni talab qiladi.

Hozirgi paytda mamlakatimizda 7 milliontadan ortiq oilalar mavjud. Ularda kamolga etayotgan bolalar esa – ertamiz egalari, kelajagimiz. Har bir oilaning mustahkam bo'lishi, ularda sog'lom muhit qaror topishi farzandlar tarbiyasida muhim rol o'ynaydi. Ayniqsa, yurtimizdagi tinchlik-osoyishtalik, ijtimoiy barqarorlikni kafolatlashda ham katta o'rin tutadi. Shunday ekan, bu boradagi sa'y-harakatlar ko'lamini kengaytirish maqsadga muvofiq va bu zimmamizga katta mas'uliyat yuklaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Г.Г.Тагиева, Ҳ.Т.Хусанова. *Оила ва гендер социологияси. Дарслик.* – Самарқанд: СамДУ наириёти, 2021. – 252 б.
2. G'.B. Shoumarov, I.O. Haydarov, N.A. Sog'inov, F.A. Akramova, G. Solihova, G. Niyozmetova. *Oila psixologiyasi. O'quv qo'llanma.* – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2008. – 296 b.
3. A.K. Munavvarov. *Oila pedagogikasi. Darslik.* –T.: "O'qituvchi", 1996. – 289 b.
4. <https://xs.uz/uz/post/oilaga-etibor-aslida-bu-ozligimizga-etibordir>
5. <http://fyut.uz/?p=2433>

O'QUVCHILAR DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRISHDA ERTAKLARNING ILMIIY JIHATLARI

Jamila Shodiyeva,

Samarqand viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi "Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikalari" kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqolada bolalar adabiyotidagi ertaklar asosida o'quvchilarning dunyoqarashini shakllantirish, ularni o'tish usullari, ertakni o'rganish darslarining qurilishi haqida batafsil ma'lumot beriladi. Maqola mavzusini ochib berish maqsadida mavzuga oida xorijlik va mahalliy olimlarning ilmiy ishlarnalaridan foydalanildi. Maqoladan olingan xulosalardan oliy ta'lim muassasalaridagi o'qitish jarayonida ham foydalanish mumkin.

Kalit so'zlar: matn, ertak, sujet, reja tuzish, qayta hikoyalash, ijodiy davom ettirish, baholash ko'nikmasi, tahlil qilish, xulosa.

Аннотация

В статье представлена подробная информация о формировании мировоззрения учащихся на основе сказок детской литературы, способах их прохождения, построения уроков сказки. В целях раскрытия темы статьи использованы научные разработки зарубежных и отечественных ученых по данной теме. Выводы из статьи могут быть использованы в процессе обучения в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: текст, рассказ, сюжет, планирование, пересказ, творческое продолжение, оценочные навыки, анализ, вывод.

Annotation

This article provides detailed information on the formation of students' worldviews based on fairy tales in children's literature, the methods of their passage, and the construction of fairy tale lessons. In order to reveal the topic of the article, scientific works of foreign and domestic scientists were used on the topic. The conclusions obtained from the article can be used in the process of teaching in higher educational institutions.

Keywords: text, story, plot, planning, retelling, creative continuation, evaluation skills, analysis, conclusion.

Ertaklar o'zbek xalqining badiiy tarixi, jonli san'atidir. Ertaklarda insonning eng yaxshi sifatleri –isonparvarlik, vatanparvarlik, do'stga sadoqat, jasorat ko'rsatish kabi fazilatlar hikoya qilinadi, axloq va odobning yuksak namunalari ulug'lanib, yomon sifatlar qoralanadi. Ertaklarning muhim xususiyatlaridan biri uning hamisha xalq hayoti, kurashi, ruhiy olami, dunyoqarashi, urf-odatleri bilan chambarchas bog'lanishi, bolalarga axloqiy va ma'naviy yo'ldosh bo'lib kelishidadir. Shuningdek, o'quvchilarning ma'naviy dunyoqarashini shakllantirishning asosiy vositalaridan biri ham ertakdir.

Bolalar adabiyotida ertak janrining bolalar tomonidan yaxshi qabul qilinib, qiziqib o'qilishining sabablaridan biri ertak tilining ta'sirchanligi, o'tkirligi, ma'nodorligi va xalq tiliga yaqinligidir. Ertaklarning ko'pchiligida real hayot tasviri sarguzasht elementlar bilan qo'shilib ketadi.

Kichik yoshdagi o'quvchilar uchun ertaklarning barcha turlari qiziqarli, ayniqsa, ular ertak voqealarining qanday tugashi bilan qiziqadilar. Sehrli ertaklarning ham ishonch bilan xotimasini kutadilar, hayvonlar haqidagi ertaklarni ham jon-dili bilan qarshi oladilar. Chunki ular hali ertaklardagi hayvonlar orqali kishilarning yaxshi fazilatleri, yomon illatlarini anglab yetmaydilar. Umuman olganda, bu yoshdagi o'quvchilarda ertaklarga muhabbat, ishonch kuchli bo'ladi. Muhimi, bolalar qalbiga ertaklarni aytib berish bilan bir qatorda ertaklardagi ezgu g'oyalarni singdirish zarur.

Ayniqsa, bu yoshdagi bolalar uchun mehnatsevarlik, vatanparvarlik, do'stga sodiqlik kabi bir qator ezgulik yo'lidagi ertaklarning o'rgatilib borishi ularning ma'naviy dunyosini yanada ravshanlashtiradi. Mehnatsevarlik ruhidagi ertaklarning roli ularning tarbiyasi uchun juda muhim.

O'quvchilarga ertaklarni o'qib berish bilan bir qatorda undagi ma'no-mazmunini anglatish, ertakdagi ma'naviy tarbiya orqali milliy g'oyani shakllantirishga hissa qo'sh-mog'imiz kerak. Biz ezgulik yo'lida xizmat qilishga bel bog'lasak, ertaklarning har bir mavzusida ezgulik sari kurash g'oyasiga yuzlanamiz.

Bu yoshdagi bolalarga ko'proq ig'vo, g'iybat, munofiqlikdan yiroq bo'lgan ertaklar yoqadi. Vaholanki, nihol singari bolalar qalbi faqat yaxshilkni, yaxshi voqealarni orzu qiladi. Ular darslarda ham a'lo baho olishga intiladilar, kelajak orzulari ham yuksak marralarni zabt etish bo'ladi. Shunday ekan, ularning xayolot olami o'zlari orzu qilgandan ham kengroq bo'ladi. Orzulari ulkan bo'ladi. Shuning uchun ham ertaklaridagi ezgulik yo'lidagi voqealar ularga ko'proq yoqadi.

Ertakning o'tkir, maroqli sujeti, voqea rivojidadagi favqulodda ajoyib vaziyat bolalarni maftun qiladi, undagi mard, kuchli, topqir, dovyurak, chaqqon qahramonlar, ertakning g'oyaviy yo'nalishi, unda ezgulik kuchi, yaxshilikning doimo g'alaba qilishi bolalarni o'ziga tortadi. Ertakda qabul qilingan hikoya qilish shakli bir xil so'z va

iboralarining qayta-qayta takrorlanib turishi, ohangdorligi, tilining ta'sirchanligi, ifoda vositalarining jonliligi bolalar uchun juda qiziqarli. Ertakda qatnashuvchilar ko'pincha rahmdil, saxiy, adolatli hamda ularning aksi bo'lgan yovuz, baxil, ochko'z kishilar timsoli bo'ladi.

Ertakning pedagogik qiymati shundan iboratki, o'quvchilar unda to'g'rilik, halollik g'alaba qilganidan, kambag'al kishilar qiyinchilikdan qutulganidan, ya'ni yaxshilik, ezgulik ro'yobga chiqqanidan va yomonlik, yovuzlik tanazzulga uchraganidan quvonadilar. Ular hayotda ham doimo shunday bo'lishini istaydilar. Masalan, "Halollik" ertagida (3-sinf) asosiy fikr kambag'allarga yordam ko'rsatish, o'z mehnati bilan hayot kechirish bo'lib, bu hatto butun xalq istagi ekanligi g'oyasi ilgari surilgan bo'lsa [1, 58], "Hiylagarning jazosi" ertagida esa (4-sinf) sodadilning to'g'riligi hiylagarning makri ustidan g'olib kelishi, xiyonat jazosiz qolmasligi maroqli ifodalangan [2,13]. Har ikki ertak ham to'g'riso'zlikning g'alabasi bilan yakunlanadi. Bunday g'alaba maishiy ertaklardan tashqari, sehrlil ertaklarda ham ko'zga tashlanadi.

Ertak bolalarda qahramonlarning xatti-harakatini muhokama qilib, baholash ko'nikmasini o'stirishi bilan birga, yaxshilikning doimo g'alaba qozonishiga ishonch uyg'otadi. O'quvchilar ertakni tahlil qilish jarayonida "Kishilardagi qanday sifatlar sizga yoqdi? (yoki yoqmadi?)", "Nima uchun?", "... nima uchun jazolandi? (yoki rag'batlantirildi?)", "Nima uchun ertakdagi ba'zi qahramonlarga hatto tabiat kuchlari ham yordam beradi? (yoki ba'zilaridan yuz o'giradi?)" kabi savollarga javob topish jarayonida mushohada qiladilar, tanqidiy fikrlashga o'rgatiladi, muhokama qilib, xulosaga keladilar. Shuningdek, o'quvchilarni badiiy asar qahramonlarini tasniflashga o'rgatadigan ertaklar o'z maqsadiga ko'ra, o'quvchilarning tanqidiy hamda estetik tafakkurlari, badiiy his-tuyg'ulari, ko'rkam asarni idrok etish ko'nikmalari, obrazli tafakkurlarini o'stirish, ular ongini timsollar yordamida boyitish, axloqiy, estetik, ijtimoiy, siyosiy, huquqiy, ma'naviy tarbiyalash, o'qishga ijobiy munosabat uyg'otish, badiiy asar va san'at namunalarini bilan muntazam muloqot qilishga ehtiyoj hosil qilish, kitoblarni mustaqil tahlil qilish, ularni baholay olish, qiziqarli badiiy asarlarni mustaqil izlab topish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi [3, 98].

Boshlang'ich sinflarda hayvonlar haqidagi ertaklar ko'proq o'qitiladi. "Bo'rining tabib bo'lgani haqida ertak" (Anvar Obidjon), "Ko'zacha bilan tulki" kabi ertaklar aniq hayotiy hikoyalar tarzida o'qitiladi va tahlil qilinadi.

Ertak matni ustida ishlashda tanlab o'qish, savollarga javob berish, o'quvchilarning o'zlari ertak mazmuniga oid savollar tuzib, javob berishlari, reja tuzish, qayta hikoyalash, ijodiy davom ettirish, ertak aytish, qahramonlarni grafik tasvirlash kabi ish turlaridan foydalaniladi. Maktab tajribasidan ma'lumki, kichik yoshdagi o'quvchilar ertakdagi hayvonlar gapirmasligini, tulki va turna bir-birinikiga mehmonga bormasligini yaxshi biladilar, ammo

ertaklar dunyosini hayotiy hikoya kabi qabul qiladilar. Ertakni o'qib tahlil qilganda, barcha ishlar matnning mazmunini yaxshi idrok etishga, syujet rivojini, qatnashuvchi personajlarning xatti-harakati, o'zaro munosabatlarini to'g'ri tasavvur etishga yo'naltiriladi. Bunda tanlab o'qish va qayta hikoyalashning ahamiyati katta. Masalan, "Odobli bo'lish osonmi?" (A. Obidjon) ertagining mazmunini o'zlashtirish uchun quyidagi topshiriqlardan foydalanish mumkin:

1. Sichqonchani onasi bilan qilgan suhbatini o'qing. Sichqonchani "Odobli bo'lish uchun nimalar qilish kerak?" degan savolga o'z fikringiz asosida javob bering.

2. Sichqonchani mushuk bilan uchrashgan holati aks ettirilgan o'rinni topib o'qing. Nima uchun "Shum Baroq" ko'zidagi yovuzlik birdaniga so'nadi?

3. Echki nima uchun Sichqonchani "Kam bo'lma" deb duo qiladi? Bu jumlaning to'liq izohlab bering.

Ertakni tahlil qilishning oxirgi bosqichida "Ertakning sizga juda yoqqan joyini topib o'qing", "Nima uchun aynan shu joyi yoqqanini ayting", "Hayotingizda ertakdagi voqealarga o'xshash voqealar bo'lganmi?" kabi savol-topshiriqlar yordamida o'quvchilarning ertak xulosasini tushunishlariga erishiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari hayvonlar haqidagi ertaklardan tashqari, "Davlat", "Ilm afzal", "Hiylagarning jazosi", "Hunarsiz kishi o'limga yaqin" kabi maishiy ertaklarni ham o'qiydilar. Bunday ertaklarda xalq o'z hayotini hikoya qiladi, shu sababli o'quvchilar ertakni o'qigach, o'tmishdagi xalq hayotini, o'y-fikrlari va orzu-istaklarini bilib oladilar. "Chumolining jasorati" ertagi o'qish va tahlil uchun berilgan [4, 43].

Bunday ertaklarni tahlil qilish badiiy hikoya tarzida uyushtiriladi. Bolalar o'qituvchi rahbarligida ertakda qatnashuvchilarning xulq-atvori, ayrim xatti-harakatlarini baholaydilar, ularning bir-birlariga bo'lgan munosabatlarini aytadilar va shular asosida ayrim obrazlar haqida xulosalar chiqaradilar.

"Davlat" ertagi (4-sinf) oddiy turmushga tegishli hodisalarni tasvirovchi ertakdir. Ertakni o'qishga tayyorlash uchun ota-bobolarimiz atrofimizdagi tabiatni, borliqni qanday tasavvur etishlari haqida suhbat o'tkaziladi. Bunday suhbat ertakdagi badiiy obrazlarni, ularning o'zaro munosabatlarini, xulq-atvorlari, xarakterlarini to'g'ri tushunishga yordam beradi. "Davlat" ertagi matni ustida ishlash jarayonida o'quvchilar "Dehqonning xonadoni qanday hayot kechirar ekan?", "Nima uchun Davlat dehqonning xonadonidan ketishni istamaydi?" kabi savollarga javob topish orqali ertak qahramonlarini baholaydilar, ahil va inoq bo'lib, halol mehnat qilish lozim degan xulosaga keladilar.

Ertak ustida ishlashda bolalarni ertakni o'qishgagina emas, balki uni aytib berishga, tahlil qilishga, xulosalashga o'rgatish ham muhimdir. Ertakni o'rganishda o'quvchi shaxsiga kuchli ta'sir qiluvchi, ularning saviyasiga mos,

bilimlarning o'zlashtirishini ta'minlovchi usullardan oqilona foydalanish maqsadga muvofiqdir [5, 56].

Ertakni o'qish malakasining yuqori darajada shakllanganligi, matn mazmunini, uslubi, til shakllarini tahlil qila bilish, o'qilganlarni tanqidiy nazar bilan tahlil qila olish ko'nikmalarining shakllanganligiga asoslanadi.

O'quvchi ertak mazmunini o'zlashtirib olgandan so'ng, uning tili ustida ishlashga alohida ahamiyat qaratilishi zarur. Ertak mazmunini qayta hikoyalashda, qahramonlarga tavsif berishda o'quvchilarning o'z nutqida til vositalaridan o'rinni foydalanish talab qilinadi. Til vositalaridan foydalanish uchun talab va vaziyat, ehtiyoj yaratish zarur.

Bolalar adabiyotida o'quvchilarning nutqini oshirish vositalaridan biri to'g'ri uyushtirilgan hikoyalardir. Maktab tajribasida to'liq qisqartirib taxlab va qayta ijodiy hikoya qilish turlari mavjud. Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun ertak matnini qayta hikoyalash ancha oson, boshqa janrdagi asarlarni hikoyalash esa nisbatan qiyinroqdir.

So'z ma'nolari ustida ishlashda boshlang'ich sinf o'quvchilariga mos bo'lgan usullardan yana biri rasmdan foydalanishdir. Masalan, "Ko'ngilchan o'tinchi" ertagida qayin, eman, shumtol, zarang, zirk, tog'terak, qarag'ay, qayrag'och, chinor kabi daraxt nomlari keltirilgan. Ularni bola ko'z oldiga keltira olmaydi. Ertakni o'qishdan oldin shu daraxt rasmlarini ko'rsatib, uning o'ziga xos xususiyatlarini izohlash va nomlarini aytish lozim. Shundan so'ng didaktik o'yin o'tkaziladi. Bunda daraxt rasmlari bolalarga bo'lib beriladi. Har bir o'quvchi o'ziga berilgan rasmdagi daraxtning nomini aytishi va ertakdagi shu daraxtning so'zini o'z so'zlari bilan aytib berishi kerak bo'ladi.

Shu ertak o'qilib, mazmuni bilan tanishtirilgach, o'quvchilardan shaylanib, ro'parasida, sharbat, xayrli ish, xivchin, muhayyo so'zlarining ma'nosi so'raladi. Javoblar to'ldiriladi, umumlashtiriladi.

Ertak matni bilan ishlash jarayonida unda qo'llangan badiiy vositalar: jonlantirish, metafora, mubolag'alar ustida ishlash ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Yuqoridagi barcha fikrlarni hisobga olganda, ertakni o'rganish darslarining qurilishi quyidagicha bo'lishi mumkin:

- Ertak bilan tanishtirish;
- O'quvchilarni ertakni idrok etishga tayyorlash;
- O'qituvchining ertakni ifodali o'qishi, yod aytib berishi va hokazo.
- Ertakni o'quvchilar qay darajada idrok etganliklarini aniqlash maqsadida qisqacha suhbat o'tkazish;
- Ertakni qismlarga bo'lib o'qish va tahlil qilish; undagi ayrim tasviriy vositalar, ma'nodosh so'zlarni

topish, lug'at ishi (ayrim so'zlar ma'nosini tushuntirish);

- Ertakni aytib berishga tayyorlanish (ichda o'qish);
- Ertakni so'zlab berish;
- Umumlashtiruvchi suhbat (ertak g'oyasini ochish);
- Ma'lum topshiriq asosida ertakni qayta o'qish (ijodiy va mustaqil ishlar);
- Vazifani tekshirish va yakunlash;
- Uyda ertakni o'qib (yoki aytib) berishga tayyorlanish.

Yuqoridagi fikrlar shuni ko'rsatadiki, dastlab ertakni o'qib, lug'atdan foydalanib mazmunini tushunishga erishish bilan bog'liq ishlar bajariladi. So'ngra savol va topshiriqlar ustida ish olib boriladi. "Siz darsliklardan hayot va uning qonuniyatlari haqidagi bilimlar bilan tanishasiz, ularni aql kuchi bilan qabul qilasiz, xotiringizda qayd etasiz. Ammo bu bilim va xulosalar hissiyotingizga zararcha ta'sir ko'rsatmaydi. Badiiy asarni o'qiganda sizdagi bu "loqaydlik" faol munosabatga almashinadi. Qalbingiz cheksiz shodliklarga chulg'anadi – ruhlanasiz, g'azablanasiz, iztirob chekasiz. Chunki u qalb dardi tufayli yaratilgan, dard esa suhbatdoshni befarq qoldirmaydi" [6, 29]. "Ilmiy asarlar g'aflat va jaholatdan qutqarsa, badiiy asarlar dag'allik va razolatdan xalos etadi. Unisi ham, bunisi ham kishilarning ma'rifatli, baxt-saodatli bo'lishi uchun bab-baravar foydali va zarurdir" [7, 15].

Ertak ustida ishlayotgan o'quvchilarga so'zga ehtiyojkorlik bilan yondashishni o'rgatish kerak. O'quvchilar yozuvchining badiiy so'zi chin mo'jiza ekanini tushunishi, his qilishi zarur. Muallif qo'llagan so'z tagida qanday fikr mavjudligiga e'tibor berishni o'rgatish o'qituvchining burchidir. Uni qiynayotgan narsalarni o'zgalarni ham qiynaydigan tarzda ifodalashga, unda tug'ilgan fikrni boshqa bir kishiga ta'sir qiladigan yo'sinda bayon eta bilishga o'quvchini undash lozim.

Xulosa qilib aytganda, bolalarni ko'rkam asar o'qishga qiziqtirish, badiiy so'zni tuyish, undan ta'sirlanish va zavq ola bilishga yo'naltirish ularning ko'ngillarini ravshanlashtiradi, tabiatini tozalaydi. Ertaklarni bola dunyoqarashining eng ichki qavatlarigacha kirib bora oladigan, u yerda o'ziga xos o'zgarishlar yasay oladigan mo'jizaviy qurol deb hisoblash mumkin. Faqat bu quroldan foydalanish kerak, xolos.

Yosh avlod ma'naviy takomilini ta'minlashda ruhan pok, fikran sog'lom, iymon-etiqodi butun, bilimli bo'lishida ertakdan oqilona foydalanish, buni to'g'ri tashkil eta bilish ta'lim muassasalarida o'qituvchilarning burchidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Umarova M., Xamraqulova X., Tojiboyeva R. 3-sinf O'qish kitobi. – T.: O'qituvchi, 2019. – 115 b.
2. Shojalilov A. 4-sinf O'qish kitobi. – T.: O'qituvchi, 2019. – 120 b.
3. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o'qitish metodikasi. – T., 2018. – 250 b.
4. Mavlonova K. va boshqalar. Ona tili va o'qish savodxonligi 1-qism. Darslik. 2-sinf uchun. – T.: Respublika ta'lim markazi, 2021. – 125 b.
5. Husanboyeva Q. va boshqalar Ona tili va o'qish savodxonligi metodikasi. – T.: Innovatsiya-ziyo, 2022. – 250 b.

TEKNOLOGIYA FANI AMALIY MASHG'ULOTLARIDA HUNARMANDCHILIKKA OID O'QUVCHI KREATIV FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI

Nargiza Muhamadiyeva,
Termiz davlat universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada texnologiya fani amaliy mashg'ulotlarida o'quvchilarning kreativ faoliyatini milliy hunarmandchilik va xalq hunarmandchiligi buyumlarini yaratish orqali rivojlantirish mexanizmlari batafsil yoritilgan.

Kalit so'zlar: texnologiya fani, milliy hunarmandchilik, kreativlik, qobiliyat, rivojlantirish, mexanizmlar, xalq hunarmandchiligi, amaliy mashg'ulot, buyum, faoliyat, tikish, an'anaviy.

Аннотация

В данной статье подробно описаны механизмы развития творческой активности учащихся путем создания народных промыслов и народных промыслов на практических занятиях по технологии.

Ключевые слова: технологическая наука, народный промысел, творчество, мастерство, развитие, механизмы, народный промысел, практические занятия, предмет, деятельность, шитье, традиционное.

Annotation

This article describes in detail the mechanisms for the development of students' creative activity by creating folk crafts and folk crafts in practical classes on technology.

Keywords: Technological science, folk craft, creativity, skill, development, mechanisms, folk craft, practical exercises, subject, activity, sewing, traditional.

Texnologiya fani mashg'ulotlarida o'quvchilarning milliy hunarmandchilikka oid kreativ faoliyatini rivojlantirish orqali ularda kreativlik, ya'ni noyob, yashiringan qobiliyatlarining beixtiyor namoyon bo'lishiga olib keladi. O'quvchilardagi kreativlik faoliyatini rivojlantirish mexanizmlarini shakllantirish – bu o'quvchilarda yasalayotgan yoki tayyor holatga keltirilayotgan buyumni mehr bilan, sifatli yaratilishini, o'quvchida hunarmandchilik ishlariga moyillik uyg'otish kabi ijobiy harakatlarni amalga oshirib, buyum yasash texnologiyasini tartibga soladi.

8-sinf texnologiya fani xalq hunarmandchiligi texnologiyasi orqali o'quvchilarga xalq hunarmandchilik turlari, rivojlanish tarixi va istiqbollari, xalq hunarmandchiligi bo'yicha ko'rgazma va tanlovlarni tashkil qilish, ishtirokchilarni tanlash qoidalari haqidagi nazariy bilimlar beriladi. Shuningdek, sovg'a uchun quticha yasash, yig'iladigan stulcha yasash, shashka doskasi va donalarini yasash, sun'iy gullardan guldasta yasash, izonit va uning turlari, izonit usulida panno (gulsavat tikish), bluzka bichish va tikish texnologiyasi, to'qish san'ati, bolalar ponchosini to'qish texnologiyasi kabi amaliy mashg'ulotlar orqali o'rgatiladi [1].

9-sinf texnologiya fani xalq hunarmandchiligi texnologiyasi orqali o'quvchilarga xalq hunarmandlari tomonidan eksport va ichki bozor uchun ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar, hunarmandchilikda foydalaniladigan nodir metallar va asbob-uskunalar, hunarmandchilik mahsulotlarini tashqi ko'rinishi, shakli uzviyligi va yaxlitligining ta'minlanishiga ko'ra baholash, kompozitsion yaxlitlik, kichik hajmli belanchak yasash, ayollar shimini bichish va tikish, burmali yostiqcha tikish texnologiyasi kabi nazariy va amaliy dars mashg'ulotlari o'qitiladi.

O'quvchilarning kreativlik faoliyatini milliy hunarmandchilik va xalq hunarmandchiligi mahsulotlarini yaratish orqali rivojlantiriladi. Bunda, eng avvalo, milliy hunarmandchilik va xalq hunarmandchiligining bir-biridan farqini anglab olishimiz lozim. Milliy hunarmandchilik deganda aynan bir millatga xos bo'lgan, o'zining milliy qadriyatlarini eslatib kelayotgan, avloddan avlodga meros bo'lib o'tib kelayotgan hunarmandchilik turlari tushuniladi [1, 3, 7]. Xalq hunarmandchiligi esa ma'lum bir hudud o'zining sharoitidan kelib chiqib, qaysi mahsulotni yasashga imkon ko'pligiga qarab, o'sha mahsulotni tayyorlash bilan shug'ulanadigan hududiy hunarmandchilikdir.

Hunarmandchilik deganda milliy-an'anaviy mayda tovar ishlab chiqarish va oddiy mehnat qurollari yordamida yakka tartibda, qo'l mehnatiga asoslangan sanoat turi bilan mahsulotlar tayyorlanadigan kasblarning umumiy nomi tushunildi [2].

O'quvchilarning hunarmandchilikka bo'lgan qiziqishlarining ortishiga mamlakatimizda hunarmandlarning mehnat faoliyatini yengillashtirishga qaratilgan qabul qilinayotgan yangi qarorlarimiz o'z ta'sirini ko'rsatmoqda.

Respublikamizda hunarmandchilikning rivojlanishida uning unutilgan ba'zi turlarini qayta tiklash muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Hunarmandlar dastlab O'zbekiston Tovar ishlab chiqaruvchilar palatasiga, so'ngra Savdo-sanoat palatasiga birlashib keldilar. So'ngra ular maxsus tashkilot — "Hunarmand" Respublika uyushmasiga birlashtirildi. Hunarmandchilik subyektlari O'zbekistonda tadbirkorlar, hunarmandlar va fermer xo'jaliklarining har yili o'tkaziladigan "Tashabbus" respublika ko'rik-tanlovi orqali birlashishdi, raqobatlashishdi va tanlovda ishtirok etishdi.

O'quvchilarda texnologiya fani orqali uy-ro'zg'or uchun zarur mahsulotlar tayyorlash zaruriyatidan kelib chiqib, hunarmandchilikka oid kreativlik faoliyatini rivojlantiradi [4]. Hunarmandchilik moddiy ehtiyojdan kelib chiqib, paydo bo'lgan va bu hunarmandchilik kasblari orqasidan turmush tarzi yaxshilangan, ro'zg'orini zarur asbob-uskunalar, jihozlar, buyumlar bilan boyitgan. Hunarmandchilik bilan shug'ullanuvchilar soni kundan kunga ortib borgan.

O'quvchi talabalarimizda texnologiya fani orqali tadbirkorlik faoliyatini olib borishga moyillik shakllantiradi, ishlab chiqarishni rivojlantirishda va mahsulot turlarining yangilarini yaratishda, o'quvchilarda ijodkorlik qobiliyatini shakllantirishda, turmush tarzining yaxshilanishida, bo'sh vaqtning mazmunli va foydali o'tishida, sabrlikka, milliy qadriyatlarimizni tarixini bilishida va ularni e'zozlashda katta ahamiyatga ega hisoblanadi. Shuning uchun bo'lajak yosh avlodga texnologiya fani o'qitilishi lozimdir. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida, kasb-hunar maktablarida, o'rta-maxsus o'quv yurtlarida va Oliy ta'lim muassasa tizimlarida texnologiya fanining o'qitilish zaruriyati o'z tasdig'ini topmoqda.

Mamlakatimizdagi hunarmandchilik chuqur ixtisoslashgan bo'lib, o'zida xilma-xil kasb-korlarni birlashtirgan. Masalan, terini qayta ishlash sohasida ko'ncilar, etikdo'zlar, mahsido'zlar, kavushchilar, egar-jabduqchilar, telpakchilar, po'stinchilar, kamarchilar; to'qimachilik sohasida bo'zchilar, atlaschilar, gilamchilar, sholeha va namatchilar; metallni ishlash sohasida temirchilar, taqachilar, miskarlar, chilangarlar, zargarlar kabi kasblar bo'lgan. Bular hunarmandchilikning tarmoq strukturasi belgilagan [7].


Hunarmandchilikning bosib o'tgan yo'li va rivojlanishi hunarmandchilik tarixiga aylanib boradi. Insonning yashash sharoiti taraqqiy etgan sari ehtiyojlari va talablari kengayib hunarmandchilik turlari takomillashib va ishlab chiqarish turlari kengayib borgan.

Bugungi kunda O'zbekistonda hunarmandlar tomonidan ishlab chiqarilayotgan buyumlar va mahsulotlarning xizmatlar yo'nalishlari kengayib ketdi. Hozirda ular ichki va tashqi bozor uchun mahsulotlar ishlab chiqarishmoqda. Bu mahsulotlar o'zining sifati, badiiy jihatdan yuksakligi, tabiiyligi va milliy o'zligimiz, tarixiy an'analarimizni o'zida uyg'unlashtirgani bilan ham ahamiyatlidir. Hunarmandlar eksport va ichki bozor uchun zardo'zlik buyumlari, kashtachilik buyumlari, chokli buyumlar, milliy chopon va do'ppilar, gul bosilgan gazlamalardan tayyorlangan mahsulotlarini ishlab chiqaradilar [4]. Milliy hunarmandchilik mahsulotlarimiz chet elliklar tomonidan katta talab va qiziqish bilan xarid qilinadi.

M.X.Shomirzayevning "Maktab texnologiya ta'limida milliy hunarmandchilikning spektral-variantiv komponentlarini fanlararo takomillashtirish" monografiyasi quyidagi ilmiy yangiligi bilan farq qiladi: "Milliy hunarmandchilik namunalari (kashtachilik, naqqoshlik, yog'och o'ymakorligi, ganchkorlik, zardo'zlik, zargarlik, kandakorlik va h.k.)ning tadrijiy-tarbiyaviy shakllanishi mazmuni yuksak ma'naviyatli o'quvchi shaxsini tarbiyalashda, tarixiylik, qomusiy-psixologik hamda milliy hunarmandchilikka oid maktab o'quvchilarini ijtimoiy hayotga kasbiy tayyorlashda qo'llanilgan meditatsiya metodlariga ustuvorlik berish asosida rivojlantirilgan [4].

Hunarmandchilikning vujudga kelishi va rivojlanishi insoniyat ishlab chiqarishiga asosiy zamin bo'lgan, u turli xil shakllarga ega bo'lgan uzoq tarixiy taraqqiyot yo'lidan o'tish davrini uchta asosiy turlariga bo'lingan [6].

O'quvchilarni hunarmandchilik sohasiga olib kelishimiz uchun, eng avvalo, qiziqish uyg'otishimiz lozim, shundagina o'quvchida o'rganish, shug'ullanish uchun mayl, yani xohish, istak paydo bo'ladi. Natijada hunarni o'rganishi, amalda bajarishi davomida o'quvchining qobiliyati yuzaga chiqib, namoyon bo'ladi. O'quvchilarning hunarmandchilikka oid o'quvchi kreativ faoliyatini rivojlantirish mexanizmlari ishlab chiqiladi [7].



1-rasm. O'quvchilarni kasbga yo'naltirish paradiagmasi.

Fanlararo integrasiyalash asosida o'quvchilarni milliy hunarmandchilik kasblariga qiziqishlarini rivojlantirish maktab o'quv dasturi mazmuniga hunarmandchilik mahsulotlarini tayyorlash va kasb-hunarga qiziqtirish, kasb-hunar egallashi ham mavzular singdirilgan [8]. O'quvchilarni kasb-hunarga qiziqtirish vaqtinchalik, epizodik, barqaror bosqichlarda shakllanadi. Shuningdek, qiziqish, mayl, qobiliyat kabi bosqichlarni bosib o'tishi mohir hunarmandni vujudga keltiradi. O'quvchilarga milliy hunarmandchilik mahsulotlarining ranglardagi ahamiyatlari, naqshlarning joylashishi asosida fanlararo integrasiyalar asosida ham hunarga qiziqtirish, istak, xohish, mayl hosil qilinadi.

Hunarmandchilik o'chog'i sifatida Boysun hunarmandchiligiga nazar soladigan bo'lsak, Boysun vohasi azaldan hunarmandlar o'chog'i hisoblanib kelgan. Boysun hunarmandchiligi yillar davomida avloddan avlodga o'tib saqlanib kelmoqda. Boysun hunarmandchiligining o'ziga xos xususiyatlaridan biri shundan iboratki, aholisining barcha qatlami turmushida milliy hunarmandchilikning qaysidir turlarini o'zlari tayyorlashi boshqa voqa hunarmandchiligidan tubdan farq qiladi. Shuningdek, hunarmandchiligining serqirraligi bilan ajralib turadi. Aholisi turmushida hunarmandchilikning echki qilidan beshik uchun qo'lbog'lar va arqon iplarni, teridan surpa, jundan kigiz va namat tayyorlashni, terilardan qishda to'shach uchun po'stakni, paxta iplaridan va junlardan gilamlarni, teridan oyoq kiyimlarni, qizlarining seplari uchun turli tikuvchilik buyumlarini, quroq ko'rpalarni, turmushga uzatayotgan qizlari uchun kashtalarni o'zlari tayyorlashadi. Boysun aholisi orasida hunarmandchilikning kulolchilik, duradgorlik, kosibchilik, zargarlik, temirchilik, qandolatchilik, tikuvchilik va chorvachilik turlari rivojlanib kelmoqda, ayniqsa shoyi, abrli atlas va beqasam matolardan kiyimlar, do'ppilar, trikotaj buyumlar va to'n-cho-ponlar tayyorlashadi [4].

Hozirgi kunda hunarmandchilik mahsulotlari ishlab chiqarishda avtomatlashtirish, mexanizatsiyalashtirish,

takomillashtirish ishlari yuqori o'rinlarga olib kelinadi. Jamiyatimiz taraqqiyot cho'qisiga chiqib ketmoqda, bunda ushbu tadqiqot ishimdagi milliy hunarmandchilikning variativ komponentlarini takomillashtirish orqali hunarmandchilik mahsulotlarining assortimentlarini kengaytirib raqobatbardosh mahsulot sifatida jahon bozorlariga olib chiqishmoqda.

Milliy xalq hunarmandchiligi ijodiy faoliyatda tuli xil mahsulotlarni inson o'z qo'llari bilan, tabiiy materiallardan yoki ularga yaqin materiallardan qo'lda ishlov berib, san'at asarini yani yangi mahsulot turini yaratadi [8]. Ushbu turdagi faoliyat uy hunarmandchiligida zarur uy-ro'zg'or buyumlari tayyorlashda xizmat qiladi. San'at singari hunarmandchilik ishlari ham madaniyat, din, siyosiy qarashlarga qarab rivojlanib boradi.

Farzandlarimizni kelajakda mehnatsevar, isonparvar, sadoqatli, adolatli, vatanga muhabbatli, mehr-oqibatli qilib tarbiyalasak, kelajagimiz poydevori mustahkam bo'ladi. Shunday ekan, kelajagimiz bo'lgan yoshlarga faqat ta'lim berib qolmasdan, milliy an'anamiz, milliy ma'naviyatimiz singdirilgan milliy tarbiyamizni ham berib borsak, barkamol shaxsni tarbiyalash darajasiga erishamiz. Ushbu bergan ta'lim-tarbiyamiz orqali biz yoshlarimizga ta'lim va tarbiya bilan birgalikda kelajakdagi turmushining farovon bo'lishida, ro'zg'ori uchun zarur buyumlarni o'zining qo'l mehnati orqali to'ldiradigan va oshirib, boyitadigan tadbirkor oila boshini va tadbirkor oila bekasini tarbiyalaymiz. Shundagina har bir oila ilmi va hunarli zamonaviy oila hisoblanadi. Jamiyatdagi har bir oila ilmi va hunarli bo'lsa, mahalla obod, aholisi o'ziga to'q, farzandlari bilimli bo'ladi. Yurtimizdagi har bir mahallalar obod bo'lib rivojlansa, jamiyatimiz rivojlanadi, iqtisodiyotimiz va turmush tarzimiz yaxshilanadi. Demak, davlatimizning rivojlanishi har bir yosh avlodga, jamiyatning har bir fuqorasiga bog'liq bo'lar ekan, shuning uchun barchamiz ta'lim va tarbiya olishga birdek mas'uliyat bilan yondashishimiz zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Qo'ysinov O.A. *Kompetentli yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy-pedagogik ijodkorligini rivojlantirish texnologiyalari: Pedagogika fanlari bo'yicha doktorlik (DSc) diss.* – T., 2019. – 200 b.
2. Zaripov L.P. *Innovasion yondashuv asosida 5-7-sinf o'quvchilapida texnologik kompetensiyalarni shakllantirish metodikasi. Dis. ... p.f.f.d. (PhD)* – T., 2020. – 141 b.
3. Abdusattarova Z., Abdusalomova N., Ahmedova N. *Texnologiya 9-sinf. Darslik.* – T.: "O'zbekiston", 2019 yil. – 165 b.
4. Shomirzayev M.X., "Maktab texnologiya ta'limida milliy hunarmandchilikning spectral-variativ komponentlarini fanlararo takomillashtirish" monografiyasi. – T.: "Tafakkur", 2020. – 183 b.
5. Qodirov B.E. *O'quvchilarda milliy va xalq hunarmandchiligiga oid ko'nikmalarni rivojlantirish muammolari. Xalq ta'limi.* – T., 2020. №3. – B.67-71.
6. Kodirov B.E. "Development of basic Competencies of students in crafts in technology lessons" // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 4, 2020, P. 135-136.*
7. Kadirov B.E. *The Role of E-learning environments in developing students' basic craft skills // International Virtual Conference on Innovative Thoughts, Research Ideas and Inventions in Sciences.: January 20th, 2021. – P. 469-470.*
8. Muhamadiyeva N.Q. "O'qituvchilarni kasbga ega bo'lgan qiziqishini shakllantirishda kashtachilik san'atini o'rganishning tarbiyaviy ahamiyati" *O'zbekiston milliy universiteti ilmiy jurnali/2020. №3. B.32-35*

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Раҳима Жиянқулова,

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти
“Умумтехника фанлари ва технологиялар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада жамиятнинг маънавий юксалишида асосий ижрочи бўлмиш таълим-тарбия соҳаси вакилларини, уларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини инсоннинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, бўлажак педагог кадрларни касбий фаолиятга миллий қадриятларни тизимлаштириб олиш, педагогик, техник, технологик, методик тайёрлашнинг механизми, ташкилий шарт-шароитлари ва методикаси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: маънавий юксалиш, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия тизими, педагогларни тайёрлаш, инновацион ёндашув, миллий-маънавий қадриятлар, касбий фаолият, ёшлар онги ва қалбига сингдириш, қадриятлар тизими, фойдаланиш механизми.

Аннотация

В данной статье главным исполнителем в духовном развитии общества являются представители сферы образования, процесс подготовки их к профессиональной деятельности, учет факторов, влияющих на духовное становление человека, систематизация национальных ценностей. для профессиональной деятельности будущих педагогов обсуждаются механизм педагогической, технической, технологической, методической подготовки, организационные условия и методика.

Ключевые слова: духовное развитие, социальная среда, система образования, подготовка учителей, инновационный подход, национально-духовные ценности, профессиональная деятельность, внедрение в сознание и сердце молодежи, система ценностей, механизм использования.

Annotation

In this article, the main executive in the spiritual development of society is the representatives of the field of education, the process of preparing them for professional activity, taking into account the factors affecting the spiritual formation of a person, the systematization of national values for the professional activity of future pedagogues, the mechanism of pedagogical, technical, technological, methodical training, organizational conditions and methodology are discussed.

Keywords: spiritual development, social environment, education system, teacher training, innovative approach, national and spiritual values, professional activity, penetration into the consciousness and heart of young people, system of values, mechanism of use.

Жамиятнинг маънавий юксалишида мавжуд ижтимоий муҳит муҳим роль ўйнайди, яъни инсонлар фаолиятининг тўлақонли амалга ошиши учун уларга шарт-шароитлар яратиб берилиши керак. Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар кўпроқ жамият миллий-маънавий юксалишига қаратилган бўлиб, уларда ҳар бир педагог-кадрнинг жамиятда ўз ўрни, кадри бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалаларида педагогларни тайёрлашда инновацион ёндашиш зарурлиги долзарб масала этиб қўйилди. Бундан бўлажак педагогларни маънавий жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳиятли ва касбий баркамол қилиб педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳозирги куннинг энг долзарб ва зудлик билан ечим топиши шарт бўлган муаммоларидан ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам педагогика йўналишидаги олий

таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагог мутахассисларнинг мавжуд маънавий савиясини оширишнинг самарали шакллари ишлаб чиқишда ахборотли таъминотни таъминлаш ҳам эътиборга олинмиш лозим. Бундан кўзланган мақсад эса миллий қадриятлар тизимини шакллантириб олиб, улар мазмун-моҳиятини бўлажак педагог мутахассислар онги ва шуурига сингдириб, уларнинг маънавий дунёқараши янада юксалтиришдан иборатдир. Олиб борган илмий изланишлар натижаларининг кўрсатишича, таълим мазмунини мунтазам равишда қадриятлар тўғрисидаги маълумотлар билан бойитиш орқали бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг самарали шакллари эга бўлиш мумкин.

Жамиятни юксалтиришни мактабдан бошлаш зарурлигини таъкидлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маъна-

вийатдир. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавий”, деб таъкидлади ўз маърузасида [1].

Мамлакатда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифат-парвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда. ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир”, – дея таъкидлаб ўтдилар. [2]

Бундай юксак ишонччи оқлаш учун педагогларни тайёрлашда замонавий ёндашиш зарурлиги келиб чиқади. Бундан кўзланган мақсад эса миллий кадриятлар тизимини шакллантириб олиб, улар мазмун-моҳиятини бўлажак педагог мутахассислар онги ва қалбига сингдириб, уларнинг маънавий дунёқарашини янада юксалтиришдан иборатдир. Ушбу соҳада олиб борган илмий изланишлар натижаларининг кўрсатишича, таълим мазмунини мунтазам равишда кадриятлар тўғрисидаги маълумотлар билан бойитиш орқали бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг самарали кўринишларидан бирини қўлга киритиш мумкин экан. “Таълим тизими деб, амалий кўникма ва меҳнат малакаларини тўғри таркиб топишига, касбий фаолиятга тайёрлашни таъминлайдиган ўқув материалнинг мақсадга мувофиқ тузилмасига, уни ташкил этиш ва изчиллигига айтилади. Дидактика ва методика бир-бири билан узвий боғлиқ. Методика деганда, илмий усуллар ҳақидаги фан тушунилади. Бу фан дидактиканинг хусусий ҳолидир. Дидактика “кимни”, “нимага” ва “қандай қилиб” ўқитиш керак деган саволлар билан шуғулланса, у билан узвий боғлиқ ҳолда методика эса “қайси тарзда” ва “нималар ёрдамида” ўқитиш масалалари билан шуғулланади” [3, 58].

Педагогика олий таълим муассаларида 60112300 – технологик таълим йўналишидаги бўлажак педагог кадрларнинг миллий кадриятлар турларидан фойдаланган ҳолда, касбий компетенцияларига қўйилган талаблар шакллантирилиб, улар асосида назорат саволлари тузилади ва натижаларини аниқлаш орқали бўлажак педагогларни касбий етук қилиб шакллантирилганлигини аниқлашга эришилади.

Бундан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнида қуйидаги изчилликда фаолият юритишга тўғри келади:

- бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятига мос миллий-маънавий кадриятларга ёки уларнинг туркумларига оид маълумотлар қамрови ва ҳажмини лойиҳалаштириш;
- бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги ўқув режасидаги мавжуд фанлар мазмунларига мос миллий-маънавий ва миллий-моддий, миллий-маданий кадриятларга оид маълумотлар ҳамда материалларни тўплаш орқали улардан ўқув режасидаги фанларни ўқитишда фойдаланиш;
- бўлажак мутахассисларнинг маънавий дунёқараши (билимлар доираси)ни бойитиш механизминини ишлаб чиқиш;
- бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим мазмунига қайси фанни ўқитишда қандай миллий-маънавий кадриятларга оид маълумотлардан фойдаланиш тамойиллари ва мезонларини ишлаб чиқариш;
- бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда касб-хунарга оид маънавий мерослар турларидан самарали фойдаланиш йўллари ва шакллари асослаш [5, 125].

Қомусий илм соҳиблари, ҳадис илми султонлари, машхур тарихчи ва файласуф олимлар, етук ёзувчи ва шоирлар, машхур саркарда ва давлат арбоблари, Ватан ва халқ қаҳрамонлари кабиларнинг бизгача етиб келган маънавий ҳамда моддий меросларини бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда миллий-маънавий, илмий, маънавий-моддий кадриятлар тарзида мунтазам равишда сингдириб боришга эътибор берилди ва бўлажак мутахассисларнинг миллий кадриятлар турлари бўйича назарий билимларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мезони ишлаб чиқилади.

Бўлажак мутахассислар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган миллий кадриятлар турлари бўйича назарий билимларни мунтазам равишда юксалтириб бориб, уларни бутун таълим-тарбия жараёнида амалий фаолиятга жалб қилиб боришга эътибор берилиб борилади.

Миллий-маънавий кадриятлар гуруҳлари бўйича шаклланган билимларни ёшлар онги ва қалбига сингдиришнинг самарали кўринишларини ишлаб чиқиш. Бунда, бўлажак мутахассисларни ўқитишнинг инновацион услуб ва технологиялари билан қуроллантиришга эътибор берилди ва уларда ўз касбий фаолиятида булардан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилади [4, 98]. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда миллий кадриятлардан фойдаланиб такомиллаштиришда талабанинг касбий қизиқиши, мойиллиги ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, асосий методик (дидактик)

вазифа – миллий кадриятларга оид умумий маданиятни такомиллаштириш жараёнини босқичма-босқич тизимли ташкил этиб, уларнинг ўз-ўзининг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириши, ўзида мавжуд бўлган умуминсоний сифатларни янада ривожлантириши ва ўз устида мустақил ишлашига йўналтирилган мақсадли фаолияти учун зарур бўлган педагогик-методик шарт-шароитларни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Ушбу соҳада олиб борган изланишлар натижалари, бўлажак педагогларни касбий маънавий етук қилиб тайёрлашда миллий-маънавий кадриятлар тизимида фойдаланишни қуйидагидек ифодалаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди (1-расм).



1-расм. Миллий-маънавий кадриятлар тизимидан фойдаланиш механизми

Мазкур расмда қайд этилган кадриятлар тизимидан фойдаланишнинг тамойилли кўринишига эътибор берадиган бўлсак, унда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълим-тарбия жараёнига кадриятлар тизимига оид маълумотларни тўплаш, уларни таълим мазмунига сингдириш механизми, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг мезонлари ва ушбу соҳа бўйича бўлажак мутахассиснинг маънавий жиҳатдан тарбияланганлигини баҳолашларга имконият яратилар экан.

Бунда ўқув режасидаги фанларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, миллий кадриятлар сингдирилиб борилади. Буни юқоридаги механизм йўналишлари бўйича ифодаланди ва унга эътибор берадиган бўлсак, ўқув режасидаги фанларнинг айнан тикланган кадриятлар тизимнинг қайсидир бир йўналишини ёритишга ёки бўлмаса миллий кадриятларнинг қайсидир қирраси бор-бор-бир фаннинг муҳим моҳиятини очишга хизмат қилади.

Кадриятлар тизимини шакллантиришда бўлажак мутахассислардан талаб қилинадиган касбий компетенциялар ҳажми ва қамрови ҳамда ўқитиладиган фанлар бўйича давлат таълим стандартлари талаблари эътиборга олинади. Ушбу соҳадаги амалий кузатишлар ва тажрибалар натижалари кадриятлардан ўқув режадаги фанлардан қуйидаги кетма-кетликда фойдаланиш мумкинлигини ифодалади (1-жадвал).

№	ЎҚУВ РЕЖАДАГИ ФАНЛАР	МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР НОМЛАРИ
1	-педагогика (1-4-5-семестрлар), -психология(1-ва 5-семестрлар), -технология таълими ўқитиш методикаси (3-4-семестр), -касб-хунарга йўналтириш, -халқ хунарамандчилиги	-Муқаддас китоблар: Куръони Карим ва “Авесто”, Ҳадиси Шариф китобларидаги маънавий меросга оид маълумотлар
2.	-педагогика (1-5- семестрлар), психология (1-5-семестрлар), технология таълими ўқитиш методикаси (3-4-семестр), касб-хунарга йўналтириш,	-Муҳаддис донишмандлар (Ал-Бухорий, Аз-Замахшарий, Ат–Термизий)нинг миллий тарбияшуносликка оид маънавий мероси
3.	-педагогика, психология, ўқув амалий машғулотлар, технология таълими ўқитиш методикаси	- Халқ оғзаки ижоди намуналари бўйича шаклланган миллий-маънавий кадриятлар
4.	-педагогика), психология, технология таълими ўқитиш методикаси, Технология таълими практикуми, касб-хунарга йўналтириш, халқ хунарамандчилиги (3-4-семестр)	-Қомусий олим, машхур донишмандлар, алломалар шоир-ёзувчилар, тарихчи ва файласуфлар ижодларидан ҳозирги давргача етиб келган маънавий мерослари намуналаридан таълимий кадрият сифатида фойдаланиш.

5.	-педагогика, психология, технология таълими ўқитиш методикаси, касб-хунарга йўналтириш.	-Алломалар: Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Исмоил Журжоний, Жамшид ал-Қоший, Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби қомусий олимларнинг бой илмий меросларини ўрганиб, улардан қолган маънавий меросни таълимий қадриятларга айлантириш орқали
6.	-педагогика, психология (технология таълими ўқитиш методикаси, касб-хунарга йўналтириш,	-Ватан қаҳрамонлари ва давлат арбобларининг ёки атоқли сиймоларнинг турмуш тарзидаги ибрат намунаси бўйича тизимлаштирилган миллий-маънавий қадриятлар
7.	-касб-хунарга йўналтириш, халқ хунармандчилиги, технология таълими практикуми	-Буюк инсонларнинг ҳам ҳар доим бирор-бир касб-хунар билан шуғулланганлиги ҳақидаги қимматли (ҳикматли, эътиборга молик) маълумотлар
8.	технология таълими практикуми (1-2- семестрлар), технология таълими ўқитиш методикаси (4-5 семестр), танлов фан (1-2-семестрлар)ва шу кабилар;	“Амалий фаолияти туфайли касб-корини ва илму-хунарини улуғлаш орқали одамлар ўзига буюк мазмун-моҳиятли таҳаллусни пайдо қилганлар ва уларнинг ҳаёти

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирда баркамол авлод тарбияси ва унинг негизида бўлажак мутахассисларни рақобатбардош касбий-маънавий етук қилиб тарбиялашга маънавий-маърифий асослар тўла маънода етарли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. Мирзиёев. “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари” 19.01.2021.
2. Ш. Мирзиёев. “Таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш ва таълим сифатини ошириш”. 30.10.2022.
3. Н.А. Муслимов, Ш.С. Шарипов, О.А. Қўйсенов. Мехнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. – Т., 2014. – 252 б.
4. Р.Х. Жиянқулова. Касб-хунар коллежларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий педагогик асослари. **МОНОГРАФИЯ.** –Т.: “Фан ва технология”, 2015. – 158 б.
5. Р.Х. Жиянқулова. Умумкасбий таълим фанларини ўқитишда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланишни такомиллаштириш. СамДУ “Илмий АХБОРОТНОМА” –С.: СамДУ нашри, 2018 № 4. 123-126 б.

BO'LAJAK TARBIYACHINING RIVOJLANTIRUVCHI MARKAZLARDA O'QUV-BILUV FAOLIYATINI MOTIVATSIYALASH QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH

Manzura Muhammadiyeva,

QarDU Maktabgacha ta'lim kafedrasi dotsenti, p.f.f.d.;

Ozoda Tursunova,

Shahrisabz davlat pedagogika instituti magistranti

Annotatsiya

Maqolada motivatsiya tushunchasining mazmun-mohiyati, uning shaxs faoliyatiga ta'siri va bo'lajak maktabgacha ta'lim yo'nalishi mutaxassislarini rivojlanish markazlarida ta'limiy faoliyatni tashkil etishga nisbatan motivatsion yondashish masalasi yoritilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, motivatsiya, Rivojlanish markazi, tarbiyachi, integratsiya, bola, faoliyat.

Аннотация

В статье раскрывается сущность понятия мотивации, ее влияние на деятельность личности, а также вопрос мотивационного подхода к организации образовательной деятельности в центрах развития будущих специалистов дошкольного образования.

Ключевые слова: образование, мотивация, Центр развития, воспитатель, интеграция, ребенок, деятельность.

Annotation

The article describes the essence of the concept of motivation, its impact on personal activity, and the issue of motivational approach to the organization of educational activities in centers for the development of future preschool education specialists.

Keywords: education, motivation, Development Center, educator, integration, child, activity.

Mamlakatimizda ta'lim-tarbiya sohasini rivojlantirish bo'yicha olib borilayotgan barcha islohotlar, avvalo, ta'limning tayanch nuqtasi hisoblangan maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirish bilan uzviy tarzda yo'lga qo'yilmoqda. Poydevorni mustahkamlashda quruvchining mehnati va aqliy salohiyati ustun turgani kabi, kelajak avlodlarning barkamol inson bo'lib voyaga yetishlarida tarbiyachi-murabbiylarning xizmati beqiyosdir. Ayniqsa, bo'lajak tarbiyachilarni ta'limiy faoliyatga tayyorlashda ularga motivatsion ko'mak zarur.

Motivatsiya – bu maqsadga yo'naltirilgan xatti-harakatlarni boshlaydigan, boshqaradigan va saqlaydigan jarayonni harakatga keltiruvchi kuch bo'lib, xulq-atvorni faollashtiradigan biologik, hissiy, ijtimoiy va bilim kuchlarini o'z ichiga oladi. Kundalik foydalanishda “motivatsiya” atamasi odamning nima uchun biron bir ish qilishini ta'riflashda tez-tez ishlatiladi. Bu inson faoliyatini harakatlantiruvchi kuchdir. Motivatsiyani quyidagi turlarga ajratishimiz mumkin:

1. Tashqi turtki – bu shaxsning tashqarisidan kelib chiqadigan va ko'pincha sovrinlar, pul, ijtimoiy tan olish yoki maqtash kabi mukofotlarni o'z ichiga oladi.

2. Ichki motivlar – bu shaxs ichidan kelib chiqadigan motivlar, masalan, muammoni hal qilishda shaxsiy qoniqish uchun murakkab krossvordni bajarish [4, 42].

Tadqiqotchi olimlar motivatsion jarayonni bosqichma-bosqich tahlil qilgan holda, uni quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi deb hisoblaydilar:

1. Qo'zg'alishning anglanishi. Bu bosqich qo'zg'alishning paydo bo'lishi va anglanishi. Qo'zg'alishning to'liq

anglanishi qo'zg'atishni qanday predmet chaqirganligini anglash bilan hamda mazkur harakatni amalga oshirish usullari va natijasini tushunib yetish bilan belgilanadi.

2. Motivning qabul qilinishi. Muallif buni qo'zg'alishning ichki jihatdan qabul qilinishi bilan tushuntiradi. Bu bosqichda odam o'zining axloqiy prinsiplari, qadriyatlarini va boshqalarni tahlil qilib ko'rib, paydo bo'lgan ehtiyoj, mayl va uning hayoti uchun naqadar muhimligi, ularni qondirish kerakmi-yo'qligi to'g'risida qaror qabul qiladi.

3. Motivning hayotga tatbiq qilinishi. Bu jarayon davomida konkret vaziyatlarga va motivning bajarilishiga bog'liq holda motivning psixologik mazmuni o'zgarishi mumkin.

4. Motivning mustahkamlanishi. Bu bosqich natijasida motiv xarakter belgisiga aylanadi.

5. Potensial qo'zg'alishning faollashuvi. Bu holatda xarakterning ma'lum belgisi anglangan va anglanmagan holda yuzaga chiqadi [4, 47].

Demak, shunday ekan, bo'lajak maktabgacha ta'lim yo'nalishi mutaxassislarini rivojlanish markazlarida ta'limiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlash turidagi motivatsion faoliyat alohida ahamiyat kasb etadi. Rivojlantiruvchi markazlardan ta'limiy faoliyatda to'g'ri foydalana olish tarbiyachi pedagogdan puxta bilim va uni tashkil etishga nisbatan mas'uliyatli bo'lmoqlikni talab etadi.

Maktabgacha ta'lim tashkiloti guruhlarida 5 ta markaz tashkil etilgan: “Til va Nutq”, “Qurish, yasash va matematika”, “San'at”, “Fan va tabiat”, “Syujetli va rolli” markazlar [1, 11]. Ushbu markazlar tarbiyalanuvchilar uchun muhim o'rin kasb etadi, chunki bola markazlarda erkin faoliyat olib boradi. Tarbiyachi esa ulardan foydalanish

jarayoniga yordamchi sanaladi. Bu esa bolalar nutqini, erkin fikrlashini, jismoniy va ijtimoiy bilish kompetensiyalarini rivojlantiradi. Bolalar ongini rivojlantirishda asosiy faoliyat turi o'yin hisoblanadi. O'yin orqali bola o'rganilgan mashg'ulotni xotirada tez va mustahkam saqlaydi.

Rivojlantiruvchi markazlar – bolaning erkin, qiziqarli, faol harakatlanishiga yo'naltirilgan ta'limiy yondashuvdir. Yangi innovatsion texnologiya sifatida maktabgacha ta'lim jarayoniga tatbiq etilgan mazkur o'qitish turi o'zining samaradorlik xususiyatlari bilan ajralib turibdi. Shuning uchun keyingi dolzarb vazifa bo'lajak maktabgacha ta'lim tashkiloti mutaxassislarini rivojlanish markazlarida faoliyatni tashkil eta olish ko'nikmasini shakllantirish, o'quv jarayonida motivatsion munosabatni yo'lga qo'yishdir.

Maktabgacha ta'limni ham shaklan, ham mazmunan yangilashga qaratilgan bu kabi innovatsiyalar ota-onalardan tortib barcha pedagoglar bola tarbiyasi, uning ta'lim olishga tayyorgarligiga zamon talablaridan kelib chiqqan holda yondashishini talab etadi. Maktabgacha ta'lim muassasalari guruhlarida tashkil etiladigan rivojlanish markazlaridagi jarayonlar bolalarning doimiy ravishda yangi bilimlarni o'zlashtirishga, mustahkamlashga yordam beradi. Bolalarni o'z bilimini mustaqil ravishda to'ldirib borish, kechayotgan yangilanish jarayonlariga munosib moslashib borishga o'rgatish rivojlanish markazlarining asosiy maqsadidir [3, 447].

Bo'lajak tarbiyachi maktabgacha yoshdagi bolalar ta'limiy faoliyatini rivojlantiruvchi markazlarda tashkil etish ko'nikmasiga ega bo'lib borishi zarur.

Rivojlantiruvchi markazlarning o'ziga xos tomonlarini anglash, har bir markazda faoliyatni amalga oshirishda nimalarga e'tibor berish kerakligi haqida tushuncha hosil qilish kerak. Markazlar bir-biri bilan o'zaro uyg'un ahamiyatda bo'lib, davlat talablaridagi integratsiya tushunchasining mohiyatini ochib beradi [1, 4]. Bola rivojlanish xususiyatlarining ularga beriladigan ta'lim bilan uyg'unligini ifodalaydi. Ya'ni bunda ta'lim bolaga yo'naltirilgan bo'lib, bola ta'limni o'z intilishlari bilan egallab boradi.

Integratsiyalashgan ta'lim faoliyati ta'lim-tarbiyaning turli mazmunini o'zaro bog'lash, o'zaro bog'liqlikning yanada chuqur shaklda amalga oshirishni taklif qiladi. Bu ma'lum bir mavzuning yaxlit mohiyatini, o'zaro kirish va boyitish orqali keng axborot maydonida birlashtirilgan turli

xil faoliyat turlari orqali ochishga qaratilgan faoliyatdir.

Ko'rinib turibdiki, maktabgacha ta'lim jarayonida bolalar faoliyati ko'rinishlari bir-biri bilan bog'liq ravishda yo'lga qo'yiladi. Chunki ta'lim hayotiy vaziyat va ko'nikmalarga bog'lab borilmas ekan, uning sifati baland bo'la olmaydi.

Bo'lajak tarbiyachilarni kelgusi faoliyatga tayyorlashda motivatsiya muhim ahamiyat kasb etadi. Inson ma'lum bir kasbni tanlashiga ham aslida unga ta'sir qilgan kuchli motivlar sabab bo'ladi. Shuning uchun o'qituvchi dars jarayonining sifatini talabalarga berilayotgan ma'lumotning qanday yetkazib berilishi belgilaydi.

Ayniqsa, mutaxassislik fanlarini o'zlashtirishda motivatsion ko'mak muhim sanaladi. Bunda o'qituvchi faoliyatni yo'lga qo'yib borishning sodda va tushunarli yo'llarini yetkazib bera olsa, o'rganuvchilarning kasbiy layoqati oshib boradi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotining bo'lajak tarbiyachisi sifatida talabalarning rivojlanish markazlarida o'quv-biluv faoliyatini motivatsiyalashda quyidagi ko'nikmalarni shakllantirishga e'tibor berish mumkin:

- bola shaxsining rivojlanish xususiyatlarini mukammal o'zlashtirib borish;
- ta'limiy faoliyatni rivojlanish markazlarida tashkil etishda o'quv maqsadlarini aniqlay olish va vazifalarni izchil amalga oshira bilish;
- rivojlanish markalarida didaktik materiallarni standart asosida ishlata bilish ko'nikmasini tarkib toptirish;
- har bir markaz mazmunidan kelib chiqib, o'yin va topshiriqlarni bolalar yosh xususiyatlariga muvofiq tanlash mahoratini shakllantirish.

Mazkur talablarni yanada takomillashtirish orqali bo'lajak kadrlarni kasbiy faoliyatga samarali tayyorlab borish lozim. Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'lim tizimiga quyidagicha baho bergandilar: "Biz maktabgacha ta'lim va maktab ta'limi, oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimi hamda ilmiy-madaniy muassasalarni bo'lg'usi Renesansning to'rt uzviy halqasi deb bilamiz" [6, 2].

Xulosa sifatida aytish mumkinki, maktabgacha ta'lim inson rivojlanishining eng muhim va takrolanmas ahamiyatga ega davri sifatida pedagoglardan ulkan kasbiy mahorat va zakovatni talab etish bilan birga, o'z kasbiga nisbatan motivatsion yondashishni ham taqozo etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *O'zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari.* –T., 2018-yil 18-iyun, 1-son.
2. *Djurayev R.H. Ta'limda interfaol texnologiyalar.* – T.: O'zPFITI, 2010. – 133 b.
3. *Rahmonova F.B., Boltayeva F.B. Maktabgacha ta'limda bolalar tadqiqotlarida rivojlantiruvchi markazlar o'rni.* – Namangan: NamDU ilmiy axborotnomasi. 8-son, 2021 y. – 447 b.
4. *Omonov H.T., Xo'jayev N.X., Madyarova S.A., Eshchonov E.U. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat.* – T.: Iqtisod-moliya, 2009. – 240 b.
5. *Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar).* – T.: Iste'dod, 2008. – 180 b.
6. <https://uzreport.news/politics>

ҲАДИС ИЛМИНИНГ ТАРИХИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Асроридин Самиев,

Термиз давлат педагогика институти
Педагогика кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация

Мазкур мақолада ҳадис илмининг келиб чиқиши ва унинг педагогик хусусиятлари тўғрисида баҳс юритиб, ҳозирги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида баркамол авлодни жисмонан бақувват, маънаван бой, ахлоқан пок, меҳнатсевар, оилапарвар, ватанга садоқат, ота-онага муҳаббат, ўз мустақил фикрига ва позициясига эга доно-билимли, ватанимизнинг мустақиллиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган ва рақобатбардош кадр сифатида, тарбиялашда хизмат қилувчи асосий манбалардан бири эканлиги ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатлари ёритилган бўлиб, мазкур илмий манбалардан баркамол авлоднинг таълим-тарбиясида фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан эканлиги баён этилган.

Калим сўзлар: Расули Акрам, ҳадис, илм, маърифат, Ғарб олимлари гоялари, педагогика, маънавият, ахлоқ, одоб, ватанпарварлик, оила, садоқат, сунна, таълим, тарбия, глобаллашув, интеграциялашув, ахборот, миллий қадрият, урф-одат.

Аннотация

В данной статье, обсуждая зарождение хадисоведения и его педагогические особенности, в современных процессах глобализации и интеграции необходимо воспитывать зрелое поколение как физически сильное, духовно богатое, нравственно чистое, трудолюбивое, семейное, лояльное Родине, любви к родителям, умудренных собственным независимым мнением и позицией. Теоретические и практические аспекты того, что она является одним из главных ресурсов воспитания образованных, самоотверженно работающих и конкурентоспособных кадров за независимость нашей страны, разъясняется, и констатируется, что использование этих научных ресурсов в воспитании зрелого поколения является одной из актуальных проблем современности.

Ключевые слова: Расули Акрам, хадис, наука, просвещение, идеи западных ученых, педагогика, духовность, нравственность, нравы, патриотизм, семья, верность, сунна, образование, воспитание, глобализация, интеграция, информация, национальная ценность, традиция.

Annotation

In this article, discussing the origin of the hadith science and its pedagogical features, in the current process of globalization and integration, it is necessary to raise the mature generation as physically strong, spiritually rich, morally pure, hardworking, family-oriented, loyal to the country, love for parents, wise with their own independent opinion and position. The theoretical and practical aspects of the fact that it is one of the main resources for education of educated, selflessly working and competitive staff for the independence of our country are explained, and it is stated that the use of these scientific resources in the education of the mature generation is one of the urgent problems of the present day.

Keywords: Rasuli Akram, hadith, science, enlightenment, ideas of Western scientists, pedagogy, spirituality, morality, manners, patriotism, family, loyalty, sunnah, education, upbringing, globalization, integration, information, national value, tradition.

Ислом дини таълимотида Қуръони каримдан кейин асосий манба ҳадислардир. “Ҳадис” ёки “сунна” сўзлари бир маънони англатиб, Расулulloҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний, таълимий ва ахлоқий тарбия ҳақидаги кўрсатмалари, сўзлари, панд-насихатлари, бажарган ибратли ишлари тўғрисидаги ривоятлардан иборат. Яъни Пайғамбаримиз Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг бутун инсоният учун сабоқ бўладиган ибратли ишлари, имон, этиқод, сабр, қаноат, шарм-ҳаё, ибо, покликни тарғиб этувчи хатти-ҳаракатлари, диний ва маънавий-маърифий, ахлоқий йўл-йўриқлари, юриш-туришлари, гапиришлари, кийинишлари, овқатланишлари, сув ичишлари, одамлар ва кўни-қўшнилар билан муомала-муносабатлари, ҳатто ётиб-туришлари ва инсонга хос бўлган барча маънавий-ахлоқий хислатларни

ифодаловчи сўзлари ҳадисларда мужассамланган ва бир ярим минг йилга яқин бутун ер юзидаги инсоният бу бебаҳо хазинадан ўзининг ҳаёт йўлини тўғри йўналтиришда ва яшашда фойдаланиб келмоқда. Чунки у зот Аллоҳ томонидан ер юзидаги барча инсонлар учун намуна сифатида юборилган.

Буюк турк ёзувчиси Аҳмад Лутфий Қозончи ўзининг “Саодат асри қиссалари” номли асаридан Муҳаммад солаллоҳу алайҳи вассаламнинг ҳаёт ва фаолиятига бағишлаб ёзади: “Аллоҳга яқинлашишнинг энг ягона ва саодат йўли бор, бу ҳам бўлса Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кўрсатган йўлдир. Инсоният қандай ахлоқ сифатлари билан яшаши кераклигини Пайғамбаримиз шахсан ўзлари намуна сифатида яшаб кўрсатганлар. Ким бу йўлдан бошқа йўл излайди, бадбахт бўлур. Ким уни таҳқир қилса, бу дунё ва

у дунёга хору зор бўлур. Ким унга қарши чикса, оқибат бало-қазоларга гирифтор бўлур”.

Дарҳақиқат, дунё шу пайтга қадар Расуллулох соллаллоху алайҳи васалламдек мукамал, барчага ўрناق бўла оладиган гўзал ахлоқ соҳиби, дунёдаги барча яхши сифатларни ўзида мужассам этган зотни кўрмаган ва бундан кейин ҳам кўрмайди. Бу ноёб сифатларини Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан Расули Акрамга берилган баҳодан ҳам билса бўлади.

Буюк немис файласуфи Иоганн Вольфганг Гёте бундай деб ёзган: “Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулоса келдим: дунё подшоҳлари тўплаган барча салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ямоқ яқтакларига ҳам арзимас экан... Биз Европа миллатлари, маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинананинг биринчи пиллапоясидамиз, халос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқориорроққа ўта олмайди”.

Бернард Шоу айтади: “Агар Муҳаммад алайҳиссаломдек бир одам ҳозир дунёни бошқарганда эди, бу дунёнинг мушкулларини ҳал қилишга муваффақ бўлар эди, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги дунёга етишмаётган хотиржамлик ва саодатни олиб келган бўларди”.

Франциянинг таниқли олимларидан Ламартининг бундай сўзлари бор: “Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да, кўп иш қилганига қараб баҳоландиган бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом инсонларнинг энг буюгидир. У киши ҳам пайғамбар, ҳам нотик, ҳам сиёсатчи, саркарда, қалблар ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом, давлат арбоби, ер юзининг 20 дан ортиқ минтақасида исломий салтанат кура олган... Муҳаммад алайҳиссалом шундай зот эди! Наҳотки у зот ўлчовларга сиғса?!”

Оксфорд университети профессори Виям Монгмери: “Муҳаммад алайҳиссаломнинг зафар-ютуқлари унинг буюклигига далилдир. Бундай мартабага эришган бошқа шахс Ғарбда маълум эмас. У буюк зотни сеҳргаликда айблаган кишилар ўз мақсадига эришолмай, ноилоҳ қолган одамнинг чиранишини зоҳир этишди”, деб ёзади.

Ғарб олимлари Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг тарихларини, сийратларини, ҳаёт йўллари яхши ўргангани сабабли мана шундай хулосаларга келганлар.

Ҳақиқатда ҳам, ҳадис илми мусулмон халқи, жумладан, ўзбек халқининг олтин хазинаси ҳисобланади. Шу олтин хазинадан ёш авлодни маънавий-ахлоқий таълим-тарбиясига фойдаланиш ва уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сонли қарори билан Имом Термизий Халқаро Илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги №483-сонли қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро Илмий-тадқиқот маркази” фаолияти ташкил этилди. Бу халқаро марказлар ташкил этилишининг асосий мақсади муқаддас ислом дини ривожига ҳисса қўшган, ҳадис илмининг султони, дунёнинг имоми, ватандошимиз Имом Бухорий, улуғ муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Авлиёлар Ҳакими – ҳазрат Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий ва бошқа муҳаддис алломаларнинг улкан меросини илмий асосда ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуглаш асосида ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, имон-этиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришдан иборат.

Ҳадисларда инсоннинг ижобий фазилатлари хушфеълик, сахийлик, иймон, эътиқод, саховат, мурувват, меҳр-шафқат, тавба-тазарру, ўзаро ёрдам, садоқат, камтарлик, меҳр, муҳаббат, вафо, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанга муҳаббат, ота-онага садоқат, сабр-тоқат, поклик, ростгўйлик, дўстлик, шарм-ҳаё, ибодат, ифғат, сатр, адолатпарварлик, илмли бўлиш, раҳмдиллик, кабилар улугланиб, ёлғончилик, фитна, макр, хийла, фисқ-фасод, ғазаб, тажовузкорлик, бузукчилик, жаҳолат, зулм, хиёнат, нопоклик, бузғунчилик, чақимчилик, ғийбат, ҳаром ейиш, ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, нопоклик, порахўрлик, ичкилик каби ғайриинсоний иллатлар қаттиқ қораланади.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръони карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган халқларнинг (ажамийлар – форсий ва туркий халқлар назарда тутилган) ҳадисларни Қуръон оятларидан деб уйлашларидан чўчиган ва иккинчи томони шундаки, ўша даврда ҳам пайғамбаримиз ва муқаддас ислом динига қарши кучлар мавжуд бўлган ва Қуръони каримни улардан ҳимоялаш ҳамда пайғамбаримиз номидан ёлғон ҳадисларни ривоят қилиб одамларни чалғитмаслик учун уни ёзиб боришларига руҳсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурида билимли ва кучли хотирага эга бўлган саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Ҳурайра (р.а.) шундай мўътабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга бахш этган.

Лекин ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камайиб боргани ҳамда аста-секин улар унитилиб кетишининг олди олиниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар.

Ҳадисларни биринчи марта ёзиш билан машғул бўлган муҳаддислар Рабеа бин Сабех, Саид бин аби Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдурахмон ал-Авзоий Шоший, Суфён Саврий Куфий ва бошқалар деб кўрсатилади. VIII-IX асрлар ҳадис илми учун “олтин давр” ҳисобланади. Бу даврга келиб, ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, қандай манбаларга таянганлиги тадқиқ этила бошланди. Чунки, баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шу даврдан, яъни ҳижрий 90-, мелодий 708 йилдан бошлаб Ўрта Осиёда ҳадис илми билан шуғулланиш кенг тараққий этди. Манбаларда таъкидланишича, VIII-XI аср ўрталаригача ҳадис илми билан Шаркнинг турли томонларида мингдан ортиқ киши шуғулланган. Пайғамбаримиз номларидан 14 мингга яқин ҳадис тўқилган. Шу боис улар қайта-қайта текширилиб, ҳозирги асл ҳолатига келтирилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳижрий III аср, мелодий IX аср ҳадиснависликнинг олтин даври ҳисобланади. Муҳаддислар асосан Марказий Осиёликлар бўлганлар ва Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олти ишончли тўплам (ас-саҳиҳ ас-ситта)ни яратганлар. Улар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, (194/810-256/870), Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (203/819-261/874), Абу Исо-Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (209/824-279/892), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу ар-Раҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий (181/797-255/868), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (202/817-275/888), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа (209/824-273/886) йилларда яшаб ижод қилганлар.

Моварроуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Яна ватандошларимиздан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайх ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва бошқалардир.

Мазкур муҳаддислар томонидан тўпланган ҳадисларда Расули Акрамнинг ҳикматлари, кўрсатмалари, тавсия этган ва тақиқлаган одоб-ахлоқ қоидалари ўз ифодасини топган. Ҳадислар инсон маънавий-ахлоқий камолотининг мезонини белгилаб берувчи манба сифатида инсоният ақл-идроқи, тафаккури, фалсафий фикрлар йиғиндисини акс эттирган. Уларда пайғамбаримиз Расули Акрамнинг бағрикенглик, шарм-ҳаё, мулойимлик, адолатпарварлик, саҳийлик, кечиримлилик, чидамлилик каби хислатлари ифодаланиб, ул муборак зотнинг қўйидаги кўрсатмаларида ўз ифодасини топган. Расули Акрамнинг таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳа-

дислардан намуна келтирамыз:

“Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”, Имом ал-Бухорий ривояти. Яъни дунёни жаҳолатдан ва зулматдан илм қутқаради. Инсон ҳаётда яшар экан яхши-ёмон, дўст-душман, ҳалол-ҳаром, тўғри-нотўғри, фойдали-зарарли, нарсаларни фақат ва фақат илм орқали билиб олишади. Билимсиз инсон бўлса жаҳолатда яшайди. Ҳалол ёки ҳаромни фарқига бормади. Имони-эътиқоди мустаҳкам бўлмайди. Яъни дунёдаги барча нодонлик ва нуқсонлар, жиноят ва хиёнатлар инсонларнинг билимсизлигидан келиб чиқади ва дунёдаги барча ривожланиш, тараққиёт, инсониятнинг тинчлиги ва бахту иқболи илм-маърифат орқали амалга оширилади. “Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида суянчиқ, ёлғизликда йўлдош, хурсандчилик пайтида раҳбар, ғамгинлик вақтида ёрдамчи, халқ орасида зеб-зийнат, душманга қарши қуролдир”. Билимли инсон доим ҳурмат ва эҳтиромда бўлади. Расули Акрам Аллоҳ томонидан берилган илм билан яна доим: “Ё Аллоҳ, илмимни зиёда қил”, – дер эканлар. “Илм ўрганмоқ ва ўргатмоқнинг фазилати” ҳақидаги ҳадисда илм кўп ёққан ёмғирга ўхшатилади ва илм аҳлини уч турга бўладилар: “Баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадир-да, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларини ўстирадилар ва баъзи ер қурғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эмасдан ўзида тўплайдилар, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантиргайдир. Одамлар сувдан ичгайдирлар, ҳайвонларини ва экинларини суғоргайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдилар, кўкатни ҳам кўкартмайдилар. Буларни одамларга нисбаттан қуйидагича муқоиса қилиш мумкиндир: Бир киши Аллоҳ илмини теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан манфаатланадир ва Аллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учунчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир”. “Илмга амал ва риоя қилувчи бўлинглар, уни фақат ҳикоя қилувчи бўлманглар”. Аммо илмга эътиборсизлик ва нодонлик (жаҳолат)нинг авж олиши аста-секин жамиятни инқирозига олиб келади.

Илм талаб қилмоқчи бўлган шахс ниятини яхши қилиши, олган илми билан халққа хизмат қилиб, Ҳақни рози этишни кўзлаши керак. Ўшанда олган илми фойдали бўлади: дунёга ҳам эришади, охират савобига ҳам эга бўлади. Аммо ниятни молу дунёга, риёга боғласа, охират савоби бўлмайди, дунё ҳаваси ҳам аниқ амалга ошмайди.

“Илмнинг офати унутишдир. Уни ноаҳл кишига гапириш эса зое қилишдир” ҳадисиде илми тақрорлаб бориш, фақат илм олишга иштиёқманд кишиларгагина илм бериш ва илмга талабгор бўлманларга бериш вақтни зое қилишдир деб таъкидла-

нади. Шунингдек, ҳадисларда илмнинг инсонларни фаҳм-фаросатли, ўткир зеҳнли, зукко, хотирани кучли қилишдаги аҳамияти ҳам таъкидланади. “Илмни Хитойдан бўлса ҳам, ўрганишлар” деб даъват этилади. Яъни илм ўрганиш учун сафар қилинган, бошқа мулкларга боринган, заҳмат чекинган, токи илм олиш сизга муяссар бўлсин. Бу ҳадиси шарифда илмнинг қанчалар фазилатли эканлигига далолат бор.

Қуръони каримда илм ҳақида 379 та оят келган бўлиб, уларда биладиганлар билан билмайдиганлар баробар эмаслиги, илм аҳлини Аллоҳ-таоло юқори даражаларга кўтариб қўйганлиги айтилади. “Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”, дейилади. Бу ҳадиси шарифда илмнинг инсон учун нақадар буюк эканлигига ишора берилган.

“Илм ибодатдан афзал, тақво диннинг устунидир”, лекин илмни манфаатсиз сарфлашдан сақланишга даъват этилади. Яъни илмни толиби илмга беринган, қалбида илмга иштиёқи йўқ одамларга беҳуда сарфламанглар, тақво, яъни амал қилувчилардан бўлинганлар деб таъкидланади. Ҳақиқий комил инсон билимга бой, хушхулқ, соғлом бўлиши, уни фақат фойдаланишларга, инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришига сарф этиш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

“Бир соат илм ўрганиш бир кечалик тоат-ибодатдан афзал. Бир кунлик илм ўрганиш уч ой рўза тутишдан ҳам афзалроқдир” дейилган ҳадисларда. Тоат-ибодат инсоннинг шахсий манфаатига қаратилган бўлса, илм олиш оила, давлат, жамият, халқ ва миллат манфаатига қаратилган. Шунинг учун илмни тоат-ибодатдан афзал дейилган.

“Илм толиби бўлиш фарздор. Толиби илмга ҳар бир нарса истиффор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ва индадаги чумолилар ҳам”. Яъни илм талаб қилиш динимизда фарз қилинган бўлиб, билимли инсондан нафақат жамият, балки табиат – барча жонзотлар ҳам манфаат топади ва толиби илмга истиффор айтади.

“Бешиқдан қабргача илм изла” ҳадисида илм олиш ёш танламаслиги, илмнинг чегараси йўқлиги ва инсон доим илмга муҳтож эканлиги айтилган.

“Ўзингга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр”, яъни одамларга бахиллик қилма, унга ёрдам бер, имконият бер ўзингдайдай бўлишига.

“Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг”. Мазмуни: омонатга хиёнат қилма, уни эҳтиёт қилиб асра ва сўраган вақтида эгасига қайтар. Омонатга хиёнат энг катта гуноҳ саналади.

“Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг”. Одамлар сизга хиёнат қилса ҳам, сиз хиёнат қилманг ва яхшилик билан қайтаринг. Сизга ёмонлик қилган одамга яхшилик билан қайтарсангиз, уни ҳам яхшилик сари етаклаган бўласиз.

“Қачонки бирор гуноҳ иш қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг”. Билиб-билмай бирор гуноҳ иш қилсангиз, изидан уни ювиш учун яхши ишларни бажаринг. Яхши иш гуноҳларни ювади. Савобнинг каффоратини ўйлаб, атайлаб гуноҳ қилиш назарда тутилмайпти. Асосийси, ўша гуноҳ иш такрорланмаслиги, билиб туриб қилинмаслиги керак.

“Билмайдиган нарсаларингизни сўраб билишдан уялманг, чунки инсоннинг кадр-қиммати унинг билимига қараб белгиланади”. Мазмуни шуки, сўрашдан уялманг, билмасликдан уялинг. Ҳазрат Навоийда шундай ҳикмат бор: “Билмаганин сўраб ўрганган олим, уялиб сўрамаган ўзига золим”. Қанча кўп нарсани билсангиз, шунча ҳурмат-эътиборингиз ошади.

“Қарз зиллатдир”. Имкон борича қарз олмаслик, қарз олинганда, қарздор олдида доим муттаҳам бўлиб юриш хавфи борлиги назарда тутилган. Қарздор одамнинг тинчлиги йўқолади ва доим изтиробда юради. Қаноат қилишни ўрганиш лозим.

“Халқ билан дўст бўлиш ярим ақлдор”. Халқни ўзингизга дўст тутинг ва доим халқ билан бирга бўлинг.

“Ўринли савол бериш илмнинг ярмидир”. Керакли жойда савол бер, керакли жойда сукут сақла, ўринсиз савол берма. Билмайдиган нарсани сўраб билиб ол.

Шароб наслни, авлодни, миллатни ўлдирди. Набий Солаллоҳу алайҳи вассаллам: “Аллоҳ ҳамр (ароқ) ни, унинг ичувчисини, қуйиб берувчисини, сотиб олувчисини, сиқувчисини, сиқтирувчисини, кўтарувчисини ва кўтартирувчисини лаънатлади”, дедилар (Имом Термизий ривояти).

“Илмнинг офати бу унутишдир”. Илмни унутмаслик учун такрорлаш керак. Қанча кўп такрорланса, шунча кўп нарса ёдда қолади. Имом ал-Бухорий юз минг саҳиҳ ва икки юз минг носаҳиҳ ҳадисларни ёддан билган.

“Сўзнинг офати ёлғон гапиришдир”. Халқимизда бошинга қилич келса ҳам, рост гапир деган мақол бор. Ёлғончи билан олди-берди қилмаслик, умуман, ёлғончидан узокроқ юриш керак. Чунки Аллоҳнинг энг ямон кўрадиган бандалари бу ёлғончидир. Ёлғоннинг умри қисқа бўлади.

Худди шундай, қуйидаги ҳадисларда ҳам олам-олам ҳикматлар мавжуд бўлиб, ўқувчилар, талаба ёшлар таълим жараёнида булардан ўринли фойдаланиш кўп яхши натижаларга сабаб бўлади: “Ҳар бир яхши ишинг садақадир”, “Олимлар халқнинг ичиди Аллоҳнинг омонатидир”, “Жаннат оналар аёғини остидадир”, “Ҳаё иймондандир”, “Олим ва толиби илм хайрда шерикдир”, “Мазлумнинг дуоси мустажобдур, кофир бўлса ҳам”, “Ким илм талаб қилса, Аллоҳ ризқига кафолат беради”, “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздор”, “Ким ака-укасини ҳожатини чиқаради, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқаради”, “Отанинг фарзандига энг яхши мерос

бу одобдур". Дарҳақиқат, илмли ва билимли ота-она учун ахлоқли фарзанддан бошқа буюк ва муқаддас неъмат йўқ. Юқорида келтирилган Пайғамбаримизнинг ҳадис намуналари бу инсонларни ҳақиқий инсон қиёфаси сифатида жамиятда ҳаракат қилишига ва одамлар билан муомала муносабатда бўлишига минг йиллардан буён асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса шуки, ҳадислар Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) нинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан бирга, инсон руҳиятини поклаб, маънавий-ахлоқий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол-

га етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош-уруғларининг, миллатининг ва ватанининг моддий ва маънавий қадриятларини асрашдан иборатдир.

Шунинг учун дунёнинг глобаллашуви ва замонавий ахборот майдонларидаги ҳаракатларнинг тез суръатлар билан ҳаётимиз, турмуш тарзимизга кириб келаётган таҳликали бир жараёнда ҳадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади ва унинг педагогик хусусиятларини инобатга олиб, таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифалардан саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал Жомийъ Ас-Саҳиҳ// 1-2 қисм. –Т., 1997.
4. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Сунани Термизий. – Т., 1999.
5. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий “Шамоили Муҳаммадия” Мирзо Кенжабек таржимаси”. –Т.: “Шарқ”, 2015.
6. Олимов. Ш.Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. –Т., 2015.
7. Қодиров.Қ. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти. –Т., 2011 й.
8. Ҳошимов.К, Нишонов.С, Иномова.М, Ҳасанов.Р. Педагогика тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
9. Интернет “Mehrob.uz “ маълумотлари.

TA'LIM JARAYONI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING USTUVORLIGI

Shoira Shodmonova,

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat
pedagogika universiteti professori;

Haqnazar Hamzayev,

Jizzax davlat pedagogika
universiteti katta dotsenti, (PhD)

Annotatsiya

Maqolada ta'lim-tarbiya jarayonida raqamli texnologiyalardan foydalanishning zarurati, afzalliklari va masofaviy ta'lim sohasidan foydalanish bo'yicha statistikalar berilgan. Raqamli texnologiyalardan foydalanish va masofaviy ta'limning yangi avlod tizimlarini joriy etish lozimligi, masofaviy ta'lim tizimi orqali yangi ko'nikmalarni yoki mavzuga oid materiallarni o'rganish tezroq, osonroq va arzonroq ekanligi atroficha yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: raqamli texnologiyalar, raqamli o'qitish ta'lim tizimi, masofaviy ta'lim, masofaviy platformalar, mobil qurilmalar, Internet tarmog'i.

Аннотация

В статье приводятся статистические данные о необходимости, преимуществах использования цифровых технологий в дистанционном образовании и о необходимости внедрения цифровых технологий и систем дистанционного образования нового поколения, а также подробно описывается, как быстрее, проще и дешевле изучать новые навыки или материалы по теме через систему дистанционного образования. Также представлены проблемы, препятствующие эффективному внедрению дистанционного образования в нашей стране с использованием цифровых технологий, а также предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: дистанционное обучение, цифровые технологии, цифровая система обучения, дистанционные платформы, мобильные устройства, сет Интернет.

Annotation

The article presents the need, advantages and statistics on the use of digital technologies in distance education, as well as the need for the use of digital technologies and the introduction of new generation systems of distance education, the fact that it is faster, easier and cheaper to learn new skills or materials related to the subject through the distance education system is. Also, in our country there are problems that are hindering the effective way of distance learning using digital technologies and suggestions and recommendations for their solution.

Keywords: distance learning, digital technology, digital learning education system, remote platforms, mobile devices, Internet network.

O'zbekistonda ta'lim tizimining modernizatsiya qilinishi, uni tarkibiy jihatdan qayta qurish, ta'lim, fan, texnika va texnologiyaning, iqtisodiyot va madaniyatning jahon miqyosidagi zamonaviy yutuqlarini hisobga olgan holda, ta'lim dasturlarini o'zgartirib, yangilab borishni ko'zda tutadi. Ta'limda ilg'or texnologiyalarning keng o'zlashtirilishi, uzluksiz ta'limning fan va ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi, o'quvchilarning qobiliyatlari va imkoniyatlariga muvofiq ravishda ta'limga tabaqalashtirilgan yondashuvning joriy etilishi hamda ta'lim berishning ilg'or pedagogik texnologiyalari, zamonaviy o'quv-uslubiy majmualarning yaratilishi, o'quv-tarbiya jarayonining didaktik jihatdan ta'minlanishi ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar bilan takomillashtirishga asos bo'lmoqda.

Ma'lumki, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish, barcha tarmoqlar va sohalarda, eng avvalo, davlat boshqaruvi, ta'lim, sog'liqni saqlash va qishloq xo'jaligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya

va raqamli texnologiyalarini keng joriy etish bo'yicha kompleks chora tadbirlar keng ko'lamda amalga oshirilib kelmoqda. Ayniqsa, elektron hukumat tizimini takomillashtirish, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantirish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish, shuningdek, sohani malakali kadrlar bilan ta'minlashni ko'zda tutuvchi 220 dan ortiq ustuvor loyihalarni amalga oshirish ishlari keng tus olgan.

Bundan tashqari, 40 dan ortiq axborot tizimlari bilan integratsiyalashgan geoportalni ishga tushirish, jamoat transporti va kommunal infratuzilmani boshqarishning axborot tizimini yaratish, ijtimoiy sohani raqamlashtirish va keyinchalik ushbu tajribani boshqa hududlarda joriy qilishni nazarda tutuvchi "Raqamli O'zbekiston" kompleks dasturi amalga oshirilmoqda. Bu kabi ustuvor vazifalarning bajarilishi raqamli ta'lim masofa va turli xil ko'rinishdagi to'siqlarni va iqtisodiyot bilan bog'liq muammolarni bartaraf etish imkonini beradi. Raqamli

iqtisodiyot esa iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo'llash asosida amalga oshirish tizimi sifatida qaraladi. Ba'zida u internet iqtisodiyoti, yangi iqtisodiyot yoki veb-iqtisodiyot degan terminlar bilan ham ifodalanadi.

Amerikalik dasturchi Nikolas Negroponte "raqamli iqtisodiyot" terminini amaliyotga joriy etishda jonbozlik ko'rsatgan. Hozirda bu istilohni butun dunyodagi siyosatchilar, iqtisodchilar, jurnalistlar, tadbirkorlar – deyarli barcha soha vakillari qo'llab kelmoqda. 2016-yilda Butunjahon banki dunyodagi raqamli iqtisodiyotning ahvoli haqida ilk marta ma'ruza e'lon qildi ("Raqamli dividendlar").

Demak, raqamli iqtisodiyot – bu alohida faoliyat turi sifatida qarash emas, balki u ishbilarmonlik, tadbirkorlik, sanoat obyektlari, xizmatlar deganidir. "Raqamli" atamasi mazkur sohalarning barchasi axborot texnologiyalaridan faol foydalanishga qaratilgan jarayon sifatida qaraladi. Agar oddiy iqtisodiyotda moddiy buyumlar asosiy resurs hisoblansa, raqamli iqtisodiyotda bu qayta ishlanadigan hamda uzatiladigan axborot, ma'lumotlar bo'ladi. Ularning tahlilidan so'ng to'g'ri boshqarish bo'yicha yechim ishlab chiqiladi.

Shunga ko'ra aytish joizki, "raqamli iqtisodiyot" atamasi milliy qonunchiligimizda ilk bor qo'llanilmoqda. Biroq dunyo tendensiyasi shuni ko'rsatyaptiki, barcha rivojlangan davlatlar uni shakllantirishga allaqachon kirishib bo'lgan.

Ma'lumki, ta'lim tizimi bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosida keng rivojlanib bormoqda. Ayniqsa, axborot maydonida taklif etilayotgan ko'plab narsalarni jiddiy tahlil qilish va pedagogik asoslash uchun raqamli texnologiya muhim ahamiyat kasb etmoqda. So'nggi yillarda ta'limni "raqamlashtirish" muammolari, uning shakllanishiga ta'siri bo'yicha biror bir davlat loyihasi yoki so'rovnomasi asosida tadqiqotlar o'tkazilmaganligi ham muhimligi ilgari surilgan. Shuningdek, Internet tizimidagi muhitning yoshlar ongiga ta'siri ahamiyati ta'lim-tarbiya jarayonlarida, zamonaviy ommaviy axborot vositalarining ma'ruzalarida, pedagogik jamoatchilik muhokamalarida, magistrant va tadqiqotchilarning izlanishlarida ham ko'rishimiz mumkin.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, oldin raqamli texnologiyalarni barcha sohalarda, ya'ni, sanoat, iqtisodiyot, bank va boshqa sohalarda joriy etish bilan cheklanib qolgan edik. Bugungi kunda esa raqamli iqtisodiyot shiddat bilan rivojlanib borayotganini e'tiborga olib, raqamli rivojlanish bo'yicha barcha soha rahbarlarining o'rinbosarlari lavozim tarkibiga kiritilmoqda. Raqamlashtirish yo'nalishi bo'yicha faollashtirish barcha biznes tuzilmalarida amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda raqamli texnologiyalar barcha sohalarda "tajovuzkor", ayniqsa, iqtisodiy samarasi topilgan joylarda barcha darajalarda qo'llab-quvvatlanib kelmoqda. Iqtisodiyotda ro'y berayotgan

jarayonlar dinamikasi iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasida oliy ta'limini rivojlantirish bo'yicha takliflarni tahlil qilish va ishlab chiqishda ta'lim hamjamiyatining faol pozitsiyasini talab qilmoqda.

Ta'limda raqamli texnologiyalarni o'qitish sifatini saqlab qolgan holda, samarali qo'llash uchun bir qator ishlarni amalga oshirish zarurligiga alohida e'tibor qaratish muhim ekanligini asoslaydi. Buning uchun, mamlakatimizda Internet infratuzilmasini yaxshilashimiz, mobil operatorlar tomonidan ko'rsatilayotgan xizmatlar sifatini oshirishimiz va eng muhimi, aholining, ayniqsa, talaba yoshlarning zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining so'ng yutuqlarini o'zlashtirishga shart-sharoitlar hamda imkoniyatlar yaratib berishimiz zarur ekanligi bilan belgilanadi.

Mamlakatimizda ta'lim-tarbiya jarayonlarini samarali tashkil etishda raqamli texnologiyalardan foydalanish ko'lamini yanada kengaytirish va axborot resurslari, o'qitish vositalari va masofaviy o'qitish texnologiyalarini rivojlantirish, ijodkor talabalarni universitetni raqamlashtirish loyihalariga jalb qilish bilan oliy ta'lim muassasalari faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirish kiritish bo'yicha vakolatli organlarga takliflar berish, yuqori samaradorlikka ega raqamli qurilmalar bilan jihozlangan tuzilmalar, o'quv xonalari, laboratoriyalar, mediastudiyalar va boshqalarni o'z ichiga olgan markazlarni tashkil etish hamda unda orttirilgan tajribani O'zbekistonning barcha oliy ta'lim muassasalarida qo'llash zarur sanaladi. Bundan tashqari, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ta'lim texnologiyalarining mustahkam integratsiyasini ta'minlash, bu borada pedagog kadrlarning kasbiy mahoratini uzluksiz rivojlantirib borish uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish, interfaol taqdimot tizimlaridan foydalanish, ma'ruza va seminar darslari uchun internet bilan bog'liq holda interfaol va multimediali taqdimotlarni ishlab chiqish kabi mavzular bo'yicha o'qituvchilarning malakasini oshirish uchun kurslarni tashkil qilish va o'tkazish, real vaqt rejimida interfaol taqdimot tizimlari, video-konferensiya aloqa tizimlari, virtual zallar, elektron resurslardan foydalanib istalgan vaqtda masofaviy o'qitish jarayonini amalga oshirish bugungi kunning eng muhim ustuvor vazifalari sanaladi. Ta'lim-tarbiya jarayonlarida bulutli texnologiyalar, virtual voqelik, kengaytirilgan voqelikdan foydalanish hamda didaktik materiallar va tajriba dizaynlarini ishlab chiqishda 3D printerini qo'llash, raqamli didaktika va raqamli ta'lim modellarini qo'llash, o'qituvchilar va talabalar uchun loyihalar, diplom ishlari, ilmiy izlanishlar va boshqalarini muhokama qilish uchun ilmiy veb-saytlar ishlab chiqishga e'tiborni qaratish muhim sanaladi. Mazkur yondashuvlar, biz raqamli texnologiyalardan foydalanib ta'lim sifatini tushirmagan holda, talaba yoshlarga bugungi kun talabi darajasida bilim olishlariga erishish imkonini beradi.

Shuningdek, ta'lim sifatini oshirish va rivojlantirish uchun zamonaviy texnologiyalardan manfaatli foydalanish imkoniyatini yaratish va planshetlardan bugungi kun bolalari maqsadli foydalansalar, ular o'qish jarayoniga katta qiziqish bilan kirishadi. Bu o'yin bilan klassik ta'limni birlashtirishga tengdir. Natijada o'qish jarayoni yaxshilanadi, o'zlashtirish, ta'lim darajasi va sifatli kadrlarni tayyorlash samaradorligi oshadi.

Chunki bugungi kun auditoriyalari o'n yil avvalgilardan juda katta farq qiladi va sinf xonalari kompyuterlar, iPad, planshetlar, smart-doskalar va boshqa turdagi ta'lim texnologiyalari bilan jihozlangan. Dunyoning boshqa joylarida bo'lgani kabi O'zbekistonda ham raqamli avlodning yetti ekranli avlodi – televizor, kompyuter, planshet, tablet, fablet, smartfon va smart soatlari kirib keldi. Bunday zich raqamli muhitga ega bo'lish va u bilan doimiy o'zaro munosabat natijasida bugungi kun talabalarining fikrlashi va axborotlarga ishlov berish jarayonlari oldingi fikr yuritish va axborot jarayonlaridan tubdan farq qilmoqda. Mamlakatimiz oliy o'quv yurtlarining bosh vazifasi yuqori ko'nikmalarga va zamonaviy dunyoqarashga ega bo'lgan, vatan ravnaqi va xalq farovonligi yo'lida qamishdan bel bog'lab xizmat qiladigan kasbi komil mutaxassislarini tayyorlashdan iborat ekanligini inobatga olib, bugungi sharoitida talabalarni masofadan turib onlayn o'qishlarini yo'lga qo'yish va tashkil etish muhim o'rin tutishini taqozo etmoqda. Buning uchun esa raqamli texnologiyalardan foydalangan holda, masofaviy ta'lim platformalarini ishlab chiqishni, professor-o'qituvchilar va talabalar o'rtasida bevosita onlayn muloqot qilishni va shu orqali talabalarni mustaqil ta'lim bilan qamrab olishni talab etadi. Oliy ta'lim muassasalari o'zlarining onlayn o'quv dasturlarini akkreditatsiyadan o'tkazishi va moslashuvchan ta'lim imkoniyatlari sohaga kirib borishi natijasida masofaviy ta'limga bo'lgan e'tibor va qarashlar tezlik bilan o'zgarib ketdi. Chunki, masofaviy ta'lim tizimi orqali yangi ko'nikmalarni yoki mavzuga oid materiallarni o'rganish tezroq, osonroq va arzonroq amalga oshirilishi bilan alohida ahamiyat kasb etmoqda.

Hozirgi sharoitda, raqamli iqtisodiyotning yangi tex-

nologiyalari masofaviy ta'limni yanada rivojlantirishga katta hissa qo'shmoqda. Ayniqsa, virtual va kengaytirilgan voqelik, vizual ravishda yo'naltirilgan masofaviy ta'lim texnologiyalari talabalarni bugungi kun talablariga muvofiq sifatli bilim olishlari uchun alohida xizmat qilmoqda. Chunki masofaviy ta'lim tizimi virtual va kengaytirilgan voqelik hamda vizual ravishda yo'naltirilgan raqamli texnologiyalarning qo'llanilishi orqali talabalarni darsga bo'lgan qiziqishlariga kengroq jalb etish imkonini bermoqda. Vaholanki, dunyo miqyosida barcha ta'lim muassasalari masofaviy ta'lim platformalaridan foydalanib, ta'lim-tarbiya jarayonlarini samarali tashkil etib kelmoqda. Korxonalar va tashkilotlarda ham masofaviy ish faoliyati yo'lga qo'yilib kelmoqda. Talabalar yoki xodimlar masofaviy ta'lim olish imkoniyatiga ega bo'lganda an'anaviy o'qitish tizimi materiallarini o'rganishga qaraganda 60% kamroq vaqtlarini sarflanishi aniqlangan. Masofaviy ta'lim platformalari bo'yicha ta'lim olayotgan talabalarni darslarga qiziqtirish darajasi ortganligi va odatdagi sinf muhitiga qaraganda 60 foizga samarali hisoblanishi o'z natijasini ko'rsatmoqda.

Ma'lumki, oxirgi 15 yil ichida hayotimizda mobil qurilmalarning so'nggi avlodlarining kirib kelishi, ulardan foydalangan holda, Internet tarmog'i orqali dunyoda bo'layotgan voqea va hodisalarni tezkor ravishda kuzatib borish hamda barcha turdagi materiallarni (video, audio, matn, 3D, 5D, 7D grafikalar) tezkorlik bilan qabul qilish, saqlash va uzatish imkoniyatlari paydo bo'ldi hamda raqamli texnologiyalarning vujudga kelishiga sabab bo'ldi. Bu esa har kungi an'anaviy o'qitish usullarini almashtirishga, auditoriyalar qanchalik shiddat bilan o'zgarib borayotganligi sababli eski usullardan voz kechib, raqamli texnologiyalarga asoslangan yangi o'qitish usullarini joriy qilish orqali qog'oz va daftarlar o'rniga oddiy planshetlardan, murakkab dasturlar va raqamli jihozlardan foydalanish imkonini bermoqda. Masalan, AQShda talabalarining uchdan ikki qismi masofaviy platformalarga kirish uchun mobil qurilmalardan foydalanishadi. Onlayn o'qitish ehtiyojlari uchun mobil qurilmalarni ishlatuvchi talabalarining 99 foizi masofaviy ta'limning mobil ilovalari ularning ta'lim darajasi yaxshilanganini ta'kidlashgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Drucker, P.F. *Innovation and Entrepreneurship: Practices and Principles* / P.F. Drucker. – New York: Harper & Row, 1985. – 278 p.
2. Хьелл, Л. *Теория личности: основные положения, исследования и применение* / Л., Хьелл Д. Зиглер. – СПб.: Питер, 2008. – 608 с.
3. Вербицкий, А.А. *Личностный и компетентностный подходы в образовании: проблемы интеграции: монография* / А.А. Вербицкий, О.Г. Ларионова. – М.: Логос, 2009. – 336 с.
4. Бухаркина, М.Ю. *Современные педагогические и информационные технологии в системе образования: учеб. пособие.* — 2-е изд. / М.Ю. Бухаркина, Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2010. – 368 с
5. Ochilov M.O. *Ta'lim-tarbiya maqsadlarini oddiylashtirish texnologiyasi* // *J. Pedagogik mahorat*. 2002. 2-son. – B. 19-22.
6. Zarif Umurov. (2020). *TECHNOLOGY FOR PREPARING EDUCATIONAL AND cognitive problems for primary school students*. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(05), 1465-1471. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10050>

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИГИНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ

Умида Абирова,

Низомий номли ТДПУ “Педагогика” кафедраси ўқитувчиси,
Республика Маънавият ва Маърифат маркази тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистонда ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигини масаласи, хорижий мамлакатлар тажрибалари билан қиёсий-таҳлилий ўрганилди ҳамда Ўзбекистон Республикасида ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириши борасида ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимларимиз илмий тадқиқот ишларини қиёсий ўрганиши натижалари ўз аксини топган. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигини такомиллаштириши йўллари, олиб борилган тажриба-синов натижалари, ташкил этилган семинар-тренинг натижалари, тақлиф, тавсия ва хулосалар ёритилган.

Калит сўзлар: шахс, таълим, тарбия, оила, маҳалла, таълим муассасаси, ижтимоий, маънавият, маърифат, ҳамкорлик, фаолият, қобилият, интизом.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы социально-педагогического сотрудничества семей, сообществ и образовательных учреждений в обучении молодежи Нового Узбекистана, проводится сравнительный анализ зарубежного опыта, а также исследовательская работа наших ученых, внесших значительный вклад в образование молодежи в Новом Узбекистане. Республики Узбекистан отражены результаты сравнительного исследования. Описаны пути улучшения социально-педагогического сотрудничества семей, сообществ и образовательных учреждений, результаты экспериментов, результаты организованных семинаров и тренингов, предложения, рекомендации и выводы.

Ключевые слова: личность, образование, воспитание, семья, соседство, образовательное учреждение, социальное, духовное, просвещение, сотрудничество, активность, способности, дисциплина.

Annotation

The article examines the issues of socio-pedagogical cooperation of families, communities and educational institutions in educating young people in New Uzbekistan, a comparative analysis with the experience of foreign countries, as well as the research work of our scientists who have made significant contributions to youth education in the Republic of Uzbekistan. The results of the comparative study were reflected. Ways to improve the socio-pedagogical cooperation of families, communities and educational institutions, the results of experiments, the results of organized seminars and trainings, suggestions, recommendations and conclusions are described.

Keywords: Person, education, upbringing, family, neighborhood, educational institution, social, spirituality, enlightenment, cooperation, activity, ability, discipline.

Янги Ўзбекистонда бугунги кунда барча соҳаларда улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Олиб борилган ислохотларнинг бош омили инсон, инсон манфаатлари ҳисобланади. Шу жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Шу боис дунё мамлакатлари томонидан Янги Ўзбекистонда ёшларнинг ақлий, маънавий-маърифий ва жисмоний камолоти тараққиёти, уларнинг замон талабларига мос билим олишлари, касб-хунар эгаллашлари, иқтидори ва қобилиятларини намоён қилиши ва янада ривожлантириши учун яратилган имкониятлар эътироф этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг замонавий давлатчилигимизнинг тарихида тараққийпарвар ўзгаришлар яратаётган Олий Мажлисга Мурожаатномаларида илгари сурилган инновацион ғоялар мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги-

ни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ёшларни ҳамкорликда миллий ва замонавий руҳда тарбиялаб, уларга инновацион ғояларни сингдириш бугунги куннинг талаби ҳисобланади.

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу аснода янгича ёндошувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда.

Тадқиқотимиз объекти хусусиятларидан келиб чиқиб, оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш жараёни ва бу жараённинг мазмуни, шакли ва услублари илмий тадқиқотларда қай даражада акс этгани муҳим аҳамиятга эга. Шу боис тадқиқ қилинаётган муаммони асослаш ва унинг илмий ечимини топиш мақсадида таълим-тарбия жараёнида оила, маҳалла ва таълим

муассасалари ижтимоий-ҳамкорлигида маънавий маърифий ишларнинг педагогик жиҳатларини ажратиб олиб таҳлил қилдик. Масалани бу йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқотлар, адабиётлар, уларнинг бажарилиши ва амалга оширилишидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этдик.

Бугунги кунда баркамол авлод тарбияси оила, маҳалла ва таълим муассасининг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳамкорлигининг бош масаласи ҳисобланади. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлигида олиб борилувчи маънавий-маърифий ишлар негизини тўла ёритиш учун “маънавият” ва “маърифат” тушунчаларинг луғавий маъноларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. “Маънавият” арабча сўз бўлиб, “маънолар мажмуи” деган маънони англатади ва кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, ахлоқий, диний тасаввурлари ҳамда тушунчалари йиғиндисини билдиради. Бутун инсоният ўзининг минг йиллик тарихий тараққиётида ҳаётий тажриба тўплаб, уни ўраб турган борлиқ билан ҳамкорлик қилиб, табиат ҳодисалари, ҳаёт, Ватан, миллат ва халқ олдидаги бурчлари ва шахсни шахс бўлиб шаклланишидаги барча маълумотларни, фаолиятни ўзидан кейинги авлодга ўргатиб келган. Шу жумладан, ўзбек халқи ҳам ўзига хос билимлар мажмуини асрлар давомида тўплаб келди. Лекин 120 йилдан ортиқ давом этган миллий мустақиллик, миллий маънавиятимиз тараққиётига ўзининг жуда катта салбий таъсирини кўрсатди. Бутун бир миллатни ўзининг минг йиллик тарихидан, ўз аجدодларидан маънавий узоклаштиришдек вайронкор сиёсат амалга оширилди. Шунинг учун Ўзбекистон миллий мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб халқимизнинг ўзига хос миллий маънавиятини – миллий маънолар мажмуини тиклаш, ривожлантириш ва янада шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Чунки ҳар бир миллатнинг ўз маънавиятини аниқлаши, билиши ва ўз ихтиёри билан ўз ақл-идрокиннинг, онгининг таркибий қисмига айлантириши миллатни мустақамлашди, унинг ўзига бўлган ишончи ва кадр-қимматини оширади.

Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигида маънавий-маърифий ишларнинг назарий ўрганилганлигини ёритиш жараёнида, аввало, баркамол авлодни тарбиялашдаги уч омининг ижтимоий ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам муаммони ўрганиш жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тушинчасининг мазмун-моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳамкорликнинг мазмун-моҳиятини ёритишда муаммонинг ижтимоий-педагогик жиҳатларини ёритиш зарурати туғилади. Бу соҳани ўрганган ижтимоий-тарихий, таҳлилий манбалардан ҳам кўринадик, ижтимоий ҳамкорлик замирида мурак-

қаб тарзда намоён бўладиган шахс манфаатлари, шахслараро муносабатлар ва ҳар бир инсон фаолиятининг мазмуни ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари, яъни оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг биргалликдаги фаолиятини шакллантирувчи, ривожлантирувчи механизм ётади. Бу эса бизни муаммонинг методик қирраларини ўрганишдан олдин шахслароро ҳамда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлик фаолияти масаласини педагогик жиҳатдан ёритишга ундайди. Ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишда, биринчи навбатда, оила, маҳалла ва таълим муассасалари мавжуд ҳолатларни ўрганиши талаб этилади. Ўйлаймизки, ижтимоий ҳамкорликнинг педагогик механизмини тадқиқ этиш муаммо моҳиятини аниқроқ белгилашга ёрдам беради.

Педагогика фанлари доктори М.Иномова ёшларни оилада маънавий-ахлоқий тарбиялаш хусусида олиб борган докторлик диссертациясида “Оилавий тарбия” педагогик тушунча эканлигини, у ота-оналарнинг ўз ҳаётий фаолиятлари, турмуш тарзлари, анъаналари ёрдамида бола шахсига сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, ғоялар ва тасаввурларни шакллантиришни назарда тутиб, бир мақсадга қаратилган ҳолда мунтазам олиб бориладиган изчил маънавий таъсир ўтказиш жараёнини ифодалашини айтиб ўтган. Бу эса оилавий тарбиянинг мазмун-моҳиятини, уни педагогик жараён сифатида тадқиқ этишнинг кенг имкониятлари мавжудлигини очиб беради.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, оила мустақамлигини таъминлашда уларнинг ота-оналарининг савияси, турмуш тарзи, характер хусусияти ва касб-кор даражасига эътибор қаратиш зарурдир. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлигини такомиллаштиришда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оилавий тарбиянинг асл мазмун-моҳиятини онгли равишда етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга. “Қиз бола етти ёшдан ошгач, на отаси, на акалари ўпиб кўришмаганлар, чунки унинг организмида балоғат фаолияти бошланиб, бу қиз боланинг тарбиясига салбий таъсир қилишини билганлар”, – деб ёзади ўзбек халқ расм-русумлари тўплаган олимлар Ҳ.Умиров, Қ.Ҳайдаров ва М. Холиқов [4].

Маънавий тарбиянинг гендер хусусияти ислом маърифатида ҳам ўз аксини топган. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов шундай ёзади. “Аёллар ифбатли кийиниши ва ўзларини яхши тутиши лозим. Бу шундан далолат берадики, ўзбек қизларининг миллий тарбия асосида кийинишлари, ўзларини тутишлари ва уларда маънавий-ахлоқий фазилатлар шакллантирилса, улар ғарбдан кириб келаётган “оммавий маданият” хуружлари исканжасида қолмайди” [5].

Сиёсий фанлар доктори, профессор Қ.Қуранбаев ўз тадқиқоти натижаларидан келиб чиқиб, талаба ёшларда маънавий фазилатларни шакллантиришнинг

моҳияти уларда халқ, Ватан мафаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш кўникмаларини қарор топтириш, ўз имкониятлари ва қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда энг муҳими, ёшларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришдан иборат эканлигини таъкидлайди. Бу эса юқоридаги фазилатларни шакллантиришни ижтимоий педагогик ҳамкорлик вазифаларига айлантиришда қимматли аҳамиятга эга.

Бундай мураккаб шароитда ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларимиз самарадорлигини оширишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ. Бунинг учун, энг аввало, ёшларимизда ўз маънавий қиёфасини бойитишга имкон берадиган соғлом эҳтиёжни шакллантириш ўта зарурдир деб таъкидлайди А.Маврулов “Маънавий баркамол инсон тарбияси” асарида. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашиб бораётган даврда ёшларимизнинг онги ва қалбини ёт, ташқи бузғунчи мафкуравий жараёнлардан асраш учун уларда соғлом мафкуравий иммунитетни айнан оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлигида, маънавий-маърифий ишлар жараёнида шакллантиришимиз муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотимиз нуктаи назаридан педагогика фанлари доктори М.Қуронон томонидан ишлаб чиқилган, ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари ва фазилатларини ўлчашнинг уч қатламли ўлчам системаси алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурурлик, миллатлараро мулоқат маданияти, виждонийлик, миллий одоб ва миллий мафкуравий онглиликни уйғун шакллантиришда илмий ва халқ педагогикасининг амалий бирлигидан келиб чиқиб ёндашиш ривожланаётган шахснинг миллий туйғусига бевосита ва билвосита боғланувчи фазилатлар ҳисобланади.

Ушбу ёндашувда ахлоқий, маънавий, миллий, мафкуравий, сиёсий, ижтимоий тарбия йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги таъкидланади.

“Биримиз ғишт теришни, биримиз провайдерликни, биримиз автомобиль ҳайдашни, биримиз беморнинг тишини суғуришни қойиллатамиз. “Бола

тарбиялаш”ничи? каби амалий-услубий вазиятлар технологияси асосида фарзанд тарбияси ҳар бир оилада ота-онанинг ҳар кунлик, олиб борадиган педагогик вазифаси эканлиги аниқ педагогик вазиятлар билан ёритиб берилмоқда.

Баркамол авлодни тарбиялашда “Оила, маҳалла ва таълим муассасалари” ижтимоий педагогик ҳамкорлигини такомиллаштиришда кузатиш ва кўрсатиш, савол-жавоб, оғзаки баён, анкета сўров ва интерфаол технологиялардан фойдаланилди.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган ҳиссиётларига эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Демак, тарбия ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга ошадиган ҳодиса бўлиб, инсоннинг шахс сифатида шаклланишини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий маънавий кадрятдир.

Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлигини такомиллаштиришда олиб борилган илмий тадқиқотларни ўрганиш ҳамда бу борада хорижий мамлакатларда ташкил этилган илмий марказлар фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий ҳамкорлигини такомиллаштиришда ишчи режа тузиш, режани узвийлик ва изчиллик асосида ижрога йўналтириш самарали натижадорликни таъминлайди.

Таклифлар:

1. Ҳар бир таълим муассасаси ва маҳаллаларда йиллик режа асосида мунтазам, узлуксиз ижтимоий ҳамкорлик олиб борилиши шарт.
2. Таълим муассасалари ва маҳаллаларда “Ота-оналар Университетлари ташкил этилиши зарур.
3. Ҳар бир оила китобхонлик тамойили асосида оила ва маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.
4. Маҳалла ва таълим муассасаларида ташкил этилган тўғарақлар фаолияти мунтазам назорат қилиб борилиши зарур.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. // 2017 йил 23 декабрь, № 258 (6952) 5-бет.
2. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат. – Т.: “Шарқ”, 1998. – 320 б.
3. Иномова М. О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадрятлардан фойдаланишининг педагогик асослари: Пед. фанл. докт. ...дисс. – Т.: 1998. – 34 б.
4. Ҳ.Умаров. Қ.Ҳайдаров, М.Холиқов. Халқ расм-русумлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريётининг Самарқанд бўлими, 1991.
5. Алимов У. Фазилатли авлод. – Т.: “Муҳаррир”, 2019. – 42 б.
6. Қ.Қ.Қуранбаев. Талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари. Т., 2000.
7. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: “O'zbekiston”, 2008.
8. Қуронон М. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори ... ёзилган диссертация. – Т.: 1998. – 363 б.
9. Убайдуллаева Р. Ата-Мирзаев О. Қуронон М. Оила ва баркамол авлод тарбияси. – Т.: “Ижтимоий фикр”, 2012.

O'QUVCHILARDA AXBOROT BILAN ISHLASH KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI (“Informatika” fanini o'qitish misolida)

Dilfuza Xo'jamberdiyeva,

Surxondaryo viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi,
“Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedrasida katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada informatika fanini o'qitishda o'quvchilarga axborot bilan ishlash kompetentligini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning o'rni, ta'lim jarayonida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish, aqliy qobiliyatlari orqali o'quvchilar ongida umuminsoniy qadriyatlarini shakllantirish, darslar jarayonida interfaol metodlardan foydalanish masalalari qalamga olingan.

Tayanch so'z va ibolalar: informatika fani, innovatsion texnologiya, axborot bilan ishlash kompetentligi, axborot texnologiyalari, interfaol metodlar, fanni o'qitish, kreativ, ta'lim farayoni.

Аннотация

В данной статье раскрывается роль инновационных технологий в развитии компетенции работы с информацией у студентов при обучении информатике, способности к логическому мышлению студентов в процессе обучения, формированию умственного развития и общечеловеческих ценностей, а также обсуждается использование интерактивных методов в ходе урока.

Ключевые слова и выражения: информатика, инновационная технология, компетентность в обработке информации, информационные технологии, интерактивные методы, преподавание естественных наук, творческая, учебная деятельность.

Annotation

In this article, the role of innovative technologies in the development of the competence of working with information for students in the teaching of computer science, the logical thinking ability of students in the process of teaching, the formation of mental development and universal values, and the use of interactive methods in the course of the lesson are discussed.

Key words and expressions: computer science, innovative technology, information processing competence, information technologies, interactive methods, science teaching, creative, educational activity.

Jadal rivojlanayotgan axborotlar asrida innovatsion mahsulotlarni yaratish uchun yangi bilimlarni o'zlashtirish va amalda qo'llashning tobora ortib borayotgan ahamiyati milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini hamda milliy xavfsizlik strategiyalarining samaradorligini belgilovchi muhim omillardan o'rinli va unumli foydalanish dolzarb masalalardan biri bo'lib turibdi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh mezonini o'sib kelayotgan avlodni yuksak ma'naviyatli, intellektual salohiyati baland, har tomonlama shakllangan yetuk shaxsni yetishtirishdan iboratdir. Uzluksiz ta'lim tizimi shaxsning har tomonlama barkamol bo'lib yetishini ko'zda tutadi. Bunda shaxs uzluksiz ta'limda va kadrlar tayyorlashda ta'lim xizmatlarining iste'molchisi hamda ishlab chiqaruvchisi sifatida namoyon bo'ladi.

Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish uchun uzluksiz ta'lim tizimi mazmunini sifat jihatidan yangilash, o'qitish metodlarini takomillashtirish, xalq ta'limi jarayonida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va innovatsion loyihalarni joriy etish nazarda tutilgan [1].

O'quvchilarning matematik madaniyatini shakllantirish, informatika fanining ilmiy-nazariy asoslaridan tayyorgarliklarini ta'minlash, ularning dunyoqarashlarini shakllantirish, tafakkurlarini rivojlantirishda zarur bo'l-

gan amaliy muammolarni hal qilish, funksional bilimdonlik, mantiqiy fikrlash, shuningdek, insonning umumiy madaniyatini shakllantirishda Informatika va axborot texnologiyalari, matematika fanlarining o'rni beqiyosdir.

A.P.Bazayeva, L.D.Vasileva, Y.V.Dostovalova, A.N.Zavyalova, L.B.Senkevich tadqiqotlarida shaxsning axborot kompetensiyasini shakllantirish va rivojlantirish asosan kompyuter texnikasi vositasida amalga oshirishi va shunga mos ravishda axborot kompetensiyasining mazmuni shaxsning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha aniqlanishi asoslangan [2].

Shuni ta'kidlash kerakki, jadal rivojlanayotgan jamiyatda maktab uchun axborotlashtirish eng muhim vazifa hisoblanadi. Bu – axborot jamiyati hayotiga o'tish bosqichida maktab o'quvchilarini o'qitishning mazmuni, usullari va tashkiliy shakllarini o'zgartirish, o'quvchilarni o'z hayotini muvaffaqiyatli va mustaqil ravishda qurish ko'nikmalariga tayyorlash jarayoni hisoblanadi.

Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, “axborot” atamasi lotincha “infomatio”dan kelib chiqqan bo'lib, “tushuntirish”, “xabardorlik”, “taqdim etish” degan ma'nolarni anglatadi [2, 9]. N.V.Makarovaning ta'kidlashicha, “axborot” tushunchasi “atrof-muhit obyektlari va hodisalari, ularning parametrlari, xususiyatlari va holati to'g'ri-

sidagi ma'lumotlar, ular to'g'risida mavjud bo'lgan noaniqlik, to'liqlik darajasini pasaytiradi" [3, 7].

A.V.Xutorskoy "kompetensiya" va "kompetentlik" tushunchalariga quyidagi ta'riflarni beradi: "Kompetensiya – obyektlar va jarayonlarning ma'lum doirasiga nisbatan o'rnatilgan va ularga nisbatan yuqori sifatli samarali faoliyat uchun zarur bo'lgan o'zaro bog'liq shaxs xususiyatlarining (bilimlar, qobiliyatlar, ko'nikmalar, faoliyat usullari) majmuini o'z ichiga oladi. Kompetensiya – bu shaxsning tegishli vakolatga ega bo'lishi, shu jumladan, uning unga va faoliyat predmetiga shaxsiy munosabati" [4, 29]. Shunday qilib, A.V.Xutorskoy kompetensiyani o'quvchining ta'limga tayyorgarligi uchun ma'lum bir tartibga tushirilgan, oldindan belgilangan talab, kompetentlik esa allaqachon sodir bo'lgan shaxsiy sifat (xususiyat) sifatida tushuntiradi.

Olim o'z asarlarida asosiy kompetensiyalarni quyidagicha belglaydi: qiymat-semantik, umumiy madaniy, ma'rifiy va kognitiv, axborot, kommunikativ, ijtimoiy va mehnat, shaxsiy kompetensiya [4].

I.A.Zimnyaning ta'kidlashicha, tadqiqotchilar kompetensiyalarning 3 dan 37 gacha bo'lgan turlarini ajratib ko'rsatishadi, ular orasida inson faoliyati bilan bog'liq kompetensiyalar quyidagilardan iborat:

faoliyat kompetensiyalari: o'yin, o'qitish, mehnat, faoliyat vositalari va usullari – rejalashtirish, loyihalash, modellashtirish, tadqiqot faoliyati;

axborot texnologiyalari kompetensiyalari: axborotni qabul qilish, qayta ishlash, yetkazib berish, axborotni transformatsiya qilish;

ommaviy axborot vositalari, multimedia texnologiyalari, kompyuter savodxonligi [5, 47].

Yevropa Kengashi yosh yevropaliklar ega bo'lishi kerak bo'lgan beshta asosiy kompetensiyalarning ta'rifini qabul qilgan:

mas'uliyatni o'z zimmasiga olish, guruh qarorlarini qabul qilishda ishtirok etish, nizolarni zo'ravonliksiz hal qilish kabi siyosiy va ijtimoiy kompetensiyalar;

ko'p madaniyatli jamiyatdagi hayot bilan bog'liq kompetensiyalar, masalan, farqlarni qabul qilish, boshqalarni hurmat qilish va boshqa madaniyatlar, tillar, dinlar vakillari bilan yashash qobiliyati;

og'zaki va yozma muloqot bilan bog'liq kompetensiyalar; jamiyatni axborotlashtirishning kuchayishi bilan bog'liq kompetensiyalar, axborot texnologiyalarini bilish, ularni qo'llashni tushunish, zaif va kuchli tomonlari;

shaxsiy kasbiy va ijtimoiy hayot kontekstida umrbod ta'limning asosi sifatida hayot davomida o'rganish qobiliyati [5, 32-33].

G.V.Selevko kompetensiyalarning quyidagi tasnifini taklif qiladi:

- matematik;
- kommunikativ;
- informatsion;
- avtomatlashtirilgan;
- ijtimoiy;

f) ishlab chiqarish, axloqiy [6, 98].

Yuqorida aytilganlarga asoslanib, biz asosiy kompetensiyalarning ko'plab tasniflari mavjud degan xulosaga kelishimiz mumkin, shu bilan birga, axborot kompetensiyasi tizimni tashkil qiladi, chunki boshqa barcha asosiy kompetensiyalarning o'zlashtirish darajasi ushbu kompetensiyani egallash darajasiga bog'liq.

Shu o'rinda "Axborot kompetensiyasi nima?" degan savol tug'iladi. A.V.Xutorskoy ushbu kompetensiyani hisobga olgan holda, real obyektlar (televizor, magnitofon, telefon, faks, kompyuter, printer, modem, nusxa ko'chirish) va axborot texnologiyalari (audio-video yozuvlar, elektron pochta, ommaviy axborot vositalari, internet) yordamida kerakli ma'lumotlarni mustaqil izlash, tahlil qilish va tanlash, uni tartibga solish, o'zgartirish, saqlash va uzatish qobiliyati ekanligini qayd etadi [6]. Bu kompetensiyalar o'quvchining fanlar va ta'lim sohalarida, shuningdek, dunyoda mavjud bo'lgan ma'lumotlarga nisbatan faollik ko'nikmalarini ta'minlashini aytib o'tadi.

Axborot kompetensiyasi turli jihatlarni (faoliyat usullarini) o'z ichiga oladi:

- axborot qidirishni rejalashtirish;
- ma'lumotlarni qayta ishlash;
- axborotni tizimlashtirish;
- axborotni talqin qilish (tushuntirish va talqin qilish);
- turli ko'rinishdagi ma'lumotlar taqdimoti.

Shaxsning axborot kompetensiyasining asosiy ko'rsatkichi – bu ma'lumot olish, uni qayta ishlash va xulosalar chiqarish hamda olingan xulosani asosli ravishda taqdim etish qobiliyatidir.

Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish o'quvchilarning axborot kompetensiyasining quyidagi tarkibiy qismlarini ajratib ko'rsatishga imkon beradi:

motivatsion (maqsadga erishish uchun motivning mavjudligi, faoliyatga tayyorligi va qiziqishi);

operativ va faollik (axborot faoliyatining samaradorligi va mahsuldorligini, axborot texnologiyalarini qo'llash qobiliyatini namoyish etadi);

kognitiv (bilim, ko'nikma va ularni faoliyatda qo'llash qobiliyatining mavjudligi);

refleksiv (paydo bo'layotgan muammolarga yechim topishga tayyorlikni ta'minlaydi).

O'quvchisining axborot kompetensiyasini rivojlantirish deganda kichik maktab o'quvchisining axborot kompetensiyasi tarkibidagi miqdoriy va sifat jihatidan o'zgarishlar tushuniladi.

Informatika fanini o'qitishda o'quvchilarga axborot bilan ishlash kompetentligini rivojlantirishning innovatsion texnologiyalari o'rnini ko'rib chiqishdan iborat.

O'quvchining ichki motivatsiyasining qanchalik shakllanganligi, aniq fanlarga qiziqishi, atrof-muhit muammolarini anglashi va uni hal qilishda muhim qarorlarni qabul qilishni bilishi hamda tabiiy va ijtimoiy muhitga ta'sirini tahlil qilishda muhim o'rin egallaydi.

Axborot texnologiyalari usullari va vositalarini o'zlas-

htirish, muammolarni hal qilish layoqatini shakllantirish, real obyektlar va jarayonlarning axborot modellarini qo'llash, tahlil qilish va o'zgartirish ko'nikmalarini rivojlantirishdan iborat jarayonlar mavzu doirasidagi fikrlarimizning mazmunini aks ettiradi.

Informatika va axborot texnologiyalari fanini o'qitish ilmiy-texnik jihatdan yanada rivojlanish uchun raqamli iqtisodning ustuvorligini e'tiborga oladi, umumiy o'rta ta'lim muassasalari o'quvchilarining raqamli texnologiyalar borasidagi kompetensiyasi va madaniyatini hamda tanqidiy fikrlash qobiliyati, kreativ fikrlash kabi axborot kommunikatsion kompetensiyalarini rivojlantirish uchun xizmat qiladi. Tabiat hodisalarini va asosiy fizik jarayonlarni anglash bilan birga, texnika va texnologiyalarni rivojlantirishda Informatika va axborot texnologiyasi qonunlarini amalda qo'llashni o'rganadilar. Fanni o'qitish jarayonida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyati, aqliy rivojlanishi va umuminsoniy qadriyatlarini shakllantirish, olamning yagona manzarasiga oid tafakkur, informatika va axborot texnologiyalari fanidan olgan amaliy ko'nikmalarni rivojlantirish hamda egallagan bilimlardan kundalik hayot faoliyatlarida unumli foydalanish ko'nikmasini shakllantirishni ko'zda tutadi.

Jahon ta'lim tizimida fan va innovatsiya faoliyatining yutuqlaridan keng foydalanish, jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarini izchil va barqaror rivojlantirish mamlakatning munosib kelajagini barpo etishning muhim omili sanaladi. Yuqori kasbiy kompetentlikka ega, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ta'limda innovatsiyalar, o'qitishning zamonaviy, interaktiv va ijodiy uslublarini keng joriy etish "o'quvchilarning motivatsion, kognitiv, operatsion, reflektiv va o'z-o'zini baholash kabi indikatorlar asosida ilmiy izlanishlarni amalga oshira oladigan qobiliyatlarini rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi" [2, 37].

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri – shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchi-talabalarning faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar esa ularning egallashi lozim bo'lgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto mantiqiy xulosalarni ham o'zlari chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo'nalti-

ruvchlik vazifasini bajaradi.

O'qituvchi innovatsion texnologiyalarga asoslanib darslarni tashkil etar ekan, texnik vositalar, ya'ni kompyuter, elektron doska, interfaol doska, turli rusumdagi proyektorlardan foydalanishi mumkin. O'qituvchi faoliyatida innovatsiyalar qanchalik ko'p bo'lsa, uning darsi ham shuncha samarali bo'ladi.

Bugungi ta'limning rivoji o'qituvchining o'z ustida ishlashi, ijodkor bo'lishi, o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini takomillashtirib borishini taqozo etmoqda. Ma'lumki, innovatsion texnologiyalardan foydalanish ta'lim jarayonida oldindan rejalashtirilgan, muayyan vaqtga mo'ljallangan, ta'lim jarayoni ko'proq o'quvchi shaxsiga qaratilgan, faollashtiruvchi usullar va zamonaviy ta'lim vositalaridan foydalangan holda, o'quv maqsadiga erishishni kafolatlaydigan ta'lim berish jarayoni hisoblanadi.

Axborot texnologiyalari darslarda innovatsion texnologiyalardan foydalanish faoliyatni o'zaro tushunishga, hamkorlikda faoliyat yuritishga, umumiy, lekin har bir ishtirokchi uchun ahamiyati nazorat topshiriqlarini birgalikda yechishga olib keladigan muloqotli aloqani tashkil etish va rivojlantirishni ko'zda tutadi.

Ta'limda yuqori samaradorlikka erishish uchun o'qitishning noan'anaviy metodlaridan ya'ni zamonaviy pedagogik texnologiyaning turli metodlaridan dars mavzusiga mos ravishda o'rinli va unumli foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bu uzoq va murakkab davom etadigan jarayon bo'lib, o'qituvchining mashaqqatli mehnati bilan bosqichma-bosqich mahorat pillapoyalarini egallab, uning yuksak pedagogik darajasiga ko'tarilishdir [7].

Interfaol metodlardan foydalaniladigan o'quv jarayonida o'quvchilar tanqidiy fikrlashga, kerakli bo'lgan axborotni tahlil qilish asosida murakkab muammolarni yechishga, alternativ fikrlarni chamalab ko'rishga va asosli ravishda qarorlar qabul qilishga, bahs-munozaralarda ishtirok etishga, boshqalar bilan muloqot qilishga tayyor bo'ladilar. Buning uchun darslarda individual, juftli va guruhli ishlar tashkil etiladi, jarayonda esa axborotlar bilan ishlash kompetentligi rivojlantirilib boriladi [8].





9- sinf "Axborot texnologiyalari" darslarida "Model va uning turlari", "Jarayonga oid obyektlar", "Hodisaga oid obyektlar" mavzularini o'tish jarayonida "Venn diagrammasi" metodidan foydalaniladi. "Venn diagrammasi" metodi ikki yoki undan ortiq narsalarni, voqealarni, odamlar va tushunchalarni taqqoslash va farqlash uchun ishlatiladigan metod sanaladi [10].

VENN DIAGRAMMASI



“Tushunchalar tahlili” metodi. Bu metod o'quvchilar yoki qatnashchilarni mavzu bo'yicha tayanch tushunchalarni o'zlashtirish darajasini aniqlash, o'z bilimlarini mustaqil ravishda tekshirish, baholash, shuningdek, yangi mavzu bo'yicha dastlabki bilimlar darajasini tashxis qilish maqsadida qo'llaniladi.

9-sinfda “Algoritm turlari va tasvirlash usullari” mavzusini takrorlash yoki mustahkamlash qismida bu metoddan samarali foydalanish mumkin. Bu jarayonda o'quvchilar tushunchalarni to'g'ri va to'liq izohlashni o'rganadilar. O'quvchilar mavzuni mustahkamlash uchun algoritmlarni tasvirlab, izoh beradilar.

Tushunchalar	Mazmuni
	Algoritm blok sxemasining boshlanishi va tugashida qo'llaniladi
	Dastlabki ma'lumotlar kiritish, chiqarish uchun xizmat qiladi.
	Qiymat berish yoki tegishli ko'rsatmalarni bajarishga xizmat qiladi. To'rtburchak ichida bajarilishi kerak bo'lgan buyruq yoziladi.
	Agar romb ichida yozilgan shart o'rinli bo'lsa, u holda boshqaruv “ha” tarmog'i, aks holda, “yo'q” tarmog'i bo'ylab uzatiladi.

2-rasm

11-sinf “Informatika va axborot texnologiyalari” darsligidagi “Axborot xavfsizligi va uni ta'minlash” mavzusini mustahkamlashda “Axborot xavfsizligiga tahdidlar” qismini o'tishda diagramma tayyorlash topshirig'i bajariladi.



“Veb-kvest” texnologiyasi

Bu texnologiya o'quvchilar bilan o'zaro ta'limga tegishli bo'lgan axborotlarni internet resurslar orqali

turli xil savol-javob tarzidagi mashqlarga yo'naltirilgan faoliyatdir. Bu texnologiyadan informatika va axborot texnologiyalari fanini o'qitishda axborotlar bilan ishlash kompetentligini shakllantirishda foydalanilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, innovatsion texnologiya – bu ilmiy izlanishlar, turli ishlanmalar yaratish, fan va texnika sohasidagi yutuqlardan foydalangan holda, o'quvchilarga yangidan yangi bilimlarni bera olishdir. Zero, bugungi kunda ta'lim jarayonida axborotlar bilan ishlashning samarali usullaridan unumli foydalanish mamlakatimizning ko'pgina ta'lim muassalarida yo'lga qo'yilgan. Ayniqsa, o'quv maqsadlarini belgilash, o'quvchilarni mustaqil bilim olishga undash, o'quv jarayonini doimo rivojlanib boruvchi dinamik tizim sifatida loyihalash kabi tashkiliy-uslubiy ishlarni amalga oshirishda innovatsion texnologiyalar katta imkoniyatlarga egadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-son Farmoni “O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'risida”. <https://lex.uz/docs/-4312785>.
2. Рузikuлова Н.Ш. Бошлангич синф ўқувчиларининг ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантириши методикасини такомиллаштириши 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика) Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент – 2020.
3. Макарова Т.Н. Планирование и организация методической работы в школе [Текст]: в 2 ч. / Т. Н. Макарова. – М.: Пед. поиск, 2003. – Ч. II. – 160 с. – (Б-ка адм. шк.).
4. Хуторской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты. – www.eidos.ru/news/compet.html
5. Зимняя, И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования. // «Высшее образование сегодня». – М, 2003. № 5. 59- с.

6. Селевко, П.К. *Современные педагогические технологии: Учебное пособие.* – М.: Народное образование, – М., 1998. – 125 с.
7. Бегимқулов У.Ш. *Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни таъкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док. ... дис.* – Т., 2007.
8. *Ishmuxamedov R.J., Abduqodirov A.A., Ta'limda innovatsion texnologiyalar.* – Т.: "Iste'dod", 2008. – 258 b.
9. <https://infourok.ru/metodicheskie-rekomendacii-sozdanie-veb-kvesta-4291166.html>
10. *Informatika va axborot texnologiyalari: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik: M. R. Fayziyeva, D. M. Sayfurov, N. S. Xaytullayeva.* – Т.: Tasvir, 2020. – 112 b.
11. *Informatika va axborot texnologiyalari, 11-sinf, darslik: Taylaqov N.I., Axmedov A.B., Pardayeva M.D.* –Т.: "Iste'dod", 2018. – 112 b.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИГА ОИД ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

Барно Саидова,

Низомий номидаги ТДПУ доценти, п.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация

Ушбу мақолада педагогика тарихида хотин-қизларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида илмий асосга эга бўлган маълумотлар келтирилган бўлиб, бу маълумотлар тарихий манбаларни ҳамда адабиётларни чуқур ўрганиб таҳлил қилинган. Мамлакатимиз таълим муассасаларида Ўрта Осиё халқларининг ўтмишини ўрганиши ва унда аёлларнинг тутган ўрни, мақоми ва албатта маърифати даражасини аниқлаш ўша даврнинг маданияти ва маънавияти даражасини ҳам белгилашга замин яратади.

Калит сўзлар: инсоният тамаддуни, миллий қадриятлар, тарихий манбалар, саводли одамларнинг хўжалиги, маданиятли турмуши, адабий ва илмий асарлар, қабила раҳбариятидаги оқсоқоллар.

Аннотация

В истории педагогики представлены научные сведения о роли и значении женщин в образовательном процессе, и эти сведения были проанализированы путем изучения исторических источников и литературы. Определение статуса и, безусловно, уровня просвещения создает основой для определения уровня культуры и духовности того времени.

Ключевые слова: человеческая цивилизация, национальные ценности, исторические источники, хозяйство грамотных людей, цивилизованная жизнь, литературные и научные произведения, старейшины во главе племени.

Annotation

In the history of pedagogy, scientific information is presented about the role and importance of women in the educational process, and this information was analyzed by studying historical sources and literature. Determining the status and, of course, the level of enlightenment creates a basis for determining the level of culture and spirituality of that time.

Keywords: human civilization, national values, historical sources, the economy of literate people, civilized life, literary and scientific works, elders in the leadership of the tribe.

Қадимги даврларда учта қитъа – Европа, Африка ва Осиё худудларини бирлаштирган бугунги шарқий мамлакатларнинг улкан худудида турли халқ ва элатлар, дин ва маданият вакиллари ҳаёт кечириб, инсоният тамаддунида ўчмас из қолдирган. Улар жумласида, тарих саҳифаларида турли номлар билан муҳрланган Ўрта Осиё географик бирлигида яшаб келган халқ ва миллатлар ҳам бой маданий ва маънавий мерос яратувчилари сифатида дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Бизнинг давримизда Ўрта Осиё худудида жуда кўп умумийликларга эга бўлган халқлар яшайди ва ушбу мустақил мамлакатлар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондир.

Ушбу худудда миллатлар ва элатларнинг кўп асрлик бирга яшаши уларнинг педагогик меросини бойитишга олиб келди. Уларнинг барчаси учун маънавий бойлик, миллий қадриятлар, ахлоқ ва одоб масалалари ҳамиша ҳаётини аҳамиятга эга бўлган. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида сўзлашадиган кўплаб халқларнинг вакиллари ўтмишда ўзларининг адабий ва илмий асарларини ҳатто туркий, араб ва форс тилларида ҳам ёзганлар.

Жаҳон тарихи саҳифаларида таълимнинг бошланиши Қадимги Шарқ мамлакатларида пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар кўп. Айниқса, энг қадимги Шарқ тарихида биринчи таълим муассасалари Месопотамия шаҳарларида миллоддан аввалги 3-минг йилликда пайдо бўлганлиги борасида илмий далиллар келтирилган.

Бироқ барча тарихий манбалар ва улардаги фактлар тарихий ёндашув асосида ўша даврлардаги таълим жараёнини саводли одамларнинг хўжалиги ва маданиятли турмушини ташкил этиш эҳтиёжларидан келиб чиққани билан боғлаб талқин этилади. Ушбу жараёнда, яъни таълимнинг вужудга келиши, унинг тадрижий ривожланишида педагогик омиллар қандай шаклланган, қандай такомиллаштирилганлиги эса аниқ илмий муаммога айланмаган. Ваҳоланки, тарихнинг ҳар бир воқеа-ҳодисаларидан сабоқ олишнинг ўзида аллақачон педагогик омиллар мавжуд.

Ҳаёт шароитининг мураккаблашиши сари, аввало, ижтимоий, сўнг педагогик тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш вазифалари ва усуллари ўзгариб, тадрижий тарзда маҳсус тайинланган шахслар қўлига топширилган таълимнинг ташкилий шакллари ўрнатилган бошланган. Мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ихтисослашуви кучайтирилган ва энг кенг тарқалган уч хил мактаблар вужудга келган: 1) руҳонийларни тайёрлайдиган, ибодатхоналарда тайёрланган руҳонийлар мактаби 2) уламо-амалдорларни ўргатган сарой 3) бўлғуси жангчилар ўқиган ҳарбий мактаб. Манбаларга кўра, ўқиш тўловли бўлиб, унинг миқдори ўқитувчининг обрўси ёки ваколатига боғлиқ бўлган. Энг муҳими, бундай мактабларнинг битирувчиларига ижтимоий иерархияда юқори ўринларни эгаллаш имконияти берилган.

Рухонийлар мактабларида таълим мазмуни кенг камровли эди. Унда ёзиш, ҳисоблаш ва ўқишдан ташқари қонун, астрология, тиббиёт ва диний фанлар ўргатилган. Таълим муддати узок, тўлови қиммат бўлгани боис фақат бой амалдорлар ва қулдорлар ўз фарзандларини мактабларга беришлари мумкин бўлган. Қизлар одатда ўқишга кам жалб қилинган. Синфхоналарда эрталабдан кечгача давом этган дарсларда таёк интизоми ҳукм сурган. Умуман олганда, шуни таъкидлаш керакки, кўплаб Шарқ мамлакатларида кўриб чиқиладиган даврда, таълим мазмуни ва ўқитиш услублари ўша худудда ҳукмрон бўлган диний мафқурани акс эттирган ҳамда дунёвий бойлар ва амалдорларнинг манфаатларига хизмат қилган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, қадимги даврларда ўқитиш методлари тизимлаштирилмаган, оммавий характерга эга бўлмаган ҳолда, турли худудларда турли усул, метод ва воситалар орқали амалга оширилган. Бунга сабаб, албатта, турмуш тарзи, табиат билан ўйғунлик масалаларининг ўша замонларга хос номуносивлиги ва бошқа омилларни келтириш мумкин.

“Аёллар Эроннинг қадимги тарихида” номланган китоб муаллифининг таъкидлашича, “Кўчманчи турмуш тарзи, деҳқончилик, одамларнинг серҳосил ерларни қидириб айланиб юриши, уларнинг зўравонлик ва қон тўкилишлардан қочиши, аста-секин эркакларни мудофаа кучига айлантириб, аёлларни болалар боқувчиси ва тарбиячисига, қабила раҳбариятидаги оқсоқолларнинг буйруқларини бажарувчисига айлантиради” [1, 11].

Ўрта Осиё аҳолисининг таълим ва тарбия муаммолари қадим замонлардан бошлаб миллий анъаналар, маънавий асослар ва хулқ-атворнинг умумбшарий эътироф этилган меъёрлари билан боғлиқ эди. Қадимги даврларда эркак ва аёл ўртасидаги вазифалар тақсимланиши сари аёл аста-секин алоҳида ва муҳим мақом – ўчоқ сақловчиси мақомига эга бўлди. Тарихий ўлчовнинг ўрта ва дастлабки палеолит даврининг охирида коммунанинг биринчи белгилари – қабилавий жамоалар пайдо бўлди. Бу аёллар юқори мавқега эга бўлган матриархал тизим эди [2, 19]. Айнан шу даврда тарбия ва таълимнинг дастлабки ташкилий шакллари, яъни мактаблар энг қадимий прототиплари кўринишида пайдо бўлди.

Қадимги даврларда Ўрта Осиё худудида яшовчи аждодларимизнинг зардуштийлик вужудга келган пайдан бошлаб шаклланган педагогикаси тарихида аёл эркак билан бир хил мавқега эга бўлган ва қисман ҳатто уй тутиш ва болаларни тарбиялашда баъзи афзалликлар улар томонга ўтган. Тарбия мактаби ва қисман таълим ҳам аёл етакчи бўлган оиладан келиб чиққан.

Маълумки “Авесто” ўз моҳиятига кўра диний асар, аммо у инсониятда табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиб, она-заминга табиатнинг ажралмас

бир бўлаги сифатида қарашни ўргатади. Шу сабабдан асарга нисбатан нафақат ўтмиш аждодларнинг диний мероси сифатида қараш, балки қадим тарихи, маданияти ва тафаккур тарзини ўрганиш учун жуда муҳим бўлган бебаҳо ва тарихий манба сифатида қараш тўғри бўлади.

“Авесто” қадимги аждодларимизни ўзига хос қадрият ва урф-одатларининг моҳиятини теологик-фалсафий асосда акс этган. Унда “мен эзгу фикр (ният) ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаясна қонунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман” деган фикрлар келтирилади. Демак, зардуштийликда иймоннинг уч таянчи: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги ва амалларнинг инсонийлиги таълимотнинг асосини ташкил этади. Бу қарашлар шахс тарбиясида муҳим омил саналгани боис, “Авесто”да таълим, тарбия, ахлоқ, инсоннинг маънавий камолот даражаси махсус ўрганилганлигини қайд этиш лозим бўлади.

“Авеста”да аёл “рита сия бону” ёки “аша бону” деб номланган. Санскрит тилидан таржима қилинган ушбу сўзлар ёруғлик, ҳақиқат ва садоқатни англатади. “Бону” сўзи бугунги кунда ҳам энг яхши фазилатлари билан бошқалардан ажралиб турадиган аёл исмларининг қўшимчаси сифатида ишатилади. Масалан, форсий тилида “қад” сўзи “уй”, “ўчоғ” маъносини англатади. Ўчоқни муқаддас тутиб, ўй-рўзғорни маҳорат билан бошқарадиган аёл “қадбону” дейилади. Қадим замонлардан буён “бону” сўзи нур, ёруғлик ва вафо сифатида ишлатилган. “Она” сўзи ҳам санскрит тилида алоҳида маънога эга, у “матри”га ўхшайди ва “тарбиячи” деган маънони англатади [1, 29]. “Савсари” санскрит тилида опа-сингиллар маъносини ифода этиб, бу ҳам хайрихоҳлик ва муқаддасликни англатади. Шундай қилиб, кўриниб турибдики, аёллар ва хотин-қизларга муносабат ўзгача нозик ва мукамал бўлган ва қадимги даврлардан бошлаб аждодларимиз она, аёл тушунчаларини садоқат ва муқаддасликнинг рамзи деб ҳисоблашган ҳамда уларга оилада болаларининг тарбиячиси сифатида муҳим мақом беришган. “Авеста” замонидаги жамиятда оила “нмана”, оиланинг энг катта аёли “нманатни”, яъни уйнинг бекаси мақомига эга бўлган [2, 73].

Ўрта Осиё худудининг Помир тоғлари ва тоғолди минтақаларидан топилган ҳайкалчалар, тош ёзувлари, ёзма манбалар шаклидаги тарихий ёдгорликлар, қадимда ушбу масканларда аёлларнинг жамиятдаги устун мавқесига эгалигидан далолат беради. Инсоният тарихи ривожланишининг илк босқичларида, аёл-она ҳамиша эри ва оиланинг бошқа эркаклари йўқлигида, уйда ўтириб уйда оловни сақлаб турганида, болаларни тарбиялаб, озиқ-овқат тайёрлаб, мевалар йиғиб, кийим-кечак тикиб, чорва молларини боқиб ҳаттоки ер ҳайдаган пайтларда Ўрта Осиё

халқларининг таълим тизимига тамал тоши қуйилар эди. Ўшанда меҳнат тарбияси таълимнинг бош мезони ҳисобланган. Келажакда одамларнинг чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг интенсив ўсиши нафақат тегишли ақлий ривожланишни, балки маълум бир жисмоний ривожланишни ҳам талаб қилар эди [3, 6].

Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврлардан қолган бой мероси деярли бутунлай халқ ижодига асосланган ва улар меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва адолатпарварликка бағишланган. Бу манзарани, аёллар энг яхши анъанавий кўшиқлар, гўдаклар учун аллалар, эртақ ва афсоналар, кичик ва катта шеърларни авлоддан-авлодга ўтказишда асосий воситачи ёки боғовчи халқа бўлганликларидан кўришимиз мумкин.

Маълумки, ўсиб бораётган болаларда ахлоқий ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш учун ибратли ҳикоялар ва ривоятлар асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда оила, унинг доирасида аёл болаларни ёшлигидан миллий урф-одатлар асосида тарбиялаб келган. Шундай қилиб, антик даврда уйдаги таълим болаларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш мактабларининг дастлабки бошланғич нуқтаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Меҳнатга, жисмоний чидамликка, хунармандчиликнинг ҳар хил турларига, халқ ижоди ва миллий ғурурга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, айнан оиладан бошланади. Аёллар бошчилигидаги оила мактаблари болалар тарбиясининг асосий омилига айлантирилган.

Қадимги одамларнинг таълим-тарбияси жараёнида ахлоқий, одоб ва диний тушунчаларда ифода этилган халқнинг маънавий қадриятлари муҳим роль ўйнаган. Айнан шу жиҳатлар боис замонавий педагогика илми ёзма манбалардаги бизгача етиб келган миллий таълим анъаналарини ўрганишга, уларни сақлашга ва албатта, улардан сабоқ олишга кўпроқ эътибор қаратиши ва унга таяниши лозимлиги аҳамият касб этмоқда.

Қимматли маълумотларни узатиш ва сақлашнинг асосий воситаси сифатида оғзаки нутқдан ёзувга босқичма-босқич ўтиш жараёнини инсоннинг таълим олиш орқали қўлга киритган биринчи ақлий қобилиятлари ва интеллектуал меҳнати натижалари ифодаси деб ҳисоблаш мумкин. Ўрта Осиё халқларининг асарлар мажмуасидаги биринчи мукамал манбаси “Авеста” китоблари тўплами ҳисобланади. Ушбу китобда инсониятнинг бошланғич ривожланиш босқичи, энг қадимий одамларнинг биринчи ахлоқий ва эстетик қадамлари айниқса ёрқин тасвирланган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ундаги таълимнинг замирида ҳар бир эзгу амалнинг ҳаётий кучга эга бўлиши учун жуда кўп педагогик ёндашув, педагогик омиллар талқин қилинган. Буни қуйида келтирилган мисолларда кўришимиз мумкин.

“Авеста”да ахлоқий, ҳуқуқий ва диний кодекс сифатида, биринчи навбатда, бутун халққа мурожаат қилинган: инсон, аввало, “эзгу мақсад, самимий сўзлар ва кучли ирода”га эга бўлиши керак, шунингдек, “ҳақиқат, ақл ва таълимот” унга ҳамisha ҳамроҳ бўлиши керак.

Ҳақиқат, ақл ва таълимот диннинг асосий шиори бўлганлиги сабабли қадимги даврларда ҳам таълим, ахлоқий ва эстетик асосларга алоҳида эътибор берилган, деб тахмин қилиш мумкин. Зардуштийлик қонунларига кўра, оила жамиятнинг маънавий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Оилага эга бўлганлар тўғри ва яхши ҳаёт кечиришади деб ишонилган. Шунинг учун оила яратиш ва болаларни тарбиялаш муқаддас иш деб қаралган [4, 136].

Зардуштийлик динида болаларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эди. Авеста даврида етти ёшга қадар бола асосан онаси билан бирга тарбияланган. Етти ёшга тўлганида отаси уни мактабга бериши шарт этиб белгиланган эди. Унда яна шундай дейилган: “Агар сизда вояга етмаган болангиз бўлса, уни мактабга юборинг, чунки билим кўзнинг нуридир” [5, 10].

“Авеста”да болаларни ёшлигидан тарбиялаш ва ўқитиш бўйича баъзи педагогик қоидалар ўз аксини топган. Масалан, “Авеста”га кўра, бола ўсиши биланок, ота-оналар уни ўқиш учун мактабга беришга мажбур эдилар. Агар улар буни қилмаган бўлсалар, уларнинг қилмишлари катта гуноҳ қилиш билан тенглаштирилар эди. Шу ўринда аёлларнинг зиммасига юкланган вазифа болани том маънода мактабга тайёрлаш эди, яъни болани саводини чиқаришда ўқитивчи билан биргаликда меҳнат қилиши талаб қилинар эди. Демак, ўз-ўзидан аёллар таълимдан хабардор эканликларини тахмин қилсак, мантиқан хато бўлмайди.

Қадимги даврларда ўқитувчиларга қатъий талаблар қўйилган. Улар тунда ўқиш ва эрталабки дарсга тайёргарлик кўришлари керак эди. “Авеста”да биз қуйидаги мурожаатни ўқиймиз: “Ҳей, Заратуштра, донишмандларнинг ўқишлари ва билимлари йўлида тунаб қоладиган ўқитувчининг ўрнини аниқла, токи унинг фикрлари муаммолар билан банд бўлмасин ва қиёмат куни унинг юраги шодлик ва қувончга тўлсин ҳамда келажак абадий дунёда унга жаннатий саодат таъминлансин” [6, 252].

Авеста даврида мактабларда, биринчи навбатда, ўқиш ва ёзиш, ҳисоблаш, геометрия, астрономия ва тиббиёт бўйича биринчи кўникмалар берилган. Мактабга бориши мумкин бўлган болалар доираси жуда тор эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйи синф болалари ўзларини ота-оналарининг касбини ўрганиш билан чекланганлар ва келажакда ўз авлодларига ўргатганлар. Мактаблар “дабиستانам” деб номланган ва улар ибодатхоналарда жойлашган бўлган. “Дабистон” сўзи бугун Эрон ва Афғонстонда мактаб сўзи маъносида ишлатилади. Дабистонда қизлар ўғил болалар

билан бирга ўқиганлар. Озарбоднинг ўғли Замонга берган кўрсатмаларида шундай дейилади: “Хотинингизнинг таълим олишга интилишларига тўсқинлик қилманг, токи кейинчалик қилган ишингиз учун сизни умидсизлик ва қайғу қамраб олмасин” [6, 252]. Кўриниб турибдики, аёлларнинг таълим олишига нафақат тўсиқ бўлмаган, балки, аксинча, уни қўллаб-қувватлаш тамойили кўрсатма мазмунида ҳаётга жорий этилган экан.

Зардуштийлик даврида аёллар таълими мазмуни, авваламбор, ахлоқий-эстетик қадриятларни ва уй-рўзғор юргизиш маҳоратини ўз ичига олган. Қизларга ёшлигида-ноқ оиланинг кичкина фарзандларига таълим бериш, катталарнинг насихат ва кўрсатмаларини тинглаш, рўзғорни бошқариш, ҳисоб-китоб, об-ҳаво ўзгариши ва бошқа табиий ҳодисаларни ҳисоблаш ва билиш ўргатилган.

Бугун жаҳондаги илғор ва замонавий таълимнинг мазмунига эътибор берилса, ўқувчиларда ҳаётини кўникмаларни шакллантириш вазифаси энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олган. Қадимги даврларда ҳам таълим асосан ҳаётда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни ўрганишга йўналтирилган экан. Масалан, чорвачилик билан шуғулланган қабилалар бу йўналишда барча зарур билимларни ўрганганлар ва ўргатганлар. Шунингдек, қизлар ва аёллар ип билан ишлаш, жундан ип тайёрлаш, теридан кийим тикиш, қиш учун захира овқат тайёрлаш бўйича таълим олганлар.

Манбаларга кўра, Заратустра динида қизлар муҳим мавқега эга. Ота-оналарнинг истагига кўра улар таълим олиши мумкин эди. Қонунда 15 ёшгача бўлган қизларга таълим бериш белгилаб қўйилган эди. Шунингдек, қизларни уй ишларини билиши, рўзғор юритишдан огоҳ бўлиши, тозалик ва тартибга ҳамиша риоя этиши, ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг асосий тушунчаларидан маълумотга эга бўлишлари белгиланган эди.

Ушбу кўникмалар билан бир қаторда, қизларга мактабларда саводхонлик асослари ўргатилса-да, аммо бу таълимнинг асосий ва зарурий қисми эмас эди. Савод мазмуни таълим вазифаларидан ташқарига чиқарди. Таълимнинг асосий ғояси, амалий билим ва кўникмаларни ўргатиш эмас, балки диний ва ахлоқий тарбия эди. Шу билан бирга, тарихий хроника ва аёллар ҳайкалчаларидан иборат бўлган археологик топилмаларига мувофиқ, қадимги Шарқ аёл-қизлари ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, расм чизиш ва каштачилик қилган бўлишлари мумкин деган ҳулосани янада мустаҳкам илмий фаразга айланта оламиз.

“Авеста” замонида, дин таълимнинг мотивatsion манбаи бўлиб қатъий қоидаларга риоя қилиш ва маросимларни бажаришни талаб қилар эди. Натижада, инсон ўзининг ахлоқий амал ва ҳаракатларини тартибга солиши зарур эди, яъни ўзи-ўзини тарбиялаши, рўзғор юргизиш учун кунлар ва ҳафталарни билиши, одамлар сонини, чорва молларини ва бошқаларни санашни, шу-

нингдек, ўзинининг диний тасаввурлари ва ғояларини ёзиш ва чизиш имкониятига эга бўлиши лозим эди.

Қадимги замон мактабидаги асосий мавзу илоҳиёт бўлган ва бу фанни ўқитишда ёзув муҳим роль ўйнар эди. Қадимги дунёнинг охириги даврларида Заратустрадан келган барча кўрсатмалар аллақачон бамбук қоғозга ёзилган ва китобларга айлантирилган бўлган. Каттароқ ёшдагиларга, шунингдек, қизиққан катталарга бугунги таснифдаги риторика, математика, география, астрономия ва тиббиёт каби мавзулар ўқитиларди. Мавжуд бўлган барча фанлардан қизлар тиббиётни ўрганишга кўпроқ интилишган. Кейинги даврларда эвристик суҳбатлар ва баҳс-мунозаралар мактаб ва мактабдаги ўқитишнинг асосий услубига айланган.

Сосонийлар даврида риторика, мантик, фалсафа, адабиёт ва бошқа кўплаб фанларни мукамал биладиган ўқитувчилар кўп бўлган. Энг яхши ўқитувчилар кўпинча қирол мактабларида ўқитилган ва ҳукмдорнинг ўзи томонидан тайинланган. Ушбу фанларни биладиган аёл ўқитувчилари оддий мактабларда ҳам ўқитилган.

Тарихий ёзма манбаларга кўра, биринчи марта алфасайисал ёзув, яъни овозли ҳарфлар тизими неолит даврида пайдо бўлганлиги ва Ўрта Осиё халқларининг таълим тизимини янада такомиллаш-тиришга йўл очганлигини аниқлаш мумкин. Ақлий меҳнатнинг ўсиб бораётган роли ҳақида Шарқ халқлари қадимий маданиятининг энг қимматли манбаларидан саналмиш кўплаб миҳхат ёзувлари далолат беради. Дарахтлар, бамбук, ҳайвон терилари, тошлар, планшетлар, папируслар, тупроқ идишлари ва пластинкаларда ёзувлар ёзилган. Аҳамоний ёзувлари турли хил нарсаларда – металл идишлар, тошлар, вазалар, муҳрлар, савдо йўллари, қабрлар, қурол-яроқ, саройлар деворлари ва устунлари, жун ва ипак матолардан топилган ва ҳатто қурувчилар томонидан саройлар пойдевори остига қўйилган [7, 15].

Ўрта Осиё худудида топилган Хоразмнинг Кой-Крилган қаласининг энг қадимги оромий ёзувлари милoddан аввалги IV-III асрларга тегишли. Олимлар Парфиянинг Нисодаги худди шундай ёзувларни милoddан аввалги I асрга тегишли деб ҳисоблашган. [8, 60].

Археолог олимларнинг тахминига кўра, қадимги Панжикент қалъасидан топилган сўғд алифбосидаги ҳарфлар билан бутун хум ва унинг қисмларига сиёҳ билан ёзилган археологик топилма VII асрнинг охири ёки VIII асрнинг биринчи ярмига тегишли бўлган. Сўғдий алифбоси оромий тилига ўхшаш бўлиб, 23 ҳарфдан иборат эди [9, 298]. Худди шундай яна бир тарихий манбага кўра, Ватанидан, яъни қадимги Сўғддан узокда яшовчи самарқандлик бир қизнинг ўз онасига ёзган мактубидан англаш мумкинки, қадимги даврларда қизлар ўқиш ва ёзишни ҳам билишган [10, 73].

Шундай қилиб, бизгача етиб келган Ўрта Осиёдаги оромий ва сўғд алифбосининг дастлабки археологик

топилмаларининг далолат беришича, Ўрта Осиёда ёзувлар иш юритиш ва кундалик ҳаётда жуда кенг фойдаланилган. Ўрта Осиёда яшаган барча халқларнинг ёзма адабиёти кенг тарқалган бўлиб, улар асосан диний хусусиятга эга бўлган ҳамда уларда илоҳий афсоналар кўринишида халқ ҳикматларини ўзида мужассам этиш оҳанглари устунлик қилган.

Барча давр ва замонларда, ҳар қандай таълим бешиклар кўшиғи ёки қофияли шеърларидан бошланган. Бешик устида ўтирган она фарзандида келажакдаги бахтли одамни кўришни орзу қилади. У орзу ва умидларини эртақ кўшиқларига айлантиради. Бундай кўшиқлар болалар томонидан тез ва осон қабул қилинади. Болалар ёшлигидан ўзларини қахрамонлар, шоирлар, денгизчилар, шахзодалар ёки ақлли ва мафтункор пари, мохир хунарманд, одамларни ақли ва истеъдоди билан ҳайратга соладиган шоира ва бошқалар сифатида кўриб, шу руҳда тарбияланадилар. Бундай кўшиқларни Ўрта Осиё халқлари “Алла” деб аташади, яъни “сокин луллаб кўшиқ айтиш”. Деярли ҳар бир онанинг ўзи тарбияланган, онанинг кўшиғидан илҳомланган ва ўз навбатида, ақлли онаси ёки бувисига тақлид қилиб, болаларини тарбиялайди.

Қадимда аждодларимиз диний эътиқодлари кўпинча табиий, улуғвор ҳодисалар билан олдиндан белгилаб қўйилган. “Авеста”нинг мадҳияларида янги туғилган чақалоқни куёш нурларида оловли сувда чўмилиш маросими ўтказилганлиги ёзилган. Шундай қилиб, одамлар ўзларининг барча ҳаракатларини ибтидоий нур ҳомийлигида содир бўлишига ишонишган. Улар қувончли куёш чиқишидан кўра покрок нарса йўқ деб ҳисоблашган [11, 90].

Хулоса қилинса, Ўрта Осиё аҳолисининг таълим ва тарбия муаммолари қадим замонлардан бошлаб миллий анъаналар, маънавий асослар ва хулқ-атворнинг умумбашарий эътироф этилган меъёрлари билан боғлиқ эди. Қадимги даврларда эркак ва аёл ўртасидаги вазифалар тақсимланиши сари аёл аста-секин алоҳида ва муҳим мақом – ўчоқ сақловчиси мақомига эга бўлди. Айнан шу даврда тарбия ва таълимнинг дастлабки ташкилий шакллари, яъни мактабларнинг энг қадимий прототиплари кўринишида пайдо бўлди.

Зардуштийлик вужудга келган пайтдан бошлаб шаклланган, қадимги даврлар Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи аждодларимиз педагогикаси тарихида аёл эркак билан бир хил мавқега эга бўлган ва қисман ҳатто уй тутиш ва болаларни тарбиялашда баъзи афзалликлар улар томонга ўтган. Тарбия мактаби ва қисман таълим ҳам аёл етакчи бўлган оиладан келиб чиққан. Айнан шу нуктаи назардан бугунги замон аёллар таълим ва тарбияси масаласининг қадимги даврлардан бошлаб ривожланиш динамикасидаги мантикийлик, илмийлик асосида ўрганишнинг долзарблик аҳамияти ошиб бормоқда.

Қадим замонлардан табиат аёлларга ақл-идрок, эпчиллик, маҳорат, жасорат ва матонат ато этган. Ушбу фазилатлар туфайли қадимги даврлардан аёлнинг турли вазиятларга мосланувчанлиги шаклланаверди. Табиатдан ғайритабиий куч ва энергия билан таъминланган аёллар эркаклар қиладиган ҳамма нарсани – қишлоқ хўжалиги, ов қилиш, балиқ овлаш, резаворлар йиғиш, қабила ва оилага раҳбарлик қилишни билар эдилар. Аёл-оналарнинг ёш болалари ва кекса ота-оналарини кўрқитган рақибларига қарши жанглarda уларга тенг келадигани йўқ эди. Улар бундай душманларни жасорат билан қўлларида найза ва отга миниб ҳайдаб юборишган.

Аёллар – қадимги аждодларимиз катта шажарада яшаб, нафақат оила, фарзандларини, балки кўрсатмаларини қонун деб билган кекса ота-оналарни ҳам парвариш қилишган. Айнан антик даврда пайдо бўлган “кадбону” сўзи уй бекасининг маъносини ҳар жиҳатдан – уй шароитида, энг муҳим масалаларни ҳал қилиш, фарзандларни тарбиялаш ва ўчоқни ҳимоя қилиш каби маъноларга эга эди.

Ўрта Осиё халқлари педагогикаси тарихи узоқ ўтмишда яхлит бир бутунликка қўшилиб кетган кўшни мамлакатлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиш босқичларини ўтди. Қадимги даврларда Ўрта Осиё мамлакатларидаги барча аёлларнинг тарбияси ва таълими эркакларнинг таълимидан деярли ҳеч қандай фарқ қилмас эди. Ҳамма билан биргаликда оилада бошланғич таълим олиш, кейин мактаб (“Дабистон”) ва олий мактаб (“Дабиристон”)да ўқиш анъаналари аёлларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатидаги ҳуқуқларини бузмаган.

Ўрта Осиё халқлари тарихидаги энг муҳим тарихий ёдгорлик, зардуштийликнинг диний китоби “Авеста” ва Заратуштра таълимотини таҳлил қилиш асосида аёлларнинг инсоният тарбияси ва шаклланишида қандай роль ўйнаганлигини англаш мумкин. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу динда аёлларга алоҳида устунлик берилган.

Қадимги аёлларнинг яшаш шароитларини ўрганиб, анъанавий таълим тизимининг аниқ хусусиятларини аниқлаш мумкин. Аста-секин мактаб таълимига ўтадиган илк оилавий таълим-тарбия умумий таълим ва тарбия жараёнининг асосий босқичи бўлган. Кейинчалик касб-ҳунар таълимига устунлик берилган, шундан кейин аёллар эркаклар билан биргаликда кундалик ҳаёт тақозо этадиган барча фаолият турларида, жумладан, қоғоз ишлаб чиқариш, жун, терини қайта ишлаш ва ҳаттоки тош ва ёғоч буюмларини майдалаш устахоналарида ишлашлари мумкин бўлган. Шунингдек, аёлларни уламолар, китобхонлар, кўшиқчилар, мусиқачилар ва чизмачилар сифатида ҳам кўриш мумкин бўлиб, бу машғулотлар аёлдан жуда катта ақлий куч ва билимни талаб қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳди Иқболии Занон дар торихи куҳани Ирон. Маҳдиобод, Пардисон, 2004. – 66 б.
2. Гафуров Б.Г. Тоҷикон: таърихи қадимтарин, қадим ва асри миёна. Китоби якум. – Душанбе: «Ирфон», 1998. – 704 б.
3. Джалилов А.Д. Из истории положения женщин Средней Азии до и после распространения ислама. – Душанбе: «Ирфон», 1974. – 43 б.
4. Ходжаева Н. Статус женщины Средней Азии в период функционирования шелкового пути //Мат.науч.-теор.конф. // Сборник докладов, –Ташкент, 2006. – 171 б.
5. Назаров Р. Философия образования эпохи зороастризма. БУЛЛЕТЕН оф ИИСАС. Вolumes 14, 2011. //Авеста. Древнейшие гимны и иранские тексты /пер. и комментарии Джалили Дустхох (на тадж.яз). – Душанбе, 2001. – 78 б.
6. История таджикского народа. Том II. Эпоха формирования таджикского народа. Душанбе, Алхудо, 1999. 791 б.
7. Айни С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе, «Адиб», 1987. – 240 б.
8. Народы Средней Азии и Казахстана. Этнографические очерки. – М.: Изд-во АН СССР, Т. II, 1962. – 791 б.
9. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб., 2008. – 414 б.
10. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: «Наука», 1970. – 288 б.
11. Брагинский И.Б. Из истории персидской и таджикской литератур. – М.: «Наука», 1972. – 524 б.

ZAMONAVIY TA'LIM VA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR SOHASIDAGI ILG'OR XORIJIY TAJRIBALAR – FRANSIYA DAVLATI TA'LIMI TIZIMI

Malika Umarova,
Nizomiy nomidagi TDPU
“Pedagogika” kafedrasida dotsenti, p.f.n.

Annotatsiya

Mazkur maqolada zamonaviy ta'lim va innovatsion texnologiyalar sohasidagi ilg'or xorijiy tajribalar Fransiya davlati ta'lim tizimi misolida ham nazariy, ham amaliy asoslari tadqiq qilingan. Fransiya davlati zamonaviy ta'limi va innovatsion texnologiyalari sohasidagi ilg'or tajribalari yoritib berilgan. Mavjud manbalar tahlili zamonaviy ta'lim va innovatsion texnologiyalar sohasidagi tushunchalarining ilmiy, pedagogik tomonlari tavsif qilingan.

Kalit so'zlar: zamonaviy ta'lim, ilg'or tajribalar, modul bloklar, modulli-kredit, blended learning (aralash o'qitish), mahorat darslari, vebinar, evristik metod.

Аннотация

В данной статье исследуются теоретические и практические основы передового зарубежного опыта в области современного образования и инновационных технологий на примере государственной системы образования во Франции. Освещен передовой опыт французского государства в сфере современного образования и инновационных технологий. На основе анализа доступных источников раскрываются научно-педагогические аспекты концепций в области современного образования и инновационных технологий.

Ключевые слова: современное образование, лучшие практики, модульная учебная информация, модульные блоки, смешанное обучение (смешанное обучение), мастер-классы, вебинар, эвристический метод.

Annotation

This article examines the theoretical and practical foundations of advanced foreign experience in the field of modern education and innovative technologies on the example of the public education system in France. The advanced experience of the French state in the field of modern education and innovative technologies is highlighted. Based on the analysis of available sources, scientific and pedagogical aspects of concepts in the field of modern education and innovative technologies are revealed.

Keywords: modern education, best practices, modular educational information, modular blocks, blended learning (blended learning), master classes, webinar, heuristic method.

Fransiya jahondagi iqtisodiy rivojlangan mamlakatlar ichida yetakchi o'rinlardan birini egallaydi. Uning ta'lim tizimlari ham qadimiy va boy tarixga ega. Bu mamlakatda “Ta'lim haqidagi” qonun dastlab 1955-yilda qabul qilindi, 1975-yilda unga qator o'zgartirishlar kiritilgan.

Fransiya davlatining hozirgi davrda amal qilayotgan “Ta'lim haqidagi qonun”i 1989-yil 10-iyulda qabul qilingan bo'lib, uning o'zgartirilishiga ta'lim strategiyasida ro'y bergan o'zgarishlar mamlakatning ichki, tashqi siyosatida islohotlar yuzaga kelgandagi iqtisodiy sharoitlar, chet el pedagogikasidagi ilg'or texnologiyalarning mamlakat ta'lim tizimlariga kirib kelishi, o'quv predmetlarining integratsiyalari va boshqalar sabab bo'ldi [3].

Fransiyada ta'limning asosiy maqsadi shaxsni har tomonlama kamol topishini ta'minlash, uni mustaqil faoliyatga tayyorlash, bozor munosabatlari sharoitida o'quvchilarni tadbirkorlikka ishbilarmonlik va omilkorlikka o'rgatish shunga yarasha kasb-korga ega qilishdan iboratdir. U yerda:

- davlat maktablari;
- xususiy maktablar;
- oraliq maktablar mavjud.

O'qitiladigan predmetlar ichida fransuz tili va ada-

biyoti o'qish va yozuv alohida ahamiyatga molik bo'lib hisoblanadi. Ular uchun dars vaqtining 30 foizi ajratiladi. O'rtacha haftalik soatlar 26 soatdan iborat, darsning davomiyligi esa 60 minut. O'quv yili 5 chorakka bo'lindi. Fransuz maktablari boshlang'ich sinflarda o'qish ertalabki va tushdan keyin esa matematika va boshqa predmetlardan saboq oladilar.

Matematika, ona tili va adabiyoti – baza predmeti, tarix, geografiya, mehnat, jismoniy tarbiya predmetlari esa rivojlantiruvchi predmetlar hisoblanadi.

Fransiya ta'limida bolalarning go'daklik chog'idanoq maktabda o'qitish uchun tayyor holda olib kelish g'oyat muhim masala hisoblanadi. Bu bosqichda tarbiyalanuvchilar quyidagicha tabaqalashtirilgan: kichik guruh (2-4 yosh), o'rta guruh (4-5 yosh), katta guruh (5-6 yosh). Maktabga tayyorlov guruhi (5-6 yosh) bo'lib, ularga Fransiyada 100 % shu yoshdagi bolalar qamrab olingan. Bolalarni maktabga tayyorlash uchun alohida dastur va darsliklar mavjud.

Fransiya boshlang'ich ta'lim maktablariga 6 yoshdan 11 yoshgacha bo'lgan bolalar jalb qilinadilar. Boshlang'ich maktab bepul va majburiy. Uning vazifasi o'qish, yozish, hisoblash malakasini berishdir. O'quv mashg'ulotlari ertalab soat 9 dan 12 gacha hamda soat 14 dan 16

gacha 5 soat davom etadi. Maktabda ovqatlanish pullik, lekin juda arzonlashtirilgan narxlarda. Boshlang'ich sinflarda o'qish uch bosqichda amalga oshiriladi:

1. Tayyorlov bosqichi.
2. Elementar kurs (bu bosqich ikki yil davom etadi).
3. Chuqurlashtirilgan bosqich [3].

Tayyorlov bosqichi 1 yilga mo'ljallangan. Bunda bolalar hisoblashga, o'qish va yozishga, kuylashga, o'y-lashga, tabiat manzaralarini tomosha qilishga va undan bahra olishga, jismoniy mashqlar bilan mashg'ul bo'lishga, maktabning turli sport tadbirlarida ishtirok etishga, musiqa va mehnatga o'rgatiladi.

Navbatdagi bosqich – elementar kurs bo'lib, bu bosqichda o'qish 2 yil davom etadi. Bunda o'quvchilarning tayyorlov siklida predmetlar bo'yicha olingan bilimlari yanada takomillashtiriladi.

Boshlang'ich maktabning 3-bosqichi – chuqurlashtirish bosqichidir. Bunda o'quvchilarning tayyorlov va elementar bosqichdagi bilimlari yanada chuqurlashtiriladi. Fransuz maktablarining boshlang'ich bosqichida “Grajdanlik ta'limi”, “Nafosat ta'limi” ham o'qitiladi. Nafosat ta'limiga musiqa, tasviriy san'at, sport kiritilgan. O'quvchilar bilan yakka tartibda ishlash, ularni rag'batlantirish, shaxsiy qobiliyat va imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, ta'limda uzluksiz va vorislikni ta'minlab berish boshlang'ich sinf o'quvchilariga qo'yilgan bosh talabdir.

O'quv dasturining mazmunini bevosita o'qituvchining o'zi belgilaydi. Bir so'z bilan aytganda, o'qituvchi bolalar bilimiga to'la mas'ul ekan, uning uslub tanlashiga ham, mustaqil harakat qilishiga ham to'la erkinliklar beriladi.

1990-yildagi hukumat qaroriga muvofiq, maktabgacha tarbiya va boshlang'ich ta'limiga modullashtirish, bolalarning bilimiga u yoki bu fanga moyilligiga qarab tabaqalashtirish, dars jadvalini ham shu asosda tuzish huquqi beriladi. Bunday dars jadvallari yillik, yarim yillik, choraklik asosida tuzilishi ham mumkin [3].

O'quvchilar 11 yoshda boshlang'ich maktabni tugallab o'rta maktabga o'tadilar. O'rta ta'lim esa kollejlar va litseylarda amalga oshiriladi. O'rta ta'lim ikki bosqichda yo'lga qo'yilgan:

Birinchi bosqichda quyidagi predmetlar o'rgatiladi: fransuz tili va adabiyoti, chet tili (ingliz nemis ispan, italyan tillari), tarix, Fransiya geografiyasi matematika, tibbiy fanlar.

Shunday qilib, 6-5-sinflar umumiy o'rta ta'lim beradi: 4-3-sinflarda o'quvchilarga qobiliyati va moyilligiga qarab bilim beriladi. Birinchi bosqich yakunlagach, o'quvchilar kasbiy yo'nalishlari bo'yicha guvohnoma oladilar.

Shundan keyin o'quvchilar 15 yoshdan 18 yoshgacha ta'lim oladilar. O'qish 3 yil davom etib, 2- sinf kichik, 1-sinf o'rta va yakunlovchi sinflarga bo'linadi.

O'quvchilar umumiy ta'lim va texnik litseylarni tugatganlaridan so'ng bakalavr unvoni va diplom ishi uchun imtihon topshiradilar. Ana shunday diplomga ega bo'lganlarga oliy o'quv yurtlariga kirish huquqini qo'lga kiritadilar.

Fransiyada talabalar pedagogika, politexnika instituti, oliy ma'muriy maktablarga kirish uchun imtihon topshiradilar. Bundan tashqari, shu kasbga moyilligi ham alohida sinab ko'riladi. Boshqa oliygohlarga va universitetlarga esa bakalavr diplomi bo'lgan yoshlar imtihonsiz qabul qilinaveradi.

Fransiyada oliy ma'lumot va ixtisos beruvchi oliy texnologik institutlar mingdan ortiq. Ular odatda sanoat, maishiy xizmat ko'rsatish, informatika mutaxassisliklariga ixtisoslashgan. O'qish muddati 2 yil bo'lib, sakkiz haftalik ishlab chiqarish amaliyotini ham ko'zda tutadi.

Sirtqi ta'lim shoxobchalari juda keng bo'lib, u 500 turdagi o'rta, oliy, professional ma'lumot berishni tavsiya eta oladi [3].

Fransiyada maktab rahbarligi lavozimiga erishmoq uchun ta'limga rahbarlik qilishdan saboq beruvchi maxsus markazlarda o'qiydilar. Bunday markazlarda ular rahbarlik qilish, maktab iqtisodiyotini boshqarish, ta'limdagi yuridik masalalar, qonunchilik, ota-onalar bilan ishlash, madaniy oqartuv ishlarini tashkil etish, jamoada yaxshi psixologik muhitni barpo etish kabi jihatlarni o'rganadi, o'qish yakunlangach, suhbatdan, test imtihonlaridan o'tadilar.

Fransiya davlati oliy ta'limi tizimida modulli ta'limning ahamiyati va mohiyati o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Modulli o'qitish – o'qitishning istiqbolli tizimlaridan biri hisoblanadi, chunki u ta'lim oluvchilarning bilim imkoniyatlarini va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish tizimiga eng yaxshi moslashgandir.

An'anaviy ta'limda o'quv maqsadlari pedagog faoliyati orqali ifodalangan, ya'ni bilim berishga yo'naltirilgan bo'lsa, modulli o'qitishda ta'lim oluvchilar faoliyati orqali ifodalanib, kasbiy faoliyatga yo'naltirilgan bo'ladi.

Modulli o'qitish texnologiyasining an'anaviy o'qitishdan farqli xususiyatlarini quyidagi jadvalda keltirdik [2.]

An'anaviy o'qitish texnologiyasiga asoslangan	Modulli o'qitish texnologiyasiga asoslangan
Bir tomonga yo'naltirilgan axborot. Bir tomonlama muloqot (darslik> o'qituvchi>o'quvchi) – Axborot olish – Xotirada saqlash Ma'nosini tushunmagan holda, mexanik tarzda yodlash.	Fikrlash va amaliy faoliyat orqali tahsil olishda faol ishtirok etishni rag'batlantirish. – Ikki tomonlama muloqot – Tahlil qilish orqali ma'lumotni eslab qolish – Bilim va ko'nikmalarni namoyish etish – Mazmunni tushunish va hayotga bog'lash.

Ushbu jadvalning tahlili shuni ko'rsatadiki, modulli texnologiyaga asoslangan ta'lim an'anaviy ta'limdan o'qitish usullari, vositalari, uni tashkil etish va natijalari bilan sezilarli farq qiladi [2].

Modulli o'qitish ta'limning quyidagi zamonaviy masalalarini har tomonlama yechish imkoniyatini yaratadi:

- faoliyatlilik asosida o'qitish mazmunini optimallashtirish va tizimlash, dasturlarning o'zgaruvchanligi, moslashuvchanligini ta'minlash;

- o'qitishni individuallashtirish;

- amaliy faoliyatga o'rgatish va kuzatiladigan xarakterlarni baholash darajasida o'qitish samaradorligini nazorat qilish;

- kasbga qiziqtirish asosida faollashtirish mustaqillik va o'qitish imkoniyatlarini to'la ro'yobga chiqarish.

Modulli o'qitish samaradorligi quyidagi omillarga bog'liq:

- ta'lim muassasasining moddiy-texnik bazasiga;
- malakali professor-o'qituvchilar tarkibi darajasiga;
- talabalar tayyorgarligi darajasiga;
- kutiladigan natijalar bahosiga;
- didaktik materiallarning ishlab chiqilishiga;
- modullar natijasi va tahliliga.

Modulli o'qitishda o'quv dasturlarini to'la qisqartirilgan va chuqurlashtirilgan, tabaqalash orqali bosqichma-bosqich o'qitish imkoniyati yaratiladi. Ya'ni o'qitishni individuallashtirish mumkin bo'ladi. Modulli o'qitishga o'tishda quyidagi maqsadlar ko'zlanadi [1]:

- o'qitishning uzluksizligini ta'minlash;

- o'qitishni individuallashtirish;

- o'quv materialini mustaqil o'zlashtirish uchun yetarli sharoit yaratish;

- o'qitishni jadallashtirish;

- fanni samarali o'zlashtirishga erishish.

Modulli o'qitish fanning asosiy masalalari bo'yicha umumlashtirilgan ma'lumotlar beruvchi muammoli va yo'riqli

li ma'ruzalar o'qilishini taqozo etadi. Ma'ruzalar talabalarining ijodiy qobiliyatini rivojlantirishga qaratilmog'i lozim.

Modul tizimida amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari ma'ruzalar bilan birga tuzilishi, ular ma'ruzalar mazmunini o'rganiladigan yangi material bilan to'ldirilishi kerak.

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, jahon mamalakatlari ta'lim tizimida modulni o'qitishning samaradorligini oshirishga erishish uchun o'qitishning quyidagi usullarini qo'llash orqali ijobiy va sifatli samaraga erishishilgan:

- muammoli muloqotlar;

- evristik suhbatlar;

- o'quv o'yinlar;

- loyihalash va yo'naltiruvchi matnlar va hokazo.

O'qitishning modul tizimi mazmunidan uning quyidagi afzalliklari aniqlandi:

- fanlar va fanlar ichidagi modullar orasidagi o'qitish uzluksizligini ta'minlanishi;

- har bir modul ichida va ular orasida o'quv jarayonini barcha turlarining metodik jihatdan asoslangan muvofiqligini o'rnatilishi;

- fanning modulli tuzilish tarkibining moslanuvchanligi;

- talabalar o'zlashtirishi muntazam va samarali nazorat (har qaysi moduldan so'ng) qilinishi;

- talabalarining zudlik bilan qobiliyatiga ko'ra tabaqalanishi (dastlabki modullardan so'ng o'qituvchi ayrim talabalarga fanni individuallashtirishni tavsiya etishi mumkin);

- axborotni "siqib" berish natijasida o'qitishni jadalashtirish, auditoriya soatlaridan samarali foydalanish va o'quv vaqti tarkibini ma'ruzaviy, amaliy (tajribaviy) mashg'ulotlar individual va mustaqil ishlar uchun ajratilgan soatlarni optimallashtirish [1].

Buning natijasida talaba yetarli bilimlar va ko'nikmaga ega bo'ladi. Modulli metodika asosida o'qitishda faollik, tizimli kvantlash, qiziqtirish, modullilik, muammolilik, kognitiv vizuallilik, xatoliklarga tayanish tamoyillariga muvofiq ishlab chiqilishi lozim, deb hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. *Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста*. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
2. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. *Кейс-стади "Иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси"/ Илмий-услубий қўлланма ("Замонавий таълим технологиялари" туркуми)*. – Т.: ТДИУ, 2009. – 150 б.
3. Вулфсон Б.Ф. *Сравнительная педагогика. Учебное пособие*. – М.: "Просвещение", 2004. – 175 с.
4. www.Ziyounet.uz

ОҒИР ИЖТИМОЙ АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР, НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Дилшода Мирзажонова,

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи,
психология фанлари номзоди, доцент

Аннотация

Мақолада маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари учун оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан якка тартибда ишларни олиб бориш усуллари бўйича зарур тавсиялар берилмоқда. Мақола мавзусини очиқ бериш мақсадида Республикада олиб борилаётган ислохотлар ва амалга оширилаётган ишларнинг назарий-амалий аҳамиятига таянилди.

Таянч сўзлар: оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган аёллар, муҳтожлик даражаси (тоифаси), анкета-сўровномалар, индивидуал дастурлар.

Аннотация

В статье даны необходимые рекомендации для женщин-активисток микрорайона по способам индивидуальной работы с женщинами, попавшими в тяжелое социальное положение, в том числе с женщинами с ограниченными возможностями. В целях раскрытия темы статьи проведены реформы в республике и теоретическая и практическая стороны проводимой работы зависели от ее важности.

Ключевые слова: женщины в трудной социальной ситуации, женщины с ограниченными возможностями, уровень (категория) нуждаемости, анкеты, индивидуальные программы.

Annotation

In the article, the necessary recommendations are given for women's activists in the neighborhood on ways to work individually with women who have fallen into a serious social situation, including women with disabilities. In order to reveal the topic of the article, the reforms carried out in the Republic and the theoretical and practical aspects of the work being carried out relied on its importance.

Keywords: women in a difficult social situation, women with disabilities, level (category) of need, questionnaires, individual programs.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда хотин-қизларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг асосий вазифаларидан бири – оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан манзилли ишлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш улар билан якка тартибда манзилли иш олиб боришни тақозо қилади. Ушбу жараён мураккаб жараён бўлиб, уларнинг му-

аммоларини аниқлашдан бошланади.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммоларини, айниқса, уларнинг оилаларидаги ижтимоий-маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни барвақт аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади, кўплаб салбий ҳолатларнинг олдини олишда, шунингдек, хотин-қизлар фаоли фаолияти самарадорлигига эришишда муҳим омил бўлади.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари қуйидаги шаклларда ўрганилади:

уйма-уй юриш орқали;

мурожаатлар орқали;

“Аёллар маслаҳат кенгаши” орқали;

“Аёллар дафтари” ахборот тизими орқали.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари анкета-сўровномаларга қайд этиб борилади.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган аёллар “Аёллар

маслаҳат кенгаши” ва “Аёллар дафтари” ахборот тизими орқали муурожаат қилганда, анкета-сўровномалар тўлдирилади.

Анкета-сўровномалар асосида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланиб, уларнинг индивидуал дастурларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки индивидуал дастурлар оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан тизимли ва манзилли ишлаш имконини беради.

Индивидуал дастурда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммоларини бартараф этиш, муаммо ечимини топиш бўйича қилинадиган тизимли ишлар (ишлар номи ва муддати кўрсатилган ҳолда)нинг аниқ белгиланиши яхши натижа беради [1].

Ушбу жараёнда хотин-қизлар фаолининг яна бир муҳим вазифаси – оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича масъул идора ва ташкилотларга буюртмалар бериш, уларга муаммоли масалани қўя билишдан иборатдир.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан самарали иш олиб бориш учун уларнинг ўзига хос, яъни индивидуал хусусиятларини билиш ва муаммоларини таҳлил қилиш, улар билан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш орқали ижобий натижага эришиш мумкин. Бу уларга тўғри маслаҳатлар беришда ҳам аҳамиятлидир.

Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ҳар бир жараёнда, шунингдек, якка тартибдаги суҳбатлар ўтказиш, муаммоларнинг ҳал этилгани ёки ҳал этилмагани ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлган идора ва ташкилотларга масалани тўғри қўя билишда билим ва тажриба қўл келади.

Хотин-қизлар фаоли оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз қонунчилиги ҳамда Президент Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ҳк. бўйича яратилган имтиёزلарни пухта ўзлаштирган бўлиши, доимий равишда ўз устида ишлаши, бу борада янгиликлардан бохабар бўлиши жамиятдаги мавжуд ижтимоий хизматлардан фойдалана олиш имкониятини кенгайтиради [2, 3].

Бу жараёнда натижавийликка қандай эришилади? Ушбу жараённинг самараси оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга, уларнинг фарзандларига, оилаларига мажмуавий ёрдам кўрсатиш орқали эришилади.

Хотин-қизлар фаоли ҳар бир фуқаронинг кадр-қимматини, қадриятларини ва унинг такрорланмас экан-

лигини тушуниши ва ҳурмат қилиши зарур. Улар билан мулоқот жараёнида фуқарога, унинг фикри ва қадриятларига ҳурмат, тушуниш ва эътибор билан муносабатда бўлиши, ўз салоҳияти имкониятларига таянган ҳолда фаолият юритиши ҳамда мунтазам равишда ўз малакасини ошириб бориши талаб этилади.

Бу эса алоҳида эътиборга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, уларга маслаҳат бериш, тегишли масъул идора ва ташкилотларга йўналтириш (тиббий, юридик, психологик, таълим ва ҳ.к.) ва уларнинг имкониятини сафарбар этишда муҳим омил бўлади.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш жараёнида муаммолар ва уларнинг асл сабаблари (муаммони келтириб чиқарувчи ички, ташқи омиллар)ни ва оиланинг ички имкониятлари (ижобий, яъни кучли томонлари)ни, шунингдек, маҳаллада намунали оилалар ва фуқароларнинг имкониятини аниқлаш ҳамда ҳар иккала имкониятдан мақсадли фойдаланиш, оила, унинг аъзолари ва масъул ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш кўникмасига эга бўлиши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизлар фаолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан ишлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тавсияларни келтириб ўтиш жоиздир:

- хотин-қизлар фаоли томонидан оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш;
- ўрганиш натижаларини анкета-сўровномаларига қайд этиш ва уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси)ни аниқлаш;
- улар билан манзилли ишлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича индивидуал дастурларни шакллантириш ва аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;
- ижтимоий ҳимоя қилишга масъул бўлган идора ва ташкилотларга буюртмалар бериш, уларга масалани тўғри қўя билиш;
- хотин-қизлар фаолининг оилалар ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан иш олиб бориш бўйича билимларини мунтазам ошириб бориши учун шароит ва имконият яратиш, улар учун доимий ишловчи семинарлар ташкил этиш;
- хотин-қизлар фаоли томонидан оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан тизимли равишда якка тартибдаги суҳбатлар ўтказиш, муам-

моларнинг ҳал этилгани ёки ҳал этилмагани ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш;

– оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга, уларнинг фарзандларига, оилаларига мажмуавий ёрдам кўрсатиш, оиланинг ички имкониятларидан мақсадли фойдаланиш;

– ҳар бир фуқаронинг кадр-қимматини, кадриятларини ҳурмат қилиш, маҳаллада намунали оилалар, масъул ташкилот ва идоралар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир [4, 16].

Хулоса қилиб айтганда, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг ҳар бири ҳамда уларнинг оиласи хотин-қизлар фаолининг доимий эътиборида ва назоратида бўлиши, улар билан индивидуал тартибда мақсадли ва тизимли (амалий) иш олиб бориш, уларни қўллаб-қувватлашга, муаммоларини ҳал этишга масъул бўлган барча масъул идора ва ташкилотларнинг бу борадаги вазифаси ва ижтимоий масъулиятини билиши муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон Фармони.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон Фармони.*
4. *Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли фаолиятини ташкил этиши. Услубий қўлланма. –Т., 2022. – 58 б.*

PREZIDENT MAKTABI O'QUVCHILARINING IJODIY QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MODELI

Nilufar Matkarimova,

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Annotatsiya:

Ushbu maqolada Prezident maktabi faoliyatini yo'lga qo'yilishi hamda unda pedagogik jarayonni tizimli olib borishining samaradroligi haqida ma'lumot berilib, bunda o'quvchilarning ijodiy qobiliyatini shakllantirish texnologiyasining o'ziga xos tomonlariga alohida to'xtalib o'tilganligini ko'rish mumkin.

Kalit so'zlar: Prezident maktabi, ijodiy qobiliyat, ta'lim, tarbiya, modernizatsiya, iste'dod, madaniyat.

Аннотация:

В данной статье представлена информация о создании Президентской школы и эффективности системной реализации педагогического процесса.

Ключевые слова: Президентская школа, творческие способности, образование, обучение, модернизация, талант, культура.

Annotation:

This article provides information on the creation of the Presidential School and the effectiveness of the systematic implementation of the pedagogical process.

Key words: Presidential School, creative abilities, education, training, modernization, talent, culture.

O'tgan davr mobaynida uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy talablariga muvofiq yuqori malakali kadrlar tayyorlash bo'yicha keng ko'lamlı chora-tadbirlar amalga oshirildi. Shu bilan birga, iqtidorli yoshlar bilan ishlashning yagona va samarali tizimini yaratish, yosh avlodning iste'dodi va salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun bunday yoshlarning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, ilg'or xorijiy tajribalar talablari asosida darsliklar va o'quv-uslubiy qo'llanmalarni elektron shaklda nashr etish, shuningdek, xalqaro maydonda mamlakatimiz manfaatlarini professional va yuqori darajada munosib ifoda eta oladigan, talab yuqori bo'lgan mutaxassislarini tayyorlashni ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur bo'lmoqda. Iqtidorli yoshlarni aniqlash, tanlash, o'qitish va tarbiyalash, yosh iste'dodlarni yanada qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, darsliklar va o'quv-uslubiy qo'llanmalarni tayyorlash va nashr etishdagi muammolarni bartaraf qilish ishlarini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, shuningdek, umumta'lim muassasalari faoliyatini boshqarish va tashkil etishning maxsus tizimini yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezident ta'lim muassasalari agentligi tashkil etildi [58].

Yoshlarning intellektual va ijodiy salohiyatini rivojlantirish, iqtidorli bolalarni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish, ularning huquqiy ong va huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish xalq ta'limi sohasidagi davlat siyosatining eng muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.


Akmeologik yondashuv hozirgi kunda zamonaviy maktab uchun ilg'or va istiqbolli yo'nalishlardan biri

hisoblanadi. Akmeologik yondashuvning mohiyati har tomonlama o'rganish va etuklik bosqichida bo'lgan subyektning yaxlitligini tiklashdan iborat. Bunda uning individual, shaxsiy va subyektiv faoliyat xususiyatlari yaxlitlikda, barcha o'zaro bog'liqliklarda va vositachilikda o'rganilishi mumkin bo'lgan eng yuqori darajaga erishishga yordam beradi.

Tadqiqotning muhim yo'nalishi sifatida Prezident maktabi o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish imkoniyatlarini o'rganish maqsadida STEAM yo'nalishi asosiy baza sifatida belgilab olindi. Jumladan, mazkur yo'nalishi o'quv rejasining Science — ta'lim, Technology — texnologiyalar, Engineering — texnik ijodkorlik, Art — san'at, Mathematic — matematika fanlari asosida ta'limni jarayonini tizimli tashkil qilish orqali o'quvchilarda ijodiy qobiliyatni rivojlantirishga oid ta'limiy tajriba-sinov ishlari amalga oshirildi. Buning uchun o'quvchilarda ijodiy qobiliyatni shakllantirish komponentlariga muvofiq, integratsion "tayanch" fanlar belgilab olindi (2.2.1-rasmga qarang).

Bugungi kunda o'quvchilarda ijodiy qobiliyatni shakllantirishga doir qator zamonaviy yondashuvlar mavjud. O'quvchilarda ijodiy qobiliyatni shakllantirishning umumiy metodologik asosini mazkur jarayoninni o'zaro aloqador tarkibiy asoslardan iborat yaxlit pedagogik tizim sifatida talqin qilish imkonini beruvchi tizimli yondashuv tashkil etadi.

Tizimli yondashuv asosida shaxsning ijodiy qobiliyatlarini haqidagi tasavvurlar tarkib topadi. Mazkur yondashuv o'quvchilarda ijodiy qobiliyatni shakllantirish jarayoni modelini ishlab chiqish, uni amalga oshirishning samarali yo'llarini aniqlash imkonini beradi. Tadqiqot



2.2.1-rasm. Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishning integrativ mazmuni

uchun aniq-metodologik asos sifatida faoliyatga doir, shaxsga yo'naltirilgan, aksiologik yondashuvlar belgilab olindi.

Ijodiy qobiliyat tuzilmasi va komponentlariga asoslanish tadqiqot doirasida mazkur jarayonni amalga oshirish samaradorligini ta'minlashga xizmat qiluvchi pedagogik modelni ishlab chiqish imkonini berdi.

O'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishga yo'naltirilgan faoliyatning samarasi, eng avvalo, uning maqsadini to'g'ri belgilab olinishi bilan bog'liq. Tadqiqot doirasida ishlab chiqilgan model o'z oldiga aniq maqsadni belgilab olgan: Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlarini ishlab chiqish.

Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirish modeli qo'yilgan maqsadga erishishni ta'minlaydigan uchta blokni o'z ichiga qamrab olgan (2.2.3-rasmga qarang).

1. Maqsadli-jarayonli blok o'zida ijtimoiy buyurtma, maqsad va vazifalarni aks ettirdi. Ijtimoiy buyurtma sifatida Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirish, o'quvchilarning individual xususiyatlarini tarkib toptirish belgilab olingan. Ijodiy qobiliyatni shakllantirish jarayonida maqsadni aniqlash ijtimoiy-pedagogik tizim sifatida alohida ahamiyat kasb etuvchi omillar ta'sirini hisobga olishni ta'minlaydi.

2. Amaliy blok Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishga yo'naltirilgan beshta algoritmik bosqichni o'zida ifoda etgan: faoliyatni rejalashtirish; tashkil etish; amalga oshirish va baholash; refleksiya; korreksiya. Bu bosqichlar, o'z navbatida, Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirish shakl va


metodlarini ham aniqlashga xizmat qiladi. Tashkiliy-pedagogik shart-sharoitlar rejalashtirilgan faoliyatni aniq belgilangan mazmun bilan to'ldiradi. Mazkur shart-sharoitlarni sinovdan o'tkazish va tekshirish Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirish bo'yicha tajribaviy faoliyat davomida amalga oshirildi.

3. Baholovchi-natijaviy blok o'zida Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllanganligini baholash mezonlari, ko'rsatkichlari va darajalarini aks ettirgan. Har bir mezonga mos ko'rsatkichlarni aniqlashtirishda, bir tomondan, uni tabiiy sharoitda tekshirish imkoniyatining mavjudligi, ikkinchi tomondan, tashxis vositalarini tanlashning qulayligi hisobga olindi.

Modelning bloklari o'zaro bir-biriga aloqador bo'lib, yaxlitlik kasb etadi. Ularni faqat shartli ravishda ijodiy qobiliyatni shakllantirish jarayonida tizim komponentlarining o'zaro harakatini yanada aniqlashtirish maqsadida nazariy jihatdan qismlarga ajratish mumkin. Model bloklarining har biri o'zining funksiyalari, maxsus tanlab olingan mazmuni va didaktik o'ziga xosliklariga ega bo'lib, ijodiy qobiliyatni shakllantirishga doir umumiy pedagogik vazifaning ma'lum bir qismini hal etishga xizmat qiladi.

Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlari majmui deganda, mazkur jarayonning yuqori darajada amalga oshirishini ta'minlaydigan zaruriy va muhim chora-tadbirlar yig'indisi tushuniladi.

Tadqiqotda O.Lesher tomonidan taklif etilgan pedagogik shart-sharoitlar tasnifidan foydalanildi. Ana shu asosdan kelib chiqqan holda, tadqiqotning o'ziga xos jihati hisobga olib, ham nazariy, ham amaliy tavsifga ega pedagogik shart-sharoitlarni aniqlashtirish lozim, degan



xulosaga kelindi.

Nazariy tavsifga ega pedagogik shart-sharoitlarga quyidagilar kiritildi:

- Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishga yo'naltirilgan "Leaders club" maxsus to'garak kursini ta'lim amaliyotiga joriy etish;

- Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishda moslashuvchan ko'nikmalarning (Soft skills) muhimligini asoslash.

Amaliy pedagogik shart-sharoitlarga quyidagilar kiritildi:

- o'quvchilarni ijodiy faoliyatga jalb etish;

- o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishga yo'naltirilgan samarali shakl, metod va vositalarni tizimlashtirish.

Prezident maktabi o'quvchilarida ijodiy qobiliyatni shakllantirishga yo'naltirilgan samarali shakl va metodlarni ishlab chiqish amaliy pedagogik shart-sharoit sifatida tadqiqot uchun muhim ahamiyat kasb etdi.

3. Baholovchi-natijaviy blok o'quvchilarda ijodiy qobiliyatni rivojlanganligini baholash mezonlari, ko'rsatkichlari va darajalarini aks ettirgan. Mezonlarni belgilashda ularning ijodiy qobiliyat komponentlari bilan aynan mos bo'lishi hisobga olindi. Bu esa akmeologik yondashuv nuqtayi nazaridan maqbul holat sanaladi. Har bir mezonga mos ko'rsatkichlarni aniqlashtirishda, bir tomondan, uni tabiiy sharoitda tekshirish imkoniyatining mavjudligi, ikkinchi tomondan, tashxis vositalarini tanlashning qulayligi hisobga olindi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, modelning blokleri o'zaro bir-biriga aloqador bo'lib, yaxlitlik kasb etadi. Ularni faqat shartli ravishda ijodiy qobiliyatni rivojlantirish jarayonida tizim komponentlarining o'zaro harakatini yanada aniqlashtirish maqsadida nazariy jihatdan qismlarga ajratish mumkin. Model bloklarining har biri o'zining funksiyalari, maxsus tanlab olingan mazmuni va didaktik o'ziga xosliklariga ega bo'lib, ijodiy qobiliyatni shakllantirishga doir umumiy pedagogik vazifaning ma'lum bir qismini hal etishga xizmat qiladi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, modelning blokleri o'zaro bir-biriga aloqador bo'lib, yaxlitlik kasb etadi. Ularni faqat shartli ravishda ijodiy qobiliyatni rivojlantirish jarayonida tizim komponentlarining o'zaro harakatini yanada aniqlashtirish maqsadida nazariy jihatdan qismlarga ajratish mumkin. Model bloklarining har biri o'zining funksiyalari, maxsus tanlab olingan mazmuni va didaktik o'ziga xosliklariga ega bo'lib, ijodiy qobiliyatni shakllantirishga doir umumiy pedagogik vazifaning ma'lum bir qismini hal etishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 20-fevraldagi "Prezident maktablarini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4199 sonli qarori. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 07/19/4199/2642-son.
2. Анисимов О.С., Акмеология та методология: проблемы психотехники и мислетехники / О.С. Анисимов – М.: 1998. – 772 с.
3. Бегалиева С.Б., Акмеологический подход – новая парадигма в совершенствовании подготовки будущих специалистов // Успехи современного естествознания. – 2013. – № 7. – С. 123-126
4. Менчинская Н.А. Проблемы обучения, воспитания и психического развития ребенка. – М., 1998. – 448 с.
5. Никитин Б.П. "Развивающие игры". – М., 1994. – 364 с.
6. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю., Толковый словарь русского языка. – М., 1992. – 944 ст.
7. Петровского А.В., Ярошевского М.Г. Психология: Словарь / Под общ. ред... – М.: Политиздат, 1990. – 494 ст.
8. Петров К.В., Акмеологическая концепция развития творческого потенциала учащихся дисс... пед. наук: – М., 2008. – 753 с.
9. Пономарев Я.А. Психологическое моделирование научного творчества. – М.: «Научное творчество», 1969. – 347 с.
10. Попова Л.В. Социальная одаренность // Психология педагогического общения. – Кировоград, 1992. – Т. 3 с.
11. "Педагогика атамалар лугати". – Т.: Фан нашриёти, 2008. – 54 б.
12. Рубинштейн С.Л. "Основы общей психологии". – Питер: 2000. – 712 с.
13. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании, Монография. – М., 2010. – 142 с.
14. Ибрагимова Г.Н., "Интерфаол ўқитиши методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириши" педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори ...дисс. Автореф. – Т., 2017.